

АБДУРАҲИМ ВАҲОБОВ

**БОЗОР
МУНОСАБАТЛАРИ
ТИЗИМИДАГИ
ИЖТИМОИЙ
ФОНДЛАР**

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2003**

Ўзбекистон Миллий Университети
Иқтисодиёт факультети Илмий Кенгаши
томонидан нашрга тавсия этилган.

Илмий муҳаррир: *акад. М. Шарифхўжаев*

Тақризчилар: *и.ф.д., проф. Э. F. Набиев*
 и.ф.д., проф. М.Л. Турсунхўжаев
 и.ф.н., доц. П.З. Ҳошимов

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида фаол ва манзили ижтимоий сиёсатни амалга ошириш бюджетдан ташқари ижтимоий фонdlар тизими фалиятини йўлга қўйиш ва улардан самарали фойдаланиш каби тъсирчан шаклларни қўллашни талаб этилоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодий ислоҳотларнинг чукурлашиб бориши натижасида аҳолини ижтимоий химоя қилиш борасида давлат тузилмаларининг роли камайиб, бу вазифалар босқичма-босқич надавлат, жамоат ташкитларни, бюджетдан ташқари ижтимоий фонdlар зими масиги ўтказиб борилади. Мазкур монографияда ижтимоий фонdlарнинг манзили ижтимоий сиёсатни амалга оширишдаги функционал роли назарий жиҳатдан илмий асосланган, ижтимоий фонdlарнинг вужудга келиш сабаблари ва объектив зарурлиги тадқиқ этилган, бу фонdlарнинг шаклланиш манбалари, мулкий шакллари, ишлатилиш мақсадига кўра уларнинг янги таснифи берилган ва гуруҳлаштирилган. Ижтимоий фонdlарнинг ўсиш омиллари, молиялаштириш механизмлари, ривожланиши тамоийлари ва ўзгаришиустиворликлари аниқланган. Ўзбекистонда ижтимоий фонdlарнинг ишлатилиши хусусиятлари таҳлил этилиб, уларнинг функционал вазифаларидан келиб чиққан ҳолда фонdlар маблағларидан самарали фойдаланишга қаратилган илмий-назарий холосалар ва амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Монография олий ўкув юртлари талабалари, аспирантлари, тадқиқотчилари ва ижтимоий соҳа иқтисодиёти муаммоларини ўрганивчилар ва қизиқувчиларга мўлжалланган.

Ваҳобов А.В. Бозор муносабатлари тизимидағи ижтимоий фонdlар. — Т.: Шарқ, 2003 — 320 б.

ББК 65.268 я73

М У Н Д А Р И Ж А

<i>Кириш</i>	5
--------------------	---

I б о б

Бозор иқтисодиёти ижтимоий йўналтирилганлигининг назарий муаммолари	
1.1. Жаҳон иқтисодий фанида бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилганлиги муаммосига ёндашувлар.....	11
1.2. Бозор иқтисодиёти турли моделларида ижтимоий йўналтирилганлик.....	39

II б о б

Ижтимоий фондларнинг моҳияти, уларнинг бозор иқтисодиётидаги ўрни ва вазифаси	
2.1. Ижтимоий фондлар иқтисодий табиати ва уларнинг макроиктисодий доиравий айланишдаги ўрни....	64
2.2. Ижтимоий фондларнинг молиявий жиҳатлари.....	80

III б о б

Ижтимоий фондларни шакллантиришдаги халқаро тажриба ва унинг ўтиш давридаги мамлакатлар учун аҳамияти

3.1. Ривожланган иқтисодиёт шароитида ижтимоий фондларнинг амал қилиши.....	105
3.2. Ривожланаётган иқтисодиёт ва ижтимоий фондлар....	121
3.3. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида ижтимоий фондларнинг хусусиятлари.....	133

IV б о б

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ижтимоий фондлар

4.1. Бозор муносабатларини шакллантиришнинг миллий моделида иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилганлиги хусусиятлари.....	165
4.2. Давлат ижтимоий фондлари.....	186
4.3. Нодавлат ижтимоий фондлар.....	202

V боб

Ижтимоий фондлардан фойдаланиш самарадорлиги	
5.1. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ижтимоий бошқарув.....	216
5.2. Ўзбекистонда ижтимоий фондлар маблағларидан фойдаланиш йўналишлари ва уларнинг самарадорлиги.....	242
5.3. Ижтимоий фондларнинг ривожланиш истиқболлари..... Хуоса.....	270 289
<i>Адабиётлар.....</i>	301

КИРИШ

Ўзбекистонда шаклланаётган бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилганлиги ислоҳотларнинг ўзига хос «ўзбек модели»нинг асосий тамойилидир.

Кучли, мақсадга йўналтирилган ижтимоий сиёсатни амалга ошириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг таъсирчан механизмини яратиш мамлакатда бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг ва ижтимоий-сиёсий барқарорликка эришишнинг омили бўлиб қолди.

Мамлакатимизда бозор ислоҳотларининг босқич-ма-босқич амалга оширилиши ижтимоий ҳимоя масалаларида ҳам ўз аксини топмоқда. Нарх-навони эркинлаштириш ва инфляция даражаси юқори бўлган шароитларда аҳоли даромадларини индексациялаш; истеъмол бозорини ҳимоялаш, янги иқтисодий шароитларга мослаша олмаётган аҳолининг ижтимоийnochор қатламларини қўллаб-кувватлаш сингари устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Дастробки босқичда нархларни чегаралаш орқали аҳолининг барча қатламлари ёппасига давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилинди.

Иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашиб, иқтисодиёт барқарорлашиб борган сари аста-секин аҳолини ялпи ижтимоий ҳимоялаш тизимидан ишончли ижтимоий кафолат бериш ва аҳолининг фақат муҳтоҷ қатламларини қўллаб-кувватлаш механизми яратилишига босқичма-босқич ўтила бошланди. Аҳолининг ҳамма қатламларини ёппасига ижтимоий ҳимоялаш тизими аста-секин турли ижтимоий қатлам ва гуруҳларга табақалаштириш билан алмаштирилди ва аҳолини адресли ижтимоий ҳимоялаш тизими шакллана бошланди. Ёбу тизимга: бюджет маблағлари ҳисобидан аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтоҷ қатламларига нафақа тўлаш, қонуний равищда белгиланган энг кам миқдордаги иш ҳақи, пенсия тўлаш учун сарфлаш;

Кириш

аҳолининг муайян тоифасига бепул ижтимоий хизмат кўрсатиши таъминлаш; қатор ижтимоий хизматларни минимал даражада истеъмолчиларга тўғридан-тўғри етказиб бериш ва бошқалар киради.

Иқтисодиёт эркинлаштирилаётган ва бозор ислоҳотлари чуқурлашиб бораётган босқичда кучли ижтимоий сиёsat тўлалигича устувор бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти бу борада: «Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ислоҳотларнинг барча босқичида асосий йўналиш бўлиб хизмат қилади. Бу ислоҳотларимизга асос қилиб олинган беш тамойилдан биридир. Биз бундан кейин ҳам шу тамойилга таянган ҳолда иш олиб боришимиз керак», — деб алоҳида таъкидлайди.¹

Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида фаол ижтимоий сиёsatни амалга ошириш янгича амалий шаклларни қўллашни талаб этади. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, бюджетдан ташқари ижтимоий фонdlар тизими фаолиятини йўлга кўйиш ва ундан самарали фойдаланиш бу шакллар ичida мұхим ўрин тутади.

«Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг амалдаги механизмини таңқидий баҳолаш ва мустаҳкамлаш, унинг аниқ тоифадаги кишиларга қаратилишини кучайтириш лозим бўлади. ... бу ишларнинг ҳаммасига хайрия ташкилотларини, давлатга қарашли бўлмаган жамғармаларни ... маблагини кент жалб этиш лозим».²

Республикамиз Президенти И. А. Каримов II чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 9-сессиясида сўзлаган маъruzасида жамиятимизни демократлаштиришнинг ва fuқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг «бешинчи устувор йўналиши ... бу жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтиришдан иборат», — деб таъкидлади.³

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашиб бориши натижасида аҳоли-

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Ўзбекистон, 1999. — 18—19-б.

² Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Ўзбекистон, 1999. — 40—41-б.

³ Каримов И. А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва fuқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. «Халқ сўзи», 2002 йил 30 август.

ни ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги давлат тузилмаларининг роли камайиб, бу вазифалар босқичмабосқич нодавлат, жамоат ташкилотлари, бюджетдан ташқари ижтимоий фондлар зиммасига ўтказиб борилади.

Ўзбекистонда ижтимоий фондлар шакллантирилишида уларнинг ташкил қилиниши бўйича жаҳон тажрибаси ўрганилиб, мамлакатдаги мавжуд ижтимоий-иктисодий муносабатлар эътиборга олиниши лозим. Бундай уйғунлаштиришга эришиш натижасида ижтимоий сиёсатнинг самарадорлиги ва таъсирчанлиги ортади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда бир қатор турли даражадаги давлат ва нодавлат ижтимоий фондлар фаолият кўрсатмоқда. «**Нодавлат ва жамоат ташкилотларини ривожлантиришдан мақсад — жамият аъзоларининг манфаатлари мувозанатини таъминлаш ва ҳимоя қилиш**»⁴ ҳисобланади. Ушбу фондларнинг баъзилари бошқа мамлакатлардагига ўхшаш бўлса, бошқалари эса ўхшалий йўқ, яъни оригинал бўлиб, бозор муносабатларига ўтишнинг ўзимизга хос миллий йўлимиз борлигини тасдиқлаб турибди. Иктисодиёт тараққий этгани сари ижтимоий фондлар аҳамияти ҳам ортиб боради ва улар сон жиҳатдан ҳам кўпайиб боради. Бу эса, ижтимоий фондлар моҳияти ва вазифасини илмий тарзда тушунишни, таҳлил этишни, улар фаолиятини йўлга қўйишда жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштиришни талаб этади.

Бозор иктисодиётига ўтиш шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муаммолари ўрганилиши хорижлик ва ватанимиз иктисодчи олимлари илмий тадқиқотларининг энг фаол йўналишларидан биридир. Давлатнинг фаол ижтимоий сиёсатининг мазмуни, шакллари ва мезонларига оид масалалар хорижий олимлар Н. Барр, М. Рутковский, И. Томаш, Р. Хольцман, Г. Колодка, А. Премчанд, Дж. Сакс, Э. Аткинсон, Дж. Стиглиц, Д.Ж. Бьюкенен, А. Н. Бабич, Е. Н. Егоров, Е.Н. Жильцов, Е.В. Пономаренко, Н. Н. Гаврилова, С.В. Кадомцева, Л.И. Якобсон, Н. Дмитри-

⁴ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. — Т.: Ўзбекистон, 1999. — 22—23-б.

Кириш

ев⁵, Ўзбекистонда эса Э. Акрамов, Х. Аллақулов, Р. Алимов, И.А. Каримов, Р. Каримов, Т. Каримова, Г.К. Сайдова, Р.А. Убайдуллаева, Х.Н. Муродова, А. Ўлмасов, М. Ҳакимова, М. Шарифхўжаев, Х. Мамарасулов, А.Эргашев ва бошقا кўплаб олимларнинг асарларида ёритилган.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муаммолари қанчалик кенг қамраб олингани ва илмий жиҳатдан чуқур ўрганилганлигига қарамай, аксарият тадқиқот ишларида эътибор умумий масалаларни таҳлил этишга қаратилган. Кўпчилик нашр этилган илмий мақола ва рисолаларда ижтимоий сиёсатнинг айрим соҳалари — да-

⁵ Карапнг: Labour Markets and Social Policy in Central and Eastern Europe: The Transition and Beyond.//edited by Nicolas Barr. — The International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank. Washington.: 1997. 495 p.; Regional Conference on social investment funds in transition economies, Yerevan, Armenia, November 9—12 of 1998.; Pension Systems in Crisis. Harvard Institute for International Development, World Bank Institute Workshop on Pension Reform. Cambridge, Massachusetts, June 14—25, 1999.; Social Policy Reform in Transition Economies. The World Bank Institute, International Workshop on: «Labor Markets in Transition Economies». Dublin, Ireland, October 10—20, 1999.; Хольцман Р. «Об экономических выгодах и фискальных требованиях перехода от неоплаченных к оплаченным пенсиям» / Вашингтон, Университет Джона Гопкинса, 1999 г. 70 с.; Аткинсон Э., Стиглиц Дж. «Лекции по экономической теории государственного сектора». / М.: 1995 г.; Бабич А. М., Егоров Е. Н., Жильцов Е. Н. Экономика социального страхования / Курс лекций. М.: ТЕИС, 1998. 189 с.; Безработица, структурная перестройка экономики и рынок труда в Восточной Европе и России / М.: ИНФРА-М, 1995 г. 477 с.; Гаврилова Н.М., Пономаренко Е. В. Третий сектор: механизм некомерческого хозяйствования. / М.: 1999. 136 с.; Жильцов Е. Н. «Экономика общественного сектора и некоммерческих организаций». / М.: 1995 г. 185 с.; Кадомцева С. В. «Экономические основы системы социальной защиты». / М., 1997 г. 248 с.; Премчанд А. Управление государственными расходами. / Пер., с англ. — Международный Валютный Фонд, Вашингтон, 1994 г. 280 с.

⁶ Карапнг: Социальные реформы в странах с переходной экономикой. — М.: 1997. 223 с.; Актуальные проблемы экономики Узбекистана переходного периода. / под ред. д.э.н. Гулямова С. С. и др. — ТГЭУ, Т.: 1996. 166 с.; Акрамов Э., Таиров А. Экономические реформы Республики Узбекистан. / М.: ТОО Люкс-арт, 1998; Ўлмасов А. Оила иқтисоди. — Т.: Меҳнат, 1998. 49 б.; Сайдова Г. К. Социальная политика правительства Узбекистана в переходном периоде: достижения и проблемы. // Экономическое обозрение. 1998. № 1. с. 15—19; Ҳакимова М. А. Роль государства в развитии социального сектора. // Экономика и статистика. 1999. № 4. с. 73—74; Доклад о человеческом развитии. Узбекистан. 1999. — Т.: UNDP. 2000. 92 с.; Убайдуллаева Р. А. Сильная социальная политика и развитие системы социальных гарантий. // Общество и экономика, 1998, № 3. с. 132—141; Каримова Т. А. Бозор муносабатларини чукурлаштириш жараённида давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини тъъминлаш муаммолари. / Узбекистан курсом свершений и процветания. Т.: «Ижтимоий фикр», 2000. с. 45—50.; Алимов Р. О. Иқтисодий ислоҳотлар миллий моделининг ўзига хос хусусиятлари. / Узбекистан курсом свершений и процветания. Т.: «Ижтимоий фикр», 2000. с. 37—45.

ромадлар индексацияси, давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлиги, ночорларга ижтимоий ёрдамнинг шакллари ва зарурлиги ёритилгани ҳолда иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилганлиги, уни юзага чиқариш механизмлари ва бунда турли фонdlарнинг роли эътиборсиз қолмоқда. Мазкур фонdlарнинг моҳияти, уларнинг шаклланиши ва ишлатилиши, айниқса, са-марадорлиги ва макроиқтисодий сиёсатдаги роли таҳлил этилмаган. Ваҳолангки, бу фонdlарнинг аҳамияти ва таъсирчанлиги ортиб боришга мойил бўлмоқда. Шунга қарамай, ижтимоий фонdlарнинг вужудга келиши, амал қилиш хусусиятлари ва ривожлантириш истиқболлари республиканизнинг иқтисодиёт фанида амалда ҳанузгача ўрганилмай қолмоқда, дейишга етарли асослар бор. Жаҳон амалиётида эса, ижтимоий фонdlарни, айниқса нодавлат ижтимоий фонdlарни ташкил этиш борасида бой тажриба тўплаганки, улардан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Хорижий мамлакатларда бу йўналишда кўплаб илмий-назарий тадқиқотлар олиб борилмоқда ва амалий ишлар амалга оширилмоқда, уларнинг ижобий тажриба ҳамда натижаларидан Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш амалий ва илмий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир.

Китобхонларга тақдим этилаётган илмий рисоланинг асосий мақсади бозор тизимининг ижтимоий йўналишини амалга оширишда ижтимоий фонdlарнинг функционал ролини асослаш, бу фонdlарни шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш йўллари юзасидан амалий таклифлар беришдир.

Риволанинг назарий ва методологик асоси қилиб ижтимоий-иқтисодий муносабатларни таҳлил этишда қўлланадиган тизимли ёндашувлар, ватанимизда ва жаҳон фанида мавжуд бўлган методологик таҳлил усуллари, И. А. Каримов асарларида ижтимоий тараққиётнинг моҳияти ва босқичларига баҳо беришдаги ёндашувлар олинди.

Илмий рисолани ёзишда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидан, хорижий адабиётлар ва манбалардан, Умумжаҳон банки,

Кириш

Халқаро валюта фонди, Европа Таъмирлаш ва Тарақ-қиёт банки, ва бошқа халқаро ташкилотлар материаллари ва ҳисоботларидан кенг фойдаланилди.

Рисолада ишлаб чиқилган илмий тавсиялардан ижтимоий ҳимоялашнинг бозор муносабатлари тизимиға хос бўлган янги усусларни шакллантириш ва Ўзбекистондаги мавжуд нодавлат фондларнинг амалий фаолиятини яхшилашда қўлланиши мумкин.

Илмий рисоланинг назарий қоидалари ва унинг амалий материалларидан иқтисодиёт назарияси, макроиктисодиёт, ижтимоий сиёsat ва бошқа ижтимоий мавзудаги фанларни ўқитишда ва маҳсус курсларни ишлаб чиқишида муҳим манбаа бўлиши мумкин.

I б о б

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ИЖТИМОИЙ ЙЎНАЛТИРИЛГАНЛИГИННИГ НАЗАРИЙ МУАММОЛАРИ

1.1. Жаҳон иқтисодий фанида бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилганлиги муаммосига ёндашувлар

Жаҳон тарихининг XX асрида социализм ва капитализм кураши чуқур из қолдирди. Аср охирига келиб социализм ижтимоий ривожланиш шакли сифатида ўзининг яроқсизлигини намоён этди. Кўплаб собиқ социалистик мамлакатлар ушбу таълимотдан воз кечганлиги буни ишонарли равишда исботлайди.

Шу билан бир қаторда, капитализм ҳам замонавий истиқболли ижтимоий-иқтисодий таълимот деб ҳисобланмай қолганлигини эътиборга олиш керак. Бутун жаҳонда гарб мамлакатларида кенг тарқалган **экономика дарсликлирида** ҳам капитализм таърифини ҳозирги замонга нисбатан татбиқ этишда муайян тушунмовчиликлар борлиги таъкидланмоқда.

Чунончи, миллий даромаддан фойдаланишда капиталистлар ҳиссаси масаласини кўриб чиқишар экан, оммавийлиқда (П. Самуэльсон дарслигидан сўнг) иккинчи ўринда турган дарслик музаллифлари: «...биз ўз тизимимизни гарчи «капиталистик иқтисодиёт» деб номласак-да, капиталистларнинг миллий даромаддаги ҳиссаси... миллий даромаднинг бор-йўғи 20 фоизини ташкил қиласи», — деб ошкора ёзмоқдалар. Айни маҳалда миллий даромаднинг мазкур тақсимланиш таркиби бир неча ўн йиллардан бўён барқарор сақланиб келаётгани таъкидланмоқда⁷.

Моҳиятан, энди гап капитализмнинг социализмдан устунлиги тўғрисида эмас, балки ҳозирги замонда

⁷ Макконелл К., Брю С. Экономикс: Принципы, проблемы и политика.: Пер. с англ. — М., 1992 г., т. 2, с. 185.

Бозор иқтисодиёти ижтимоий йўналтирилганлигининг
назарий муаммолари

муайян мамлакат учун бозорнинг қайси тизими истиқболлироқ эканлиги ҳақидаги масала кўтарилмоқда. Социализм бозорни инкор этишнинг амалдаги салбий мафкуравий шакли эди. Капитализм эса, аксинча, бозорни ривожлантиришнинг мафкуравий шакли сифатида фаолият кўрсатган, зеро ҳамма доим капитализм бозор иқтисодиётига асосланади, деб тушунарди.

Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда олимлар, мутахассислар ва амалиётчилар асосий эътиборни бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг долзарб ва устивор масалаларига қаратишди. Ижтимоий йўналтирилганлик муаммоларига ёндашувни айни шу маънода кўриб чиқиш лозим.

Ижтимоий йўналтирилганлик масалаларига мавжуд ёндашувларни муайян тизимга солиш учун дастлаб бозор иқтисодиётининг моҳиятини очиб бериш зарур. Иқтисодчи олимлар ўртасида бозорнинг асосий мазмунни тўғрисида умумқабул қилинган тушунча мавжуд бўлиб, бундай ҳолат бизнинг вазифаларимизни анча осонлаштиради.⁸

Бозор ҳам, бошقا ҳар қандай иқтисодий тизим сингари, чекланган ишлаб чиқариш ресурсларини қўллаш билан боғлиқ уч асосий масалани ҳал қилишнинг шакл ва усусларини тақозо этади:

- Жамият тасарруфидаги ресурслар имкон берадиган даражада жами қандай ва қанча миқдорда иқтисодий неъматлар ишлаб чиқариши даркор. Бу ресурслар чекланганилиги сабабли танлашни шу тариқа амалга ошириш зарурати объектив рашишда юзага келади.
- Бу неъматлар қандай ишлаб чиқариш технологиялари воситасида ва қандай ресурслар ёрдамида яратилади.

⁸ Самуэльсон П., Нордхаус В. Экономика: Пер. с англ. — М. 1997 г.; Макконнел К., Брю С. Экономикс: Принципы, проблемы и политика.: Пер. с англ. — М., 19992 г.; Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика: Пер. с англ. — М., 1995 г.; Сакс Дж., Ларрен Ф. Макроэкономика. Глобальный подход Пер. с англ. — М., 1996 г.; Хейне П. Экономический образ мышления. — Пер. с англ. — М., 1993 г.; Зайдель Х., Теммен Р. Основы учения об экономике. — М., 1994 г.; Львов Ю.А. Основы экономики и организация бизнеса. С — П. 1992 г.; Порттер М. Международная конкуренция. М., 1994 г.; Робинсон Дж. Экономическая теория несовершенной конкуренции. М., 1996 г.; Экономика. Под ред. А. С. Булатова. — М., 1995 г.; Бункина М. К., Семенов В. А. Макроэкономика. — М., 1995 г. и др.

- Яратилган (жами миллий даромадни ташкил этувчи) неъматлар ишлаб чиқариш иштирокчилари ўртасида ва жамиятда қандай тартибда тақсимланади.

Иқтисодий адабиётда бозор иқтисодиётининг бир нечта асосий таърифлари кенг тарқалган. Масалан, энг эркин тасаввурлар орасида кўпинча «laissez-faire» деб юритиладиган бирмунча содда кўринишдаги бозор иқтисодиёти таърифи кўпроқ кўриб чиқилади. Ушбу атама замираша хўжалик фаолиятини ташкил қилишнинг шундай шакли тушуниладики, унда айрим шахслар ва хусусий компаниялар ишлаб чиқариш ва истеъмол тўғрисидаги қарорларнинг ўзаро таъсири орқали нарх тизими, даромад, сарф-ҳаражат, рағбат ва рағбатлантириш тизимларидан келиб чиқиб қабул қиласидар. Бу тизимда, давлат тузилмалари бўлмайди, бозор механизми ва давлат муайян даражада ўзаро қарама-қарши кўйилади.

Бошқа томондан эса, давлат муҳим бошқарувчилик ва мувофиқлаштирувчилик вазифаларини бажарадиган, чекланган ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш тизимига асосланган бозор иқтисодиёти тўғрисидаги қарашлар ҳам кенг тарқалган. Иқтисодий муносабатларнинг асосий субъектлари мажмууда давлат асосий ўринлардан бирини эгаллади. Шунинг учун у муҳим иқтисодий мазмунга эга.

Муайян миллий бозор иқтисодий у ёки бу аниқ модели кўп жиҳатдан давлатнинг иқтисодий тизимдаги роли қай тариқа белгиланганлигига қараб юзага келади.

Самарали фаолият кўрсатаётган бозор механизми иқтисодий тизимнинг мазкур асосий масалалари ҳал этилишини таъминлайди. Бу, энг аввало, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар манфаатларини мувофиқлаштириш воситасида, яъни уларнинг ўз фаолиятида бир-бирини назарда тутиш учун зарур шароит яратиш орқали амалга оширилади. Ижтимоий йўналтирилганликнинг дастлабки вектори бозор иқтисодиёти тўғрисидаги шу қоидада ўз ифодасини топади.

Бозор иқтисодиёти одамларнинг эҳтиёжларини имкони борича энг кўп даражада қондириш учун энг самарали восита бўлган ижтимоий цивилизацияга эришиш маъносида ўзига хос алоҳида аҳамият касб этади. Яъни ижтимоий тараққиёт нуқтаи-назаридан ушбу мақсадларга эришишнинг мақсад ва вазифаларини қатъий фарқлаш лозим.

Ижтимоий ишлаб чиқаришни тизимли ташкил қилиш жиҳатидан бозор бир қатор вазифаларни бажаради:

- 1) Ахборот билан таъминлаш, яъни бозор шароитида қарор қабул қилишда инсонга зарур бўлган турли ахборотларни яратиш ва тарқатиш.
- 2) Воситачилик. Ривожланган меҳнат тақсимоти шароитида иқтисодий жиҳатдан алоҳида бўлган ишлаб чиқарувчилар ўз хўжалик фаолияти натижаларини кўп ҳолларда умумий, ягона қоидалар бўйича айирбошлаш имкониятига эга бўладилар.
- 3) Инсон ва жамият томонидан самарали хўжалик юритишининг чекланган ресурслардан оқилона фойдаланишининг рағбатлантирилиши. Мувозанатлашган баҳолар механизми ёрдамида, биринчидан, оптималь таркибий нисбатлар ва ишлаб чиқариш миқёси энг юқори имконият даражасида шакллантирилади; иккинчидан, чекланган ишлаб чиқариш ресурсларини ижтимоий истеъмол нуқтаи-назаридан оқилона тақсимлаш таъминланади; учинчидан, ишлаб чиқаришнинг технология учун энг мос усуллари яратилади ва маҳсулотнинг юқори сифати сақлангани ҳолда унга қилинадиган сарф-ҳаражатларни камайтиришга эришилади.
- 4) Тақсимлаш ва айирбошлаш. Банд бўлганлар ва аҳоли таркибининг ижтимоий гуруҳлари ўртасида тақсимлаш ва айирбошлаш амалга оширилади ва умумий қоидалар ўрнатилади.
- 5) Мутаносиблик вазифаси. Бозор ишлаб чиқариш тузилмалари билан истеъмол тузилмалари ўртасида мувофиқлик қарор топишига кўмаклашади.
- 6) Санациялаш вазифаси. Рақобатчилик кураши механизми орқали хўжалик тизими рақобатбардош бўлмаган фирмалар ва корхоналардан тозаланади, яъни ресурслардан айрим ишлаб чиқариш бўгинла-

ри даражасида самарали фойдаланишнинг иқтисодий «кафолатлари»ни юзага келтиради.

Бозор механизмининг иқтисодий қуввати мазкур вазифаларнинг бир-бiri билан чамбарчас бирикиб кетишида намоён бўлади. Бундан ташқари, у азалдан инсоннинг касбни марказлаштирилмаган ҳолда ва эркин танлашига, унинг товар истеъмол қилиш ва ишлаб чиқариш борасида эркин қарор қабул қилиш имкониятига, даромад ва мулкдан фойдаланиш бўйича мустақил бир қарорга келишига асосланади.

Янгиликларни қабул қилиш учун очиқлик, доимий рақобатчилик кураши билан тавсифланувчи бозорнинг ахборот тизими самарадорлиги янги эҳтиёжларини тезроқ ва яхшироқ англаб олиш, шунингдек ривожланишнинг стратегик масалаларини ҳал этишини таъминлаш имконини беради. Айрим ечимлар талаб ва таклиф таъсири остида шаклланувчи нархларни тартибга солиш воситасида мувофиқлаштирилади. Натижада нарх механизми иқтисодиётининг барча даражаларида бошқаришни мувофиқлаштиришнинг юқори самарадор воситаси бўлиб чиқади. Ишлаб чиқарувчиларнинг бозор шароитига мослашиш мақсадида қарор қабул қилиш жараёнининг чўзилиши хатоликларга йўл қўймасликни кафолатламайди. Бирорқ, бу хатоликлар туфайли кўриладиган зарар сафация орқали камайтирилади.

Рақобатчилик кураши нарх механизми амал қилишининг ҳал қилувчи шартидир. Бозор иқтисодиёти жараённада тақдим этилган ахборот ўз мазмуни ва ҳажмига кўра, маъмурий буйруқбозлик бошқарув шароитидагига қараганда анча кенг ва тўлароқdir.

Шундай қилиб, бозор чекланган ишлаб чиқариш ресурсларини самарали тақсимлашни, уларнинг ишлаб чиқариш жараёнидаги ўзаро таъсирини ва ушбу ўзаро таъсири натижасидан кейинчалик фойдаланишни таъминловчи восита, ижтимоий эҳтиёжларни қондиришда воситалардан оқилона фойдаланилганлик даражасини баҳолаш мезонини белгилаб берувчи мақсад ҳисобланади.

Шу нуқтаи-назардан, юқорида келтирилган далиллар асосида қуйидагича хуласа чиқариш мумкин: бо-

зор ижтимоий мақсад билан таркибий ўзаро таъсира бўлмаса, уни мазмун жиҳатдан ўрганиб бўлмайди.

Мақсад ва воситаларнинг ўзаро таъсири мураккаб ривожланиш жараёнидан иборат бўлиб, унда тўғри ва тескари алоқалар мавжуд бўлади. Бу ижтимоий мақсад мазмунининг асосий параметрлари воситанинг, яъни бозор иқтисодиётининг ўз мазмуни билан қўшилиб кетади ва унга кириб боради. Аввалдан айтиш мумкинки, бозор иқтисодиёти ижтимоий йўналтирилганликнинг моҳиятли белгилари, биринчи навбатда, айни шу ўзаро боғлиқлиқдан вужудга келади. Ижтимоий мақсаднинг уни рӯёбга чиқарадиган ижтимоий воситадаги инъикосини мана шу ижтимоий йўналтирилганликда кўрамиз.

Бундай ҳолда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти мақсад ва унга эришиш воситалари тизимишининг бирлиги сифатида намоён бўлади.

Ижтимоий йўналтирилганликнинг мазмун асосларини талқин қилишда турлича ёндашувлар мавжуд. Бир томондан, бозор иқтисодиётининг юқорида таъкидлаган «laissez-faire» тамойилига мувофиқ, ижтимоий йўналтирилганлик бозор қонунлари амал қилишининг асосий оқибати ҳисобланади. Бу — ривожланишнинг имманент, ички тақозо этилган йўналганлиги, цивилизациянинг бозор иқтисодиёти шаклидаги табиий ривожланиши натижасидир.

Бундай ёндашувда, бозор муносабатлари қанчалик ривожланган бўлса, бозор механизмида эркинлик қанчалик кўп ва чеклашлар кам бўлса, ижтимоий йўналтирилганлик шунчалик яқъол намоён бўлади. Бундан ташқари, муайян даражада аҳоли турмуш фаровонлиги даражасининг эркин бозор иқтисодиёти мавжудлигига боғлиқлиги шаклланади.

Тарихдан маълумки, йигирманчи асрнинг дастлабки учдан бирида бозор механизмлари ижтимоий тараққиётни таъминлай олмагани ва тараққий этган мамлакатларда давлатнинг хўжалик жараёнларига, айниқса ижтимоий кафолатларни белгилаш соҳасига фаол аралашганлиги туфайлигина «Буюк Депрессия» гирдоидан чиқа олгани маълум.

Шу даврдан бошлаб бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилганлиги талқинига ўзгача ёндашув

юзага келди. Энг аввало, бозор механизми бош ижтимоий муаммоларни, яъни даромадлардаги табақа-лашувларни камайтириш, қашшоқлик ва аҳолининг кўпчилик ижтимоий гурухларининг кам таъминланганлигини тугатишни самарали ҳал эта олмаслиги тан олинади. Боз устига бозор муносабатларининг иқтисодий табиати объектив равишда ижтимоий муаммоларнинг кескинлашувига олиб келади, чунки ҳар бир янги ишлаб чиқариш циклида ресурслар тақсимоти муайян кишилар фаолиятининг самарадорлигига қараб эмас, балки даромадларнинг аввалги тақсимотига мувофиқ амалга оширилади. Натижада жамиятда кишилар қобилияtlари тақсимоти чекланган ишлаб чиқариш ресурсларининг ҳақиқий тақсимотидан тобора йироқлашаверали.

Бундай салбий жараёнларнинг кучайиб боришини фақат бозор механизми асосида тўхтатишнинг имкони йўқ деб, бу вазифа давлат зиммасига юклатилади. Шу тарзда, бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилганлиги унга хос бўлган имманент ривожланиш қонунлари амал қилиши натижасидагина эмас, балки кўпроқ давлат томонидан амалга оширилган ташқи таъсир ҳисобига содир бўлади.

Назаримизда, бозор иқтисодиётидаги ижтимоий йўналтирилганлик сабабларининг келиб чиқишини бу қадар қатъий ажратиш ҳозирги воқеъликка мувофиқ келмайди. Энг аввало, ижтимоий йўналтирилганникнинг ташқи ва ички сабабларини ажратишга қараганда уларнинг ўзаро таъсири негизини ҳамда бу ўзаро таъсирнинг ривожланиб бораётган, ва мукаммал шаклларини излаш муҳимроқдир.

Бинобарин, бозор иқтисодиёти — энг аввало, шундай иқтисодиётки, унга ишлаб чиқаришни истеъмолчига бўйсундириш, яъни ижтимоий йўналганлик имманент хосдир. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий параметрлари пировард натижада аҳолининг ортиб ва ўзгариб бораётган эҳтиёжларига қараб белгиланади. Аҳолининг тўхтовсиз ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш, талабни рафбатлантиришга интилиш, айни шу йўл билан фойда олиш ва ишлаб чиқаришни тегишли равишда рационализациялаш ишлаб чиқарувчилар манфаатларини истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини

қондириш воситасида рўёбга чиқарадиган бозор иқтисодиёти ижтимоий йўналтирилганлигининг ҳал қилувчи ички белгилари мажмуига айлантиради.

Иқтисодиёт фанида хўжалик ривожланишида жами талабнинг устивор роли дарҳол англамади. Маълумки, ўнлаб йиллар мобайнида назарий мулоҳазалар заминида Сэй қонуни⁹ ётди. Бу қонунга кўра, таклиф ўз-ўзидан талабни юзага келтиради, яъни мавжуд ресурслар ҳажми (ишлаб чиқаришда банд бўлиши мумкин бўлган ишловчилар сони, табиий бойликлар ва жамғарилган капитал ҳажми) ва улардан амалда фойдаланиш масаласи шунчаки юзаки тавсифланди. Талаб ва унинг ролини тадқиқ қилишга муҳим ҳисса қўшган олим, машҳур иқтисодчи Ж. М. Кейнс бўлди. У ресурслардан фойдаланиш муаммосини таклиф томонидан эмас, балки талаб томонидан ҳал этиш лозимлигини таъкидлайди. Кейнс самарали талаб қоидасини жорий этар экан¹⁰, бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилганлиги масаласидан кўра кўпроқ бошқа муаммоларни ҳал этмоқчи бўлган эди. Шундай қилиб, ривожланишнинг ижтимоий йўналиши учун жуда муҳим бўлган макроиқтисодий ривожланишдаги жами талабнинг биринчи даражали аҳамиятини шу олим таърифлаб берган.

Айни маҳалда, ижтимоий мақсадларни қондириш воситаси сифатида қараладиган бозор иқтисодиёти тизими шу мақсад билан бутунлай уралашиб қололмайди. У ривожланишнинг муайян босқичи ва шароитида ижтимоий мақсад билан кескин зиддиятга киришиши мумкин бўлган ўз мазмунига эгадир. Шу ўринда собиқ совет сиёсий иқтисодининг аввалги тасаввурларига бироз қайтиш жоиз. Ўша даврда мавжуд бўлган иқтисодий назария мулоҳазалари тизимига мувофиқ, амалда барча иқтисодий қонунлар, айниқса, асосий қонуннинг моҳияти социалистик ривожланишнинг олий мақсади сифатида белгиланганди. Бунинг натижасида иқти-

⁹ Макконнел К., Брю С. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. Пер. с англ. — М., 1992 г., т. 1, с. 195—197.

¹⁰ Масалан, қараша: Лившиц А. Государство в рыночной экономике. — «Российский экономический журнал», 1992 г. № 10—11; Аткинсон Э., Стиглиц Дж. Лекции по экономической теории государственного сектора. — М., 1995 ва б.

содиёт аслида, ўзи амал қилишининг мафкурадан ҳоли бўлган қонунларига эга эмасди. Иқтисодий ҳаётни ялпи мафкуралаштириш, маълумки, кўп салбий оқибатларга олиб келди ва, хусусан, ижтимоий муаммоларнинг мунтазам равишда ҳал этилмаганлиги шундай кўришишлардан бири эди.

Бизнингча, ҳар қандай миллий хўжаликни ривожлантиришнинг мақсади бозор иқтисодиётига нисбатан ҳам ички, ҳам ташки жиҳатларга эга. Шунинг учун, мақсаднинг мазмуни, унга эришиш воситаси ва бозор иқтисодиётининг ўзини фарқлаш ижтимоий ривожланишнинг иқтисодий ва ижтимоий йўналишлари ўртасидаги муайян зиддиятларнинг шаклланишини олдиндан белгилаб берди.

Бундай ажralишнинг объектив негизи шундаки, аҳоли эҳтиёжлари тузилиши, аҳоли ўртасидаги қобилиятлар тақсимоти ва жамият ресурслари тақсимоти ҳеч қачон ўзаро мувофиқ келмайди. Бундай тартибот цивилизациянинг кўп асрлик тарихи давомида юзага келган ва иқтисодиёт назарияси буни одатдаги ҳолат сифатида қабул қиласди.

Ижтимоий ривожланишнинг бундай позицияларини бараборлаштиришга ҳали ҳеч қаерда муваффақ бўлинмаган.

Айни маҳалда шуни таъкидлаш зарурки, бозор механизми амал қилишининг ўзи кўп жиҳатдан даромадлар ва ресурсларга эгалик ўртасида тенгсизликни вужудга келтириш билан боғлиқдир. Бозорнинг асосий категорияларининг кўпчилиги тизимда ўз ролини ўйнашига имкон яратган кучли асосий механизм айни шу тенгсизликдан келиб чиқади.

Давлат аралашувининг зарурлиги, унинг ўрни ва ролини аниқлаш соҳасидаги кўплаб тадқиқотлар, назаримизда, бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилганлигини ўрганишнинг муҳим йўлидир. Жумладан, давлат пенсия суғуртаси, касаллик бўйича суғурта, шунингдек энг кам таъминланган кишилар манфатларини кўзловчи бошқа кўплаб чоралар ва ҳоказолар доирасида даромадларни қайта тақсимлаш механизми фаолиятини таъминлаш воситасида ўз ижтимоий вазифаларини бажариши зарурлиги тўғрисидаги қоидалар — ижтимоий йўналтирилганликнинг ички йўналиши жа-

мият талаб қилган даражада натижа бермаётганлиги туфайли келиб чиқадиган хуносалардир.

Мана шу ички йўналишнинг тизими таъсири бозор иқтисодиётига хос бўлган моддий рафбатлар тизими таъсирига қараганда заифроқ бўлиб чиқди.

Давлат аралашувини мазмунангина эмас, балки унинг сабабларини келтириб чиқарадиган вазиятда туриб ҳам асослаш зарурлиги ҳақида тўхталиб ўтамиз.- Турли муаллифлар бу сабабларни турлича белгилаганликларига қарамай, иқтисодчилар орасида бу борада етарли даражада умумий тасаввур юзага келган-ки, бу ҳақда, масалан, Умумжаҳон банкининг 1997 йил бўйича давлат муаммоларига бағишланган ҳисоботи гувоҳлик беради¹¹.

Давлатнинг бозор иқтисодиётига аралашуви зарурлиги қуйидаги сабаблар мажмуи билан белгиланади. Биринчидан, эркин тадбиркорликнинг бозор тизими иқтисодиётни зарур миқдордаги ягона пул билан таъминлашга қодир эмас. Бунда марказий пул таклифини уюштириш, фикримизча, бевосита ижтимоий муаммолар даражасига кўтарилади. Ижтимоий муаммолар эса, биринчи навбатда, аҳоли кўпчилик ижтимоий гурӯҳларининг моддий фаровонлигига салбий таъсир қилиувчи инфляция оқибатлари билан боғлиқ бўлиб, мазкур масалада аниқ ижтимоий компонент мавжуд.

Иккинчидан, бозор тизими тўлов қобилиятига эга талабда ифодаланувчи эҳтиёжларнигина қондиришга мўлжалланган. Айни маҳалда ижтимоий эҳтиёжлар таркибида аниқ миқдорий меъёрларга эга бўлганлари ҳам бор. Бунга соғ ижтимоий неъматлар деб аталувчи, искеъмолдан чиқариб бўлмайдиган, фақат биргаликда, жамоа бўлиб искеъмол қилиш мумкин бўлган ва барча искеъмолчиларга бир текис етказилиши лозим бўлган неъматлар киради.

Бу эҳтиёжлар етарлича ижтимоий моҳиятга эга, ижтимоий ривожланиш тақозоси билан юзага келган бўлиб, гарчи бу эҳтиёжлар уларни қондиришнинг бозор механизмига мос келмаса-да, уларсиз ижтимоий ривожланиш бўлмайди.

¹¹ Государство в меняющемся мире. Отчет о мировом развитии. — Вашингтон, 1997 г. с. 30—31.

Учинчидан, бозор субъектларининг иқтисодий хатти-харакати бозорга нисбатан ташқи бўлган салбий таъсирларни юзага келтиради. Айрим субъектларнинг меъёрдаги бозор рафбатлари тақозо этган фаолияти бошқалар учун заарарли бўлган шундай таъсирлар турига киради. Одатда, экология муаммолари бунинг энг характерли мисоли сифатида келтирилади.

Ушбу тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда матьлум бўлган барча ташқи таъсирлар амалда чуқур ижтимоий мазмунга эгадир. Ташқи таъсирларни моҳиятган ижтимоий муаммоларнинг алоҳида шакли сифатида тасаввур этиш мумкин.

Буни қисман ҳозирги иқтисодиёт назариясида даромад таъсири деб аталмиш кенг ёйилган назария модификацияси билан ифодалаш мумкин. Жаҳондаги кўплаб таниқли иқтисодчилар, жумладан, Маршалл, Пигу, Парето ва бошқалар¹² аҳоли ижтимоий фаровонлиги сабабларини аниқлашда даромадлар тақсимоти омилига қараганда даромадларнинг ўсиб бориши омилини кўпроқ ажратиб кўрсатганлар. Кўп ҳолларда абсолют ўсиш катталиги нисбатан кичикроқ бўлган даромад, ижтимоий нуқтаи-назардан, уни қўшимча қайта тақсимлаш қўламлари каттароқ бўлган даромадга қараганда самарадорроқ бўлиб чиқади. Ташқи таъсирлар миқдорини камайтириш эса, пировард натижада даромадлар миқдорининг ўсишига олиб келади, яъни давлатнинг бу соҳадаги аралашуви аҳоли даромадининг ошиши билан боғлиқ ижтимоий аҳамиятга эга бўлган масалага айланади.

Тўртингчидан, бозорга хос соғ тақсимот инсоннинг биринчи ва ажралмас ҳуқуқи – ҳаётга бўлган ҳуқуқнинг амалга ошишини кафолатламайди; иқтисодий жиҳатдан бу турмушнинг муайян даражаси (андозаси)ни таъминловчи, ишлаб чиқариш омиллари, хўжалик фаолияти шакл ва натижалари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигидан қатъий назар муносиб ҳаёт кечиришни кафолатловчи даромад эга бўлиш ҳуқуқини билдиради.

¹² Блауг М. Экономическая мысль в ретроспективе. Пер. с англ. — М., 1994, с. 320—342.

Бешинчидан, бозор иқтисодиёти уч оғир касаллик — монополизм, инфляция ва ишсизликка қарши түгма иммунитетга эга эмас.

Бу касалликлардан ҳар бири ижтимоий фаровонликка таҳдид солиб туради ва шу боис унга қарши кураш нафақат иқтисодий, балки ижтимоий аҳамият ҳам касб этади.

Шу тариқа, бозор тизими амал қилишига давлатнинг зарур даражадаги аралашувини асослашнинг барча йўналишларида ҳозирги цивилизациянинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигига қараганда кўпроқ ижтимоий рационаллиги мавжуд.

Агар давлат бозор иқтисодиётини бошқарса, унинг самарадорлиги ошади, деб ҳисобланади. Бироқ ижтимоий мезон самарадорликнинг айни шу таърифида мавжуддир. Бундай деб таъкидлашларни исботлаш учун давлат фаолиятининг мазмунини кўриб чиқайлик.

Давлатнинг ижтимоий-иктисодий жараёнларни бошқаришдаги вазифалари орасида қўйидагиларни ажратиб кўрсатиш мақсадгага мувофиқдир.

1. Марказлаштирилмаган қарорлар қабул қилиш имконини берадиган ишончли ҳуқуқий асосни яратиш, яъни шартнома муносабатларини йўлга қўйиш имкониятини, ҳамда мулкни тасарруф этиш ва ундан фойдаланиш тартибини бошқариш.
2. Ички ва ташқи хавфсизликни таъминлаш.
3. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш.
4. Ижтимоий инфратузилмани, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш, фан, транспорт кабиларни ривожлантириш.
5. Рақобатчилик курашини таъминлаш ва сотиш бозорларида айрим тадбиркорлик субъектлари якка ҳокимлик қиласидиган картеллар вужудга келишига йўл қўймаслик.
6. Аҳолининг энг муҳтоҷ қатламларини ижтимоий ва меҳнат ҳуқуқи соҳасидаги кафолатлар билан таъминлаш.
7. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида қатъий талаблар, тартиблар, таъқиқларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳамда бу борада бозор иқтисодий рафбатларидан унумли фойдаланиш.

8. Солиқ ҳуқуқи, ижтимоий ҳуқуқ ва ташқи иқтисодий муносабатлар соҳасида умумэътироф этилган қоидаларни белгилаш.
9. Ижтимоий-иктисодий жараёнларни бозор хўжалиги имкониятлари доирасида макроиктисодий бошқариш.

Мазкур вазифалар давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсат соҳасидаги фаолиятини икки йирик ташкил этувчиларга ажратишни тақозо этади. Лекин бунда иқтисодий сиёсат ижтимоий сиёсатнинг умумий шарти эканлигини ажратиб кўрсатиш муҳимдир. Ҳусусан, иқтисодий сиёсат мазмуни бозор рағбатларининг вайрон қилувчи таъсирини чеклади ва бу билан ички ижтимоий йўналишни кучайтиради. Шу асосдагина самарали ижтимоий бошқаришни йўлга қўйиш мумкин. Унинг мақсадлари:

1. Аҳоли турмуш даражасини ошириш.
 2. Нархларни барқарор даражада сақлаш.
 3. Ижтимоий таъминлаш ва адолатдан иборатдир.
- Кўйидаги чоралар тизими турмуш даражасини ошириш воситаси бўлиб хизмат қиласди:
- а) мавжуд рақобатчилик муҳити ва курашини сақлаб қолиш, кучайтириш;
 - б) юқори бандлик даражаси, барқарор нарх-наво ва ташқи иқтисодий алоқалар мувозанатли бўлган шароитда зарур ва тегишли иқтисодий ўсишни кафолатловчи сиёсатни ўтказиш.
 - в) максимал даражада иқтисодиётнинг очиқлигини кучайтириш ва эркин халқаро айирбошлашни таъминлаш.
 - г) эркин валюта алмашувини таъминлаш.
 - д) иқтисодиётда халқаро меҳнат тақсимотини кенгайтириш ва чуқурлаштириш.

Давлатлар ушбу вазифалар бажарилишини таъминлаш экан, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатилади, фуқароларни ижтимоий таъминлаш ва ҳимоялаш амалга оширилади. Юқорида кўрсатилган чора-тадбирларни амалга оширган давлатлар ижтимоий давлат сифатида тавсифланади. Бу эса, уларни бирон-бир сабаб билан ўзи учун инсонга муносиб нормал ҳаёт кечиришни таъминлай олмайдиган аҳоли тўғрисида гамхўрлик қилишни муҳим вазифа, деб ҳисоблашларини англатади. Давлат янги иш ўринларини яратади ва ишсизликтан

дан ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади, болалар ва меҳнатга яроқсиз кишилар тўғрисида ғамхўрлик қиласи.

Ҳар бир кишига ёши бўйича, касалликка учраса, ногирон бўлиб қолса, боқувчисидан маҳрум бўлса, болалар тарбияси учун ва миллий қонунларда кўзда тутган бошқа ҳолатларда ижтимоий таъминлаш кафолатланиши қонун тарзида конституция даражасида мустаҳкамланади. Аҳоли соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш умуммиллий дастурлар маблағлари билан таъминланади, соғлиқни сақлашнинг давлат, муниципал, хусусий тизимларини йўлга қўйиш чоралари кўрилади, инсон саломатлигини мустаҳкамлашга, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга, экология ва санитария-эпидемиология жиҳатидан ижтимоий барқарорликка кўмаклашувчи фаолиятлар рағбатлантирилади. Шу билан бирга ихтиёрий ижтимоий сугурталаш, ижтимоий таъминотнинг қўшимча шакларини вужудга келтириш ва хайрия ишлари ҳам кўллаб-куватланади.

Давлатнинг кўплаб чора-тадбирлари корпорацияларнинг ўз ходимлари моддий фаровонлигини ва ижтимоий ҳимояланганлигини оширишга йўналтирилган фаол сиёсатига кўмаклашишга қаратилган, хусусан, ходимларни корпоратив мулк эгасига айлантириш ҳолатлари, айниқса, диққатга сазовор бўлиб, у маҳсус тадқиқот предметига айланган¹³.

Нью-Йорк фонд биржаси томонидан «Акциядорлик мулки-90» мавзуида ўтказилган тадқиқотлар кўрсатадики, ўз компанияси акцияларига эга бўлган барча акциядорларнинг деярли 35 фоизи, ходимларга акция сотиши дастuri ёки бошқа шу каби дастур бўйича фирмадан акция сотиб олиб, муайян вақтда илк бор бозорга чиққанлигини кўрсатди. Бу жуда катта рақам, чунки барча акциядорларнинг яна 35 фоизига яқини бозордаги брокерлар ва дилерлар орқали қимматли қофозлар бозорига чиқкан.

Айни маҳалда акциядорлик компанияларининг кўпчилиги ходимларда тегишли акциялар пакети бўлма-

¹³ Блазм Ж. Р., Круз Д. Л. Новые собственники (наемные работники – массовые собственники акционерных компаний): Пер. с. англ. — М., 1995 г.

гани ҳолда тузилган, лекин компаниялар охирги 30 йил давомида ўз ходимларига меҳнат ҳақи сифатида акциялар беришган.

Хусусий корпорацияларнинг ишчи ва хизматчилари овоз бериш ҳуқуқини берувчи акциялар эгалари бўлиб, ўзларининг хусусий мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини амалга ошироқдалар ва тегишли дивиденд олишмоқда.

Бу мулк маҳсус механизмнинг амал қилиши воситасида шаклланади, унда кўпинча акцияларни ўз ходимларига сотиш дастури бўйича нархдан чегириш (10—15 фоизгача), ишонч фондини вужудга келтиришда солиқ имтиёзлари бериш ва пенсия дастурлари бўйича маблағлардан фойдаланиш кўзда тутилади.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, 2000 йилда акциялари фонд биржаларида сотиладиган компанияларнинг чорагидан кўпида 15 фоиздан зиёд мулк ўз ходимларининг кўлига ўтиб кетди. Кўпчилик корпорациялар акцияларининг 25 фоизидан зиёди пенсия фондлари ихтиёрида бўлди.

Натижада шундай тизим шаклланди-ки, унда очиқ турдари акциядорлик жамиятлари кенг жамоа гуруҳларининг шерикчилигига асосланган тизимга айланди ва 15 фоиздан ортиқ мулки ўз ходимларига тегишли бўлган компанияларда ишловчи ходимлар сони Америка касаба уюшмалари аъзоларининг умумий сонидан ортиб кетди. Мулк ҳуқуқи маъмуриятга тазиик ўтказища меҳнат қонунларига қараганда кучлироқ восита бўлиб чиқди. Шундай кўринишларда давлатлар аҳоли турмуш дараҷасини ошириш учун турли чора-тадбирларни кўлла-моқдалар.

Давлатлар томонидан ижтимоий вазифа билан бирга маданий-тарбиявий вазифалар ҳам амалга оширилмоқда. Ҳозирги шароитда жамият ва давлат ҳар бир фуқаро қабул қилинган стандартга мувофиқ келувчи маълумотга эга бўлишидан манфаатдордир. Фуқароларнинг маълумоти бўлмаса, уларнинг ижтимоий ҳаётда, ишлаб чиқарища, давлат фаолиятининг барча соҳаларида фаол иштирокини тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис кўп мамлакатларда маълум даражада маълумот олиш ва унга эга бўлиш мажбурий қилиб қўйилган.

Давлат санъатни рафбатлантиради ва ривожланти-

ради, фуқаролар учун ижодий фаолият эркинлигини таъминлаб беради. Тарихий анъаналар ва маданий месросга жиддий эътибор бермай ва уларни сақламай туриб кучли, тараққий этаётган давлат бўлиши мумкин эмас. Фуқароларни ватанпарварлик, тарихий ўтмишга ҳурмат руҳида тарбиялаш — тарбиявий жараённинг ажralmas таркибий қисмидир.

Хуқуқий тарбия ҳам катта аҳамият касб этади. Ҳар бир фуқаро ўз давлати қонунларини билиши ва уларга қатъий риоя қилиши кенг ёйилган талаб бўлиб қолди.

Ҳозирги бозор хўжалигининг умумий ижтимоий жиҳатлари қўйидағилардан иборат:

- ҳар бир инсоннинг оила, жамоат ва жамият учун тўла (шу жумладан моддий) жавобгарлиги;
- давлат томонидан таъминланадиган, шу жумладан мактабда, ўрта, олий ва маҳсус ўқув юртларида бепул таълим олишда хуқуқларнинг tengлиги;
- аҳолининг турли ўзини-ўзи бошқариш органларида иштирок этишдаги хуқуқларнинг мавжудлиги;
- ижтимоий таъминотнинг турлари бўйича қонунан ҳимояланган хуқуқлар ва тегишли меҳнат қонунларининг мавжудлиги.

Бозор хўжалиги ўз самарадорлиги ҳисобидан умумий фаровонликка эришиш учун зарур шароит яратишга қараб ижтимоий самара эга бўлади. Бу, энг аввали, яратилаётган ялпи миллий маҳсулот ҳажмида ўз ифодасини топади.

1-жадвал маълумотлари аҳоли жон бошига жаҳондаги мамлакатларнинг ялпи миллий маҳсулот ҳажми кўрсаткичи бўйича айрим гурухлари ўртасида жуда катта фарқ мавжудлигини кўрсатади. Улар орасида юқори даромадли мамлакатлар алоҳида ажралиб турибди. Юқори даромадли мамлакатларда ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) умумжаҳон кўрсаткичидан 5 баравардан ортиқдир.

Хўжалик ривожланишининг бозор механизми айни шу мамлакатларда анча кенг ёйилган. Бу мамлакатлар аҳолисининг ижтимоий таъминланганлик даражасининг ҳақиқий замини ана шу ривожланиш натижаларига мувофиқ шаклланади.

I-жадвага

2000 йилда мамлакатлар гурӯҳлари бўйича аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ялпи миллий маҳсулот¹⁴

Минтақалар	ЯММ (долл.)
Бутун жаҳонда	5150
Даромади кам мамлакатлар	420
Ўртacha даромадлилар	1970
Ўртачадан кам	1140
Ўртачадан юқори	4620
Паст ва ўртача даромадли мамлакатлар	1230
Саҳрои Кабирдан жанубдаги мамлакатлар	480
Яқин Шарқ ва Шимолий Америка	2040
Шарқий Осиё ва Тинч океан минтақаси	1060
Европа ва Ўрта Осиё	2010
Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси	3680
Жанубий Осиё	460
Юқори даромадли мамлакатлар	27510

Бозор муносабатлари камроқ ривожланган минтақаларда ЯММ миқдори ҳам камроқ ишлаб чиқарилади ва ижтимоий ривожланиш даражаси ҳам пастроқ бўлади.

Шундай қилиб, ҳар қандай бозор иқтисодиёти ўзининг амал қилиш механизми мазмунига кўра ижтимоий бўлиб чиқади, унда жами талабнинг ишлаб чиқарувчиларга таъсири ҳал қилувчи рол ўйнайди. Шунинг учун ҳам ижтимоий бозор иқтисодиётини давлат фаол иштирок этадиган хўжалик тизимининг аниқ типи сифатида тушуниш юзага келган. Бу тизим асримизнинг иккинчи ярмида таркиб топган бўлиб, индустрисал мам-

¹⁴ Создание институциональных основ рыночной экономики. Доклад о мировом развитии 2002 год. М.: Изд-во «Весь мир». Всемирный банк, 2002. с. 233.

лақатларга, айниқса Фарбий Европа мамлакатлариға хосдир.

У кўп жиҳатдан иккинчи жаҳон урушидан кейинги дастлабки ўн йилликлардаги тарихий ривожланиш хусусиятлари тақозоси билан юзага келган. Вайрон бўлган иқтисодиётни тиклаш ва эски тоталитар диктатуралар ўрнида янги давлатларни барпо этиш билан боғлиқ ўта кескин муаммолар ижтимоий ҳамкорликнинг алоҳида шаклларини тақозо этди. Иқтисодий қурилиш соҳасидаги барча уринишларни йўққа чиқариш мумкин бўлган ижтимоий муаммоларни бартараф этишга кафолат берган шу ижтимоий ҳамкорлик бозор билан давлат ўргасидаги таркибий ўзаро таъсир маҳсулни бўлиб қолди.

Натижада жаҳон амалиёти янги иқтисодий ҳодиса — ижтимоий бозор иқтисодиёти билан бойиди. Қатор тадқиқотчилар фуқаролар ижтимоий ва иқтисодий фаровонлигининг ўта юқори даражасини бу тизимнинг фарқли жиҳати деб ҳисобламоқдалар. Айни маҳалда Фарбий Европа мамлакатлари ўзларини ижтимоий давлат деб ҳисоблайдилар ва уларда ижтимоий сиёсат алоҳида мамлакат доирасидагина эмас, балки миллийликдан ўтиб, Европа Йттироқи доирасида ўтказилмоқда.

Ижтимоий бозор хўжалиги эркин рақобат, истеъмол буюмларини эркин танлаш, шахснинг ўзини на-моён қилиш ва камол топиш эркинлиги қоидаларига асосланади. У капитал қўйилмаларнинг самарали сарфланишига интилишни, истеъмолни кенгайтиришга тайёрликни таъминлайди. Бозор хўжалигининг ижтимоий мазмуни иқтисодиётнинг жамият аъзоларининг ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга хизмат қилмоғидан иборатdir.

Ижтимоий бозор иқтисодиёти давлат сиёсати концепцияси сифатида иқтисодиёт ва жамиятни эркин, иқтисодий жиҳатдан самарали, кучли, ижтимоий ва адолатли қилиб қуришга йўналтирилган.

Ижтимоий бозор хўжалигига бозорга иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солиш элементи сифатида ёндашиш хосдир. Ижтимоий бозор хўжалиги тизимида бозор хўжалиги атамаси ишлаб чиқариш ва истеъмолни ташкил этишни марказлаштирасдан имкониятлар тенглиги, самарадорлик ва иқтисодий эркинликни билдиради.

Ҳозирги тадқиқотларда ижтимоий бозор хўжалигини айни шу мазмунда тавсифлаш кўп тарқалган.

Айни маҳалда, фикримизча, ижтимоий бозор иқтисодиёти шунчаки аҳоли турмуш фаровонлиги юқорилиги билан характерланмаслигини қайд этиб ўтиш зарур. Ижтимоий бозор иқтисодиёти аввало, хўжалик тизимининг барча элементларини ижтимоий адолат, ҳимояланганлик, турмуш даражаси ва сифати юқори бўлишига хизмат қилдирадиган ижтимоий-иқтисодий институтларнинг тизимли йиғиндиси сифатида фарқланади.

Ижтимоий бозор иқтисодиёти тушунчаси урушдан кейинги дастлабки ўн йиллардаги Фарбий Германияга бевосита тааллуқли, деб ҳисоблаш иқтисодчи олимлар орасида кенг тарқалган ва аслида ҳам шундай (иқтисодий ривожланишнинг миллий моделлари ҳақида фикр юритиладиган кейинги параграфда бу масала ҳақида батафсил гап боради).

Шундай қилиб, илмий тадқиқотларда бозор иқтисодиётининг ички ижтимоий йўналтирилганлиги бора-сида жуда кам фикр билдирилган ҳолда давлат вазифаси ҳисобига эришиладиган ижтимоий йўналтирилганлик масалалари анча батафсил тадқиқ этилган. Лекин ҳозирги бозор иқтисодиёти турли моделларининг истиқболда ривожланиши жиҳатидан қаралса, ички ижтимоий йўналтирилганликнинг потенциал имкониятларини ўрганиш энг муҳим илмий муаммолардан бирига айланди. Бозор иқтисодиётининг ички ижтимоий йўналтирилганлиги устун даражада бозор иқтисодиёти самарадорлигини белгилаб берадиган молиявий оқимларнинг барча тузилмаларига ҳам таъсир кўрсатади.

Бундай ташқари, XX асрнинг сўнгги ўн йилида собиқ социалистик мамлакатлар ва республикаларда бошланган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни муносабати билан бу муаммо янада долзарб бўлиб қолди. Ўтказилаётган бозор ислоҳотларининг ижтимоий йўналтирилганлиги уларнинг мураккаб жиҳатларидан бўлиб қолди.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари мураккаб вазиятга тушиб қолишига сабаб уларда иқтисодий ислоҳ қилиш

дастурлари ва бозор ислоҳотларининг ижтимоий йўналтирилганлиги масалалари бир-биридан анча кескин фарқланганлиги туфайли тадқиқ этилаётган муаммо бу мамлакатлар учун алоҳида аҳамият касб этади.

Чет эллик тадқиқотчилар, жумладан, Мичиган Университети Иқтисодий тадқиқотлар маркази мутахассислари йигирманчи асрнинг сўнгги чораги тарихи амалда ҳамма жойда саноат капитализми ватани бўлмиш Буюк Британиядан тортиб аграр коммунизм мамлакати бўлмиш Хитойгача бўлиб ўтадиган иқтисодий ислоҳотларга бағишланишини таъкидлашади. Барча қитъаларда, ривожланаётган ва ривожланган, коммунистик, социалистик ва капиталистик, демократик ва авторитар мамлакатларда ислоҳотларга даъват қилишмоқда ва улар амалга оширилмоқда. Ўтказилаётган ислоҳотларнинг турли-туманлигига қарамай, улар учун баъзи бир умумий хусусиятлар ҳам хослиги таъкидланади¹⁵.

Биринчидан, ислоҳотлар глобал жаҳон миқёсига эга.

Иккинчидан, ислоҳотлар давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги ролини камайтириш ва давлат мулки улушкини қисқартиришни, яъни иқтисодиётни эркинлаштиришни, деэтатизация қилишни (иқтисодиётда давлатнинг иштирокини камайтиришни) мақсад қилиб қўяди.

Учинчидан, улар иқтисодиётнинг ижтимоий ва хусусий секторлари нисбатига таъсир кўрсатади.

Тўртингидан, ислоҳотларни амалиётда амалга ошириш ҳукumatлар мўлжалланганига қараганда техник ва сиёсий жиҳатдан анча қийин кечмоқда.

Ислоҳотлар шакллари ва мақсадлари турли туман бўлишига қарамасдан, улар барча вазиятларда миллий иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштириш

¹⁵ К а р а н г. Уилсон Э., Гордон Д. Многообразие рыночных реформ. — «Вопросы экономики», 1992 г., № 3; Кнаак Р. Социальное партнерство: западный опыт. — «Вопросы экономики», 1994 г., № 5; Слэй Б. Приватизация и демонополизация. — «Вопросы экономики», 1992 г., № 3; Хорсман Дж. Снижение расходов при проведении рыночных реформ. — «Вопросы экономики», 1993 г., № 3; Мюрат Али Юлек. Приватизация в Турции — «Вопросы экономики», 1992 г., № 9; Верников А. Внутренняя конвертируемость национальных валют при переходе к рынку. — «Вопросы экономики», 1991 г., № 8; Ракитский Б. Социальная защищенность и ее типы. — «Вопросы экономики», 1992 г., № 7 ва бошқалар.

негизида ички сиёсий вазиятни мустаҳкамлаш зарурати туфайли ўтказилганлиги алоҳида кўрсатилади. Ҳукуматлар ислоҳотларни кўпинча ресурслар тақсимотида тенгликни таъминлаш мақсадида ўтказишга жазм қилишади.

Иқтисодий ислоҳотларга таъсир этувчи ташқи, халқаро омиллар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар орасида кўйидагилар алоҳида ажралиб туради:

- халқаро савдоning янги имкониятларидан ўз товарларининг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш ва улардан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун фойдаланишга интилиш;
- давлатларни ташқи, молиявий қарзининг ошиб бориши ва халқаро валюта фондининг миллий мустақилликни чекловчи фаолияти, тавсиялари оқибатида содир бўладиган доимий ташқи тазиикни камайтириш истаги;
- бозор ҳолатининг кескин ўзгаришига муносабат билдириш эҳтиёжи, масалан, нефть баҳосининг кескин сакраши ва экспорт қилинадиган хом-ашё товарлари баҳосининг пасайиши.

Бозор ислоҳотларини амалга ошириш умумий тарзда ҳукуматнинг иқтисодий ҳаётдаги фаоллигини камайтириб, айрим фуқаролар ва фирмаларга кўпроқ ҳукуқлар беришни кўзда тутади. Шундай қилиб, иқтисодий ислоҳотнинг ўз динамикаси мавжуд бўлиб, давлат муваффақиятга эришмоқчи бўлса, ислоҳотларнинг боришини тўлалигича назорат қилолмаслиги маълум бўлмоқди.

Бозор ислоҳотларининг ўзига хос динамикаси тўғрисидаги бу холоса ижтимоий йўналтирилганлик масалаларини ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади, чунки у иқтисодий ҳаётнинг ўзини-ўзи ташкил қилиши жараёни билан қўшилиб кетган бўлади. Айни маҳалда ислоҳотлар кўп жиҳатдан ҳукуматнинг фаолияти билан белгиланади.

Ҳозирги шароитдаги иқтисодий ислоҳотга ҳукуматнинг бозорни ривожлантириш учун шароит яратишга қаратилган ҳар қандай фаолияти, деб умумий таъриф бериш мумкин. Шу билан бир қаторда, иқтисодий ислоҳот ҳукумат сиёсатида жиддий ўзгаришлар бўлиши-

ни талаб қиласди ва улар ўз навбатида, фуқаролар ва фирмаларнинг иқтисодий мавқеи ва фаолиятида ўзгаришларга олиб келади. Аслида бу ўзгаришлар давлатнинг ролини камайтишишга, хусусий сектор ва бозорнинг ролини оширишга йўналтирмоғи лозим.

Кўпчилик давлат томонидан у ёки бу даражада кўйилган мақсадлар энг йирик мақсадлар сифатида кўрсатилади. Булар:

- иқтисодиётнинг давлат секторидаги аҳволини яхшилаш;
- янги иш ўринлари очиш учун хусусий секторни ривожлантириш;
- ресурсларни тақсимлаш самарадорлигини ошириш;
- капиталнинг четта чиқиб кетишини тўхтатиш ва хорижий инвестицияларини жалб этиш;
- экспортни рағбатлантириш;
- қарз миқдори ва қарз бўйича тўловларни камайтириш;
- молия сектори самарадорлигини ошириш.

Хукуматлар мазкур мақсадларга эришиш учун муйян воситалардан фойдаланадилар. Бироқ бунда энг муҳимлардан бири — иқтисодий ривожланишни бошқаришнинг директив, маъмурий усусларидан возкечишдир, яъни воситаларни аниқлашда бозор механизмини фаоллаштишишга алоҳида эътибор қаратилади. Қайд этилган мақсадлардан айримларига бевосита, айримларига эса билвосита усуслар билан эришилиши мумкинлиги қайд этилади.

Ислоҳотлар натижаси бевосита бирон-бир воситадан фойдаланишнинг эмас, балки хусусий ишлаб чиқарувчилар ва шаклланаётган бозор шароитига бўлган муносабатнинг оқибатидир. Шундай қилиб, ислоҳотларни ўтказиш субъектлари билан уларни амалга ошириш субъектлари турлича бўлиб чиқади.

Кўйидагилар ислоҳотларни ўтказища фойдаланиладиган асосий усуслар бўлиб қолади:

- иқтисодиётнинг давлат секторидаги фаолияти аҳволини яхшилаш учун хукумат харажатлари механизmlарини (бухгалтерия ҳисоботини, бюджет ва давлат инвестициялари дастурлари, режалари-

- ни тузишни) рационаллаштириш; солиқ хизмати фаолиятини йўлга қўйиш; ҳукумат тузилмаларини бирлаштириш ва соддалаштириш; кераксиз давлат корхоналарини тугатиш ёки, имкони бўлган жойда уларни тижорат қоидлари бўйича ишлашга ўтказиш; давлат секторида бандликни камайтириш; ҳукумат хизмати кўрсатиш ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга бериладиган субсидияларни чеклаш;
- хусусий секторни ривожлантириш учун давлат монополияларини тугатиш; янгидан ташкил этилаётган ва ривожланаётган, хусусан хизмат кўрсатиш соҳасидаги фирмалар учун тўсиқларни камайтириш; нарх-навони қайтадан тартибга солиш; давлат корхоналарини хусусийлаштириш; шартнома асосида айрим ҳукумат хизматларини кўрсатиш; миллий ва жаҳон нархлари даражасини яқинлаштириш;
 - ресурслар тақсимоти самарадорлигини ошириш учун инфляцияни камайтириш; нарх-наво ва иш ҳақини эркинлаштириш; самарасиз хусусий фирмаларни тўғридан-тўғри субсидиялашдан воз кечиш; бозор йўлидаги тўсиқларни камайтириш (хусусан, ерга бўлган эгалик ҳуқуқини олиш тартибини соддалаштириш); озик-овқат, уй-жой ва иш кучи бозорларини назорат қилишни тўхтатиш;
 - капиталнинг четга чиқиб кетишини камайтириш ва хорижий инвестицияларини жалб этиш учун жорий бюджет дефицитини камайтириш; миллий валюта алмашувининг ҳақиқий, бозор курсини ўрнатиш;
 - экспортни рағбатлантириш учун миллий валютанинг оширилган курсини пасайтириш; импортнинг миқдорий чекланишини олиб ташлаш; монопол экспорт-импорт лицензияларини бекор қилиш; экспорт тармоқларига нисбатан солиқ ставкаларини пасайтириш; тариф тизимини ислоҳ қилиш;
 - бюджет қарзини камайтириш учун қарз мажбуриятларини айирбошлаш ва сотиш бўйича операцияларни ўтказиш; қарзнинг ўз вақтида тўла нишини таъминлаш;

- молия сектори самарадорлигини ошириш учун фойданинг ҳақиқий меъёрини белгилаш ва жамғармаларни рафбатлантириш учун фоиз ставкалари даражаси устидан назорат қилишни камайтириш; кредитни тақсимлаш режаларини бекор қилиш; хусусий ва давлат фирмаларини имтиёзли кредит билан таъминлашдан воз кечиш; валюта алмашув курсининг ягона тизимини ўрнатиш; хорижий валютадан фойдаланишни эркинлаштириш.

Бундай тадқиқотларнинг мақсади асосан ислоҳотларнинг жорий тарихий тажрибасини умумлаштириш ва унинг хилма-хил шаклларини ажратиб кўрсатишдан иборат. Бироқ тадқиқотлар мазмунидан келиб чиқиб, бизнинг назаримизда муҳим бўлган яна бир хулоса чиқариш мумкин.

Ислоҳотларнинг асосий моҳияти иқтисодиётда давлатнинг иштироки кўп ёки камлигига эмас, балки бозор иқтисодиёти ривожланишини ижтимоий йўналтириш давлат органлари томонидан самарасиз амалга оширилаётганлигидадир. Яъни жараённинг асосий мазмуни бозор иқтисодиётини ижтимоий йўналтиришнинг янги тузилмалари, шакллари ва воситаларини излашдан иборат. Тўғри, тадқиқотлар якуннда бундай масалаларга ургу берилмаган.

Айни маҳалда ижтимоий йўналтирилган (энг аввали, маълум ҳимояланган сифатида тасаввур этиладиган) ҳозирги жамият тизимининг ажralmas параметри сифатида кўриб чиқила бошланди. Бу аста-секин умуминсоний ривожланиш қадрияти, цивилизациянинг ҳозирги даражаси қадрияти сифатида номлана бошланди.

Жамият методологик нуқтаи назардан тизимли ёндашув доирасида сифат муайянлиги ички алоқаларининг моҳияти ва мустаҳкамлигидан келиб чиқадиган яхлит тизим сифатида қаралади. Бу алоқалар мажмууда жамият субъектларининг англашган эҳтиёжларидан иборат бўлган манфаатлар алоқаси етакчилик қиласи. Ижтимоий барқарорлик умуман, биринчи навбатда, манфаатлар алоқасининг барқарорлигига боғлиқ.

Шундай ёндашувдан келиб чиқилса, қадриятлар жамият субъектлари манфаатларининг ўзаро алоқадорлиги туфайли шаклланадиган ижтимоий муносабатларга айланади. Субъектга ўз манфаатларини қондириш ва уларга эришиш учун қулай муҳит сифатида жамиятга боғланганлиги қадриятларнинг умумий мазмунини ташкил қиласи. Қадриятлар орасида, одатда, адолат, турли ҳимояланганлик, талаб қилинадиган маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва ҳоказолардан баҳраманд бўлиш тилга олинади. Шундай қилиб, қадриятлар жамият тизимидағи барча одамлар, ижтимоий гуруҳлар ва умуман жамият ўз мавжудлиги ва ривожланиши негизи сифатида қадрлайдиган ҳодисадир.

Қадриятлар ва манфаатларнинг ажралмаслиги ва тури манфаатлар алоқаларининг барқарорлигини таъминловчи тегишли шакллар миллий иқтисодиётларнинг чинакам аралаш тизимларга ўсиб ўтишининг муҳим шарт-шароитидир. Бунда, фикримизча, манфаатларнинг ижобий ўзаро таъсири аҳамиятини алоҳида қайд этиш зарур.

Сўнгги юз йилликдаги фан-техника тараққиётининг натижаси бўлган замонавий технологиялар аҳоли фаровонлигининг етарли даражада юқори бўлишини амалда таъминлаш имконини беради. Бундаги энг асосий нарса пировард маҳсулот бирлигига ресурс сарфини кескин камайтиришдан иборат. Айни маҳалда жаҳонда ресурслар етарли ҳисобланади ва унинг нисбий этишмаслиги ривожланиш имкониятларини тартибга сололмайди ва чеклай олмайди.

Манфаатлар тўқнашуви ҳозирги ривожланиш йўлидаги асосий тўсиқ бўлиб қолмоқда. Агар аралаш хўжалик тизимида турли субъектлар манфаатларини, жумладан, қадрият тасаввурлари ва эътиқодлари воситасида мувофиқлаштиришга эришилмаса, у ҳолда ресурслардан фойдаланиш вектори ижтимоий йўналтирилганликни йўқотади ва емирувчи шакллар томон интилади.

Манфаатларни ўзаро бойитадиган мувофиқлаштириш жараёни мураккаб бўлиб, энг аввало, ўзининг тўхтовсиз ўзгариб туриши сабабли кўплаб шаклларни талаб этади. Алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу жараён мувозанатининг асоси умумий ижтимоий ривожланиш

қадриятининг устуворлигини эътироф этишдан иборат. Бу эса, самарали ижтимоий-иктисодий консенсуснинг ягона асосидир.

Бизнинг фикримизча, давлатнинг иқтисодий мазмуни устувор бўлган давлатнинг сиёсий институт сифатидаги янгича талқинини ишлаб чиқиш учун асос айни мана шундадир. Бундай ёндашув, дастлабки туълганига қараганда анча кенгроқ бўлиб чиқади. Давлат манфаатларни бирлаштириш шакли, корпоратив ва индивидуал манфаатларни иқтисодий негизда умуммиллий манфаатларга айлантириб юборишга қодир бўлган куч сифатида воқеъ бўлади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатнинг ҳозирги умумбашарий жаҳон ривожланиш жараёнига тўлақонли қўшилиш учун асосидир.

Жамият қадриятлари тизими мунтазам ривожланиш ва бойиб бориш жараёнидадир. Ҳозирги аралаш иқтисодиётда қадриятлар тизими тенг ҳуқуқли субъектларнинг ўзаро таъсирини ифодалайди ва ижтимоий йўналтирилганлик унда алоҳида аҳамият касб этади.

Ижтимоий йўналтирилганлик бозор иқтисодиёти доирасида шундай ижтимоий тартибли, унда субъектлар ўз манфаатларини олға суриш, ҳимоя қилиш ва амалга оширишда ўзининг жамиятдаги мавқеини шакллантириш ва ҳимоя қилишда ижтимоий тизимга таяна оладилар.

Жамиятдаги ижтимоий мавқеъ азалдан фаровонлик даражаси ва одамлар ихтиёрида мавжуд бўлган чекланган ишлаб чиқариш ресурслари билан белгиланади. Шу боис, назаримизда, ижтимоий йўналтирилганликка нафақат иқтисодий, балки жамият тартиботи сифатида қараш ҳам тўла мантиқли ва асослидир.

Ижтимоий йўналтирилганлик тегишли равишда компонентлар мажмумини кўзда тутади:

биринчидан, жамиятнинг бирон бир ёки барча субъектларининг жамиятдаги (энг аввало моддий) аҳволи кафолатини;

иккинчидан, ижтимоий аҳволини ҳимоялаш зарур бўлган субъектлар ўзининг мавжудлиги;

учинчидан, риск омиллари (яъни нормал ижтимоий аҳвол бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳол-

ларда улардан кафолатлаш ва ҳимоялаш талаб қилинсин) мавжуд бўлишини;

тўртингидан, жамият тизимининг ижтимоий йўналтирилганлик даражасини конкрет аниқлаш имкониятини;

бешинчидан, иқтисодий тизимнинг ижтимоий йўналтирилганлиги аниқ шакл, усул ва услублари мавжудлигини тақозо этади.

Тавсифланган ёндашувга мувофиқ, ижтимоий йўналтирилганлик мазмунан кўп вариантли ва турлитуман категориядир.

Буйруқбозлик иқтисодиёти шароитида ижтимоий йўналтирилганлик моҳиятан муаммонинг асосли қўйилиши бўлмайди. Бу тизимда аҳоли турли қатламларининг кескин ижтимоий табақаланиши ва турли даражаларга мос келувчи, миқдорий ва сифат компонентларга эга бўлган ижтимоий таъминот мавжуд бўлади.

Масалан, собиқ совет режими даврида соглиқни сақлашдан ҳамма бирдек баҳраманд бўлиши эълон қилинганди, бироқ қишлоқ, туман даражасида, шаҳар марказлари даражасида, пойтахтлар ва, айниқса маҳсус партия-хукумат даражасида сифат жиҳатдан таъминлашда кескин фарқ мавжуд эди. Бундай иерархияга амалда ижтимоий кафолатларнинг барча турлари бўйича қаттиқ риоя этиларди.

Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий йўналтирилганлик, жами талаб ва чекланган ишлаб чиқариш ресурсларига хусусий эгаликнинг роли тўғрисида кўриб чиқилган қоидалардан ташқари, давлат ўз зиммасига оладиган кафолатларга ҳам боғлиқ. Бу кафолатлар орасида энг муҳимлари:

- қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот механизми — у қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиётларининг бирлигини шакллантиришда аҳоли барча қатламлари вакилларининг роли тенглигини кўзда тутади, бу эса, пировард натижада, миллий иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилганлиги нормалари ва даражалари бўйича кафолатларни таъминлайди. Фақат қонуннинг обрў-эътиборига асосланганлик аҳоли хоҳлаган қатламлари томонидан ҳокимият тузилмаларига

бирдамлик билан таъсир кўрсатилиши учун ҳақиқий шароит яратади;

- хўжалик таркиби мулкнинг турли-туман хусусий шаклларини ривожлантиришга йўналтирилган. Ушбу тузилмага барқарорлик бахш этишига интилиш амалда, энг аввало хўжалик амалиётида мулкчилик барча шаклларининг ҳақиқатда тенг ҳукуқли бўлишини таъминлаш мақсадида, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилишига олиб келди. Кичик ва ўрта тадбиркорлик вакиллари асосан ўрта синфдан, яъни энг кўп сонли ижтимоий қатламдан чиқсанлиги сабабли уни қўллаб-қувватлаш бўйича амалда кўрилган барча чоралар, ўз моҳиятига кўра, ижтимоий йўналтирилган чоралардир;
- жамиятнинг ижтимоий ноchor қисмини қўллаб-қувватлаш умуман жамиятнинг ижтимоий барқарорлигини таъминловчи ижтимоий муроса шаклидир. Ишлаб чиқилган анча мураккаб компенсация (товоң тўлаш) тизими бундай қўллаб-қувватлашнинг асосий шаклидир.

Миллий иқтисодий тараққиётда мазкур компонентлардан ҳар бири тутган функционал ролининг фаоллик даражаси хўжаликни ривожлантиришнинг конкрет модели моҳиятида бирон-бир тарзда бевосита акс этади (бу ҳақда навбатдаги параграфда батафсил фикр юритилади).

Бозор иқтисодиёти ижтимоий йўналтирилганлигининг кўриб чиқилган муаммолари мазкур тадқиқот предмети — ижтимоий фондларни тадқиқ этишда талаб қилинадиган бир қатор методологик қоидаларни таърифлаш имконини беради.

Биринчидан, жамият ривожланишининг муайян йўналишини шакллантирадиган бозор иқтисодиётининг ички (имманент) ижтимоий йўналтирилганлиги дастлабки қоида деб тан олиниши лозим.

Иккинчидан, ижтимоий йўналтирилганликни амалга оширишнинг конкрет шаклларини тадқиқ қилиш давлат бошқаруви томонидан бозор иқтисодиёти ижтимоий йўналтирилганлиги фойдасига янгилишишини ҳисобга олиб амалга оширилиши лозим. Яъни бирон-

бир шаклнинг ривожланиш истиқболларини мезонларидан бири сифатида кўриб чиқиши ижтимоий йўналтирилганликнинг ички ва ташқи омилларини тенглаштиришни билдиради.

Учинчидан, бозор муносабатлари шаклланаётган ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари учун ижтимоий йўналтирилганликнинг ўзига хос муаммоларини ҳисобга олиш зарур.

Тўртингидан, бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилганлигини ўзининг тизимли ички хусусиятларига, амалга ошириш ва бошқариш даражаларининг кўплигига, таркибидаги компонентларнинг музайян иерархиясига эга бўлган кўп варианти ва кўпқирорали тоифа сифатида тасаввур этиш даркор.

1.2. Бозор иқтисодиёти турли моделларида ижтимоий йўналтирилганлик

Жаҳондаги турли мамлакатлар иқтисодиёти ривожланишининг эволюцион тарихий жараёнлари умуман хўжалик ривожланишининг фоят типик бўлган уч моделини юзага келтириди.

Биринчидан, бу — ўз-ўзидан ривожланувчи бозор тизими бўлиб, илгари уни эркин рақобат капитализми дейишарди. Мазкур тизим асослари дастлаб А. Смит асарларида таърифлаб берилган бўлиб, кейинчалик иқтисодий назариянинг классик ва либерал йўналишлари вакилларининг асарларида кенг ривожлантирилди.

Иккинчидан, бу — давлатлаштирилган иқтисодиёти тизими бўлиб, адабиётда буйруқбозлик иқтисодиёти деб номланган эди. Бу тизимнинг назарий асослари марксизм ва социалистик иқтисодий фан вакиллари томонидан фаол ишлаб чиқилган. Farb иқтисодчилари буйруқбозлик иқтисодиёти билан унинг асоссизлиги ва танқид қилиш нуқтаи назаридан қизиқишган. Бу тизим умуман ва айниқса ижтимоий масалаларда самарасиз бўлганлиги учун ҳозирги даврда жаҳон илмий жамоатчилигига унга нисбатан салбий муносабат шаклланган.

Учинчидан, бу аралаш иқтисодиёт бўлиб, унда хусусий мулк устувор бўлган бозор асоси давлат томонидан тартибга солиш билан тўлдирилади. Таниқли венгр иқтисодчиси К. Полони таъбири билан айтганда, унда «бозор эркинлиги бозордан ҳимоя қилиш билан қўшилиб кетади».

Хўжалик ривожланишининг дастлабки икки модели тарихий амалиётда мавжуд бўлган ва ҳозирги даврга келиб тўла фаолиятларини тўхтатдилар ҳамда улар мөҳиятан бир-бирига кутбан қарама-қарши ҳисобланади. Бу икки модельда ўзини ўзи тугатишга олиб борувчи элементлар бўлгани учун тадқиқотчилар уларни одатда ҳозирги утопия соҳасига киритишиади¹⁵.

Айни маҳалда аралаш иқтисодиёт мазмуни уни у ёки бу мамлакатларда амалга оширишнинг турли конкрет шаклларини қўлашни тақозо этади. Аралаш иқтисодиётгина жамият (иктисодий) тараққиётининг кўп вариантилиги реал имкониятлари ва объектив зарурият эканлигини кўзда тутади.

Илмий адабиётларга мурожаат қилсак, уларда бу кўп вариантилилик иқтисодий тараққиёт моделлари ва улардаги ижтимоий йўналтирилганликни ҳисобга олган ҳолда турли шаклларда ёритилганлиги маълум бўлади.

Масалан, гарбий европалик қатор олимлар иқтисодий моделларнинг инглиз-саксон, германча ва лотин тиллари мамлакатлари шаклларини ажратиб кўрсатишади¹⁶. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, мазкур гурухлашнинг бош мезони корхоналарнинг устун хусусиятлари ва ташкил этиш шакллари ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётининг инглиз-саксон моделига тадбиркорлик фаолиятининг акциядорлик шакли хосдир. Акциядорлик корхоналарида мулк ва бошқарув хуқуқлари аниқ бўлинади ва улар иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторларининг субъектлариидир. Улар ўз ташкилий шаклига, капитални жалб қилиш ва тадбиркор-

¹⁵ Карап г: Чибриков Г. Трактовки модели экономического развития и ее элементов. — «Российский экономический журнал», 1995 г., № 2.

¹⁶ Карап г: Йонг Х. В. Европейский капитализм между свободой и социальной справедливостью. «Вопросы экономики», 1994 г., № 5; Кнаак Р. Социальное партнерство: западный опыт. — Ўша ерда; Албеда В. Государство и социальное партнерство в Голландии. — Ўша ерда.

лик фаолиятига рискни тақсимлаб олиш усулларига мувофиқ мунтазам фонд биржаларида фаолият кўрсатдилар.

Иқтисодиётнинг бу шаклида марказий ҳукуматнинг роли чекланганлиги хос бўлиб, у асосан, шартномалар тузиш ва уларни бажариш қоидаларини ишлаб чиқиш, бозорнинг барча бўғинларида уларга риоя этилишини назорат қилиш орқали бозорнинг фаолият кўрсатишини таъминлаш масалаларига эътиборини қаратади. Бу моделда марказий ҳукумат фаолиятининг асосий йўналиши иқтисодиётда ривожлантиришни монополистик тамойилларига қарши қурашдан иборат бўлади.

Германия халқ капитализми модели иқтисодий адабиётда кўпинча ижтимоий бозор хўжалиги деб аталади. Бунда «ижтимоий» деб аниқлаб қўйилган тизим икки ёқлама характеристега эгалиги доим таъкидланади.

Ижтимоий бозор хўжалиги тавсифлари орасида ишлаб чиқаришга жалб этилган барча томонлар – бошқарув ходимлари, акциядорлар, ёлланма ходимлар, банклар ва бошқалар муайян ҳукуқларга эгалиги таъкидланади. Банклар ва суфурта компаниялари, бир томондан, ўзлари кўпинча акциялар пакетининг кўпроқ ёки камроқ қисмига эгалик қилишса, бошқа томондан, биргалиқдаги эгалик корхоналар акциялари ва уларнинг овоз бериш ҳукуқларини ҳам сақлаб туришга олади.

Натижада назорат кенгашларининг кўпчилигига акциядорлар билан бирга банклар, бошқарув ходимлари ва ёлланма ходимлар бўлади. Уларнинг ҳаммаси, қонунга мувофиқ ўз фирмалари олдида тегишли ҳукуқ ва мажбуриятларга эга бўлишади. Барча томонлар, шу жумладан, ёлланма ходимлар ҳам ижтимоий ва корпоратив жавобгарликни ўз зиммаларига олишади.

Ушбу модельнинг яна бир ўзига хос томони шундаки, унда оилавий мулкчилик кенг тарқалган. Акциялар бозори инглиз-саксон вариантларига нисбатан алоҳида роль ўйнайди ва акцияларни сотиб олиш орқали корхоналарни назорат қилиш қийин ва у нисбатан кам тарқалган ҳодисадир. Оилавий мулкчилик капитални жалб этиш ва унинг ҳаракатини кўпроқ белгилаб берганлиги учун уни халқ модели сифатида таърифлаш имкониятини беради.

Бундан ташқари ижтимоий бозор хўжалигида давлат фаол роль ўйнайди; хусусан, у бозор тизими самародорлигини оширишнинг муҳим омили бўлган ижтимоий адолат ва жипсликка эришишга йўналтирилган воситачилик ва мувофиқлаштирувчилик вазифасини бажаради.

Бозор хўжалигининг лотинча моделига мулк устидан оиласидай назорат олиб бориш, иқтисодий ривожланишида давлат корхоналари ролининг катталиги, молиявий гуруҳларнинг фаол иш олиб бориши сингари хусусиятлар хосдир. Гарчи сўнгги йилларда Франция ва Италия сингари мамлакатларда давлат корхоналари ва давлат бошқарувининг фаоллиги камайган бўлсада, ривожланиш истиқболлари масалаларига ҳозирда ҳам ҳал қилувчи таъсир кўрсатмоқда.

Умуман, булар бозор хўжалигини ривожлантиришнинг Европа марказига хос моделлар вариантиларидир. Моделлар жаҳон хўжалиги тараққиётининг уч асосий саноат марказлари — АҚШ, Фарбий Европа ва Япония бўйича табақалаштирилади.

Иқтисодий назариянинг бир қатор мутахассислари аралаш иқтисодиёт моделларини мамлакатларга хос фарқлар бўйича америкача, Англияча, шведча, японча ва бошқалар, деб ажратиб кўрсатишида¹⁷.

Бунда классик кўринишдаги америкача модель XX аср бошидан 20-йиллар охиригача, яъни 1929—1933 йиллардаги «буюк турғунлик»кача мавжуд бўлган, деб ҳисобланади. Кейинчалик мазкур модель президент Ф. Рузвельтнинг «янги йўли»ни амалга ошириш ва кейинча тартибга солиш усуулларини кенгроқ қўлланиш жараёнида анча ўзгартирилган.

Америкача модельнинг ўзига хос хусусиятлари орасида унинг тадбиркорлар фаоллигини ҳамма чоралар билан рафбатлантириши ва аҳолининг энг фаол қисмини бойитишга йўналтирилганлиги ажратиб кўрсатилади. Кам таъминланган гуруҳлар учун қисман имтиёз ва нафақалар ҳисобидан бирмунча мақбул турмуш даражаси яратиб берилади.

¹⁷ Бу ҳақда бағафсил қаранг: Разновидности рыночного хозяйства. — «Вестник Московского университета», сер. экономическая, 1993 г., № 2.

Давлат бошқаруви ва ижтимоий сиёсатга нисбатан қолдик тақсимлаш принципи амалга оширилади. Яъни эркин рақобат асосида самарали иш олиб боришга қодир бўлмаган секторлар ва соҳалар бошқарилади. Ижтимоий сиёсат зиммасига муҳим ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун бозор ва оила амалга ошира олмайдиган ишларни бажариш орқали уни тўлдириш вазифаси юклатилган.

Америка солиқ сиёсати даромадларни қайта тақсимлаш мақсадида эмас, балки нарх-наво даражаси ва таклиф ва талаб структурасига таъсир кўрсатиш учун амалга оширилади. Ундан ташқари, америкача модель давлатнинг цикллик ва инфляцияга қарши аралашуви билан кескин фарқланади.

Фикримизча, мазкур ҳолатда, биз иқтисодиётнинг ижтимоий масалаларга ички йўналтирилганлигининг аниқ устуворлигини кўриб турибмиз. Самарадор жами талабни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга урғу берилётганлиги ҳам шундан далолат бериб турибди. XX асрнинг 70—80-йиллари давомида аҳолининг тўлов қобилияти ва унинг шахсий даромадлари устувор суратлар билан ортиб боргани бунинг энг ёрқин исботидир¹⁸. Бу ҳолат мамлакатдаги йиллик пировард фойдаланиладиган товар ва хизматлар ҳажмининг учдан икки қисмидан ортигини аҳоли шахсий истеъмоли учун сарфланишига олиб келди.

Умуман миллий ривожланиш моделларининг асосий фарқи ва ўзига хослиги бозор иқтисодиёти ижтимоий йўналтирилганлигининг хусусияти, акценти усуллари ва шакллари билан аниқланади. Шу нуқтаи назардан, мамлакатларнинг ҳар бири учун иқтисодий сиёсатнинг ўз тасаввурлари ва аниқ чора-тадбирлари хосдир.

Масалан, «Хитой ва Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар тажрибаси: якун ва истиқболлар» мавзууда ўтказилган «давра сұхбати» мажлисида Хитой томони бандликка кўпроқ эътибор берди. Ҳозирги даврда ХХРда меҳнатга яроқли аҳолининг бандлик даражаси 56—57

¹⁸ К а р а н г: Васильевский Э. США: социальная ориентированность производства. — «Вопросы экономики», 1993 г., № 12, с. 42—43.

фоизни ташкил этади, индустрисал мамлакатларда бу кўрсаткич тахминан 42 фоизга, ривожланаётган мамлакатларда эса 46 фоизга тенг¹⁹. Шунинг учун, бандлик муаммосини ҳал этиш Хитойда бош ижтимоий муаммони ҳал этилиши демакдир.

Давлат ижтимоий дастурларининг ўрни ва роли бўйича жиддий тафовутлар мавжудлиги адабиётларда алоҳида таъкидланмоқда²⁰. Энг аввало, ижтимоий мақсадларга қаратилган давлат харажатлари улушкини тасифловчи кўрсаткичлардаги катта фарқ таъкидланади ва бу ҳолат мамлакатлардаги хўжалик моделининг ўзига хослиги ва шаклланган сиёсий ва ахлоқий этика аньналари билан кўп жиҳатдан боғлиқдир. Австралия, АҚШ ва Япония учун ижтимоий мақсадларга сарфланадиган харажатларнинг (15 фоиздан 19 фоизгача) камлиги хосдир. Австрия, Италия, Германия, Ирландия, Финляндия, Канада, Буюк Британия, Швейцария, Греция ва бошқа баъзи давлатларда мазкур ҳиссанинг нисбатан юқорилиги (20 фоиздан 29 фоизгача) кузатилади. Бельгия, Дания, Нидерландия, Франция ва Швеция каби давлатларнинг умумий харажатларида ижтимоий харажатлар ҳиссаси юқорилиги (30 фоиздан 36 фоизгача) билан ажralиб туради.

Мазкур мақолада шаклланган иқтисодиётда моделлар ва қабул қилинган ижтимоий устуворликларга кўра шартли мамлакатларнинг икки типи ажратиб кўрсатилади. Биринчи тип — ижтимоий тараққиётда давлатга муҳим роль ажратилган ва ижтимоий демократик таомийлар кучли бўлган мамлакатлар. Иккинчи тип индивидуал имкониятлар ўзи ва оиласи учун шахсий жавобгарликка устуворлик бериладиган давлатлардир. Охирги қайд этилганлар эркин бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатлар гуруҳини ташкил қилади.

Муаллиф М. Ҳакимова икки модельни: эркин бозор ва ижтимоий бозор иқтисодиётини ажратиб кўрсатади. Бундай тугал хulosага, назаримизда, қўшилиб бўлмайди.

¹⁹ Карапнг: Луценко Л. «Опыт экономических реформ в Китае и Узбекистане: итоги и перспективы». — «Экономический вестник Узбекистана», 1999 г. № 1—2, с.23..

²⁰ С м: Ҳакимова М. Роль государства в развитии социального сектора. — «Экономика и статистика», 1998 г. № 4 с. 73—74.

Биринчидан, тафовутлар чиндан ҳам мажуд бўлиши мумкин, лекин улар эркин иқтисодий тизимларда ҳам бўлиши мумкин. Яъни эркинлашув иқтисодий ва хўжалик ривожланишининг бош мезони эмас.

Чунончи, мамлакатда корхоналар ижтимоий дастурларда фаол иштирок этадиган эски анъаналар мавжуд бўлганлиги учун давлат ижтимоий харажатлари нисбатан кам бўлган Япония мисол қилиб келтирилади. Йирик компания ва фирмалар ходимларига пенсияга чиқишида ўз фондларидан нафақа, уй-жой сотиб олишда субсидия беради, баъзан эса озиқ-овқат ва кийим-кечак сотиб олишда ёрдам берадилар, соғлиқни тиббий суғурталашда кўмаклашадилар, эҳтиёж бўлган мутахассисларни тайёрлайдилар ва ҳоказо.

Давлатнинг ижтимоий эҳтиёжларга таъсир қилишнинг кўплаб бевосита омилларидан воз кечиши миллий иқтисодий ривожланишнинг ижтимоий йўналтирилганлиги тутатилётганини билдирамайди. Хўжалик ривожланиш моделининг моҳиятини фақат давлат харажатларининг роли ва улуши билан баҳолаб бўлмайди.

Ижтимоий йўналтирилганлик фақат давлат секторини эмас, балки бутун иқтисодий тизимни йўналтириш, демакдир. Назаримизда, бу айрим назарий хатоликларга йўл қўймаслик имконини берувчи жуда муҳим жиҳат ҳисобланади. Ўзбекистонда олиб бориляётган ислоҳотларнинг ижтимоий, шу жумладан, иқтисодий ривожланишнинг барча томонларини эркинлаштириш вазифаси қўйилган ҳозирги босқичда бу, айниқса муҳимдир.

Юқорида тилга олинган муаллиф БМТ тараққиёт дастурининг (БМТД) «20:20» номини олган таклифини келтиради. Бу — давлатлар ижтимоий жиҳатлари учун ўз бюджетининг 20 фоизини, донорлар эса асосий ижтимоий хизматларни ривожлантириш мақсадлари учун ёрдам тариқасида ўз бюджетининг 20 фоизини ажратади, деганидир. Бу таклиф ҳар бир мамлакатда миллий ривожланиш омилларидан келиб чиқсан ҳолда ўзгариши мумкин бўлган мезондир. Умуман, бу муаммога жуда қизиқ ёндашувдир. Зоро, моделнинг эркинлиги моҳияти ва ижтимоий молиялашдаги давлат ваколати бир-бирига мос келмаётир.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқсан ҳолда, миллий хўжалик ривожланишининг аралаш иқтисодиёт қоидаларига асосланган моделлари турли шаклларини амалда чексиз ажратиб кўрсатиш мумкин экан. Пирвард натижада ҳамма нарса шакл ва моделларни ажратиб кўрсатишида қандай мезонга асосланишига боғлиқдир.

Фикримизча, бундай шароитда иқтисодий ривожланиш ижтимоий йўналтирилганлигининг комплекс мезонини энг мақсадга мувофиқ ва илмий жиҳатдан истиқболли деб ҳисоблаш даркор ва бу мезон ушбу тоифанинг кўп вариантлилиги ва турлилигини унинг ички тизимли тавсифи, амалга ошириш ва бошқариш даражасини кўп даражалилиги, таркибий компонентларининг муайян иерархияси (бу ҳақда ушбу бобнинг биринчи параграфида фикр юритилган) билан бирга акс эттириш лозим.

Ушбу ҳолатни янада аниқроқ асослаш учун юқори даражада ижтимоий йўналтирилганлиги билан анъанавий равища ажралиб турадиган швед ва француз моделлари тўғрисида тўхталиб ўтамиз²¹.

«Швед модели» атамаси 60-йиллар охирида, Швеция ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан энг тараққий этган мамлакатлардан бирига айлангач пайдо бўлган. Жадал иқтисодий ўсишни кенг ижтимоий ислоҳотлар сиёсати билан мувваффақиятли кўшиб олиб борилгани ушбу моделнинг ўзига хос белгиси бўлди. Олтмишинчи йилларда жаҳондаги бошқа ривожланган мамлакатларда ижтимоий ва сиёсий инқирозлар ўсиб бораётган шароитда эришилган бу ютуқлар алоҳида аҳамият касб этганди.

Ҳозир бу атама турли мазмунларда ишлатилади ва унинг заминига нима қўйилганига қараб турли маъно касб этади. Айримлар швед иқтисодиётининг бозор муносабатлари ҳамда давлат бошқаруви қўшилган аралаш характеристини таъкидлашса, бошқалар ишлаб чиқа-

²¹ К а р а н г: Эклунд К. Эффективная экономика. Шведская модель (Пер. со швед.) — М: Экономика, 1991 г.; Волков А. М. Швеция: социально-экономическая модель. Справочник. — М., 1991 г.; Хасбулатов Р. Мировая экономика. — М., 1995 г.; Франция. Ежегодник. — М., 1994 г.; жур. «Мировая экономика и международные отношения», № 3, 4, 1995 г. ва бошқалар.

риш соҳасида хусусий мулк ҳиссаси устунлиги ва ис-
теъмоддаги колективизмни, учинчилар эса ижтимоий
тенгликнинг бозор табақалашувидан устуворлигини ва
ҳоказоларни қайд этишади.

Урушдан кейинги даврда меҳнат бозорида меҳнат билан капитал ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хослиги Швециянинг характерли белгиларидан бирига айланди. Иш ҳақи соҳасида касаба уюшмалари ва тадбиркорлар сингари ташкилий тузилмаларнинг асосий қатнашувчи шахслар сифатидаги иштирокида жамоа шартномаларини тузиш борасида ўтказиб келинган музокараларнинг марказлашган тизими бир неча ўн йиллар давомида швед воқелигининг муҳим қисми бўлиб келди. Бунда касаба уюшмалари сиёсати меҳнаткашлар турли групҳлари ўртасидаги бирдамлик қоидаларига асосланди, мазкур бирдамлик эса уларнинг барчаси учун умумий бўлган ижтимоий манбаатлар негизида шаклланди.

Швед моделини аниқлашнинг яна бир усули швед сиёсатида икки устувор мақсад — тўла бандлик ва даромадларни тенглаштириш аниқ ажralиб туришдан келиб чиқади, иқтисодий сиёsat услубларини белгилаб беради. Юқори даражада ривожланган меҳнат бозоридаги фаол сиёsat ва катта давлат сектори (давлат мулки эмас, балки биринчи навбатда қайта тақсимлаш соҳаси назарда тутилади) ушбу сиёsat оқибати сифатида қаралади.

Ниҳоят, жуда кенг маънода, швед модели — турмуш даражаси юқори бўлган ва ижтимоий сиёsat кенг кўламда олиб бориладиган мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий воқеликнинг бутун комплексидир.

Шундай қилиб, «швед модели» тушунчаси ягона мазмунда талқин қилинмайди. Шу боис бизнинг тадқиқот учун айрим жиҳатларни аниқлаш зарур.

Чунончи, швед иқтисодий тизимининг муваффақиятли амал қилиши, бошқа барча бозор тизимлари сингари, нарх-навонинг барқарорлиги, миллий саноатнинг рақобатбардошлиги ва иқтисодиётнинг ижобий маънодаги юқори суратлар билан ўсишига боғлиқдир. Хусусан, инфляция швед иқтисодиётининг ижтимоий

ўсишига ва рақобатбардошлигига ҳам хавф тудиради. Бинобарин, швед моделида инфляцияга ва унинг оқибати бўлмиш иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатмайдиган тарздаги тўла бандликни қўллаб-кувватлаш усууларига эътибор берилади. Тажрибадан маълум бўлишича, ишсизлик билан инфляция ўртасидаги икки томонламалик швед моделидаги энг заиф нуқтадир.

Ташки бозорлардаги рақобатчилик қурашининг кучайиши ва чуқур иқтисодий инқироз туфайли 70-йиллар ўрталаридан бошлаб мамлакатда аҳвол сезиларли даражада мураккаблашди. Швед моделининг амал қилишида муаммолар пайдо бўла бошлади. Ушбу модель асосларига муайян даражада зид бўлган бир қатор чораларни қўллашга тўғри келди. Масалан, чуқур таркибий инқирозга учраган айрим саноат тармоқлари давлатдан катта миқдорда ёрдам ола бошлади. Ишлаб чиқаришдаги бозор эркинлиги даражаси анча қисқарди.

Ижтимоий-иқтисодий ҳолатнинг бундай ўзгаришининг сабаби иқтисодий кўрсаткичлар ёмонлашувидан кўра кўпроқ жамиятнинг ижтимоий ларзалардан кутулиб қолишга бўлган эҳтиёжида эди, чунки инқирозга учраган тармоқларда бандликнинг қисқариши ижтимоий барқарорликни бузиши мумкин эди. Зоро, агар эркин бозор қонунлари устуворлигидан келиб чиқиладиган бўлса, у ҳолда инқирозга учраган корхоналарнинг тугатилиши умуман тизимга фойдали бўларди. Бироқ, бундай фойданинг «ижтимоий баҳоси жуда қимматга тушарди».

Натижада мамлакат реал сектордаги бозор стихиясини чеклаш йўлини танлади. Кўплаб либерал иқтисодчиларнинг ноxуш башоратларига қарамай, Швеция инқироздан чиқа олди. Шундан сўнг, 1983 йилдан бошланган узоқ иқтисодий юксалиш швед модели ўзгарган шароитларга мослаша олганини ва ўзининг яшовчанлигини намойиш қилди.

Швед модели ҳали ҳам ишлаб чиқаришнинг марказлаштирилмаган бозор тизими самарали эканлигига, давлат корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятига аралашмаслигига, меҳнат бозоридаги фаол сиёsat эса бозор иқтисодиётининг ижтимоий харажатларини энг кам даражага олиши лозимлигига асосланади. Бунинг

маъноси, хусусий сектор ишлаб чиқарининг максимал даражада ўсиши учун шароит яратиш ва давлатнинг солик тизими ва давлат сектори орқали келиб тушадиган даромадларнинг бир қисмини аҳоли турмуш даражасини ошириш учун имкони борича кўпроқ қайта тақсимлашдан иборатдир. Бунда ишлаб чиқариш асосларига фаол таъсир кўрсатмасликка ҳаракат қилинади.

Кўринишидан бир-бирига зид бундай вазифаларни амалга оширишда кўп жиҳатдан бир қатор инфратузилма элементлари ва жамоа пул жамғармаларининг фаол фаoliyati туфайли эришилди. Айни шу нарса миллий даромадни юқори даражада кўпайган соликлар ва давлат харажатлари орқали тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва истеъмол қилишда давлатнинг ролини ортишига олиб келди.

Буни 2-жадвалдаги маълумотлар яхши кўрсатиб туриди.

2-жадвал

Жаҳондаги айrim мамлакатлар ялпи ички маҳсулотида соликлар ҳиссаси (1999 йил, фоиз ҳисобида) *

Мамлакатлар	ЯИМда соликлар ҳиссаси (%)
Ўзбекистон	41,8
Австрия	47,5
Бельгия	51,1
Дания	60,0
Финляндия	53,1
Голландия	51,4
Норвегия	55,3
Португалия	45,7
Швеция	58,4
АҚШ	45,0

* Жадвал Халқаро валюта фонди (ХВФ) маълумотлари асосида тузилган.

Швециядаги мавжуд иқтисодий тизим одатда араш иқтисодиёт сифатида тавсифланади. Унинг негизида давлат бошқарувидан фаол фойдаланувчи рақобатга асосланган бозор муносабатлари ётади. Араш иқтисодиёт деганда швеция бозор хўжалигидаги асосий: хусусий, давлат ва жамоа мулкчилик шаклларининг кўшилиши, нисбати ва ўзаро ҳаракати тушунилади.

Бу шакллардан ҳар бири иқтисодий ва ижтимоий ўзаро алоқалар умумий тизимида ўз «ўрнини» эгаллаган ва ўз вазифасини бажаради. 50 дан ортиқ киши банд бўлган барча Швед компанияларининг аксарият кўпчилиги (85 фоизга яқини) хусусий капиталга тегишилдири. Хусусий корхоналар ҳиссасига ишлаб чиқариш секторида банд бўлганларнинг 75 фоизига яқини тўғри келади, улардан 10 фоизига яқини чет эл капиталига тегишли фирмаларда ишлайди. Банд бўлганларнинг қолган қисми давлат ва кооперативлар ҳиссасига тўғри келади ва улар ўртасида тенг миқдорда бўлинади. Айни маҳалда сўнгги ўн йиллар ичida давлат сектори кенгайди, жамоа секторининг ҳиссаси эса деярли ўзгармади.

Мулкчиликнинг ушбу уч шаклидан ташқари араш мулкка асосланган кўплаб компаниялар, касаба уюшмалари ва жамғарма банкларига тегишли фирмалар мавжуд. Ишлаб чиқаришнинг умумий таркибида уларнинг ҳиссаси кам бўлса-да, ижтимоий аҳамияти анча юқори ҳисобланади.

Швецияда товар ва хизматлар ишлаб чиқаришда хусусий сектор етакчилик қиласди. Хусусий сектор тузилмасида қайта ишлаш саноати ва экспорт ихтисослашувини белгиловчи тармоқларда устунлик қилувчи йирик капитал ажралиб туради. Хусусий секторнинг қолган қисми майда ва ўрта фирмалардан иборат.

Ушбу мезонларга кўра, хусусий компаниялар 2 гурӯхга бўлинади. Биринчи гурӯхга асосчиси, мулкдори ва бошқарувчиси — директор бир шахс бўлган кўплаб майда фирмалар киради. Иккинчи гурӯхга эса фонд биржасида рўйхатдан ўтган йирик компаниялар киради.

Сўнгги ўн йилликлар ичida ушбу гурӯхга кирувчи мулкчилик структурасида катта ўзгаришлар содир бўлди. Уй хўжаликлари ва хусусий шахсларга тегиши-

ли акциялар ҳиссаси сезиларди даражада камайди. Агар етмишинчи йиллар ўргасида улар барча акцияларнинг ярмига эгалик қилган бўлишса, тўқсонинчи йиллар бошида эса уларнинг қўлида фақат акцияларнинг бешдан бирига яқини қолди. Айни маҳалда суғурта, инвестиция ва номолиявий компаниялар, фонdlар, шу жумладан давлат умумий пенсия фонди ўз ҳиссаларини кўпайтиришди. Бир вақтнинг ўзида, энг аввало даромад ва мулк солиғи ставкалари юқорилиги сабабли йирик индивидуал акциядорлар ҳиссаси анча камайди.

Шундай қилиб, институционал мулк устун даражада уй хўжаликлари ва хусусий шахслар мулкининг ўрнини эгаллади. Ҳозирда акциялар портфелининг 20 фоизи эгалари муассасалардир, хусусан, номолиявий, инвестицион ва суғурта компаниялари улуши айниқса ошди.

Тижорат фаолияти билан шугулланувчи номолиявий компаниялар роли турли сабабларга кўра ошди. Уларнинг баъзилари акцияларнинг анча қисмини, кўпинча асосий қисмини ўз ихтиёрида қолдиргани ҳолда, шўъба компанияларни фонд биржасига чиқарди. Бошқалар эса, фирма ёки унинг бўлимини сотгани ҳолда, тўлов сифатида сотиб олувчи компаниянинг акциясини олишган. Баъзи акцияларнинг йирик пакетлари фирмаларнинг узоқ муддатли яқин ҳамкорлиги натижасида юзага келган. Акцияга «стратегик» капитал қўйиш одатдаги ҳолатга айланди. Турли акциядорлик инвестиция фондлари тузилгач, индивидуал акциядорларнинг янги гурӯхлари пайдо бўлгани муҳим роль ўйнади. Банклар ёки фирмалар бошқаруви остида бўлган умумий фондлардаги жамғармалар ҳукumatдан турли хил солиқ субсидиялари олдилар.

Швецияда давлат секторининг муҳим роли кўп пул маблагларини йиғиши, ижтимоий ва иқтисодий мақсадларга қайта тақсимлашдан иборат бўлиб, бу швед модели концепциясининг моҳиятидан келиб чиқади. Давлат сектори икки хил даражадаги мулк эгалари: марказий ҳукumat ва маҳаллий (коммунал) ҳокимият органларига эга. Қуйи даража баъзан мулкчиликнинг коммунал шакли сифатида ҳам таърифланади. Улар бир-

Бозор иқтисодиёти ижтимоий йўналтирилганлигининг
назарий муаммолари

галикда бир бутунни ташкил қиласди, бироқ, улар иқтисодиёт соҳасидаги тутган ўрни ва кўламига кўра фарқланадилар.

Давлат сектори ва давлат мулки турли хил тушунчалардир. Давлат мулки деганда тўла ёки қисман (аралаш мулк) давлатга тегишли бўлган корхоналар тушунилади. Швецияда давлат мулки салмоғи жуда кам. Ваҳоланки, давлатнинг иқтисодий ҳаётга аралашуви миқёси деб таърифлаш мумкин бўлган давлат сектори ҳажмига кўра Швеция ривожланган мамлакатлар орасида биринчи ўринда туради.

Давлат сектори миқёси давлат харажатлари улуши, истеъмол улуши, солиқнинг ЯИМ даги улуши, давлат секторида банд бўлган аҳолининг ҳиссаси сингари кўрсаткичлар билан ўлчаниши мумкин. 90-йилларнинг охирида давлат секторида меҳнатга яроқли аҳолининг 30 фоизидан ортиғи банд бўлган ва давлат истеъмолининг ЯИМ даги улуши 30 фоизига яқинни ташкил қилганди. Истеъмол, инвестиция, трансфертини ўз ичига оловчи давлат харажатлари ҳиссаси 1960 йилда ЯИМнинг 30 фоизига яқинини ташкил этган бўлса, саксонинчи йилларнинг охирига келиб 60 фоиздан ошиб кетди. Хусусан, ушбу кўрсаткич 90-йиллар охирларида 67 фоизга етди ва юқори даражага кўтарилди.

Коммунал мулк анча чекланган бўлиб, қонунга кўра унга коммунал хизматлар ва уй-жой курилиши соҳаларидагина фаолият кўрсатиш рухсат берилган.

Давлат мулки одатда акциядорлик компаниялари ёки давлат корхоналари шаклини олади. Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, давлат корхоналари молиявий ва кадрлар масалаларида анча мустақил иш олиб борадилар. Нарх-наво соҳасида улар мустақил қарор қабул қилишади, ўз харажатларини қоплаб, сарфланган капитал учун фойда олишлари керак.

Давлат бошқарувидаги корхоналар алоҳида мақсадларни бажариш учун мўлжалланган бўлиб ва айрим ҳолларда қонунга мувофиқ монополия бўладилар. Икки йирик давлат монополияси бўлган почта ва алоқа тармоғига давлат корхоналарида банд бўлганларнинг 60 фоизидан ортиғи тўғри келади. Бошқа муҳим соҳа —

транспорт ҳисобланади ва Швеция давлат темир йўли ҳиссасига мамлакат жами темир йўлининг 95 фоизи тўғри келади.

Марказий ҳукумат турли иқтисодий дастаклар воситасида мамлакат иқтисодиётига ҳал қилувчи таъсир ўтказмоқда. Иқтисодий дастаклар тизимида ҳал қилувчи ўринни давлат бюджети ўйнайди.

Швецияда давлат харажатларининг 50 фоизидан зиёди трансферт тўловидан, яъни даромадларни хусусий секторга (уй хўжалиги ва корхоналарга) ўтказиши ташкил қиласи, пенсия, уй-жой субсидиялари, болалар учун нафақалар, қишлоқ хўжалик ва саноат субсидиялари, давлат қарзлари бўйича тўланадиган фоизлар ҳам шулар жумласидандир.

Умумий давлат харажатларидан трансферт тўловларини чиқариб ташлагандан кейин қолган маблағлар давлат истеъмоли ва инвестицияларни ташкил қиласи, хусусан, маблағнинг 90 фоизи давлат истеъмолига тўғри келади, шу жумладан деярли учдан икки қисми соғлиқни сақлаш, таълим, давлат маъмурияти ва ҳокозаларга сарфланади.

Бу ерда биз, собиқ совет даврида бизга яхши маълум бўлган қолдиқ ёндашувидан фарқланувчи бошқа қолдиқ принципига дуч келамиз. Тадқиқотимиздан кўзда тутилган мақсадни ҳисобга олиб, ушбу ҳолатга алоҳида эътибор қаратишимишиз лозим, чунки ижтимоий манфаатлар позициясидан қараганда, у ушбу устуворликнинг асосий кафолатларидан бири сифатида намоён бўлади.

Бундан ташқари, давлат истеъмолининг катта қисми давлат хизматчилари — тиббиёт ходимлари, ўқитувчилар ва шу кабиларнинг иш ҳақидан иборатдир. Коммунал харажатларнинг асосий қисми (30 фоизга яқини) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларга, атрофмуҳитни муҳофаза қилишга, таълимга (20 фоизга яқини), электр ва сув таъминотига (10 фоиздан зиёди), бўш вақт ва маданиятга (5 фоизи), транспорт ва алоқага (5 фоизи) тўғри келади.

Швед ижтимоий сурурта тизимининг асоси турли ижтимоий нафақалар турларидан иборат бўлиб, улар ҳам тақсимот сиёсатининг муҳим воситасидир.

Швецияда давлат харажатлари комплекс равища маблағлар билан таъминланади. Давлат секторининг турли қисмлари ўз даромад манбаларига эгадирлар. Бундан ташқари, коммуналар, ландстинглар ва ижтимоий сугурта сектори асосан марказий ҳукуматдан дотация олишади. Марказий ҳукумат учун эса даромадларнинг асосий манбаи билвосита даромадлардир. Ижтимоий хизматлар секторида эса тадбиркорлар ва меҳнаткашларнинг ижтимоий сугуртага тўлайдиган бадаллари асосий даромад манбаи ҳисобланади.

Давлат сектори хизмат соҳасида анча ривожланган. Бутун хизмат соҳасининг ярмини ташкил қилувчи ижтимоий хизматларда давлатнинг ҳиссаси 92 фоиздан зиёд бўлиб, шу жумладан соғлиқни сақлашда — 90 фоиздан зиёд, таълим ва илмий тадқиқот конструкторлик ишларини ташкил қилишда — 89 фоизга яқин, ижтимоий сугуртада — 92 фоизни ташкил қиласди. Статистика бўйича умуман давлат ҳиссасига хизмат соҳасида банд бўлганларнинг 49 фоизи, давлат компанияларини ҳам ҳисобга олганда, 56 фоизи тўғри келади.

Давлат сектори иқтисодиёт самарадорлигини ошириш учун муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Транспорт ва алоқа, таълим тизими сингари муҳим давлат хизматларининг яхши сифати ва харажатларининг камлиги ҳам бунга кўмаклашади. Бунда хусусий ва давлат секторининг ўзаро ҳаракати аниқ кўринади: хусусий сектордан олинадиган даромад солик ва давлат бюджетига тўланадиган бошқа тушумлар орқали, энг аввали аҳолига давлат хизмати кўрсатишни кўпайтириш учун фойдаланилади, бу эса, ўз навбатида, хусусий сектор негизини ташкил қилувчи иқтисодиёт самарадорлигининг ортишига шарт-шароит яратади.

Ижтимоий йўналтирилганликнинг муҳим таркибий қисми кооператив ҳаракат ҳисобланади. Умуман швед иқтисодиётининг ўзига хос хусусияти бўлган кооператив ҳаракат бутун мамлакат бўйлаб кенг тарқалган ва кучли мавқега эга.

Кооперативлар ишлаб чиқарувчи ва истеъмол кооперативларига бўлинади. Истеъмол кооперативларида 70 мингдан зиёд киши банд бўлиб, уларнинг ярми икки энг йирик кооператив ҳиссасига тўғри келади ва

чакана савдода муҳим рол ўйнайди. Шундай қилиб, бозор тузилмаларидаги кооперация аҳолининг энг муҳим ҳайтий эҳтиёжларини қондириш соҳасига киради. Бозор иқтисодиётининг ички ижтимоий йўналтирилганлиги, фикримизча, шу билан кучаяди.

Швециянинг аралаш иқтисодиётида кооператив ҳаракат «учинчи куч» ёки хусусий ва давлат мулкининг «учинчи альтернативаси» ҳисобланади. У демократия қоидаларига асосланади ва аҳоли томонидан кенг қўллаб-қувватланади. Баъзи соҳаларда, айниқса, юқорида тилга олинган матлубот кооперативлари орасида, кооперация оддий одамлар манфаатлари йўлида, энг аввало, нарх белгилаш масалаларида бозорда мувофиқлаштирувчи куч бўлиб қолди.

«Кооператив» атамаси, одатда, биргаликда иш олиб бориш ва ўзаро ёрдамга асосланувчи иқтисодий тушунчага таалуқлидир. Бироқ швед анъаналарида кооператив корхона ўз аъзоларининг эҳтиёжлари ва иқтисодий манфаатлари билан бевосита алоқада бўлиши кўзда тутилади.

Ҳар бир ижтимоий-иқтисодий модель муайян мақсадни кўзлайди ва шунинг учун вужудга келган. Швед моделида ижтимоий сиёсат биринчи даражали роль ўйнайди; у шунингдек, иш кучини (устун даражада юқори малакали) такрор ишлаб чиқариш учун муайян даражада нормал шароит яратиши ҳам керак. Бу ҳам ижтимоий кескинликни юмшатиш ва ижтимоий зиддиятларни бартараф этиш дастаги ҳисобланади.

Швед моделида ижтимоий сиёсат ижтимоий муносабатларни ижтимоий адолат, даромадларни бараварлаштириш, ижтимоий тенгсизликни камайтириш ва натижада фаровон давлат негизида янги демократик социализм жамиятини куриш руҳида ўзлаштиришга ёрдам беради.

Швециядаги аҳоли турмуш даражаси жаҳондаги ва Европадаги энг юқори турмуш даражасидан бири саналади. Турмуш даражаси турли кўрсаткичлар комплекси билан белгиланади. Швеция ЯИМ аҳоли жон бошига ишлаб чиқариладиган ялпи ички маҳсулот ва истеъмол бўйича Европада олдинги ўринлардан бирида туради. Аҳоли даромадларини бараварлаштириш даража-

си ва аёллар иш ҳақининг эркаклар иш ҳақига энг юқори нисбати бўйича ҳам Швеция жаҳондаги барча қолган мамлакатлардан олдинги ўринни эгаллади.

Шундай қилиб, швед моделининг асосий мақсадлари нарх-навонинг барқарорлиги, иқтисодий ўсиш ва рақобатбардошликка асосланган тўла бандлик ва тенглика эришишдир. Меҳнат бозорида рестриктив чоралар ва фаол сиёсатнинг кўшилиши тўла бандлик билан нарх-наво барқарорлигини таъминлаш воситаси ҳисобланган. Умумий фаровонлик сиёсати ва иш ҳақи соҳасида касаба уюшмаларининг бирдамлик сиёсати — швед моделининг таркибий қисми ҳисобланади. Швед модели бир неча ўн йиллар давомида ривожланиб келди ва иш ҳақи соҳасидаги бирдамлик сиёсати, инфляциясиз тўла бандлик, меҳнат бозоридаги фаол сиёсат тояларининг яшовчанлигини намойиш қилди.

Шу билан бирга, швед моделида айни ижтимоий йўналтирилганлик билан боғлиқ айрим заиф нуқталар бор. Чунончи, Швецияда нарх-наво, ҳар ҳолда ИҲРТ бошқа мамлакатларидагидан тезроқ ошиб боради, ЯИМ Farбий Европадаги қатор мамлакатлардагига қараганда секинроқ кўпаяди ва меҳнат унумдорлиги эса деярли ошмайди.

Бир томондан, меҳнат унумдорлиги ўсиши суръатларининг пасайиши хусусан рационаллашувга кам қодир бўлган хизмат сектори кенгайиши туфайли юзага келган халқаро ҳодисага айланди. Бошқа томондан, Швециядаги маълум даражадаги меҳнат унумдорлигининг ортишига амалда имкон бермайдиган давлат сектори катталиги билан изоҳланади. Шундай қилиб, инфляция ва нисбатан камтарона иқтисодий ўсиш тўла бандлик ҳамда тенглик сиёсатига тўланган «товорон» бўлди, деб ҳисобланади.

Нисбатан кўп тарқалган фикрларга кўра, ҳозир швед модели муайян хавф остида қолган. Келажакда швед моделининг икки асосий мақсади тўла бандлик ва тенгликининг сақланиб қолиши, афтидан, ўзгарган шароитларга мослашишда кўмаклашувчи янги услубларни тақозо этадиганга ўхшайди.

Шу ўринда ижтимоий йўналтирилган ҳар қандай моделнинг яна бир жуда муҳим хусусиятига дуч кела-

миз. Бу хусусият мақсадларнинг рўёбга чиқиши ва иқтисодий ривожланиш шароитлари ўзгаришига кўра уларда яширинган трансформация салоҳиятидир. Моделнинг мосланувчанлиги ижтимоий йўналтирилган ривожланиш учун жуда муҳим бўлган хусусиятлардан биридир.

Мосланувчанлик бўлмаслиги, назаримиизда, ижтимоий мақсадлар ривожланишининг бозорга хос рағбатлари билан зиддиятта киришувининг омили бўлиб қолади. Бозор иқтисодиёти ижтимоий йўналтирилганлигининг ички ва ташқи омиллари ўртасида бундай «тўқнашув»дан, агар моделнинг рўёбга чиқиш шаклларида унга мосланувчанлик хос бўлсагина кутулиб қолиш мумкин бўлади.

Франциядаги муаммолар бу қоидани қисман исботлаши мумкин. Бу ерда ижтимоий йўналганлик сўнгги ўн йилликда иқтисодий ривожланишда энг кўзга кўринган ҳодисалардан бири бўлди.

Франция етакчи Farb давлатларидан бири бўлиб, мамлакатга дунёдаги банд бўлган аҳолининг бир фоизи тўгри келган ҳолда жаҳон ЯИМ нинг 4,7 фоизини яратиши билан жаҳон мамлакатлари орасида тўртинчи ўринда туради. Farbий Европа саноат ишлаб чиқаришининг 17 фоизи ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг 20 фоизи Франция ҳиссасига тўгри келади. Бироқ иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича Германия ва қатор кичик мамлакатлар (Норвегия, Дания, Швейцария, Люксембург) дан орқададир.

80-йилларда Францияда иқтисодий ривожланиш ўсиш суръатларининг пастлиги, оммавий ишсизлик, давлат бошқаруви асосий йўналишларининг кескин ўзгариши содир бўлди. Жаҳон хўжалигининг структуравий инқирози, иқтисодий ўсишнинг янги турига ўтиши саноат ишлаб чиқаришига кучли таъсир кўрсатди. 70-йиллар ва 80-йиллар бошидаги инқирозли ҳодисалардан сўнг француз саноати ўзининг ишлаб чиқариш даражасини 1986 йилга келибгина тиклаб олди.

Жаҳон иқтисодиётида Франциянинг мавқеи заифлашди. ИХРТ мамлакатларида саноат ишлаб чиқаришида унинг ҳиссаси 80-йилларда 6,6 фоиздан 5,7 фоизга камайди, экспорт имкониятлари ҳам камайди ва

ишсизлик нормаси 10 фоизга етди. Француз саноати ҳали ҳам етарлича ихтисослашмаган, бозорда жадал ўзгариб бораётган талабга қийинлик билан мослашмоқда.

Франция иқтисодий тизими кўп жиҳатдан Германиянинг «ижтимоий бозор хўжалиги» тизимини эслатади. Бу ерда ҳам иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилган модели фаолият кўрсатиб, унинг марказида «фаровонлик давлати» ётади. Давлатнинг иқтисодиётдаги юқори роли туфайли бу иқтисодий тизимни этатик модель деб ҳам аталади. Давлатнинг Франция иқтисодиётида тутган салмоқли ролини қуидаги рақамлар тасдиқлайди. Давлат Франция ЯИМнинг 54 фоизини қайта тақсимлайди, иқтисодиётда банд бўлганларнинг 24 фоизи давлат секторида ишлайди. Франциядаги йирик трансмилий корпорациялар биринчи навбатда давлат қатнашув улуши асосида фаолият кўрсатадиган корхоналардан иборат.

Ижтимоий бозор иқтисодиётининг кучли анъана-лари французларга ижтимоий соҳада катта ютуқларга эришиш имконини берди. Масалан, давлат секторидаги иш ҳақи хусусий бизнесдаги иш ҳақига нисбатан юқори ҳисобланади. Ишсизлик бўйича нафақа дара-жаси ҳам жуда юқори ҳисобланади. Давлат озигина бўлса ҳам меҳнаткашлар эришган ижтимоий ютуқларни пасайтиришга ҳаракат қиласа, кучли касаба уюш-малари умуммиллий иш ташлашлар билан уни қўрқи-тади. Мамлакатдаги кучли ижтимоий кафолатлар давлат молия тизимиға оғир юк бўлиб тушади. Хусусан, давлат хизматчилари қисқартирилиши мумкин эмас, улар 50—55 ёшда пенсияга чиқадилар, уларнинг пенсияси ўртача иш ҳақига нисбатан юқори, ишсизлик бўйича бериладиган нафақа мамлакатдаги ўртача иш ҳақига нисбатан юқори ҳисобланади. Мамлакатдаги ижтимоий кафолатлар биринчи навбатда солиқ тўлов-чилар ҳисобидан молиялаштирилади. Мамлакатда бил-восита ва индивидуал даромад солиқлари ставкаси ва тадбиркорлар тўлайдиган ижтимоий солиқ взноси ставкалари юқори ҳисобланади. Масалан, АҚШда ижтимоий взнослар мамлакат ЯИМнинг 10,4 фоизини ташкил этса, Швецияда 14,5 фоизини, Буюк

Британияда эса бор-йўғи 6,3 фоизини ташкил этади. Франция эса тараққий этган мамлакатлар ичида шу соҳада пешқадам ҳисобланади ва ижтимоий взнослар ҳиссасига мамлакат ЯИМнинг 19,3 фоизи тўғри кела-ди.²² Ижтимоий нафақалар, пенсиялар ва ишсизлик нафақалари ишлаётган французлар елкасига оғир юқ бўлиб тушади. Бироқ, юқори ижтимоий кафолатлар фақат иқтисодиётнинг давлат секторида ишловчиларига нисбатан қўлланилади. Франция хусусий секторида эса иш ҳақи паст ва ижтимоий кафолатлар деярли йўқ.

Капиталнинг йириклишув жараёни шунга олиб келдики, бутун иқтисодиёт кенг ҳалқаро алоқаларга эга бўлган бир неча молиявий гуруҳлар томондан чулғаб олинди. Молиявий гуруҳлар иқтисодий сиёсатнинг шаклланишига жиддий таъсир кўрсатади. Энг йирик компаниялар манфаатларини Франция тадбиркорлари миллий кенгаши (Патронат), шунингдек тадбиркорларнинг ҳукумати тазиқ ўтказишининг қудратли воситаси бўлган турли тармоқ, тармоқлараро, минтақавий ташкилотлари ҳимоя қиласади. Натижада давлат ижтимоий муаммоларга устунлик беришдан кўра етакчи ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-кувватлай бошлади.

Иқтисодий тизим ҳамон давлатнинг қудратли таъсири остида амал қилмоқда Франция иқтисодиётни бошқариш ва дастурлашда, давлат мулкининг саломоги жиҳатидан, давлатнинг иштироки бўйича саноати ривожланган энг йирик мамлакатлар орасида ажralиб туради. Бироқ, биз тадқиқ қилаётган мавзу мавқеи нуқтаи назаридан туриб шуни таъкидлаш лозимки, 80-йилларда иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишларининг дирижизмдан неолиберализмга, бозорнинг роли кучайишига томон ўзгариши юз берди. Сиёсий кучларни ҳукумат даражасида жойлаштиришдаги ўзгаришлар иқтисодий сиёсатга катта таъсир кўрсатди, бу энг аввало давлат секторига муносабатда намоён бўлди. Ҳокимият тепасига келган ўнг ва

²² Погорлецкий А.И. Экономика зарубежных стран: Учебник. — СПб.: Изд-во Михайлова В. А., 2000. 221—222 сс.

центристик партиялар блоки 1986 йилда энг йирик 65 саноат, банк ва сугурта компанияларини денационализациялаш (давлат тасарруфидан чиқариш) дастурини қабул қилди. Шу вақтдан бошлаб мамлакат иқтисодий сиёсатида ЕИ ягона бозорини яратиш билан боғлиқ масалалар устувор масала сифатида олга сурилади. Структура ўзгаришлари, солиққа тортиш ва ижтимоий таъминот тизимини ҳамжамият даражаси билан мувофиқлаштириш ҳам шунга киради. Хўжаликнинг структура масалалари Франциянинг интеграция борасидаги мавқеига таъсир кўрсатди. Одатда у ўзининг рақобатчилик мавқеи юксак бўлмаган тармоқларни бошқариш учун кураш олиб боради.

Умуман, ҳукумат иқтисодиётни давлат йўли билан бошқаришни қисқартириб, хусусий секторни рағбатлантириди. Шу мақсадда валюта назорати, нархлар устидан назорат бекор қилинди, солик камайтирилди, компанияларга бериладиган имтиёзлар оширилди. Иш ҳақи ўсишини секинлаштириш иқтисодий сиёсатнинг асосий таркибий қисмларидан бири бўлдики, бунинг оқибатида истеъмол харажатлари меъёрида сақланди, фойда меъёри эса ошди.

Айни маҳалда майдада бизнес мамлакат иқтисодиётида фаол роль ўйнашда давом этди. Лекин, у тобора кўпроқ қийинчиликларга дуч кела бошлади. Чунончи, рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектларининг 30 фоизи икки йил ўтгач тугайди, иккитадан биттаси эса ўз фаолиятини беш йилга етказа олмайди. Банкротлика учрайдиган фирмалар сони ҳам кўп. Дастрлабки ва айланма капитал етарлича тўпланмаганлиги янги компаниялар фаолияти йўлида тўсиқ бўлмоқда. Кичик тадбиркорликдаги қийинчиликлар у ҳозирги бозор иқтисодиётида бажараётган ижтимоий вазифалар камайиб бораётганлигини билдиради.

Умуман, шуни таъкидлаш керакки, Франция иқтисодиёти учун капитални концентрациялаш ва марказлаштиришга, уни экспорт ва импорт қилишга интилиш, ишлаб чиқаришнинг байналмиллашуви давлатнинг валюта назоратини бекор қилиши, солиқни камайтириш орқали иқтисодиётнинг барча даражаларига таъсири камайиб бораётганлиги сингари тамойиллар хос эди.

Буларнинг барчаси иқтисодий ривожланишнинг ижтимоий йўналтирилганлигига тегишли равишда инъикос этди. Унда давлат таъсирининг аҳамияти камайиб ички омилларининг роли ошди.

Кўриб чиқилган моделлар бўйича умумий хулосалар чиқаришдан олдин шуни таъкидлаш керакки, Европа мамлакатларига ишлаб чиқариш даражасининг юқорилиги хосдир, бу хусусан аҳоли жон бошига ЯММ ҳажмида акс этади (3-жадвал).

3-жадвал маълумотлари кўпчилик Европа мамлакатларидан аҳоли жон бошига ЯММ ишлаб чиқариш юқори даражада эканлигини кўрсатади.

Шу боис бозор иқтисодиёти ижтимоий йўналтирилган моделларининг биз кўриб чиқсан барча варианatlari буткул самарадор ишлаб чиқариш шароитида шакллангандир.

3 - жадвал

*Гарбий Европа мамлакатлари бўйича 2000 йилда аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ЯММ**

Мамлакатлар	ЯММ (доллар)	Мамлакатлар	ЯММ (доллар)
Австрия	25220	Италия	20010
Бельгия	24630	Нидерландия	25140
Буюк Британия	24500	Норвегия	33650
Германия	25050	Португалия	11060
Греция	11960	Финляндия	24900
Дания	32020	Франция	23670
Ирландия	22960	Швейцария	38120
Испания	14960	Швеция	26780

* Жадвал «Создание институциональных основ рыночной экономики. Доклад о мировом развитии 2002 год. М.: Изд-во «Весь мир». Всемирный банк, 2002. с. 232–233» маълумотлари бўйича тузилиди.

Шундай қилиб, биз мавзу учун муҳим бўлган уч хулоса чиқаришимиз мумкин. Биринчидан, ижтимоий йўналтирилганлик амалдаги хўжалик ривожланишининг ҳар қандай моделининг ажралмас хусусиятидир. Ик-

кинчидан, ижтимоий йўналтирилганликнинг ҳеч бир шакли абадий эмас. Учинчидан, у ўзининг ички ва ташқи омиллари ўзаро таъсирининг мослашувчан тизимида рўёбга чиқади.

Жаҳон амалиётида қатор ҳолатларда бозор иқтисодиётининг ўз-ўзидан ижтимоий йўналтирилганлигига ургу берилса, бошқа ҳолатларда эса унинг давлат томонидан таъминланадиган шаклларига эътибор берилади. Айни маҳалда ушбу ургуларнинг алманинуви тарихий ривожланишнинг муқаррар ҳодисаси бўлиб, ижтимоий-иктисодий моделга узлуксиз ижтимоий йўналтирилганликни амалга ошириш усулларида зарур даражадаги мослашувчанлик хос бўлиши лозим.

Шундай қилиб, ижтимоий таркиб ҳозирги бозор иқтисодиёти мазмуни ва унинг алоҳида миллий моделлари учун ҳам белгиловчи ҳол бўлиб қолади.

Шу нуқтаи назардан ҳозирги бозор иқтисодиёти шаклларидаги миллий ривожланиш моделлари хусусиятининг икки тизими даражасини ажратиб кўрсатиш зарур:

биринчидан — ижтимоий жиҳатлар;

иккинчидан — ижтимоий жиҳатлардан келиб чиқувчи иқтисодий жиҳатлар.

Ҳозирга қадар иқтисодиёт назарияси иқтисодий жиҳатларга эътиборни кўпроқ қаратиб келган, чунки бу анча аниқ даражা эди. Унинг заминида эса ижтимоий сифатдаги таркиблари ётади. Юқорида қайд этилганлар миллний ривожланиш моделларидаги турли тафовут омилларини ташкил қиласди.

Ҳар бир иқтисодий ривожланиш моделида бир вақтнинг ўзида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти моделининг таркибий иерархияси субординацияси келтирилган. Модель шу тариқа истиқбол ривожланишида тизимли бирликни касб этади.

Ислоҳ қилиш амалиёти нуқтаи назаридан тўғри (бевосита) йўлдан, яъни ижтимоий муаммолар бўйича бориш ва уларга мувофиқ ҳолда иқтисодий шаклларни яратиш, такомиллаштириш ва ўзгартириш йўлидан бориш самаралироқдир. Акс ҳолда, билвосита йўлдан боришга тўғри келади. Бозор ислоҳотла-

рининг иқтисодий мазмунига мантиқан тўла мос келувчи иқтисодий шакллар ижтимоий жараёнларга тўла мувофиқ келмаслиги натижасида ижтимоий соҳани ислоҳ қилишнинг умумий самарадорлиги пастроқ бўлиб қолиши мумкин.

Бу хуроса иқтисодий тизим ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатлари томон бораётган ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари учун алоҳида аҳамият қасб этади.

II б о б

ИЖТИМОИЙ ФОНДЛАРНИНГ МОҲИЯТИ, БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ЎРНИ ВА ВАЗИФАСИ

2.1. Ижтимоий фондларнинг иқтисодий табиати ва макроиқтисодий доиравий айланишдаги ўрни

Ижтимоий ҳимояни (ҳар қандай шаклида ва аҳолининг ҳар қандай қатлами учун), давлатнинг ижтимоий сиёсатини ҳамда ижтимоий дастурларни (мулк шаклидан қатби назар) рўёбга чиқариш доимо муайян миқдордаги моддий (энг аввало, пул) маблағлардан мақсадли фойдаланишни тақозо этади. Шунинг учун ижтимоий фондлар ҳар қандай ижтимоий механизмнинг ажралмас элементи бўлади. Жаҳон амалиёти таҳдилининг кўрсатишича, бу фондлар турли-туман шаклда ташкил қилиниши мумкин.

Ижтимоий фондларнинг мазмуни иқтисодий ривожланишда ижтимоий мақсадга эришиш билан объектив равишда боғлиқдир. Бозор механизмининг самара-дорлик принциплари ўзаро асосий ва ижтимоий адолат хусусиятлари бўйича кўп жиҳатдан фарқ қиласи. Даромадлар ресурсларга кўра бозорга хос қоидаларга биноан тақсимланса (мехнат ва капитал самара-дорлиги тегишли даромадлар миқдоридир), ижтимоий адолат ўз эътиборини (объектив вазиятлар туфайли) тегишли миқдордаги ресурсга эга бўлмаган субъектларга қаратади. Бинобарин, улар бозорга хос тақсимот механизми воситасида ўзини таъминлай олмайди.

Аҳолининг муҳтој қатламларини ҳимоялаш мақсадида даромадларни муайян тартибда қайта тақсимлаш зарурияти келиб чиқади. Бундай қайта тақсимлашнинг молиявий воситаси ижтимоий фондлар орқали амал қиласи. Ижтимоий фондлар эса, ўз навбатида, давлат

ёки нодавлат шаклида бўлиши мумкин. Ижтимоий фондларнинг шакллари ўртасидаги нисбат кўп омилларга, энг аввало, иқтисодий ривожланишнинг миллий моделига боғлиқ бўлади.

Миллий иқтисодиётни эркинлаштириш даврида ижтимоий фондлар аҳамиятининг ортиб бориши, иқтисодий адабиётда ижтимоий фондларга бағишлиган асарлар деярли йўқ бўлгани учун мазкур муаммони диққат билан таҳлил қилиш керак. Илмий адабиётда ижтимоий фондлар деганда кўп ҳолларда молиявий муносабатлар ва механизмлар ёки фойда келтирмайдиган нокоммерция, хайрия ташкилотлар тўғрисида фикр юритилади.

Ижтимоий фондлар ҳам, ҳар қандай пул маблағлари фонди сингари, сўзсиз, молиявий муносабатлар тизимиға киради ва муайян молиявий мазмунга эга бўлади. Жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида молиявий тизимни ижтимоий фондлар мажмусиз тавсифлаб бўлмайди, уларнинг аксарияти устувор йўналишларда (масалан, АҚШ инвестиция жараёнида пенсия фондининг ҳал қуловчи роли) муҳим ўрин тутади ва бу ҳақда кейинги бобларда батафсил фикр юритилади.

Бошқа томондан эса, уларнинг ташкил этилишидан асосий мақсад — фойда олишдан иборат бўлмайди. Бозор хусусиятига эга бўлган ташкилот деганда, чекланган ишлаб чиқариш ресурсларидан энг кўп даражада фойда олишга йўналтирилган ташкилот тушунилади. Шунинг учун ижтимоий фондлар бозор шароитида фолијат кўрсатишига қарамай, улар моҳияттан бозорга хос хўжалик юритувчи субъектлардан тубдан фарқ қиласи.

Мазкур қоидани яхшироқ тушуниш учун ҳозирги аралаш иқтисодиётда бозор ва нобозор муносабатлар мавжудлигини таъкидлаб ўтиш керак. Ижтимоий фондлар, табиийки, нобозор муносабатлар соҳасига киради, чунки улар даромадларини бозор тамойиллари асосида эмас, балки мазкур жамият учун энг мақбул бўлган ижтимоийadolat тамойилларига кўра мақсадли қайта тақсимлашни тақозо этади. Аралаш иқтисодиётнинг ўзи ҳозирги ижтимоий тараққиёт негизи сифатида, бозор ва нобозор муносабатларининг таркибий мувозанати мавжуд бўлган даврдагина мавжуд бўлиши мумкин.

Айни маҳалда, ижтимоий ва иқтисодий ривожла-
нишнинг ижтимоий муаммоларига муносабати жуда
кам бўлган тузилмалар ҳам мазкур мезонларга мос ке-
лади.

Ўзбекистонда БМТ Тараққиёт дастури томонидан
ташкил этилган иқтисодий тадқиқотлар маркази
қўллайдиган ижтимоий фондлар таърифи бир-бирига
анча зиддир. Масалан, ижтимоий фондлар ижтимоий
ёки хусусий ташкилотлар, шу жумладан маҳаллий бош-
қарув органлари ёки нодавлат ташкилотлар билан бир-
галиқда аҳолининг камбағал ва муҳтож гуруҳларини
қўллаб-қувватлаш бўйича лойиҳалар учун ажратилган
маблағларни олдиндан белгиланган мезонларга муво-
фиқ тақсимлайдиган сохта молиявий воситачилар деб
таърифланади²³. Бунда ижтимоий фондларга хос икки
хусусият таъкидланади:

- ижтимоий фондлар лойиҳаларни ўзлари белгила-
майди, ишлаб чиқмайди ва жорий этмайди, би-
роқ жамоат ташкилотлари, хусусий ташкилотлар
ва ижтиомий гуруҳлар лойиҳаларни олдиндан бел-
гиланган мезонларга мувофиқ танлаб олиш ва-
колатига эга;
- ижтимоий фондлар давлат секторида фаолият
кўрсатиб, ёрдамчи лойиҳани қабул қилиш жа-
раёни ҳамда иш ҳақи, харид қилиш ёки маблағ-
ларни тақсимлаш жадвалини белгилаш бўйича
мустақил қарор қабул қилиш устидан назорат
олиб бориш ҳукуқига эга бўлган маҳсус муста-
қил юридик шахс мақомига эгадир.

Мазкур таъриф фонднинг иқтисодий моҳиятини акс
эттиrmайди ва ушбу моҳиятсиз фонд тушунчаси уму-
ман ўз аҳамиятини йўқотади. Маблағларни тақсимлаш
молиявий нуқтаи назардан уларни вужудга келтириши-
нинг натижаси бўлиб, бусиз бошқа тузилмалар ёки
субъектлар уларнинг тақсимоти учун пул маблағлари
фондини яратишлари лозим бўлади. Молиявий мунो-
сабатлар амалиёти, одатда, бундай моделларни истис-
но этади.

²³ К, а, р, а, н, г: Исамиддинова Д. Социальные фонды: их роль в условиях
экономических реформ — «Экономическое обозрение». — 1998 г., № 2, с. 55.

Ижтимоий фондларнинг инвестиция лойиҳалари ни танлаб олиш бўйича ваколатларига хос бўлган хусусиятни ҳам тушуниш бир мунча қийиндири. Одатда, инвестициявий лойиҳалашнинг ҳозир фойдаланилаётган тамойиллари ва қоидаларида бундай ваколатли субъектлар бўлиши умуман кўзда тутилмаган. Лойиҳалар асосан устун даражада молиявий мезонлар бўйича танлаб олинади. Инвестициявий лойиҳалашда аҳолининг муайян қатламларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш эҳтиёжи сўзсиз ҳисобга олиниши мумкин, лекин бу нарса лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини пасайтирумайдиган доирадагина бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, мазкур мақолада ижтимоий фондлар узоқ муддат фаолият кўрсатадиган ва рақо-батда қатнашадиган, ўзини ўзи маблағ билан таъминлайдиган ишлаб чиқариш бирлиги сифатида на-моён бўлиши мумкинлиги таъкидланади. Агар шундай бўлса, ижтимоий фондларнинг азалий таърифи ўз маъносини кўп жиҳатдан йўқотади. Сўнг ижтимоий фондлар фаолияти камбағалликни камайтириш, таълим ва соғлиқни сақлаш хизматини яхшилаш, иқтисодий инфратузилмани ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнесни микромаблағ билан таъминлаш ёки ҳудудларнинг маҳаллий ривожланишга йўналтирилган бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда эса ижтимоий фондлар фаолияти аҳолининг камбағал ва ҳимояга муҳтоҷ қатламларини кўллаб-куватлашга мўлжалланган лойиҳалар таркибидан чиқиши лозим.

Умуман, мақола Ўзбекистонда халқаро ташкилотлар ёрдамида ташкил этилиши кўзда тутилган ижтимоий-инвестицион фондига бағищланган. Бу фонднинг вазифалари:

- аҳолининг бандлигини ошириш ва қасбини ўзгартириш учун имкон яратиш;
- қишлоқ жойларда ҳамда катта бўлмаган шаҳарларда кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришга кўмаклашиш;
- халқаро ва ички молиявий маблағларни одамларни ўқитиш ҳамда қашшоқлик даражасини камайтиришга жалб этиш;

- хусусий бизнесни ташкил қилиш учун шароит яратиш;
- кредитдан фойдаланишни таъминлаш;
- аҳолининг муҳтоҷ қатламларини микромаблағ билан таъминлаш;
- ижтимоий ва иқтисодий инфратузилмани яратиш ёки қайта қуриш бўйича бандлик тизимини йўлга кўйиш.

Бинобарин, мамлакатимизда ривожланаётган ижтимоий фондларнинг тўла таърифи ўз вазифаларига кўра мазкур мақола муаллифи томонидан баён этилган параметрларга нисбатан кенгроқ ҳисобланади.

Мақола муаллифи томонидан берилган таъриф ижтимоий фондлар фаолиятини фақат аҳолининг камбағал ва муҳтоҷ қатламларини қўллаб-куватлаш соҳаси билан чегаралаб кўяди ва тараққий этган мамлакатларнинг ижтимоий ривожланиш тажрибасига зиддир. Таракқий этган мамлакатларда кўп сонли ижтимоий фондлар мажбурий сугурта асосида ва ихтиёрийлик негизида шаклланиб, аҳолининг кенг қатламларини қамраб олади. Бошқача сўз билан айтганда, мазкур таъриф пенсия фонди сингари энг катта ижтимоий фондларнинг моҳиятини очиб бермайди. Умуман олганда, бизнинг фикримизча, мазкур таъриф тўла бўлмаса-да, кўпроқ нокоммерция, хайрия фондларининг ҳозирги шаклларига тўгри келади ва ижтимоий муаммоларни тўла қамраб олмайди.

Ижтимоий фондларга нокоммерция, фойда келтирмайдиган ташкилотлар деб қараш ҳам ҳақиқатга тўла мос келмайди²⁴. Ижтимоий секторда нокоммерция ва хайрия ташкилотлари сингари институционал тузилмалар борлиги маълум. Жамият манфаатлари йўлида ижтимоий, маданий ва гуманитар фаолиятни амалга оширадиган ташкилотлар тарихан давлат тузилмасининг бир қисмига айланиб қолган. Давлатнинг ижтимоий фаолияти аксарият ҳолларда ушбу ташкилотлар

²⁴ Қаранг: Жильцов Е. Н. Экономика общественного сектора и некоммерческих организаций. — М., 1995 г., с. 178—183.; Гаврилова Н. М., Понамаренко Е. В. Третий сектор: механизм некоммерческого хозяйствования. — М., 1999 г., с. 13—17.

орқали амалга оширилган. Бироқ бундай ташкилотларнинг бюджети давлат хазинасига бевосита боғлиқ бўлган. Хайрия фаолиятига азалдан хусусий иш сифатида қаралган. Бироқ, мамлакатлар тарақкий этиб боргани сари хусусий хайрия фаолияти ривожланиб хусусий бадаллар ва диний тузилмалар маблағлари ҳисобидан таъминланадиган хайрия ташкилотлари юзага кела бошлади. Шунга қарамасдан, бундай ташкилотларнинг фаолияти хайрия ёрдами кўрсатиш мақсадида хусусий шахслар ва турли ташкилотларнинг ихтиёрий хайрияларини тўплаш билан чегаралантган.

Йигирманчи асрнинг биринчи ярмида, даставвал АҚШда йирик корпорациялар ва фирмалар томонидан ташкил қилинган ilk хайрия фондлари пайдо бўлди. Улар фаол нокоммерция фаолияти юзага келганидан дарак берди. Жаҳон амалиётида кенг тарқалган қуйидаги нокоммерция хайрия ташкилотлари шаклланди: хайрия ижтимоий ташкилоти (бирлашмаси); хайрия фонди; хайрия ташкилоти; хайрия асоциацияси. Нотижорат хайрия ташкилотларининг пул маблағлари ва мулки икки манба асосида шаклланади: пул ва натурал кўринишдаги мақсадли тушумлар (кириш ва аъзолик бадаллари); тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадлар. Давлат шаклдана бошлаган хайрия дастури ва лойиҳаларини қуйидаги шаклларда қўллаб-кувватлади: субвенциялар (бегараз бюджет маблағларини) ажратиш; грантлар ажратиш; субсидиялар (хайрия дастурлари ва лойиҳаларини бажариш учун ҳиссадорлик шарти билан давлат бюджетидан молиялаштириш); бюджет кредити (қайтариб бериш шарти билан бюджет маблағларини ажратиш). Йирик хайр-эҳсонлар ваколатли мулк сифатида қонун йўли билан расмийлаштирила бошланди ва натижада хайрия фонди трастга, яъни умумий бошқарувни васийлар кенгаши, кундалик раҳбарликни эса дирекция амалга оширадиган ижтимоий институтга айланди.

Бундай трастларга ажратиладиган маблағлардан солиқ олинмас эди. Мулкчиликнинг ижтимоий ривожланиш масалаларига йўналтирилган ва макроиктисо-

дий доирада алоҳида аҳамиятга эга бўлган ўзига хос фондлар вужудга кела бошлади. XX асрнинг иккинчи ярмида бундай трастлар хўжалик юритиши билан ажralиб турувчи нокоммерция ташкилотларга айланди. Нокоммерция ташкилотлари ижтимоий, хайрия, маданий, таълим, илмий ва бошқарув мақсадларига ҳамда фуқароларнинг соғлигини сақлаш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, фуқароларнинг маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларини қондириш учун ташкил этилади. Нотижорат ташкилотларига матлубот жамиятлари, ижтимоий ва диний ташкилотлар (бирлашмалар), фондлар ва ташкилотлар киради.

Хўжалик юритишнинг нокоммерция тури муайян ўзига хос белгиларга эга бўла борди.

Биринчидан, хўжалик юритишнинг бундай турида олинадиган даромад фойда шаклига кирмас эди, чунки даромад ушбу ташкилотнинг таъсисчилари, унда ишлаётган ёки унинг устидан назорат қилаётган кишилар ўртасида тақсимланмасди. Бу ташкилотларни «фойда келтирмайдиган» деган яна бир аниқлаштирувчи хусусият келиб чиқсан. Айни маҳалда, даромад (кўпинча сохта фойда деб аталадиган)нинг харажатдан юқори бўлиши ташкилотнинг ўз моддий-техника базасини ривожлантиришга сарфланадиган инвестицияни кўпайтириш манбаига айланниб борди.

Иккинчидан, бу ташкилотлар низомида белгилangan ўзига хос мақсадларни амалга оширишни қоидага айлантириш уларнинг муҳим хусусиятига айланди. Улар, одатда, ижтимоий, хайрия, маданий, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга мўлжалланган.

Учинчидан, нокоммерция ташкилотлар бюджети бир қатор манбалар мажмуи ҳисобидан шаклланади. Булар:

- таъсисчиларнинг таъсис ҳужжатида белгилangan тушумлари;
- аҳолининг ҳукумат субсидиялари ва солиқ тўлашдаги имтиёзлари кўринишида (ижтимоий йўналтирилганликнинг муҳим омили ҳисобланган молиялаштиришнинг билвосита умумий характеристи намоён бўла бошлади);

- аъзоларнинг бадаллик взнослари ва ихтиёрий бадаллар;
- ташкилотлар ва хусусий шахсларнинг мулкий бадаллари ва хайрия улушлари;
- нокоммерция ташкилотлар тузилишига сабаб бўлган ижтимоий мақсадларга эришиш учун зарур бўлган тадбиркорлик фаолиятидан олинган тушумлар;
- акция, облигация, бошқа қимматбаҳо қофозлар ва жамғармалардан олинадиган дивиденклар;
- нокоммерция ташкилотлари мулкидан олинадиган даромадлар.

Манбаларнинг ушбу таркибида нокоммерция ташкилотларининг молиявий характери аниқ ажралиб турди. Бу энг аввало, молия ва молиявий муносабатларнинг мақсадли йўналиши билан фарқланувчи алоҳида шаклидир. Бунда фойда олиш мақсад бўлмагани ҳолда бозор манфаатлари соҳасидан ташқарига чиқади. Бироқ, ушбу ташкилотларнинг фаолияти, маблағларнинг шаклланиши ва ундан фойдаланиш технологияси бозор қоидалари асосида амалга оширилади. Мазкур ташкилотлар мақсадларининг қатъий ижтимоий мазмунга эгалиги шундандир.

Фикримизча, шу асосда молия муносабатларининг нокоммерция ташкилотлар фаолиятида яққол шаклда намоён бўладиган маҳсус ижтимоий вазифасини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Айни маҳалда нокоммерция ташкилотларининг ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитидаги миқдори ва фаолият соҳасининг кенгайишига асосан молиявий муносабатлар мазкур қисмининг ортишига бўлган тамойилини кузатиш мумкин (кейинчалик молиянинг ижтимоий вазифалари муаммоларига кенгроқ тўхталиб ўтамиз).

Ушбу ташкилотларнинг ривожланиши натижасида унинг уч асосий тури шаклланди. Биринчи турга давлат муассасалари киритила бошланди. Улар асосан, ваколатли бошқаришга ўтказиладиган бюджет маблағларидан молиялаштирилади. Бундай муассасалар қатъий мақсадли йўналишда бўлиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳукуқига эга эдилар. Бу фаолиятдан

келган даромад моддий-техника базасини ривожлантиришга сарфланар эди.

Иккинчи тури — ижтимоий, диний ташкилотлар, ихтиёрий бирлашмалар ва ассоциациялар бўлиб, уларнинг фарқли хусусиятлари қатнашчилар (аъзолар)нинг бадаллари ҳисобидан маблағ билан таъминланиши ҳисобланади. Қатнашчиларнинг маблағлари манфаатлар умумийлиги негизида бирлаштирган ва қатнашчилар мулкка бўлган хуқуқини сақлаб қолмаганлар. Бундай ташкилотлар функционал мақсадларга эришиш учунгина тадбиркорлик фаолиятини олиб бордилар.

Нокоммерция ташкилотларининг учинчи тури фондлардир. Уларнинг аъзолари бўлмайди. Улар ижтимоий, хайрия, маданий, таълим ва бошқа ижтимоий фойдалари мақсадларга эришиш учун ихтиёрий мулкий бадаллар негизида фуқаролар ва юридик шахслар томонидан таъсис этилади. Муассислар томонидан фондга берилган мулк унинг мулки бўлиб қолади. Бундай фондларга уларнинг тузилишига сабаб бўлган мақсадларга эришиш учун зарур бўлган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш хуқуқи берилади. Бундан ташқари, фондлар хўжалик жамиятлари тузиш ва уларда иштирок этиш хуқуқига эгадирлар.

Фонdlар ўз мулкидан фойдаланганликлари тўғрисида ҳар йили ҳисобот эълон қилиши керак. Фонdlарнинг фаолиятини назорат қилиш учун уларнинг тегишли органлари, шу жумладан васийлик кенгашлари тузилади.

Амалиётдан маълум бўлишича, Farb мамлакатларида фондлар ва нотижорат ташкилотларни ваколатли мулк (трастлар) негизида тузиш кенг тарқалган. Фонdlар ва нокоммерция ташкилотларининг айни шу турлари муайян ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга кўпроқ йўналтирилган.

Бироқ, бундай ёндашганда ижтимоий фонднинг қатъий таърифи намоён бўлмайди, чунки энг кенг тарқалган шаклдаги нокоммерция, фойда келтирмайдиган ташкилотлар (фонdlар ва трастлар)ни доим ҳам соф ижтимоий ташкилотлар деб тавсифлаб бўлмайди. Бундан ташқари, уларда макроиқтисодий амал қилиш хусусияти акс этмайди.

Шу сабабли, фикримизча, ижтимоий фондлар мөхиятини ижтимоий манфаатлар бирлиги заминида шаклланадиган муносабатлар орқали очиб бериш керак.

Иқтисодий муносабатлар субъектлари, энг аввало, хўжалик манфаатларини элтувчилари, ифодаловчилари ва ижрочиларидир.

Хўжалик манфаатларини элтувчилари — мулки, даромади, бир хил даромад олгани ҳолда фаолият кўрсатиш тури, касб-кори, тармоқ ва ҳудудий манфаатлари каби қатор белгилари бўйича бир-биридан фарқланувчи ижтимоий гурӯҳлардир. Булар — ёлланма ишчилар ва йирик корхона эгалари, фермерлар ва ер эгалари, кичик ва йирик тадбиркорлар, бошқарувчилар ва акциядорлар, давлат хизматчилари ва ҳоказолар. Бу гурӯҳлардан ҳар бирининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи билан белгиланадиган, шунингдек бирон-бир ҳудуд, фаолият турига мансублиги билан боғлиқ ўз манфаатлари мавжуд.

Бу гурӯҳлар вакиллари ўз манфаатларини макроиқтисодий доиравий айланишнинг барча бўғинларида ифода этадилар.

Макроиқтисодий доиравий айланиш чекланган ишлаб чиқариш ресурслари ва молиявий маблағларнинг икки турдаги бозор (ресурс ва истеъмол моллари) ҳамда уч асосий субъект — уй хўжалиги, фирмалар ва давлат ўртасида дориавий айланишни тақозо этади (*1-схемага қаранг*).


1-схемада қуйидаги оқимлар ажратиб кўрсатилган:

1. Уй хўжаликларининг ресурс бозорида таклиф қиласидиган ер, меҳнат, капитал ва тадбиркорлик қобилиятлари.
2. Уй хўжаликлари ўзларида мавжуд бўлган ер, меҳнат, капитал ва тадбиркорлик фаолиятларини рўёбга чиқаришдан оладиган пул даромадларининг (иш ҳақи, фойда, фоиз ва ренталар) йиғиндиси.
3. Фирмаларга ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган, ресурс бозоридан сотиб олинадиган ресурслар.

4. Фирмаларнинг ресурс бозоридан талаб қилинган чекланган ишлаб чиқариш ресурсларини сотиб олиш учун қиладиган харажатлари.
5. Фирмалар ишлаб чиқарган товар ва хизматлар ва улар томонидан маҳсулотлар бозорида сотилиши.
6. Фирма (корхона)ларнинг товар ва хизматларни сотишидан оладиган тушумлари (даромадлари).
7. Истеъмол моллари бозорида уй хўжаликлари томонидан сотиб олинган товар ва хизматлар.
8. Уй хўжаликларининг ўз эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган товар ва хизматларни сотиб олишда қиладиган истеъмол харажатлари.
9. Давлат муассасаларидан уй хўжаликларига келадиган ижтимоий неъмат шаклидаги товар ва хизматлар.
10. Уй хўжаликлари тўлаган барча турдаги солиқлар билан улар олган трансферт тўловлар ўртасидаги фарқдан иборат бўлган давлатнинг соф солиқ тушумлари йиғиндиси.
11. Давлат томонидан ўз вазифасини амалга ошириш учун бозордан бюджет маблағлари ҳисобига сотиб олган ресурслар.
12. Ресурсларни сотиб олишда давлат тўлайдиган харажатлар.
13. Давлат томонидан фирмаларга ижтимоий неъмат сифатида тақдим қилинган товарлар ва хизматлар.
14. Давлат томонидан фирмалардан олинган солиқлар ва уларга берилган субсидия ва субвенцияларнинг барча турлари ўртасидаги фарқни кўрсатувчи давлатнинг соф солиқ тушумлари йиғиндиси.
15. Давлат ўз органлари ва муассасаларининг фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган товарлар ва хизматларни сотиб олишда қиладиган харажатлар.
16. Давлат органларининг фаолиятини таъминлаш учун талаб қилинадиган ва улар томонидан маҳсулот бозорида сотиб олинган товар ва хизматлар.

1-схема

Макроиқтисодий доиравий айланиш



Жамиятда (кўпроқ уй хўжалигига) мавжуд чекланган ишлаб чиқариш ресурсларидан иқтисодий тизимда ресурс ва маҳсулот бозорида тегишли жами талаб ва таклифни шакллантириш йўли билан қандай фойдаланилаётганини макроиқтисодий доиравий айланиш кўрсатмоқда. Бу моделда иқтисодий жараёнларни амалга ошириш мураккаб қарорлар қабул қилиш жараёни воситасида кўзда тутилади.

Қарорлар макроиқтисодий доиравий айланишнинг ҳамма субъектлари — уй хўжаликлари, фирмалар ва давлат (унинг барча органлари, аввало ҳукумат сиймосида) томонидан қабул қилинади.

Буни макроиқтисодий таркибни хўжалик манфаатлари алоқаларининг биринчи қатори дейиш мумкин.

Иқтисодий манфаатларнинг элтувчилари бозор иқтисодиёти тараққий этган мамлакатларда кўп сонли иттифоқлар, ассоциацияларга — касаба уюшмалари,

тадбиркорлар уюшмалари, фермерлар, сотувчилар, маклерлар ва ҳоказоларга бирлашганлар. Бу иттифоқлардан айримларида (масалан, касаба уюшмаларида) миллионлаб аъзолар бор, бошқалари (тадбиркорлар уюшмалари, банк муассасалари, савдо палаталари) ўзлари тақдим этган капиталлар туфайли мамлакат иқтисодиётида муҳим роль йўнайдилар. Унча аҳамиятли бўлмаган бирлашмалар, масалан, муниципалитетта тегишли аниқ ер участкасини хусусийлаштиришдан манфаатдор бўлган жисмоний ва юридик шахслар уюшмаси мавжуд. Бундай уюшмалар хўжалик манфаатларининг ифодаловчилари бўлиб, юқорида қайд этилган оқимларга, макроиқтисодий доиравий айланиш жараёнига катта ёки кичик даражада таъсир кўрсатади.

Хўжалик манфаатларининг энг кучли ифодаловчилари тадбиркорлар иттифоқлари ва касаба уюшмалариридир. Улар ўз ижтимоий-иқтисодий сиёсалари концепциясини амалга ошириб, давлат иқтисодий сиёсатига ҳам максимал таъсир кўрсатишга интиладилар. Хўжалик манфаатларини ифодаловчиларининг ўз матбуот нашри, салмоқли молиявий ресурслари, кадрлар тайёрлаш ва жамоатчилик билан алоқа ўрнатиш марказлари бор. Тадбиркорлар иттифоқлари ва касаба уюшмалари тармоқ ва худудий белги асосида курилади, барча маҳаллий ва тармоқ уюшмалари иерархик тартибда умуммиллий марказларга бўйсунади, улар эса, ўз навбатида, халқаро, худудий ва жаҳон бирлашмалига кирадилар.

Хўжалик манфаатларини ифодаловчи бу уюшмаларнинг тавсиялари, маслаҳатлари, баёнотлари макроиқтисодий доиравий айланишга таъсир кўрсатувчи турли каналлари бу хўжалик манфаатларининг макроиқтисодий таркиби билан алоқасининг иккинчи қаторидир.

Умуммиллий манфаатлар шиори остида фаолият юритувчи сиёсий партиялар кўпинча ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, диний, маданий, экологик минтақавий манфаатларнинг ўзига хос ифодаловчиси бўлади.

Сиёсий партиялар ўз иқтисодий дастурларини амалга ошириш орқали макроиқтисодий доиравий айланишга ҳал қилувчи таъсир кўрсатадилар.

Бу макроиқтисодий доиравий айланиш фаолияти қонуниятларидағи хусусий иқтисодий манфаатлар ўзгаришининг учинчи қаторидир.

Давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солиш механизмини макроиқтисодий доиравий айланиш нүктай назаридан ўрганишда давлат ва хусусий иқтисодий сиёсат субъектларининг кўшилиши ва бунинг натижасида макроиқтисодий доиравий айланишнинг классик схемасига назарий жиҳатдан мос келмайдиган янги тартибга солиш органларининг вужудга келишини ўрганиш алоҳида қизиқиш уйғотади. Масалан, тадбиркорлар ва меҳнаткашлар ўргасида тариф шартномаларини тартибга солиш учун тадбиркорлар, касаба уюшмалари ва ижрочи ҳокимият вакилларидан иборат орган тузилади. Иқтисодиёт вазирликлари ва тадбиркорларнинг тармоқ уюшмалари вакилларидан айрим тармоқларни қўллаб-кувватлаш ёки ривожлантириш бўйича қўмитаclar ва қенгашлар тузилади. Давлат ва ҳудудий дастурларни амалга ошириш учун ҳам шундай қенгашлар тузилади. Бундай органларнинг аксарият қисми расман консультатив фаолият кўрсатади, аммо, давлат иқтисодий сиёсатига ҳал қилувчи даражада таъсир этади. Ҳукуматлар, иқтисодиёт, молия, ижтимоий вазирликлар ҳузуридан, уларнинг айрим бошқармаларидаги, марказий банк, давлат темир йўли бошқарувлари, почталар, телеграф ва ҳоказолардаги турли эксперклар қенгашлари шундай органлар жумласига киради.

Давлат хусусий хўжаликларни тартибга солиш органларининг бошқа груҳи — фаолият соҳалари бўйича, масалан, илмий-техникавий, ҳудудий, касбий каби қенгашлар фаолиятидир. Тармоқ қенгашларидан фарқли равишда, улар таркибиға ҳукумат органлари ходимлари ва эксперклар билан бир қаторда, турли тармоқлар, банклар, фондлар, касаба уюшмалари, бирлашмалари, ижтимоий ҳаракатлар вакиллари ҳам киради. Уларнинг тавсиялари давлат иқтисодий сиёсати йўналишини тубдан ўзgartиришга, бюджет ва турли фондлар маблағларини сарфлаш йўналишларига тааллуқли бўлади.

Натижада давлат иқтисодий сиёсати орқали муайян даражада макроиқтисодий доиравий айланишига тузатмалар киритилади, макроиқтисодий ривожланиши

устуворликлари шаклланади. Бу — иқтисодий манфатлар элтувчилари ва макроиқтисодий таркиб ўртасидаги алоқанинг тўртинчи қатори ҳисобланади. Ҳусусий хўжалик манфаатларини бошқа социал, касбий ва ижтимоий (масалан, экологик) гуруҳлар манфаатлари билан мувофиқлаштириши ушбу қатор орқали амалга оширилади.

Макроиқтисодий таркиб ва хўжалик манфаатларини элтувчилари ўртасидаги тескари алоқа етарли дараҷада кескиндир.

Биринчидан, қулай макроиқтисодий ривожланиш иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари ортиб боришида, хўжалик таркибининг яхшиланишида, бандликнинг ўсишида, тўлов баланси соғломлашувида, инфляция суръатларининг пасайишида, турмуш фаровонлигининг ошишида намоён бўлади.

Иккинчидан, бу қулай ривожланиш доимо миқдорий жиҳатдан аниқ ўлчаб бўлмайдиган кўрсаткичлар: ижтимоий кескинлик (иш ташлаш, намойиш, турли чиқишлилар), жамиятнинг ижтимоий табақаланиши, атроф мұхитнинг ҳолати, шаҳар ва қишлоқ жойлардаги турмуш сифати ва ҳоказоларда акс этади.

Учинчидан, хўжалик мафаатларини элтувчилари тўғридан-тўғри ва ўз бирлашмалари орқали давлатнинг макроиқтисодий доиравий айланишига кўрсатадиган таъсирини қўллаб-қувватлайди ёки қўллаб-қувватламайди.

Натижада биз макроиқтисодий доиравий айланишнинг кўп ўлчовли схемасига эга бўламиз. Унинг фаолият кўрсатиши кўп сонли индивидуал ва интеграциялашган манфаатлар томонидан белгиланади (афсуски, бир ўлчовли схемалардан фарқли ўлароқ кўп ўлчовли схемаларни амалда тасвирлашнинг имкони йўқ). Тадиқиқотимиз мавзуи нуқтаи назаридан бу кўп ўлчовли тизимга турли субъектларнинг ижтимоий манфаатлари ва уларга хос бўлган макроиқтисодий доиравий айланишга таъсир этувчи шакллар таркибий равиша кўшилиб, бирлашиб кетиши алоҳида аҳамиятга эга. Улар хўжалик манфаатлари сингари, ўзларининг тўғри ва тескари алоқалар қаторига эга.

Умуман олганда, бу иқтисодий манфаатларга боғланган ҳолдаги макроиқтисодий доиравий айланишнинг

идеал манзараси бўлиб, тўғри ва тескари алоқалар тизимиши ифодалайди. Реал ҳаётда бундай моделдан кўплаб четланишлар кузатилади — айrim манфаатдор гуруҳлар ўртасида тартибга солиш органларига таъсир кўрсатиш, чегараланган ишлаб чиқариш ресурсларини фаразли қайта тақсимлаш учун кураш бормоқда, лоббизм кенг тарқалган, турли мамлакатларда давлат иқтисодий органларида коррупция ҳолатлари маълум.

Макроиқтисодий ривожланишнинг бош мақсади иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорлик, мамлакат ичидан мавжуд иқтисодий тартибни мустаҳкамлаш, унинг ўзгариб бораётган ташқи шароитларга мослашувиdir.

Аниқ мақсадлар деб аталмиш дараҳт ана шу бош мақсаддан тарқалади, уларни амалга оширмай туриб асосий мақсадга эришиб бўлмайди. Мақсадлар, биринчидан, аҳамияти ва кўламига кўра бир хил эмаслиги ва, иккинчидан, чамбарчас ўзаро алоқадорликда эканлиги маълум. Кўпинча бир мақсадни қўйиш ва унга эришишга бошқаларига боғланмаган ҳолда эришиб бўлмайди.

Масалан, капитал жамғариш учун қулай шароитлар яратмасдан, конъюнктурани бараварлаштирасдан, иқтисодиётнинг тармоқ таркибини такомиллаштирасдан, барқарор пул муомаласига эришмасдан илмий тадқиқот ва конструкторлик ишларини ташкил этишини рафбатлантиришни тасаввур этиб бўлмайди.

Санаб ўтилган мақсадлар бир-бирининг ўрнини қисман босади, ҳақиқий хўжалик ва ижтимоий вазиятга, макроиқтисодиёт субъектларининг бу вазиятни англаш дараражасига ва ҳукumat органлари томонидан мақсадлар тизимиши шу босқичда қандай белгилаганига боғлиқ ҳолда бир мақсад вақтинча муҳим бўлиши ва бошқаларини ўзига бўйсундириши мумкин. Қайд этилган мақсадлардан исталгани бошқа мақсадга эришишга хизмат қилиши ёки тўсқинлик қилиши мумкин. Мақсадлар дараҳти ичидаги аниқ мақсадлар бирламчи, иккиламчи, учламчи ва ҳоказо бўлиши мумкин.

Макроиқтисодий доиравий айланиш мунтазам ўзгариб турадиган ва мослашувчан схема кўринишида бўлади. Бундай тизим учун мунтазам амалга оширилаётган ушбу ўзгаришлар векторини аниқлаш ҳал қилувчи роль

ўйнайди. Фикримизча, ҳозирги шароитда интеграция-лашган ижтимоий манфаатлар шундай вектор бўлиб хизмат қиласди.

Ушбу мақсадлар дараҳтида ижтимоий манфаатлар устун даражада молиявий муносабатлар воситасида амалга оширилади.

Кўриб чиқилаётган мақсадлар дараҳти таркибининг амалда деярли барча элементлари у ёки бу даражада ижтимоий маънога эгалиги, фикримизча, жуда характерли жиҳатдир. Бу ҳол шундан далолат берадики, макроиқтисодий доиравий айланишга киритилаётган тузатмалар, биринчи навбатда, ижтимоий сабабларга кўра, аниқроғи ижтимоий манфаатларнинг турли ижтимоий гуруҳларга интеграциялашуви туфайли киритилади. Макроиқтисодий ҳаракатда ижтимоий манфаатларни амалга ошириш зарурияти молиявий муносабатларга ҳам муайян ижтимоий урғу беришини талаб қиласди.

2.2. Ижтимоий фондларнинг молиявий жиҳатлари

Макроиқтисодий доиравий айланишнинг бутун тизими молиявий муносабатлар тизимида янгича маъно касб этади. Молиявий муносабатларнинг ҳар бир соҳаси учун ушбу молиявий муносабатлар ёрдамида шаклланадиган ва фойдаланиладиган ўз пул фондлари, шунингдек молиявий муносабатларни ва молиявий оқимларни бошқаришни амалга оширувчи органлар мувофиқ келади. Шу боис молиявий тизим нафақат молиявий муносабатлар мажмуинигина эмас, балки пул фондлари ва бошқарув органларини ҳам ўз ичига олади. Молиявий тизимнинг энг кенг тарқалган таърифи — молиявий муносабатлар соҳалари ва бўғинлари, улар билан боғлиқ пул фондлари ҳамда молияни бошқариш органлари мажмую эканлигидир. Бироқ бундай таъриф турли хил шаклларда намоён бўлиш имкониятларини қолдиради.

Молия ва молиявий муносабатлар моҳияти тўғрисидаги масалалар бошқа тадқиқот соҳаси бўлгани учун ушбу тадқиқот иши доирасида уларни атрофлича махсус тадқиқ этиш имконияти йўқ. Айни маҳалда молия фаолиятининг ижтимоий компонентлари билан боғ-

лиқ айрим жиҳатларни кўриб чиқиш мақсадга муво-
фиқдир, чунки кўп асарларда бу муаммо масаланинг
кўйилиши даражасида қаралади холос²⁵.

Молиявий муносабатлар вужудга келишининг даст-
лабки соҳаси ялпи миллий маҳсулот (ЯММ)нинг бир-
ламчи тақсимланиш жараёни бўлиб, у ўзини ташкил
қилувчи элементларига бўлинади ва пул даромадлари
ва жамғармаларнинг турли шаклларининг вужудга ке-
лиши содир бўлади. ЯММнинг хўжалик субъектлари
ўртасида кейинги қайта тақсимланиши ва ундан мақ-
садли фойдаланишнинг аниқлаштирилиши энди молия
негизида амалга оширилади.

ЯММнинг молия ёрдамида тақсимланиши ва қайта
тақсимланиши молиявий ресурсларнинг ўзига хос шак-
лини қасб этувчи пул маблағларининг ҳаракати орқа-
ли амалга оширилади. Улар хўжалик юритиш субъект-
лари, уй хўжаликлари ва давлатда пул даромадлари,
ажратмалари ва тўловларнинг хилма-хил турлари ҳисо-
бидан вужудга келади, ишлаб чиқариш фаолиятини
кенгайтириш, ишловчиларни моддий рағбатлантириш,
жамиятнинг ижтимоий ва бошқа эҳтиёжларини қон-
диришга ишлатилади.

Ижтимоий фондлар миллий маҳсулотнинг бир қисм
товар ва хизматлар бўлиб, уларнинг истеъмол қилини-
ши қатъий мақсадли ҳисобланади. Ушбу фондларнинг
яна бир ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу фонд-
лар реал секторда яратилгани ҳолда қайта тақсимлаш
жараёнида қатнашадилар ва пул-қиймат шаклида на-
моён бўлади. Ижтимоий фондлар молия муносабатла-
рининг таркиби қисми ҳисобланади. Иккинчи томон-
дан, молиявий муносабатларнинг алоҳида гуруҳлари
бўлиб, қайта тақсимлаш жараёнида бозор эквиваленти
тамойилидан фойдаланмасдан адолат ва мақсадга му-
вофиқликнинг ижтимоий мезонларидан фойдаланила-

²⁵ К а р а н г: *Премчанд А.* Управление государственными расходами (Пер. с англ. — Международный Валютный Фонд, Вашингтон, 1994 г.; Государственное Регулирование Экономики и социальный комплекс) Под. Ред. Морозовой Т. Г., Пикулькина А. В. — М., 1997 г.; *Жильцов Е. Н.* Экономика общественного сектора. Основы государственных финансов. — М., 1995 г.; *Якобсан Л. И.* Экономика общественного сектора: основы теории государственных финансов. — М., 1996 г.; *Карамацева С. В.* Экономические основы системы социальной защиты. — М., 1997 г. ва бошқалар.

ди. Шундай қилиб, ижтимоий фондларнинг ўзига хос хусусиятларига қўйидагиларни киритиш мумкин: даромад манбаларининг аниқ белгиланганлиги; маблағларнинг қатъий мақсадли ишлатилиши; маблағларнинг шаклланиш ва ишлатилиш муддатларининг мос келмаслиги; мустақил молия-кредит ташкилоти (ўз ҳисоб рақамига эга); бюджетдан ташқари.

Шунинг учун ижтимоий фондлар, биринчи навбатда, жамият молиявий ресурсларининг таркибий қисми ҳисобланади.

Молиявий ресурслар молиявий муносабатларни элтүвчиси сифатида хизмат қиласи, бу ҳол молияни, миллий маҳсулотни тақсимлашда иштирок этадиган тоифаларни умумий мажмуудан ажратиш имконини беради. Гарчи, молиявий ресурсларнинг шаклланиши ва улардан фойдаланишда ёрдам берадиган шакл ва усуллари жамиятнинг ижтимоий табиати ўзгаришига кўра алмашиб турса-да, бу ҳодиса ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий моделига боғлиқ бўлмаган ҳолда юз беради.

Молиявий ресурслардан асосан маҳсус мақсадларга мўлжалланган пул фондлари орқали фойдаланилади, ваҳоёнанки, улардан фонддан ташқари фойдаланиш шакллари ҳам бор. Фонд шакли афзалликларига ҳар қандай эҳтиёжни қондиришни иқтисодий имкониятлар билан бевосита боғлаш, ресурсларни ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланишининг асосий йўналишларида жамлашни таъминлаш, жамият, жамоа ва шахсий манбаатларни бир-бири билан тўлароқ мувофиқлаштириш имконияти киради.

Молиянинг иқтисодий тоифа сифатидаги ўзига хослигини белгиловчи сифат белгилари тўғрисидаги масала мунозарали масалалардан бири ҳисобланади. Баҳслар асосан, молия таърифига унинг императивлик (талаоб) белгисини киритиш керакми ёки йўқми, деган масала устида боради. Айни маҳалда, «императивлик» атамаси олимлар томонидан турлича талқин этилади²⁶: баъзилар унда давлатнинг молиявий муносабатларни

²⁶ К а р а н г: Финансы. Под. ред. В. М. Родионовой — М., 1995 г. с. 22—31; Финансы. Под. ред. М. В. Романовского — М.: изд. «Перспектива»; изд. «Юрайт», 2000 г., с. 11—30; Дробозина Л. А. Финансы. — М.: ЮНИТИ. 1999 г., с. 15—30.; Вахрин П. И., Нешитой А. С. Финансы. — М.: «Маркетинг», 2000 г., с. 13—21.

ташкил қилиш бўйича фаол ролини кўрса, бошқалар умуман мoliaяning вужудга келиши ва амал қилишини юзага келтирувчи сабабларни кўради.

Агар императивлик деганда, давлатнинг мoliavий муносабатларни ташкил қилиш, уларнинг намоён бўлиш ва фойдаланиш шаклларини ишлаб чиқишига йўналтирилган амалий фаолияти тушунилса, атаманинг бундай ишлатилиши эътиroz туғдирмайди, бироқ мolia моҳияти тавсифига ҳеч нарса қўшимча қilmайди.

Бироқ, қатор ҳолларда императивлик мoliavий муносабатларнинг моҳияти билан боғлиқ белги сифатида талқин қилинади. Мolia тоифасини тавсифлашда ушбу белгисиз иш кўриб бўлмаслиги, чунки янги мoliavий тақсимот муносабатларини айнан давлат яратиши, мoliaяning вужудга келиши ва ривожланишининг бевосита сабаби давлат ва унинг органларининг фаолияти эканлиги таъкидланади.

Бизнинг фикримизча, бундай таъриф жуда ҳам тўғри бўлмаса керак, чунки давлат фаолиятининг ўзи эмас, балки ижтимоий ривожланишнинг объектив эҳтиёжлари мolia мавжудлигини тақозо этади. Бундан ташқари, назаримизда, бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилганлигини ривожлантириш асосан мoliavий муносабатлар ва унинг таркиби билан ифодаланган йўналиш механизми тўғрисидаги масалани объектив қилиб қўйди. Бундай ижтимоий йўналтирилганлик қанчалик ривожланса, у шунчалик нодавлат мoliavий ташкилотлари воситасида ифодаланади, мoliaяning императив хусусияти шунчалик кам сақланиб қолади. Пировард натижада, мolia тарихан қандай вужудга келганлигига қараганда уларнинг истиқболдаги ижтимоий ривожланиш учун қандай салоҳиятни юзага келтираётгани муҳимдир.

Шундай қилиб, мoliavий муносабатларнинг сифат жиҳатидан жiddий ўзгариши жараёнида унинг императивлик ролининг пасайиши ижтимоий ривожланишнинг янги шакллари туфайли юз беришини кузатишмиз мумкин.

Мoliaяning вазифалари тўғрисидаги масала ҳам муноазарали масалалардандир. Кўп иқтисодчилар мolia икки — тақсимлаш ва назорат қилиш вазифаларини бажаради, деб ҳисоблашади. Бироқ, иқтисодий адаби-

ётларда молияга, бу икки вазифадан ташқари, бошқа: ишлаб чиқариш (турли муаллифлар уни турлича аташади), рағбатлантириш, тартибга солиш ва ҳоказо вазифалар хослиги тўғрисидаги фикрларни ҳам учратиш мумкин.

Айрим муаллифлар молиянинг тақсимлаш вазифасини тан олмайдилар, чунки у унинг ўзига хослигини ифодаламайди ва ЯММни тақсимлаш жараёнини турли иқтисодий тоифалар амалга оширади, деб ҳисоблайдилар. Аммо, тақсимлаш вазифаси тарафдорлари уни молиянинг ўзига хос ижтимоий мўлжалланиши билан боғлайдилар ва ЯММни тақсимлаш босқичида иш олиб бораётган бошқа биронта ҳам тоифа молиячалик «тақсимловчи» эмаслигини таъкидлайдилар.

Бизнинг фикримизча, ҳар ҳолда молиявий муносабатлар табиатан тақсимловчи эканлигини, айни маҳалда миллий маҳсулотни тақсимлаш макроиқтисодий доиравий айланиш субъектлари бўйича амалга оширилишини унутмаслик лозим. Субъектлар мақсадли пул фондларини уларнинг ишлаб чиқаришда ўйнаётган роliga: унинг бевосита иштирокчилари эканлигига, суғурта ҳимоясини ташкил қилишига ёки давлат бошқарувини амалга оширишига кўра шакллантирадилар. Айни субъектнинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги роли молиявий муносабатларни таснифлашнинг биринчи объектив мезони сифатида намоён бўлмоқда. Унга мувофиқ молиявий муносабатлар умумий мажмууда одатда уч йирик соҳа: корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар молияси (ҳозир кўпроқ корпоратив молия дейилади); суғурта; давлат молияси ажратиб кўрсатилади.

Молиявий муносабатлар соҳаси ва бўғинлари ягона молиявий мухитни ҳосил қилгани ҳолда, ўзаро боғлангандир. Молиявий тизимнинг ҳар бир бўғини, ўз навбатида, ўзида мавжуд молиявий ўзаро боғлиқликларнинг ички тузилмасига мувофиқ ҳолда, кичик бўғинларга бўлинади.

Молиявий тизимнинг ҳар бир соҳаси ичida алоҳида бўғинлар ажратиб кўрсатилади. Давлат молияси таркибида, одатда, уч бўғин ажратиб кўрсатилади. Булар:

- Бюджет тизими;
- Бюджетдан ташқари фонdlар;
- Давлат кредитлари.

Бюджет тизими — давлат молиясининг энг йирик бўғини бўлиб, унда солиқ тушумларининг асосий қисми жамланади ва бу тизим орқали давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларини молия билан таъминлаш (ижтимоий ва иқтисодий мақсадлар, ҳокимиятнинг давлат органларини таъминлаш, мудофаа билан боғлик харажатлар) амалга оширилади.

Ушбу тузилмага кирувчи бюджетдан ташқари фондлар ҳам давлат ҳокимиятининг уч даражасига бўлиниди. Кўп мамлакатлар амалиётида уларнинг асосий вазифаси ижтимоий вазифаларни (мехнатга яроқсизларни таъминлаш, ишсизларга ёрдам кўрсатиш, ҳаётий муҳим харажатлар йўналишларини молия билан таъминлаш ва бошқалар) ҳал этишдан иборат. Хўжалик ривожланишининг кўплаб моделларида улар пенсия фондлари, давлат ижтимоий сугурта фондлари, мажбурий медицина таъминоти фондлари, аҳоли бандлиги фондлари кўринишида ифодаланади.

Бюджетдан ташқари фондларнинг афзалликларига қуидагиларни киритиш мумкин:

Биринчидан, ижтимоий ва бошқа харажатларни молия билан таъминлашнинг қолдиқ тамойилларини бартараф этиш имконини беради.

Иккинчидан, давлат бюджетини енгиллаштириш имконини беради, унинг харажатлари бир қисмини ўз зиммасига олади ва айни маҳалда бюджетни маблаг билан таъминлаш муаммосини маълум даражада ҳал қиласди.

Учинчидан, улар маблағдан қатъян мақсадли фойдаланиб, давлат сафарбар қилаётган ресурсларни кўпайтириш имконини яратади. Албатта, буни давлат бюджетига солиқлар миқдорини ошириш ҳисобига ҳал қилиш мумкин, бироқ бюджетдан ташқари фондлар учун йигимлар ставкасини жамиятнинг аниқ манфаатлари билан боғлаб оширилса, аҳоли томонидан тўғри қабул қилинади.

Жаҳон тажрибасида бюджетдан ташқари фондларнинг ўнлаб турлари мульум. Лекин барча бюджетдан ташқари фондларни, аслида, икки катта гурухга ажратиш мумкин:

- Ижтимоий йўналтирилган фондлар (пенсия фондлари, мажбурий тиббий сугурта фондлари, давлат банд-

лик фондлари, ижтимоий сугурта фондлари, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш умуммиллий фондлари ва ҳоказо).

● Иқтисодий йўналтирилган фондлар (ўз йўналиши ва манбаларига кўра хилма-хил фондлар).

Баъзан экологик фондларни алоҳида ажратиб кўрсатилади, ваҳоланки уларни тўла равишда ижтимоий фондлар жумласига киритиш мумкин. Бироқ, худудида жиддий экологик ҳалокатлар кузатилаётган (масалан, Ўзбекистон сингари) мамлакатлар учун бундай фондлар қўшимча ижтимоий аҳамият касб этади ва уларни алоҳида кўриб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Фондларнинг мавжуд бўлиш манбаларига келганда шуни айтиш керакки, уларнинг кўпчилиги давлат томонидан белгиланадиган мажбурий бадаллар ҳисобига шакланади ва фаолият кўрсатади.

Бюджетдан ташқари фондлар, одатда ижро этувчи ҳокимият ихтиёрида бўлади. Йирик бюджетдан ташқари фондларни бошқариш учун маъмурӣ аппарат тузилади, қолган фондлар турли идоралар ёки ҳокимият ижроия органлари томонидан бошқарилади.

Фикримизча, ҳозирги шароитда молиявий муносабатларнинг бу қадар ранг-баранг тизимида молиянинг фаолият кўрсатиш йўналиши мезонларини ажратиб кўрсатиш ўзини тўла оқлади. Бунда қуйидаги икки мезонни белгилаш лозим — ривожланиш ва ижтимоий йўналтирилганлик мезонлари. Молиявий муносабатларнинг қайд этилган барча шакл ва даражалари доимо ушбу мезонлардан бирига мувофиқ келади.

Айни маҳалда ҳозирги иқтисодиёт шароитида ривожланиш мезони ижтимоий мезонга тобора қўпроқ айланиб бораётгани муҳим ҳолатдир. Бу айниса, инсон капиталини инвестициялаш назариясидан келиб чиқади. Барча ривожланиш векторлари орасида ижтимоий вектор сўнгги ўн йилликда устувор бўлиб қолди.

Бундан бизнинг тадқиқот мавзуумиз ва республика миллий иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида ижтимоий ривожланишнинг истиқболдаги салоҳияти учун жуда муҳим бўлган холоса келиб чиқади: молияга яна бир вазифа — ижтимоий ривожланиш вазифаси хос бўлмоқда.

Бундай хулоса қилиш учун, назаримизда қўйидаги етарли асослар мавжуд. Биринчидан, молиявий муносабатларнинг аксарияти айни шу ижтимоий йўналганлик билан боғлиқ ва у билан белгиланади. Аслида ижтимоий эҳтиёжлар молиявий муносабатлар шаклланишининг бош сабаби бўлиб қолди.

Иккинчидан, ҳозирги молиявий муносабатларга амалда бутун аҳоли жалб этилган. Бу энг ривожланган мамлакатларда айниқса яққол кўринади. Пул фондлари орқали амалга ошириладиган миллий маҳсулотнинг молиявий қайта тақсимланиши учун асосий молия манбалари айни аҳолидир. Бироқ, аҳоли молиявий муносабатларда энг аввало ижтимоий сабабларга кўра, ижтимоий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда қатнашади.

Учинчидан, пул фондлари ва молиявий муносабатларнинг кўпчилиги аҳолини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган. Бу замонавий бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилган ички ва ташки механизми нинг ўзига хос фарқли белгисидир (бу ҳақда тадқиқотнинг биринчи бобида батафсил баён этилган).

«Инсоннинг ижтимоий ҳимояланганлиги» тушунчаси инсон билан жамият алоқаларининг ранг-баранглигини акс эттиради; фуқароларнинг ҳаёт фаолияти ана шу алоқалар туфайли содир бўлади, уларнинг қобилияти очилади ва ишга солинади. Бироқ, бундай ёндашув яқиндагина юзага келди. Маъмурий-буйруқбозлик тизими даврида ижтимоий ҳимоя тор маънода тушунилар ва ногиронлар, пенсионерлар ва аҳолининг бошқа айрим тоифаларини марказлаштирилган ижтимоий таъминлаш тизими доирасида амалга ошириларди. Умуман, жамиятда ижтимоий ҳимоя маҳсулотни қайта тақсимлаш ва ижтимоий истеъмол фондларини аҳоли турли тоифаларига нотекис тақсимлаш йўли билан амалга ошириларди. Масалан, давлат ва партия-хўжалик номенклатурасини ижтимоий ҳимоялаш муаммоси умуман кўтарилиб масди, бироқ айни шу тоифа анча юқори маош олибгина қолмай, балки бошқа моддий ва номоддий неъматлар: яхши тиббий хизматлар, кундалик товарларнинг кенг ассортименти манбалари, қулай уй-жой шароитлари ва шу кабилардан ҳам баҳраманд бўларди.

Ҳозирги даврда аҳолини ижтимоий ҳимоялашдан кўзда тутилган асосий мақсад оиланинг жон бошига жами ўртача даромади оддий физиологик эҳтиёжларни қондириш даражасидан бироз юқори бўлган шароитда унинг кўпчилик қисмини кам таъминланган ҳолатдан холос қилишдир. Жамиятнинг ижтимоий жиҳатдан энг муҳтож, кам таъминланган, меҳнатга яроқсиз аъзоларининг ва болали оиласаларнинг турмуш даражаси пасайишининг олдини олишдан иборат зарурият юзага келди.

Айни маҳалда иш ҳақи даражаси нарх-наво даражасидан ортда қолмоқда, кундалик ҳаётий эҳтиёжлар таркибига кирувчи кўп сонли товарларни сотиб олиш учун аҳолининг имконияти етмаяпти, баъзан эса ишга яроқсизларнинггина эмас, балки ишга яроқли фуқароларнинг ҳам бу товарларни сотиб олишга қурби етмайдиган бўлиб бормоқда. Шу муносабат билан аҳолининг кун кечириши учун маблағ билан таъминланишида асосий манбай бўлган иш ўринларининг барқарорлигини таъминлаш ва аҳолини ижтимоий фойдали фаолиятга фаол жалб этиш учун шароитлар яратиш муаммоси юзага келди.

Шундай қилиб, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг самарали тизими бундай ҳимоятга бевосита муҳтож фуқаролар тоифасигагина эмас, балки иқтисодиётни энг юқори даражада ривожлантириш, жамиятнинг меҳнатга яроқли ҳар бир аъзосининг меҳнатини рафбатлантириш, у ишлаб пул топишни истайдиган ва топа оладиган шароит яратишга ҳам мўлжалланган.

Буларнинг барчасига молиявий муносабатлардан фойдаланиш воситасида эришилади, улар эса шу туфайли янада аниқ ифодалangan ижтимоий вазифага эга бўлади.

Шундай хulosалардан келиб чиқиб, қуйидагича якун ясаш мумкин: иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш шароитида молиявий тизимни ривожлантириш қатъий равишда ижтимоий йўналтирилган бўлмоғи лозим. Бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилган миллий модели устун даражада молиявий тизимнинг ривожланиши билан белгиланиши лозим. Бу ҳол молиявий тизими ривожлантириш устуворликлари ва истиқболларига муайян тузатмалар киритиш зарурлигини тақозо этади.

Шубҳасиз, ижтимоий йўналтирилганликни молиявий тизимни такомиллаштириш орқали кучайтириш учун иқтисодий самарадорлик принциплари билан ижтимоий ривожлантириш учун ресурслардан фойдаланиш ўргасида жиддий зиддиятлар содир бўлишини қўзда тутади. Шу сабабли бундай ўзаро боғлиқликнинг янги механизмини ишлаб чиқиш учун ушбу соҳада илмий тадқиқотлар олиб боришни кучайтириш зарур.

Бу ҳолат, умуман, ижтимоий фондларнинг янги моҳиятини ва макроиқтисодий доиравий айланишнинг янги сифатини ифодалаш имконини беради. Улар эса, жамланган ҳолда, янги асрда миллий ривожланишнинг асосий омилларидан бири бўлиб қолади. Бу ҳолат биринчи бобда кўриб чиқилган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти моделларидағи тафовутлар принципларига мувофиқ келади.

Айни маҳалда шуни таъкидлаш қеракки, ҳозирги даврда илмий адабиётда ижтимоий фондларга нисбатан ҳудудий (муниципал) ва бюджетдан ташқари маҳсус давлат фондларига кўпроқ эътибор берилмоқда²⁷.

Маҳаллий ҳокимият органларига ижтимоий инфраструктуруни ривожлантириш учун корхоналар ва маҳаллий бюджет маблағларини бирлаштириш имконияти берилгач, ушбу маблағларни бирлаштириш дол зарб муаммога айланди. Корхоналар маблағларини умуммintaқавий тадбирларни маблағ билан таъминлаш мақсадида жамлашнинг мумкин бўлган йўлларидан бири иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг бюджетдан ташқари муниципиал фондларини яратиш ҳисобланади.

Бюджетдан ташқари муниципал фондлар:

- жисмоний ва юридик шахсларнинг ихтиёрий бадалларидан;
- кимошди савдосидан келадиган даромадлардан;
- атроф муҳитни ифлослантирганлик, табиий ресурслардан оқилюна фойдаланмаганлик ва табииатни муҳофаза қилиш қонунларини, санитария

²⁷ К а р а н г: Дробозина Л. А. Финансы. — М., ЮНИТИ, 1999 г., с. 296—308; Вахрин П. И., Нешитой А. С. Финансы. — М., «Маркетинг», 2000 г., с. 270—303.; Финансы. Под ред. проф. М. В. Романовского. — М.: Изд-во «Перспектива»; Изд-во «Юрайт», 2000 г., с. 245—273.; Финансы. Под ред. В. М. Родиновой. — М.: «Финансы и статистика», 1994 г., с. 312—332.

меъёрларини ва қоидаларини бузганлик учун со-
линадиган жарималардан, шунингдек етказилган
зарарни қоплаш тўловларидан;

- муниципал мулк бўлган тарихий ва маданий оби-
даларни бузганлик ва йўқотганлик, бу обьект-
ларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни
бошқа тарзда бузганлик учун тўланадиган жари-
малардан, шунингдек етказилган зарарни қоп-
лаш учун тўловлардан;
- маъмурӣ ва бошқа хуқуқбузарликлар учун ма-
ҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ва улар-
нинг мансабдор шахслари томонидан амалдаги
қонунлар асосида соладиган жарималардан шакл-
лантирилиши мумкин.

Бюджетдан ташқари муниципал фондлар маҳаллий ҳокимиётнинг ваколатли органлари қарорлари асосида шакллантирилади. Уларнинг қарорига мувофиқ ижро органлари, фондларга келиб тушаётган маблағни сақ-
лаш учун банкларда маҳсус ҳисоб рақамлари очишади. Фондни бошқариш учун маҳаллий ҳокимиёт органлари, манфаатдор корхоналар ва ташкилотлар ва вакилларидан иборат коллегиал орган тузилиши мумкин. Колле-
гиал орган фонд маблағларидан фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қиласди. Муниципал фондлар минтақавий тузилма тобора кўпроқ аҳамиятга эга бўлаётган ҳозирги ижтимоий тараққиёт нуқтаи-назаридан катта аҳамият касб этмоқда. Айни муниципал фондлар, биринчидан, ўз аҳамиятига кўра бошқа манфаатлар билан тенг бўлган маҳаллий манфаатларни бевосита амалга оширишни таъминлайди.

Иккинчидан, муниципал фондлар орқали ривожла-
нишдаги мустақилликнинг моддий асоси ва маҳаллий ҳокимиётнинг шунга мутаносиб масъулияти вужудга келтирилади.

Учинчидан, муниципал фондлар молиявий тизимда унинг маблағлардан мақсадли фойдаланиш йўна-
лишлари билан бевосита боғлиқлиги туфайли бутун молиявий тизим фаолиятининг самарадорлигини сези-
ларли оширади.

Мазкур фондларга жалб этилган маблағлар қўйида-
ги йўналишлар билан боғлиқ харажатларга йўналтири-
лади;

- ижтимоий-маиший мақсадларга мўлжалланган объектларни кооператив асосда қуриш;
- жорий бюджет харажатларининг ошиб бориши (лимитланган харажатлардан ташқари), даромадларнинг режалаштирилган миқдори бажарилмаса, режадаги харажатларни маблағ билан таъминлаш;
- белгиланган смета ва нормативга нисбатан ортиқча харажатлар сарфланиши.

Корхоналар бадаллари ҳисобидан олинган маблағлар, одатда, умумминтақавий мақсадлардаги объектларни қуриш ва таъминлашда фойдаланилиши лозим.

Аҳоли пунктларида бюджетдан ташқари муниципал фондларни яратиш: корхоналар ва минтақавий органлар маблағларининг ижтимоий-маиший инфраструктурасини ривожлантиришга; маҳаллий органларнинг ўз хўжалик фаoliяти натижаларидан моддий манфаатдорлигининг кучайишига; маҳаллий ҳокимият органларининг молиявий ресурсларини мустаҳкамлашга, бу ҳол уларнинг зиммасига юклangan вазифалар ва режалаштирилган ишларнинг бажарилишида барқарор молиявий базасини вужудга келтиради; жамиятимизнинг моддий ва молиявий ресурсларидан самарали фойдаланишга; маҳаллий органларнинг ўз тасарруфидаги ҳудудда жойлашган корхоналар билан иқтисодий алоқасини кучайтиришга; корхоналарни маҳаллий хўжаликни ривожлантиришда ўзлари учун хос бўлмаган вазифаларни бажаришдан озод этишга; товар ва хизматлар ишлаб чиқариш соҳалари ўртасидаги номутаносибликни ва инфраструктура ичидаги номутаносибликни бартараф этишда маҳаллий ҳокимият органларининг молиявий имкониятларини кенгайтиришга; маҳаллий ҳокимият органларининг инфраструктуранинг айрим тармоқларини ривожлантиришга, ўз ихтиёридаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг техникавий даражасини ошириш асосида уларнинг барқарор ўсишига шароит яратади.

Йирик иқтисодий, ижтимоий ва демографик масалаларни ҳал қилиш зарурати режалаш ва лойиҳалаш ишларини тайёрлашда комплекс ёндашишни талаб этади. Мамурий-худудий бирликларни иқтисодий ва иж-

тимоий ривожлантириш бўйича комплекс режалар тузиш амалиётда кенг қўлланмоқда.

Комплекс ҳудудий режалаштиришдан кўзда тутилган мақсадлардан бири ҳудудий ҳокимият органлари ва уларнинг ҳудудида жойлашган корхоналарнинг ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш бўйича фаолиятларини бирлаштиришни назарда тутувчи дастурни ишлаб чиқишидан иборат.

Комплекс режаларни амалга ошириш салмоқли маблағ сарфини талаб этади. Ушбу режаларда белгиланган тадбирларни молиявий ресурслар билан таъминлаш учун бюджет тизими, органлар ва корхоналарнинг пул маблағларини муайян даражада мувофиқлаштириш ва жамлаш зарур. Бу эса, ўз навбатида, минтақада бирлашган молиявий баланс ишлаб чиқишини тақозо этади.

Бирлашган молиявий баланс турли молиявий режалар: хўжалик ташкилотлари ва корхоналарнинг, ҳудудий бюджетнинг молиявий режаларини, аҳолининг пул даромадлари ва сарф-ҳаражатлари балансини жамлашни тақозо этади. Бундан ташқари, ушбу ҳудудда ишлаб чиқарилган ва фойдаланилаётган миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлашнинг айрим томонлари ва босқичларини акс эттириш зарур. Шунда маъмурий-ҳудудий бирликдаги барча молиявий ресурсларнинг вужудга келиши ва улардан фойдаланиш соҳасида тўла тасаввур ҳосил қилиш имконини беради, комплекс ривожланиш режасида мўлжалланган вазифаларнинг бажарилишида молия томонидан фаол ёрдам кўрсатишга кўмаклашади.

Ҳудудий бирлашган молиявий баланснинг асосий вазифаси минтақада яратилган, келиб тушган ва фойдаланилган молиявий ресурсларни (марказлаштирилган, жамланган ва ҳудудий бюджет томонидан қайта тақсимланган, шунингдек марказлаштирилмаган, яъни корхоналар ва ташкилотлар ресурсларини) аниқлашдан иборат.

Молиявий ресурсларни режалаштириш билан бирга минтақа молиявий ресурсларини сафарбар қилиш ва улардан фойдаланишда эришилган даража таҳлил қилинади, бу даражанинг минтақани ривожлантириш эҳтиёжларига мувофиқлиги аниқланади.

Шуни таъкидлаш зарурки, ҳудудий бирлашган молиявий режада минтақа ҳудудида яратилган ва шу ерда фойдаланиладиган миллий даромад ҳамда минтақадан ташқарида яратилган, бироқ унинг ҳудудига тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижасида келиб тушадиган миллий даромад қисми ҳам ҳисобга олинмоғи даркор. Бинобарин, бирлашган молиявий баланснинг даромад қисмига минтақада яратилган, бироқ марказий бюджетга, ташкилотлар фондларига ва бошқа каналларга йўналтирилган маблағлар киритилади. Булар — марказий бюджеттага тўланадиган фойдаладан тўловлар, қўшилган қиймат солиғининг ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқнинг бир қисми, корхоналарнинг ташкилотлар фондларига ажратмалариридир.

Минтақанинг бирлашган молиявий баланси оператив молиявий режа эмас, молия-кредит тизими (бюджет, корхоналар ва бошқалар)нинг оператив режалари ўрнини ҳам босмайди. Унинг ёрдамида молия-кредит тизимининг барча бўғинлари мувофиқлаштирилади ва барча оператив режаларининг умумий доираси ва тузилмаси олдиндан белгиланади.

Бирлашган молиявий балансни ишлаб чиқишида, биринчидан, ҳудудий иқтисодий, молиявий, статистик органлар, касаба уюшмалари ташкилотлари, ҳудудий ҳокимият органлари функционал бўлинмалари-нинг маълумотлари ахборот манбаи бўлиб хизмат қиласиди. Иккинчидан, минтақани ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари бўйича иқтисодий нормативлар ва лимитлар, ҳудудий иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг режа лойиҳалари кўрсаткичлари, ҳудудий бюджет, идоравий бўйсунишдан қатъи назар ушбу ҳудудда жойлашган барча корхоналар ва ташкилотларнинг даромадлари ва сарф-ҳаражатлари баланси маълумотлари ҳам ахборот манбаи вазифасини бажаради.

Айни маҳалда давлатнинг бюджетдан ташқари фондлари марказий ёки минтақавий (маҳаллий) ҳокимият органлари ихтиёрида бўлган ва мақсадли сарфланадиган молиявий маблағлар мажмуи сифатида белгиланади. Улар молиявий тизимнинг муҳим бўғинидир. Уларнинг яратилиши ва улардан фойдаланиш молиявий хукуқ орқали тартибга солинади.

Бюджетдан ташқари фонdlар миллий даромадни аҳолининг муайян ижтимоий гуруҳлари фойдасига қайта тақсимлаш усулларидан биридир. Давлат ўз тадбирларини маблағ билан таъминлаш учун аҳоли даромадларининг бир қисмини шу тариқа сафарбар қилади. Бундай фонdlар тарихий нуқтаи-назардан давлатнинг умумий марказий пул фонди — бюджетнинг юзага келишидан анча илгари ижтимоий фонdlар ва алоҳида ҳисоблар тарзида юзага келган. Давлатнинг фаолияти кенгайиб боргани сари у тобора янги харажатларга эҳтиёж сезган. Бу харажатларни қоплаши лозим бўлган маблағлар алоҳида фонdlарда марказлаштирилган ва маҳсус мақсадларга мўлжалланган. Улар, одатда, муваққат характерга эга. Давлат томонидан белгиланган тадбирлар бажариб бўлингач ва уларни маблағ билан таъминлаш тутатилгач бундай фонdlар ҳам тутатилган. Шу тариқа маҳсус фонdlар сони муттасил ўзгариб туради: бири очилса, бошқалари тутатилган. Умуман, маҳсус фонdlар миқдори ва ҳажмининг ошиб бориш тамоили кузатилган.

Маҳсус фонdlарнинг кўплиги муайян молиявий ноқулайликларни вужудга келтирап (баъзи бир фонdlарда маблағ кўп бўлса, бошқаларида етишмасди) ва уларни бошқариш учун қўшимча сарф-харажатлар талаб этиларди. Марказлашган давлат мустаҳкамланиб боргани сари фонdlарни унификациялаш даври бошланди. Турли фонdlарнинг бирлашуви натижасида вужудга келадиган давлат бюджети парламент томонидан кўриб чиқилиб, тасдиқлангандан сўнг қонунга айланади ва ижро этиш мажбурийdir.

Ҳозирги шароитда бюджет билан бир қаторда бюджетдан ташқари фонdlар аҳамияти яна оша бошлади. Бундай фонdlар сони ва ҳажми ошиб бораётганини қатор сабаблар билан изоҳлаш мумкин. Булар:

- давлат ҳокимияти органларида тадбиркорларнинг хўжалик ҳаётига, хусусан, бекарор ва ўтиш иқтиодиёти шароитида аралашиб ва уларни молиявий қўллаб-куватлаш учун қўшимча маблағ пайдо бўлмоқда;
- бюджетдан мустақил бўлган бу фонdlар давлат томонидан алоҳида эътибор талаб қилувчи янги муҳим вазифаларни ҳал этишга мўлжалланган.

Маблағи қатъян мақсадли фойдаланиладиган бюджетдан ташқари фондларнинг пайдо бўлиши давлат томонидан самаралироқ назорат қилинишини таъминлайди;

- муайян шароитда яъни мусбат сальдо бўлса, бюджетдан ташқари фондлардан кредит механизми орқали бюджет камомадини қоплаш учун фойдаланиш мумкин.

Бюджетдан ташқари фондлар икки хил йўл билан яратилиши мумкин:

- бюджетдан алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлган муайян харажатларни ажратиш;
- ўз даромад манбаидан бюджетдан ташқари фондни шакллантириш. Чунончи, кўп мамлакатларда аҳолининг энг кам таъминланган гурӯҳларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга мўлжалланган ва марказий бюджетдан ажратилган ижтимоий суғурта фонди тузилганди. Бошқа фондларнинг яратилиши аввал мавжуд бўлмаган янги харажатлар юзага келиши билан боғлиқ бўлди ва жамият эътиборини қозонди. Бундай ҳолатда қонун чиқарувчи органлар ҳукумат таклифига биноан бюджетдан ташқари фондни шакллантириш тўғрисида маҳсус қарор қабул қиласди. Бир қатор мамлакатларда бюджетдан ташқари иқтисодий фондлар шу тариқа пайдо бўлган.

Бюджетдан ташқари маҳсус фондлар мақсадли фойдаланишга мўлжалланган. Одатда, фонид номида маблағни сарфлаш мақсади кўрсатилган бўлади. Молиявий тизимнинг бошқа бўғинларида бўлгани каби бюджетдан ташқари фондларнинг моддий манбаи ҳам ЯИМ-дир. Фондларнинг аксарият қисми миллий даромадни қайта тақсимлаш жараёнида яратилади. Фондларни яратишда миллий даромадни қайта тақсимлаш жараёнининг бош услублари қўйидагилардан иборат:

- маҳсус солиқлар ва йиғимлар;
- бюджет маблағлари ва заёмлардир.

Асосий усул — қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан белгиланган маҳсус солиқлар ва йиғимлардир. Кўп фондлар марказий ва ҳудудий (маҳаллий) бюджетлар маблағлари ҳисобидан шакллантирилади.

Бюджетдан маблағ бегараз ёрдам ёки солиқ даромадларидан муайян ажратмалар шаклида келиб тушади. Заём маблағлари ҳам бюджетдан ташқари фондлар даромадларининг манбай бўлиши мумкин.

Бюджетдан ташқари фондларнинг ижобий сальдосидан қимматбаҳо қофозлар сотиб олиш ва фойдани дивиденд ёки фоиз шаклида олиш учун фойдаланиш мумкин.

Бюджетдан ташқари фондларнинг хилма-хиллиги уларнинг ўзи ва бюджетдан ташқари фондлар билан молиявий тизимнинг бошқа бўғинлари ўртасида юзага келадиган мураккаб кўп босқичли алоқаларни белгилаб беради. Бир томонлама, икки томонлама ва кўп томонлама молиявий алоқалар фарқланади.

Бир томонлама алоқада пул маблағлари бошқа молиявий бўғинлардан бюджетдан ташқари фондга фақат бир йўналишда келади. Бундай алоқа фонднинг шаклланиши ва улар маблағларидан фойдаланишда юзага келади. Масалан, кўп мамлакатларнинг валюта фондлари марказий бюджетнинг қайтарилимайдиган субсидия шаклидаги маблағлари ҳисобидан вужудга келади. Бюджетдан ташқари фонд ўз ресурсларининг бир қисмини бошқа молиявий бўғинларга ўтказганида ҳам бир томонлама алоқа вужудга келади. Масалан, АҚШнинг маҳсус солиқлар ҳисобидан шаклланадиган йўл фонди ортиқча маблағ пайдо бўлган ҳолларда федерал бюджетга заём беради.

Икки томонлама алоқада пул оқими бюджетдан ташқари фондлар билан молиявий тизимнинг бошқа бўғинлари ўртасида икки йўналишда ҳаракат қиласди. Масалан, ижтимоий сугурта фондлари фақат сугурта бадаллари ҳисобидан эмас, балки марказий бюджет маблағи ҳисобидан ҳам шаклланади. Айни маҳалда актив сальдо мавжуд бўлганида улар давлат қимматбаҳо қофозларини сотиб олишади ва бюджет кредитори бўлиб қолади.

Кўп томонлама алоқада бир бюджетдан ташқари фонд бир вақтнинг ўзида турли молиявий бўғинлар билан ўзаро алоқада бўлади, яъни пул маблағлари улар ўртасида турли йўналишларда ҳаракат қиласди.

Хорижий мамлакатлар молиявий тизимида маҳсус фондлар муҳим ўрин тутади. Уларда катта ҳажмда маб-

лаф жамланган. Францияда маҳсус фондлар ҳажмига кўра мамлакат давлат бюджетига яқинлашиб қолади. Японияда давлат харажатларининг ярмини, Буюк Британияда — 1/3 қисмини маҳсус фондлар маблағ билан таъминлайди.

Хорижий мамлакатларда маҳсус фондларга автоном ва қўшиб юборилган бюджетлар, бюджетдан ташқари фондлар, маҳсус сметалар ва ҳисоблар киритилади. Уларнинг зиммасига, энг аввало иқтисодий ва ижтимоий вазифалар юкланди. Давлат фондлар маблағидан фойдаланишда ишлаб чиқариш жараёнига аралashiши, корхоналарга субсидия ва кредит, шунингдек ташки заёмлар бериши, аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиши мумкин.

Маҳсус фондлар, одатда, мақсадли сарфланади. Чунончи, ижтимоий сугурта фонди сугурталангандарга пенсия ва нафақа тўлашга, кредит фондлар — тадбиркорларга ва бошқа мамлакатларга қарз беришга мўлжалланган.

Бироқ, айрим фондларда харажатлар тури доим ҳам аниқ белгиланмайди. Масалан, Буюк Британияда Бош хазинаси (молия вазири) фонди бор. Бу фонд барча фондларда мувозанатни сақлаб туриш учун вазирликлар ва идоралар фондлари қолдигидан вужудга келтирилади. Японияда солиқ тушумларини қайта тақсимлашни амалга оширувчи маҳсус ҳисоб мавжуд. Давлат бюджети солиқ даромадининг бир қисми ушбу ҳисоб рақамида жамланади ва эҳтиёждан келиб чиқиб маҳаллий бюджетга йўналтирилади. Бундай қайта тақсимлаш аҳоли сони билан префектура иқтисодиётини ривожлантириш дарајасидаги тафовутлар туфайли келиб чиқсан.

Маҳсус фондлар таснифи нуқтаи-назаридан улар ҳукуқий ҳолати ва фойдаланиши мақсади билан фарқланади. Ҳукуқий ҳолатига кўра, маҳсус фондлар давлат ва маҳаллий фондларга бўлинади. Федератив тузилишга эга бўлган давлатлар (АҚШ, Канада ва ҳоказо)да федерация аъзолари ҳам маҳсус фондлар яратиш ҳукуқига эгадирлар.

Давлат маҳсус фондлари марказий ҳукумат тасаруфига бўлади. Булар энг муҳим: инвестиция, валюта, ижтимоий сугурта фондлари ва ҳоказолардир. Маҳаллий ҳокимият органларида қўп сонли маҳаллий фонд-

лар бўлиб, улар орасида энг йириклари заём берувчи фондлардир. Буюк Британияяда бундай фондлар XIX аср охиридан бошлаб фаолият кўрсатмоқда ва капитал қўйилмаларни молиялаштиришда фойдаланилмоқда.

Махсус фондлар фойдаланиш мақсадига кўра, иқтисодий, илмий-тадқиқот, кредит, ижтимоий, шахсий ва мулкий сугуртга, ҳарбий-сиёсий, давлатларо фондларга бўлинади. Уларнинг асосийлари тўғрисида тўхталиб ўтамиз.

Иқтисодий фондлар хўжалик ҳаётини, масалан, инвестия, коньюнктура ҳаётини тартибга солишга мўлжалланган. Бундай фондлар маблағларни хусусий компанияларни ва рентабеллиги кам бўлган давлат корхоналарини, айниқса, даврий инқирозлар вақтида молиялаштиришга йўналтирилади. Ёрдам кўпинча бегараз субсидиялар ва имтиёзли кредитлар шаклида берилади.

Масалан, АҚШда итқисодиётни қайта қуриш ва ривожлантириш фонди фаолият кўрсатмоқда ва у федерал бюджет маблағи ҳисобидан шаклланади. Унинг асосий вазифаси хусусий саноат компаниялари манфаатлари йўлида банк операцияларини суфурталашдан иборат. 1984 йилдан бўён у иқтисодий ривожланиш бўйича янги дастурларга, биринчи навбатда, қора металургияни ривожлантириш дастурларига раҳбарлик қилмоқда. Фонд кафолатлаган ссуда миқдори 20 миллион доллар билан чегараланган. Бу фонд, айниқса, ишлаб чиқариш таназзулга юз тутган йилларда, хусусий бизнесни рафбатлантиради.

Штатлардаги тадбиркорларга ёрдам кўрсатишида худудий фондлар катта аҳамиятга эга. Ҳар бир штат иқтисодий ривожланиш агентлигининг махсус фондига эга бўлиб, одатда, унинг мақсади компанияларни бевосита молиявий қўллаб-қувватлашдан иборат.

Иккинчи жаҳон уруши тугагач, Францияда модернизация фонди тузилди, у 1955 йилда бошқа фондлар билан бирлашгач, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш фондига (ИИРФ) айлантирилди. Бу фондга асосан, ссуда капитали бозорига жойлаштирилган заёmlар ҳамда бюджетдан ажратмалар келиб тушади. Фонд инвестия дастурларини, шунингдек миңтақавий ривожланиш, мамлакатда ишлаб чиқариш кучларини жой-

лаштириш, ишчи кучини қайта тайёрлаш ва саноат корхоналарини индустрисал марказлардан қолоқ ҳудудларга кўчириш режаларини молиялаштиради. Маблағлар умумдавлат ривожланиш дастурига мувофиқ инвестиция қўйилаётган миллийлаштирилган ва хусусий корхоналарга қайтмас ссуда ва узоқ муддатли имтиёзли замъилар шаклида берилади.

Иқтисодий қийинчиликни бошдан кечираётган ҳудудларда жойлашган корхоналар учун саноат мослашуви фонди тузилган ва унинг ҳисобидан субсидиялар берилади. Саноатга капитал қўйилмалар, шу жумладан конъюнктура солиги ҳисобидан яратиладиган, маҳсус тузилган конъюнктура фонди орқали амалга оширилади. Фонддан фойдаланиш мамлакатдаги иқтисодий аҳволга боғлиқ бўлади: ишлаб чиқариш таназзулга юз тутса, унинг маблағи саноатга, уй-жой қурилишига, ижтимоий соҳага йўналтирилади, ишлаб чиқариш ўssa, у тўлдирилади.

Японияда турли хил ижтимоий фондлар фаолият кўрсатмоқда. Булар — инвестиция бюджети ёки давлат инвестициялари ва замълари дастури; маҳсус (марказий ҳукумат ва маҳаллий ҳокимиятлар автоном бюджетлари) ҳисоблардир. Энг ийрик фонд — инвестиция бюджети бўлиб, у давлат ижтимоий корпорацияларига берадиган субсидиялари ва кредитлари сметасидан иборат бўлади. Унинг ҳажми давлат бюджетининг ярмига teng. Бу фонд жамғарма, сугурта, пенсия ва бошқа ваколатли фондлар маблағларидан шакллантирилади ва давлат секторини қайтмас ссуда ва имтиёзли кредитлар шаклида молиялаштиришда фойдаланилади. Давлат корпорациялари паст нархлар ва тарифлар сиёсатини юргизиб, хусусий капитал фаолият кўрсатиши учун қулай шароит яратмоқда. Шу тариқа инвестиция бюджети ушбу корпорацияларга хизмат кўрсатиб, улар орқали хусусий компанияларнинг кенг тармоги қўллаб-куватланмоқда.

Илмий-техника революциясининг ривожланиши илмий-тадқиқот фондларини вужудга келтиради. Бу фондлардан саноат, қурилишда илмий тадқиқотларни молиявий қўллаб-куватлаш, шунингдек фундаментал тадқиқотлар олиб бораётган давлат илмий марказларини молиялаштириш учун фойдаланилади. АҚШда икки

йирик фонд: Миллий илмий фонд (МИФ) ва Стандартлар бюроси илмий фонди (СБИФ) фаолият кўрсатмоқда.

МИФ маблағлари федерал бюджетдан тушумлар, саноат корхоналари фойдасидан ажратмалар, университетлар ва коллежлар бадалларидан шакллантирилади. Маблағлар фундаментал тадқиқотлар соҳасидаги дастурларни таъминлашга, илмий ютуқлар учун олимларни мукофотлашга, илмий марказлар қуришга, кадр тайёрлашга сарфланади. СБИФ тажриба ўтказаётган компанияларга маблағлар беради, илмий тадқиқотларни саноатда ва қишлоқ хўжалигига фойдаланиш даражасига етказади.

Буюк Британияда тадқиқотларни ривожлантириш бўйича миллий корпорация фонди мустақил балансга эга бўлиб, давлат бюджетига боғлиқ эмас. Унинг маблағлари қашфиётлардан фойдаланиш хуқуқини берувчи лицензияларни сотишдан келадиган даромад ҳисобидан шаклланади. Давлат фондга муддатсиз аванс ва йиллик субсидиялар беради. Фонд муаммоларни илмий тадқиқ этиш ва унинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш билан шуғулланувчи хусусий корхоналарни капитал маблағлар билан молиялаштиради. Давлат университетлари лабораторияларида, миллий ва хусусий компанияларда олиб борилаётган тадқиқотлар фонд маблағлари ҳисобидан амалга оширилмоқда ва саноатда қўллашгача олиб борилмоқда.

Тавсифланган фондлар фаолиятидан кўриниб турибдики, улар ижтимоий фондларнинг кучли тармомини кенгайтириш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Улар, бир томондан, ижтимоий фондлар учун маблағлар манбай сифатида мавжуд бўлса, кўпгина ҳолларда аниқ ижтимоий йўналтирилган дастурларга маблағлар ажратади. Бошқа томондан эса, бутун молия тизимининг фаолиятида ижтимоий йўналтирганлик мұҳитини яратади.

Кўриб чиқилганлардан ташқари, кредит фондлар — давлат банклари, жамғарма кассалари, бошқа муассасалар ихтиёрида бўлган, қайтариш ва фоиз тўлаш шарти билан бериладиган ресурслар жиддий функционал роль ўйнайди. Бундай фондлардан фойдаланишда давлат бўюртмаларини бажараётган ёки мамлакатни ривожлан-

тириш давлат дастурига мувофиқ ишлаётган юридик шахслар устун ҳуқуқларга эгадирлар.

Францияда кредит фонdlар кучли ривожланди. Франция Банки, Ташқи Савдо Банки фонdlари, депозит-омонат кассалари шулар жумласига киради.

АҚШда энг муҳим уч тармоқда — қишлоқ хўжалиги, уй-жой қурилиши ва ташқи иқтисодий алоқада жамланган дастурларни амалга ошираётган қатор кредит фонdlар фаолият олиб бормоқда. Қишлоқ хўжалигига кредит бериш учун Фермерлик кредити маъмурияти фонди тузилган. У федерал ер банклари, федерал ўртача муддатли кредитлар банклари ва федерал кооперация фаолиятини мувофиқлаштиради. Кредит муасасалар фонdlари ҳазина маблағлари ҳисобидан, шунингдек ўз мажбуриятларини сотиш орқали шакллантирилади. Улар асосан турли мақсадларда — ҳосилни сотиш, омбор қуриш ва ҳоказоларга ссуда бериш учун фойдаланилади.

АҚШ экспорт-импорт банки фонди америка капиталини экспорт қилишда муҳим аҳамиятга эгадир. У американинг экспорт компанияларига 15—20 йил муддатта кредитлар беради ва хусусий банкларнинг экспорт кредитлари бўйича (кредит суммасининг 30—60 фоизи атрофифа) кафолат беради. Банк ресурслари нинг асосий манбаи унинг ўз маблағлари ва заёmlари ҳисобланади.

Японияда кўплаб кредит фонdlари мавжуд. Айни маҳалда молиявий корпорациялар фонdlари — уй-жой қурилишини молиялаштириш корпорациялари, кичик ва ўрта корхоналарни молиялаштириш корпорациялари, маҳсус банклар (Япония экспорт-импорт банки, Япония ривожланиш банки, қишлоқ хўжалиги учун Марказий кооператив банки ва бошқалар) фонdlари жуда катта аҳамият касб этди. Молиявий корпорациялар фонdlари бюджет маблағларидан ҳамда кредиттга бериладиган фоизлардан шаклланади. Бу фонdlар (рискли корхоналар»ни молиялаштириш ёки бошқа кредит манбаларига эга бўлмаган компанияларга ёрдам кўрсатиш мақсадида мўттадил фоиз билан заёmlар беради.

Диққат билан ёндашилса, кўриб чиқилган барча фонdlар, моҳиятан бирон-бир мезонга кўра ижтимоийлиги маълум бўлади. Бироқ, бу фонdlар билан бир

қаторда бевосита ижтимоий фондлар ҳам ривожланиб келди.

Ижтимоий фондлар, бу — аҳолининг бир қатор ижтимоий эҳтиёжларини қондириш ва конституцион хуқуқларини кафолатлаш мақсадида ижтимоий хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган пул маблағлари фонди бўлиб, ўз фаолиятини мамлакат миллий даромадини қайта тақсимлаш ва улардан фойдаланиш асосида олиб боради. Ижтимоий фондлар қўйидаги муҳим ижтимоий кафолатларни таъминлашга; давлат пенсия таъминотига; бандлик соҳасини қўллаб-кувватлашга; меҳнат қобилиятини йўқотганда қўллаб-кувватлашга; хомиладорлик ва фарзанд туғилганлик учун таътил вақтидаги қўллаб-кувватлашга; санатория-курорт хизматлари кўрсатишга; белул медицина хизматини кўрсатишга ва ҳоказоларга сарфланади. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши натижасида касаначилик меҳнати билан шугууландиган шахслар сони ортиб бораётганлиги, ИТР туфайли жамиятнинг турли ижтимоий гурӯҳлари қизиқишиларидаги фарқнинг кучайиши, мамлакатлар аҳолисининг умумий кексайиб бориши ижтимоий суғурта фондларини кўпайтириш зарурлигига олиб келди. Сўнгги ўн йилда саноати ривожланган мамлакатлар ижтимоий фондлари ҳажми абсолют миқдорда бешолти баравар ортди. Ижтимоий фондлар ҳажмининг ортиши ижтимоий тўловларни кўпайтириш имконини берди.

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича ижтимоий фондлар шаклланишининг қўйидаги манбалари мавжуд: маҳсус солиқлар ва йигимлар; марказий, худудий ва маҳаллий бюджет маблағлари; маҳсус заёmlар; ихтиёрий тушумлар ва коммёрция фаолиятидан тушумлар. Бу фондларнинг шаклланишини қўйидаги манбалар — суғурталангларнинг суғурта бадаллари, тадбиркорларнинг суғурта бадаллари ва давлат субсидиялари мисолида кўриб чиқамиз. Суғурталанглар бадаллари уларнинг даромадидан тўғридан-тўғри чегириб олинади ва аслида бевосита мақсадли солиқдан иборат бўлади. Кўплаб ривожланган мамлакатларда бадал қиймати даромад миқдоридан қатъий-назар фоизларда белгиланади. Бунда бадалнинг йиллик энг кўп миқдори ёки ставка қўлланиладиган

энг юқори даромад назарда тутилади. Суғурталанганлар ва тадбиркорлар учун суғурга ставкалари мавжуд. Айрим мамлакатларда (ГФРда) улар тўловчиларнинг икки гуруҳи учун бир хил, бошқаларда (Буюк Британия, Франция) — ҳар хил. Кўп мамлакатларда суғурталар учун ставкалар умумий иш ҳақи фондига нисбатан эмас, балки олдиндан белгиланган максимал ялпи иш ҳақига нисбатан фоизда белгиланади. Яъни ушбу максимумдан ортиқ сумма ҳисобга олинмайди. Шунинг учун компанияда малакали ходимлар ҳиссаси қанча катта бўлса, улар ижтимоий фондларга шунча кам маблағ ажратишади. Йирик компаниялар ҳам ижтимоий фондларга нисбатан кам солиқ тўлашади. Тадбиркорлар бадаллари ишлаб чиқариш харжатларига тенглаштирилади ва улар товарларга оширилган нарх сифатида қопланади.

Ривожланган мамлакатларда ё суғуртанинг барча турлари бўйича битта (Буюк Британия), ёки бир нечта бадал (ГФР) амал қилмоқда. Иккинчи тур бадални тўлаганлар ижтимоий хизматларнинг тегишли турларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар. Масалан, АҚШда тадбиркорлар ва суғурталанганлар бир хил ставка бўйича: ижтимоий таъминотга ажратма сифатида 6,2 фоиз ва бепул тиббий ёрдам учун 1,45 фоиз суғурта бадали тўлашади. Бундан ташқари, тадбиркорлардан ишсизлик учун нафақага ажратмалар ушлаб қолинади. Шундай қилиб, тадбиркорларнинг аралаш ставкалари 8,45 фоизга тенг, суғурталанганлар учун эса бу 7,65 фоизни ташкил қиласди. Германияда тадбиркорлар ва ёлланма ишчилар фондларга бир хил ставкада бадал тўлайдилар. Бироқ пенсия суғуртаси фонди, касалликдан суғурталаш фонди, баҳтсиз ҳодисалардан суғурталаш фонди учун мустақил ставкалар амал қиласди. Масалан, суғурталанганлар ва тадбиркорлар пенсия суғуртаси фонди учун тўлайдиган бадаллар ставкаси иш ҳақи фондига нисбатан 9,5 фоиз белгиланган.

АҚШда турли маъмурий бўйсуницдаги кўп сонли ижтимоий фондлар фаолият кўрсатмоқда. Учта умуммиллий фонд: кексалик, ногиронлик ва бокувчисидан маҳрум бўлганлик бўйича суғурталаш фонди, давлат хизматчиларини суғурталаш фонди, муҳтоҷларга ёрдам фонди энг йириклари ҳисобланади.

ГФРда ижтимоий сугурта фонdlари сугуртанинг ишчи ва хизматчиларни сугурталаш фонди, касалликдан сугурталаш фонди, ишсизликдан сугурталаш фонди ва бошқалар сингари алоҳида турларини ўз ичига олувчи кўпгина мустақил фондларни қамраб олади.

Буюк Британияда икки асосий ижтимоий фонд фаолият кўрсатмоқда. Булар — миллий сугурталаш фонди ва давлат корхоналари пенсия фондлари.

Японияда тўрт йирик фонд: соғлиқни сугурталаш фонди, миллий пенсиялар фонди, ишлаб чиқаришда шикастланишдан сугурталаш фонди, ишсизликдан сугурталаш фонди фаолият кўрсатмоқда.

Францияда касаллик, ногиронлик, оналик бўйича сугурталаш фонди, пенсия фонди, оиласарга ёрдам фонди, ишсизларга ёрдам бериш миллий фонди энг муҳим ижтимоий фондлар ҳисобланади.

Ижтимоий, бюджетдан ташқари ва маҳсус фондларнинг ривожланган тизими билан бир қаторда турли йўналишдаги давлатлараро фондлар ҳам фаол ривожланмоқда.

Давлатлараро фондлар орасида вазифаси тўлов баланси мувозанатига эришиш мақсадида ҳалқаро ликвидликни бошқаришдан иборат бўлган Ҳалқаро Валюта фонди, аъзо мамлакатлар ҳукуматлари кафолати билан ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш учун узоқ муддатли кредит берувчи Умумжаҳон банкининг аҳамияти жуда катта. Уларнинг ҳар бири йирик ижтимоий лойиҳаларни ҳам молиялаштиради.

III б о б

ИЖТИМОИЙ ФОНДЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ВА УНИНГ ЎТИШ ДАВРИДАГИ МАМЛАКАТЛАР УЧУН АҲАМИЯТИ

3.1. Ривожланган иқтисодиёт шароитида ижтимоий фондларнинг амал қилиши

Ижтимоий фондлар мазмунан ва амалан ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг объектив сабаблари орқали аниқланади. Биринчидан, ишлаб чиқаришнинг моддий ва шахсий омиллари ўргасидаги зиддият уларнинг вужудга келишида асосий сабаб бўлди. Бир томондан, жамиятда капитал тақсимоти меҳнат қобилияти тақсимоти билан мос тушмайди. Бу эса яратилган маҳсулотдан фойдаланишни бузуб кўрсатади. Бошқа томондан, техника революцияси ишлаб чиқаришнинг моддий шароитини ривожлантиради, шахсий омиллар эса ривожланишда орқада қолади. Бу эса маҳсулот тақсимотидагина эмас, балки ишлаб чиқаришга эришишда ҳам бузилишларга олиб келади.

Иккинчидан, ижтимоий фондлар ёввойи капитализмнинг заиф нуқтаси ҳисобланган ижтимоий мувозанатни таъминлаш шакли сифатида пайдо бўлган. Натижада, айнан ижтимоий ҳимояга қаратилган йўналиш бўйича бозор муносабатларини такомиллаштириш бошланди ва унда янги, инсонийлик мазмунини касб этади.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ижтимоий фондларнинг амал қилиши ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий таъминотнинг сўнгги икки юз йиллик амалиётида ишлаб чиқилган параметрлар билан белгилangan. Ҳозирга келиб ижтимоий таъминотнинг моҳияти ва таъминланиш даражасини таърифлашга етарлича умумқабул қилинган ва самарадор ёндашувлар вужудга

келдики, улар кўплаб ҳалқаро ва милий нашрларда ўз аксини топди²⁸.

Энг аввало шуни таъкидлаш зарурки, ижтимоий ҳимоя тизими узоқ давр мобайнида шаклланган ва даставвал саноат революцияси талаби билан юзага келган. Ҳозирги индустрисал мамлакатлар қаторига ки-рувчи давлатлар XIX аср давомида юз берган саноат революцияси Европанинг ўрнини ўзгартириб, Шимолий Америка тараққиёти тарихига ҳал қилувчи таъсир кўрсатди ва у ўзига кела бошлади. Бу мамлакатлар ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирларни кўришга мажбур бўла бошладилар. Бошқа мамлакатлар уларнинг савдо ва саноат ривожланиши кетидан улгуриш учун тез суръатлар билан ривожлана бошлади. Бу эса бойлик ва фойдаланилмаган ресурслар билан ёнма-ён мавжуд бўлган камбағаллик ва муҳтоҷжлик муаммосини юзага келтирди.

Жамият томонидан кўриладиган чора-тадбирларни зарурлиги англагунга қадар камбағалларнинг аҳволини енгиллаштиришга хусусий масала сифатида қараб келинди. Кейинчалик айрим мамлакатларда жамоат маблағидан мақсадли фойдаланиш қоидаси қарор топиб, камбағаллар тўғрисида кенг қамровли қонунлар тизими яратилди. Уларда муҳтоҷларга ёрдам кўрсатиш учун ҳам, уларни бошпанали қилиш учун ҳам ижтимоий мажбуриятлар бўлиши эътироф этилди. Бу қонунчилик ижтимоий ларзалар юзага келиши имкониятини камайтиришга қаратилган эди.

Индустрялаштириш жараённида ёлланма ишчила-рининг юзага келганлиги ижтимоий ҳимоянинг анъанавий қоидаларини ўзгаришини талаб қилди. Касаллик, ишсизлик даврида, меҳнатда шикастлангандан

²⁸ К а р а н г: Введение в социальное обеспечение / Пер. с англ. — Международно бюро труда. Женева, 1995 г., Узбекистан. План экономических реформ. Всемирный банк. — Вашингтон, 1992 г., Узбекистан. Реформа социальной защиты / Пер. с англ. Всемирный банк. — Вашингтон, 1994 г., Доклад о человеческом развитии. Узбекистан, 1996 г. — Т., 1996 г., Доклад о человеческом развитии. Узбекистан, 1998 г. Доклад о человеческом развитии, Узбекистан, 1999 г., — Т., Отчет о мировом развитии 1997 г., Государство в меняющемся мире. — Вашингтон, Всемирный банк 1997 г., Социальная политика и экономические преобразования в Узбекистане / Под ред. К. Гриффина / Пер. с англ. — Программа развития ООН, 1995 г. и др.

кейин ёки қариганда иш ҳақини тўлаш тўхтатиб қўйилса, улар қашшоқлик даражасига тушиб қолиши мумкин эди, шаҳарда меҳнаткаш синфларни ҳимоялаш учун янгича ёндашувлар ишлаб чиқила бошланди. Банкда жамғармаларни яратиш имкони туғилди, касал ёки шикастланган ишчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича ёлловчилар зиммасига айрим мажбуриятларни юкловчи чоралар кўрилди, касал бўлиб қолганда ва қарилқда оз бўлса-да пул ёрдами кўрсатувчи ўзаро ёрдам ташкилотлари ривожланди, хусусий сугурта фондлари ҳаётни сугурта қила бошлади ва дафн учун нафақа берга бошлади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, айни вақтда жамиятда аҳолининг даромадлар бўйича табақаланиши шаклланди. Бу жараён унумдор меҳнатга бўлган рағбатни кучайтирди ва ижтимоий зиддиятларни юзага келтирди. Ижтимоий зиддиятлар вайронгарчилик келтирувчи кучга эга бўлганидан ижтимоий зиддиятларни ҳал этиш йўллари ва ижтимоий тотувлик шакллари муттасил изланди. Ижтимоий кафолат қоидалари ушбу соҳада эришилган энг самарали ютуқ бўлди.

Ижтимоий сиёсатнинг белгиланишида ижтимоий ва сиёсий гуруҳларнинг таъсири кучая бошлади. Айрим мамлакатларда ушбу ўзгаришларни амалга оширишга тезроқ ёндашилди.

Саноат жиҳатидан ривожланган мамлакатларда айрим нафақа дастурлари бирлашиб, яхлит бир бутун бўла бошлади. Айрим аҳоли қатламлари учун иш ҳақи, даромад ва пировард натижада меҳнаткашлар фаровонлигини таҳдидга қўювчи тасодифий ҳодисалар ҳам ҳисобга олинди. Янги муносабатларни тавсифлаш учун янги «ижтимоий таъминот» атамаси қўллана бошланди.

Айрим мамлакатларда бу тушунча бошқа мамлакатларга нисбатан кенгроқ талқин қилина бошланди. Умуман, «ижтимоий таъминот» тушунчаси жамиятнинг ўз аъзоларини ижтимоий чора-тадбирлар воситасида ҳимоя қилиш тизими бўлиб, у ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолишига олиб келадиган иқтисодий ва ижтимоий ларзалар ёки касаллик, бола кўриш, шикастланиш, ищсизлик, ногиронлик, қариллик ва ўлим муносабати билан бериладиган ёрдам ва имтиёзлар йиғиндисидан иборат.

Шундай қилиб «ижтимоий таъминот» тушунчаси жаҳонда кўп йиллик иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш амалиёти натижасида вужудга келган атамалардан биридир.

«Ижтимоий таъминот» атамаси дастлаб айрим тараққий этган мамлакатлардаги қонунларда ўз ўрнини топди. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ушбу атамани бутун дунё аҳолисининг умумий ва энг муҳим орзуларидан бири сифатида баҳолаб, дарҳол муомалага қабул қилди ва фойдалана бошлади.

Кейинчалик ХМТ ушбу концепцияни янада кодификациялашга қаратилган кўп сонли хужжатларни қабул қилди. Улар орасида ижтимоий суғурта ва ижтимоий ёрдам, солиқлардан маблағ билан таъминланадиган нафақалар, оиласвий нафақалар, провидент фонdlар, ишга ёлловчиilar амалга оширадиган кўплаб қўшимча чоралар, шунингдек бутун дунёда кенг ёйилган ёрдамчи ва қўшимча дастурлар бор.

Ижтимоий суғурта — ҳозирги шароитда ижтимоий таъминотнинг энг кенг тарқалган ва самарали шаклларидан бири ҳисобланади. Муайян маънода айтиш мумкини, айни ижтиомий суғурта шаклланиши жараёнида XX асрда ижтимоий суғуртанинг шаклланиши билан бир вақтда ўз самарадорлигини намоён қиладиган ижтимоий партнёрлик тизими таркиб топа бошлади. Ижтимоий таъминот вужудга келган даврдан суғурта бадаллари ҳисобидан маблағ билан таъминланган. Суғурта бадалларини тўлаш ёлланма ходимлар учун мажбурий эди. Ҳусусан, ушбу қоида соғлигидан қатъий-назар, малакали ва малакасиз, ёш ва қари, эркак ва аёл учун ҳам мажбурий эди. Суғурта концепцияси меҳнаткашлар бирдамлигини ифодалаб, ҳар бир киши ҳамкарасасини ва ишдаги ўртоқларини муҳтож бўлиб қолганда қўллаб-қувватлаш учун бадал тўлаб, уларни қўллаб-қувватлар эди.

Ижтимоий суғурта аста-секин халқаро миқёсдаги ҳодисага, жаҳон тараққиёти қоидаларидан бирига айланди. Суғуртанинг ўёки бу тизими ўртасида тафовутлар бўлишидан қатъий-назар, умуман ижтимоий суғуртанинг қуйидаги элементлари ажратиб кўрсатилиди:

- ижтимоий суғурта, одатда, ёлловчиilar ва меҳнаткашлар бирдамлик билан тўлайдиган бадал-

лар ва давлатнинг қўшимча бадаллари ёки умумий солиқлар ҳисобидан дотациялар шаклидаги иштирокида маблағ билан таъминланади;

- айрим истиснолар билан ҳамма мажбурий қатнашади;
- бадаллар маҳсус фондларда тўпланади ва шу фондлар ҳисобидан нафақа тўланади;
- нафақа тўлашдан ортган маблағлар қўшимча даромад олиш учун инвестицияланади;
- нафақага бўлган шахсий ҳуқуқ даромадлар ёки муҳтожликка боғлиқ бўлмаган ҳолда бадалларнинг ўзи билан кафолатланади;
- бадаллар ва нафақалар миқдори аксарият ҳолларда суғурталанган кишининг оладиган даромади миқдори ёки олганлигига боғлиқ бўлади;
- иш жараёнида шикастланганлик бўйича суғурта, одатда, давлат иштирокида иш берувчи ҳисобидан маблағ билан таъминланади.

Ижтимоий суғуртанинг юқоридаги қоидалари ижтимоий ёрдам билан бирлиқда ривожланади.

Ижтимоий ёрдамнинг қоидалари қуйидагилардир:

- ёрдам дастурларининг харажатларини давлат ёки маҳаллий ҳокимият органлари ўз зиммасига олади;
- нафақа, қонун асосида, муҳтожларнинг тегишли қатламларига берилади;
- муҳтожликни аниқлашда шахсий маблағлар ва қўшимча даромадлар ҳисобга олинади, аммо айрим маблағлар, хусусан, кўп бўлмаган шахсий жамғармалар ҳисобга олинмайди;
- бериладиган ёрдам қўшиб ҳисобланганда ёрдам олувчининг умумий даромади жамият томонидан белгиланган энг кам даромаддан паст бўлмаслиги керак. Бунда оила аъзоларининг сони, коммунал хизматлар билан боғлиқ жорий харажатлар ва даромаднинг олдинги миқдори ёки қабул қилинган турмуш даражаси билан боғлиқ бўлмаган бошқа тўловлар эътиборга олинган;
- ижтимоий ёрдам аниқ муаммони ҳал қилишга йўналтирилган бўлиб, ижтимоий суғуртадан фарқли равища, етарли миқдорда аниқ ёрдам кўрса-

Ижтимоий фондларни шакллантиришдаги халқаро тажриба ва унинг ўтиш давридаги мамлакатлар учун аҳамияти

тади. Ёрдам қонун йўли билан етарли даражада ўрнатилган бўлиши лозим.

Солиқ тушумлари ҳисобидан таъминланадиган нафақалар жаҳонда кенг тарқалган. Бу аслида, ижтимоий таъминотни ривожлантиришнинг бошқача йўли бўлиб, давлат томонидан алоҳида олинган гуруҳларга кирувчи ҳар бир фуқаронинг умумий нафақа билан тўла ёки қисман таъминланишидир.

Ижтимоий таъминотда оила нафақалари алоҳида ўрин тутади.

Кўп мамлакатларда иш ҳақи билан боғлиқ моддий фаровонлик оила аъзоларининг сони билан боғланмагани сабабли, оиласвий нафақалар вужудга кела бошлаган. Катта оиласлар мавжуд бўлган мамлакатларда бу ҳолат айниқса муҳим аҳамиятга эга. Умуман, оиласвий нафақалар болаларнинг моддий фаровонлигини қўллаб-куватлашга мўлжалланган.

ХМТнинг ҳужжатларида жамият болаларнинг фаровонлигини таъминлаш учун ёрдам бериш тадбирларини ўтказишида ота-оналар билан ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор берилади. Оиласга кўрсатиладиган ёрдамларнинг ҳаммаси (мунтазам пул тўловларининг турларидан тортиб, натурал хизмат кўрсатишгача) кўп мамлакатларда шу давлатлар ўз зиммасига олган «болаларни таъминлаш бўйича масъулият» тоифаси остида амалга оширилади. Ижтимоий таъминотнинг минимал меъёрлари тўғрисидаги Конвенцияга (1952 йил, № 102) қўшилган мамлакатлар масъулиятнинг бу турини ўз зиммасига олди. Ҳозирги даврда ушбу Конвенция доирасида оиласга кўрсатиладиган умумий ёрдам миқдори ходимнинг ўртacha статистик иш ҳақи уч фоизлик даражасининг оиласдаги фарзандлар сонига кўпайтмасига асосан белгиланади. Агар ёрдам бутун аҳолига кўрсатилса, у ҳолда нафақа оиласдаги фарзандлар сонига кўпайтирилган ўртacha статистик иш ҳақининг бир ярим фоизи даражасида қайд этилади.

Ривожланаётган давлатларда эса тараққий этган мамлакатларнинг амалиётидан келиб чиқсан ҳолда ижтимоий таъминотнинг алоҳида шакллари вужудга келмоқда. Бу хусусий провидент фондлардир. Бу фондлар моҳиятига кўра, фақат ривожланган ёки фақат ривож-

ланаётган мамлакатлар тажрибаси сифатида тасниф қилиниши мумкин.

Кенг қамровли ижтимоий таъмиот йўлига кейинроқ, ўтган давлатлар унинг бошқарувини соддалаштиришга ҳаракат қилиб, давлат провидент фонdlарини таъсис этишга қарор қилишган. Провидент фонд мажбурий жамғарма кассасидир. Ходимлар ва уларни ёлловчиilar марказий фонdlга мунтазам равища бадал тўлаб, уни ходимнинг шахсий ҳисоб варагига ўтказишади, бу маблағ вақти-вақти билан тўланадиган фоиз ҳисобидан ҳам кўпайиб боради. Қарилик, ногиронлик ёки ўлим вазияти содир бўлганда, жамғарманинг ҳаммаси ходимга ёки бокувчининг меросхўрларига тўланади. Айрим фонdlар жамғармадан, масалан, касаллик, ишсизлик ҳолатларида ёки бошқа сабабларга кўра қисман фойдаланишга имкон беради.

Ижтимоий таъминотнинг муҳим ва кенг ёйилган шакли иш берувчиларнинг мажбуриятлариdir. Иш берувчи жавобгарлигига асосланган тизимлар асосан меҳнат шикастлари билан боғлиқ ҳолатларни ўз ичига олади. Тараққий этган ва ривожланаётган мамлакатларда кўплаб шундай тизимлар мавжуд бўлиб, иш берувчилар мажбуриятларининг кўлами ва ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Ижтимоий таъминотнинг навбатдаги тури — ижтимоий хизматлардир. Умуман, ижтимоий таъминот бўйича нафақалар ва ижтимоий хизматлар — бир медалнинг икки томонлариdir. Улар доимо биргаликда ривожланиб келган ва ҳар икки йўналиш бўйича бир-бирига мутаносиб сиёсий ечимлар амал қилган.

Тегишли ижтимоий хизматларнинг ҳар қандай тўплами тиббий хизматни, соғлиқни сақлаш ва баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича профилактика чораларини, жароҳатланганлар соғлигини тиклашни, ногиронлар ва кексалар учун маҳсус апаратларни, болалар тўғрисида ғамхўрликни, аёллар консультациясини, тугруқхоналарни ва бошқаларни ўз ичига олади.

Сўнги йилларда жаҳондаги кўп мамлакатларда ижтимоий таъминот халқаро қоидалар асосида ривожлантирилмоқда.

Ижтимоий фондларни шакллантиришдаги ҳалқаро тажриба ва унинг ўтиш давридаги мамлакатлар учун аҳамияти

Меҳнат жароҳати билан боғлиқ ҳимояга, одатда, катта эътибор берилади. Жаҳондаги ҳар бир мамлакат меҳнат жароҳатига оид бирон-бир тизимга эга. Бир ҳолатда бу ижтимоий сугурта кўринишида бўлса, бошқа ҳолатда иш берувчининг ҳуқуқий жавобгарлигини ташкил этиш шаклида намоён бўлади.

Кўп мамлакатларда кексаликда, ногиронликда ва боқувчисидан маҳрум бўлганлик билан боғлиқ ҳолатларда таъминлашга боғлиқ қоидалар ишлаб чиқилган. Бу эҳтиёжлар ижтимоий сугурта, ижтимоий ёрдам, провидент фондлар ёки фуқароларга мўлжалланган, умумий соликлардан маблаф билан таъминланадиган тизим каби турли йўллар воситасида қондирилади. Дунё мамлакатларининг тўртдан бир қисмида, хусусан, саноати ривожланган мамлакатларда ишсизлик бўйича нафақалар мавжуд.

Ижтимоий таъминот жамиятнинг ҳамма аъзоларини ҳимоя қила олмайди ва бунинг учун зарурат ҳам йўқ. Бироқ, ижтимоий адолат нуқтаи-назаридан жамиятнинг ҳар бир гуруҳи учун адресли ҳимоялаш бир хилда бўлмоғи лозим. Бундан ташқари, мавжуд бирдамлик концепцияларига мувофиқ ижтимоий ҳимоялашни амалга оширишда аҳоли муҳим ва муҳим бўлмаган қатламларга ажратиласлиги лозим.

Ҳозирги пайтда ижтимоий нафақанинг тўққиз туридан ташкил топган кенг қамровли ижтимоий таъминот тизими мавжуд.

Ижтимоий сугурта шаклида ижтимоий таъминот фонди маблаф билан таъминланганда ёлланма ходимларгагина ёрдам кўрсатилиади. Сугурта тизимининг афзаллиги шундаки, иш берувчи бадални давлат дотациялари ҳисобига ҳам тўлаши мумкин.

Ижтимоий таъминот ривожланишининг дастлабки босқичида иш ҳақи юқори бўлган ходимлар ўзини-ўзи сугурталашлари мумкин, деган қоидага амал қилинган. Кейинчалик эса ижтимоий таъминот тизимининг тараққиёти жараёнида пенсия ва нафақаларнинг қатъий белгиланган миқдори юзага келди ва сугурта билан ҳаммани қамраб олиш foяси намоён бўлди. Сугурта тизимига юқори ҳақ оладиганларни жалб қилишда бошқа муаммо пайдо бўлди — ўртача иш ҳақига мос ба-

далларнинг стандарт даражаси энг кам иш ҳақи оладиганлар учун оғир юқ бўлиб тушди. Ўз навбатида энг кам иш ҳақи даражасига асосланган нафақа юқори иш ҳақи олувчиларни асло қониқтирмаслиги маълум бўлди.

Натижада иш ҳақи миқдорига мувофиқ равишда бадаллар йиғиб олишга асосланган пенсия ва нафақалар тизими пайдо бўлди.

Ижтимоий таъминот иш берувчилар ва уларнинг ходимлари томонидан бошқариладиган хусусий тизими билан бир вақтда ривожланди. Бу эса кексаликни тўла таъминлашга мўлжалланган тизимни юзага келтирди, бу: а) қатъий миқдордаги давлат пенсиялари ёки иш ҳақи асосида ҳисобланган пенсияларни ва б) хусусий фонdlардан маблағ билан таъминланадиган касбий пенсияларни келтириб чиқарди.

Мазкур ижтимоий таъминотнинг кўшма тури давлат иштирокини камайтиришга асосланган ва ҳозирги даврда бу ижтимоий таъминот тизимини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланади.

Саноат жиҳатидан тарақкий этган мамлакатлардаги ижтимоий ҳимоянинг ўзига хос хусусияти шуки, уларда ишга ёллаш тўғрисида шартнома тузилаётган босқичда ҳимоя тадбирлари кўзда тутилади. Шартномада иш ҳақи миқдори, таътил муддати, тақдим этиладиган ижтимоий имтиёзлар, пенсия таъминоти ва ҳоказолар ўз аксини топади. Мутахассисларнинг фикрича, шартномада бандлик масалаларига алоҳида ургу берилади.

Қатор мамлакатларда ишсизлик даражасини камайтиришга қаратилган маҳсус давлат дастурлари ишлаб чиқилган ва уларда ҳам ҳимоя кўзда тутилади.

АҚШда ижтимоий ҳимоя шаклининг уч ташкилий тури бор:

1. Давлат ижтимоий сугуртаси.
2. Давлат томонидан ёрдам кўрсатиш.
3. Хусусий сугурталаш ва ёрдам кўрсатиш.

Дунёда кейинги йилларда ижтимоий ҳимоя, хусусан, пенсия тизими кўлами, роли ва таркибини такомиллаштиришга бағишланган мунозаралар авж олиб кетди ва аниқ ўзгаришлар содир бўлди.

Пенсия тизимини ислоҳ қилишнинг асосий далилларидан бири сифатида ИҲРТ мамлакатларида ўтка-

Ижтимоий фондларни шакллантиришдаги халқаро тажриба ва унинг ўтиш давридаги мамлакатлар учун аҳамияти

зилган ҳисоб-китоблардан фойдаланилмоқда. Бу таҳлилнинг кўрсатишича пенсия харажатлари 1990 йилда ЯИМнинг 10—15% га teng бўлса, 2050 йилга келиб 25% бўлиши кутилади. Пенсия харажатларининг ЯИМга нисбатан катта юк бўлиб тушишини иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар ҳам кўтара олмайди. Шу боис иқтисодий ўсишни кескин ошириш керак бўлади.

XX асрнинг 90-йилларида кўпчилик мамлакатлар пенсияни тақсимлаш тизимини (кўпинча «авлодлар бирдамлиги» принципи дейилади) жамғариш тизими билан қўшиб ўзида мужассамлаштирган тизимларни яратиш йўлидан боришмоқда. Бунда ёш авлод қариларни тамойили билан таъминлайди. Жамғариш тизими (яъни тегишли фонд) амал қилганда ишловчи ўз жамғармасини инвестициялаш асосида кўпайиб боришига қараб пенсия билан таъминланади.

Янги пенсия тизимларида ҳам пенсия нафақалари аввалги йиллардаги иш ҳақи миқдори ёки бадалларга боғланган бўлади. Жамғариш компоненти ходимлар учун кўпинча улар жамғарган маблағларини бошқаришнинг бир нечта муқобил вариантлари орасидан танлаш имкониятини яратади.

Хозир пенсия тизимини маблағ билан таъминлашга жаҳон амалиётида уч хил ёндашув бор, биринчидан, пенсия миқдори макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ҳолати билан, иккинчидан, бериладиган пенсия тўловларининг етарлилиги билан, учинчидан, унинг маъмурый тизими ва бошқарувининг самарадорлиги билан боғлиқ ҳолда қаралади.

Ривожланган мамлакатларда давлат пенсия тизими орқали ҳар йили ЯИМнинг 5—10 фоизига teng маблағ ўтади ва бу даромадларни қайта тақсимлаш орқали амалга оширилади.

Барча мамлакатлар пенсия тизимига иш берувчиларга ходимлардан олиниши лозим бўлган ҳар қандай бадалларни ушлаб қолиш, уларни иш берувчилар тўлайдиган бадаллар суммасига қўшиш ва умумий йиғиндини ягона тўлов билан ўtkазиш мажбуриятини юклаган. Бундай маблағ ўtkазиш ҳар ойда амалга оширилади, бироқ АҚШда энг йирик компаниялар ҳар ўн кунда маблағ ўtkазишга мажбур.

Бундан ташқари, иш берувчи вазифасига пенсия бадалларини тўплаш тизимини бошқарувчи идорага мунтазам ҳисобот бериб туриш ҳам киради. Германия ва Швецияда иш берувчилар берган ҳисоботда ҳар ойда тўланган бадаллар умумий йигиндиси кўрсатилади, ҳар бир ходим бўйича эса бир йилда бир марта батафсил маълумот берилади. АҚШда эса иш берувчилар тўланган барча бадаллар йигиндиси тўғрисида ҳар уч ойда хабар беришга мажбур.

Маблағни бошқариш тартиби пенсия ажратмаларидан мақсадли фойдаланишни кафолатлаши ва нафақаларни мунтазам тўлаб бориш учун етарли маблағ бўлишини таъминлаши даркор.

АҚШ ва Швецияда пенсия ажратмалари банк тизими орқали ўтказилади ва ягона марказлаштирилган ҳисобга келиб тушади. Талаб қилиб олинмаган пул маблағлари банклаги ҳисобдан олиниб, шу мақсад учун маҳсус танланган инвестиция воситасига айлантирилади.

Швецияда пенсия фонди пулининг инвестициялашга оид қарорлари уч маҳсус кузатувчи кенгаш мажмуи томонидан қабул қилинади.

Германияда нақд пули ҳаракатини бошқариш пенсия идораси томонидан ҳукumat иштирокисиз амалга оширади. Германиянинг пенсия идоралари ҳисоб рақамини тижорат банкларида очган бўлиб, ҳар бир иш берувчининг бадаллари у фойдаланадиган тижорат банкидаги пенсия идораси ҳисоб рақамига келиб тушади. Пенсия идорасининг инвестиция бўлими барча ортиқча маблағни банклаги депозит сертификатларига қўяди.

Умуман, пенсия тизимини бошқариш хусусиятлари устун даражада ҳар бир мамлакатдаги банк-молия тизимининг амал қилиш хусусияти ва мавжуд анъаналар билан белгиланади. Ўзбекистонда пенсия тизимини ислоҳ қилиш масалаларига айни шу позициядан ёндашиб лозим.

Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда ижтимоий фондларнинг ривожланиши ва амал қилиши борасида катта ютуқларга эришилганига қарамай, уларда ҳам фонд маблағларидан мақсадли фойдаланиш самарасини ошириш билан боғлиқ муаммолар мавжуд.

Масалан, Роберт Хольцман «Об экономических выгодах и фискальных требованиях перехода от неоплаченных к оплаченным пенсиям» китобида ИХРТга аъзо кўпгина мамлакатлар кун тартибida давлат пенсия тизимини ислоҳ қилиш кўп йиллардан бери турган долзарб муаммо эканлигини таъкидлайди²⁹. Йқтисодий кўрсаткичларнинг манфий хазина дисбалансининг ортиб бораётгани ҳам давлат харажатларининг мазкур йирик дастурини ислоҳ қилиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Асосан кексаларнинг тўланмаган даромадлари схемасини ислоҳ қилишни дарҳол бошлаш ва узоқ вақт амалга ошириш зарурлиги таъкидланмоқда. Биринчидан, табиий туғилиш камайиб ва яшаш ёшининг ортиб бораётгани туфайли аҳоли қариб бормоқда. Иккинчидан, кўп мамлакатларда ўтмишда тўловларнинг миқёси ва даражасига оид қабул қилинган ва эскириб қолган қарорлар туфайли пенсия тизими янада қариб бормоқда. Учинчидан, бадаллар ставкаси юқорилиги ва бадаллар билан пенсия тўловлари ўртасидаги алоқа бевосита эмаслиги туфайли меҳнат бозорига салбий таъсир кўрсатмоқда. Тўртинчидан, хусусий ва миллий жамғармалар учун салбий оқибатлар вужудга келди.

Гап шундаки, бадаллик ставкаси анча юқорилиги туфайли фонд даромадларининг ўсиши чекланиб қолган. Бундан ташқари, фонд бадалларининг ортиши бошқа давлат харажатларининг камайтирилишига олиб келади.

Фарб олимларининг фикрича, пенсияга чиқиш ёшининг беш йилга узайтирилиши Япония, Германия, Буюк Британия ва АҚШда кейинги 35 йиллик даврда хазина дисбалансини амалда бартараф этади. Шундай бўлса-да, одатдаги пенсияга чиқиш ёшининг ошири-

²⁹ Хольцман Р. «Об экономических выгодах и фискальных требованиях перехода от неоплаченных к оплаченным пенсиям» / Вашингтон, Университет Джона Гопкинса, 1999 г., сс. 5–20, 19–40.; Pension Systems in Crisis. Harvard Institute for International Development, World Bank Institute Workshop on Pension Reform. Cambridge, Massachusetts, June 14–25, 1999., Р 9.; International workshop on: «Pension Reform in Transition Economics», 10–26 September, 1997. The International institute-Histadrut, Israel. РР. 10–30.

лиши ёки пенсия ҳуқуқини берувчи мезонларни янгилаш ҳал этилиши мушқул бўлған вазифалардандир.

Европа Иттифоқи мамлакатларида пенсия ислоҳоти амалга оширилаётган бўлсада, улардаги пенсия схемаси ишончли молиявий негизга қўйилган эмас. Бу ислоҳотлар, асосан, қисқа муддатли бюджет мулоҳазаларидан келиб чиқиб амалга оширилди ва узоқ муддатли хазина мулоҳазаларига жиддий эътибор берилмади. Юқоридаги сабабга кўра, пенсия ислоҳоти тўғрисидаги масала амалда саноати ривожланган барча мамлакатларда кун тартибида турибди.

Европа Иттифоқи мамлакатларида давлат даражасининг қиймати юқори бўлиб, ҳозир ЯИМнинг 10%и ташкил этади. Улардан 9%и жорий тушумлардан молиялаштирилади, 1%и эса солиқлар ҳисобидан шаклланади. Агар қонунлар қайта кўриб чиқилмаса, 2030 йилга келиб давлат даражаси қиймати 15%ни ташкил этади. Шундан 10%и жорий тушумлардан ва 5%и умумий солиқлар ҳисобидан субсидиялаштирилади. Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасида ушбу соҳада кескин фарқлар мавжуд. Хусусан, Ирландияда жорий харажатлар ЯИМнинг 5%ни ташкил этса, Италияда эса 15%ни ташкил этади³⁰. Пенсия тизимига аҳолининг қариш жараёни катта таъсир кўрсатиб, ҳозирда тақсимлаш тизими асосида пенсияларнинг 84%и тўланади. Европа Иттифоқи мамлакатларига пенсия тизимини таҳлил қилиш, қатор ҳulosалар чиқариш имконини беради: агар молиялаштириш тизими ўзгартирилмаса, тақсимот пенсиялари қолган ҳамма ижтимоий тўловларни сиқиб чиқаради; пенсия ислоҳотини ўтказиш заруриятини англаш кучаймоқда; Европа Иттифоқи мамлакатларида ЯПҚ билан боғлиқ муаммолар мавжуд бўлиб, улар касбий пенсия режаларини тартибга солувчи ҳолатлар билан зиддиятга киришмоқда; жамғариш компонентини кенгайтиришга қаратилган ва пенсия режаларини тартибга солишнинг уйғунлаштириш, хусусан, бошқа

³⁰ Pension Systems in Crisis. Harvard Institute for International Development, World Bank Institute Workshop on Pension Reform. Cambridge, Massachusetts, June 14–25, 1999, PP. 24–45.

Ижтимоий фондларни шакллантиришдаги халқаро тажриба ва унинг ўтиш давридаги мамлакатлар учун аҳамияти

мамлакатлар ҳудудларида пенсияни таъминлаш соҳасида дастлабки қадамлар ташланмоқда.

Европадаги бир қанча мамлакатлар шартнома ёки мажбурият асосида қўшимча тўланган пенсиялардан фойдаланишмоқда. Бироқ, бу пенсияни жорий этиш соҳасида тўпланган катта тарихий тажриба кўпинча бу вариантдан воз кечишга мажбур этмоқда. Чиндан ҳам, авлод учун икки баравар оғир пенсия тўлаш тўғрисидаги далил асосли бўлиб, чуқур тадқиқотлар олиб боришини талаб этади.

Чилида давлат бошқаридиган тўланмаган пенсия тўловлари схемасидан муайян бадаллар асосида тўла тўланган пенсиялар схемасига ўтиш 1981 йилда амалга оширилди ва унинг Чили иқтисодиёти учун келтирган ижобий натижалари бошқа мамлакатларни мазкур ислоҳотларга қисман бўлсада эргашишга мажбур этди. Лотин Америкасининг турли мамлакатлари, жумладан, Аргентина (1994 й.), Колумбия (1994 й.), Перу (1993 й.), Уругвай (1996 й.) ва Мексика (1992—1997 й.) мажбурий тўланган фондларга ўта бошлади. Бир қатор ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари, жумладан, Венгрия, Польша, Қозоғистон, Латвия 1998—2000 йилларда кўп босқичли пенсия тизимига ўта бошлади. Австралияда давлат пенсияларига қўшимча равишда иш берувчилар ходимлар учун тўлайдиган пенсия фондларини мажбурий қилиб қўйди.

Тўланган схемаларга ўтиш пенсия фондини уч муҳим сабаб бўйича оғир аҳволдан чиқишини таъминлайди. Биринчидан, бундай ислоҳот иқтисодий ўсишга шароит яратади ва ижобий натижаларга олиб келади, деган далилни олға суради. Иккинчидан, бу жамғармаларни суғурталаш концепциясини ижтимоий ҳимоялаш ва қайта тақсимлаш концепцияларидан фарқлаб молия оқимларининг ошкоралигини таъминлайди. Учинчидан, бу иш ҳақи рафбатларини кенгайтиради ва келажакда пенсия тизимини қайта кўриб чиқишига бўлган уринишларни камайтиради.

Давлат ва тўланмаган пенсияларни таъминлашнинг нозик жиҳатлари бор. Биринчидан, тизим ҳали етук бўлмаган даврда ўта катта миқдордаги пенсияларнинг ҳозирги пенсионерларга берилиши бўлажак пенсионер-

ларга тегадиган пенсияни таъминлаш имконини бермайди. Иккинчидан, фондда жамғарилган активлардан мақсадли фойдаланилмаганлиги учун уларнинг камайиб кетиши дастлаб ваъда қилинган пенсияларни маблаф билан таъминлаш имконини бермайди.

Ҳатто саноат жиҳатидан тараққий этган мамлакатларда кўпчилик фақат тайинли ишдан тайинли даромад оладилар ва бу билан ўз манфаатларини юқори иш ҳақи ва ишончли иш жойи билан боғлайдилар. Натижада оширилган иш ҳақи ва иш жойининг юқори даражада ишончлилигига бўлган талаб, асосан, даромадни капиталдан меҳнатга қайта тақсимлаш воситаси сифатида қабул қилинади. Инвестициялар келтирадиган юқори фойда ставкаси ва юқори фойда олиш, капиталдан олинадиган фойдага юқори солиқ солиш механизми орқали қайта тақсимлашни талаб қилишга асос бўлувчи нонормал ҳолат деб қабул қилинади. Тўланган пенсияларга ўтиш капитал билан меҳнат ўртасидаги анъанавий зиддиятни юмшатади, шунингдек аҳоли кўпчилик қисмининг молия бозорларига салбий муносабатини су сайтиради, чунки ходимлар юқори даромаддан манфаатдор эканликларини англай бошлайдилар, деб таъкидланади. Айниқса, маълум взнослар схемасида юқори ставкалар фақат индивидуал ҳисобларга ўтказилади, деб қабул қилинади.

Пенсия ислоҳотининг уч асосий самараси бор. Биринчидан, ислоҳот бадаллар ва пенсия тўловлари ўртасида чамбарчас алоқани вужудга келтиради ва меҳнат бозоридаги бузилишларни камайтиради. Иккинчидан, ислоҳот қоидалари молия бозорини кенгайтиради ва унинг ривожланишини тезлаштиради, натижада ресурсларнинг жойлашиш самарадорлигини оширади. Учинчидан, ислоҳот миллий жамғариш ва капитал жамғаришга ижобий таъсир кўрсатади. Молия бозорининг яхшироқ амал қилиши ва капитал жамғаришнинг юқори суръатлари иқтисодий ўсишнинг ортишига олиб келиши лозим. Тўланмаган пенсия схемаларида бадаллар билан пенсия тўловлари ўртасидаги алоқа заифлашади. Фондлар орқали кекса ёшда даромадларни ва пенсия билан боғлиқ бўлма-

Ижтимоий фондларни шакллантиришдаги халқаро тажриба ва унинг ўтиш давридаги мамлакатлар учун аҳамияти

ган бошқа вазифаларни таъминлаш охир оқибатда капитал бозоридаги оборотнинг ва фойда ставкасининг ортишига олиб келади. Пенсия фондидағи иккى компонентни — (тўланмаган) дистрибутив ва (тўланган) аннуитетни аниқ ажратган ҳолда иккى даражали ва кейинчалик уч даражали схемага ўтиш нисбатан мақсадга мувофиқ ва самарали ёндашув эканлиги таъкидланмоқда.

Охирги ўн йилликда молия бозорларининг глобаллашувига қарамай, Европадаги кўпгина миллий капитал бозорлари етарлича ривожланмаган ва улар айрим кўрсаткичларни, масалан, қимматбаҳо қофозларни капиталлаштириш, капитал бозорлари ҳажми ва дастаклари характеристири, инновация суръатлари ва бозор таркибини баҳолашда намоён бўлмоқда.

Сўнги 30 йил ичида ИҲРТ мамлакатларида умумий жамғармаларнинг қисқариши ва 80-йиллар бошидан бошлаб ҳақиқий фоиз ставкасининг ўсиб бориши келажакда капиталнинг глобал етишмовчилиги ва ишлаб чиқаришнинг ҳажмига салбий таъсир кўрсатиш хавфини вужудга келтиради. Келажакдаги миллий жамғариш суръатлари тўғрисидаги хавотирлик аҳолининг қаришига (истеъмол — жамғариш характеристидаги ёш хусусиятлари орқали бевосита ва бюджет оқибатлари орқали билвосита) таъсир кўрсатади ва тўланмаган схемалар миллий жамғаришни пасайтиради, деган адолатли таъкидлашни кучайтиради. Даромадларнинг камайишига, афтидан, аҳолининг қариб бориши ҳам салбий таъсир кўрсатади. Ушбу вазиятда миллий жамғармани кучайтириш, тўланган пенсияларга ўтиш ва бу билан капитални шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Чили тажрибасида тўланган пенсияга ўтиш, бу ерда миллий жамғарма ЯИМдаги ҳисса сифатида 1981 йилдаги 8,2 фоиздан 1995 йилда тараққиёт тарихидаги энг юқори — 27,6 фоизга етди.

Шундай қилиб, тўланмаган пенсия тизимидан тўланган пенсия тизимига ўтишни нодавлат ижтимоий фондларни ривожланишидаги муҳим босқич деб баҳолаш мумкин.

3.2. Ривожланаётган иқтисодиёт ва ижтимоий фондлар

Хозирги даврда ривожланаётган мамлакатларда ижтимоий фондларнинг амал қилиши аҳолининг тез қариб бориши туфайли ўзининг критик нуқтасига етди. Бу масала Умумжаҳон Банки мутахассислари томонидан чуқур ўрганилмоқда ва бу тадқиқотларнинг натижалари қатор илмий ишларда келтирилган³¹.

Бу мамлакатларда катта ёшли кишиларни қўллаб-қувватлашнинг норасмий жамоа ва оила тизими заифлашиб бормоқда. Расмий тизимга ўтиш юқори солиқлар воситасида таъминланиши мумкин, бу эса миллий харажатларни оширишни талаб қиласи ва оқибатда хусусий секторда иқтисодий ўсишга тўсқинлик қиласи.

Бозор муносабатлари ўз мазмунига кўра анъанавий хўжалик тизимининг ва унга мувофиқ келувчи аҳолининг ҳаёт тарзини ўзгариради. Янги бозор муносабатларининг шаклланиши анъанавий аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш шаклларининг йўқолиб кетишига олиб келди. Шундай қилиб, бозор муносабатларининг шаклланиш даврида катта ёшдаги аҳолининг маълум қисми ижтимоий таъминотнинг на янги, на эски шакл ва усуllibаридан ташқарида қолди.

1990 йилда жаҳон аҳолисининг 9 фоизи, яъни деярли ярим миллиардини 60 ёшдан ошган кишилар ташкил қиласи. 2030 бориб бу рақам уч баробар кўпайиб, 1,4 миллиард кишини ташкил этади. Мазкур ўсишнинг 50 фоизидан ортиғи Осиё мамлакатлари ва чорагидан ортиқроғи Хитой ҳиссасига тўғри келади. Натижада ривожланаётган мамлакатлар бўйича 60 ёшдан ошганлар ҳиссаси аҳоли умумий сонининг 30 фоизгачасини ташкил қилиши мумкин.

Аҳолининг қариб боришига мувофиқ, уларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган социал харажатлар ҳам ортиб бормоқда.

³¹ К а р а н г: Жумладан: Предупреждение кризиса старение населения: политика защиты пристарелых и содействия экономическому росту. — Доклад, Всемирный Банк. Вашингтон 1994, 224 с.; Security and Pension Reform. Joint Vienna Institute, Vienna, Austria, June 1–5, 1998, P 151.; Pension Systems in Crisis. Harvard Instite for International Development, Wold Bank Institute Workshop on Pension Reform. Cambridge, Massachusetts, June 14–25, 1999, P 480.

Ривожланәётган мамлакатларда аҳоли жон бошига ЯИМ ишлаб чиқариш даражаси юқори бўлмагани сабабли бу ерда ресурслар ва давлат бюджети имкониятларининг қисқариш эҳтимоли бор.

Давлат томонидан ташкил этилаётган ижтимоий фондлар самарасиз бошқарилмоқда, уларга сарфланган маблағлар инфляция туфайли қадрсизланмоқда ва уларнинг асосий қисми маъмурий ҳаражатларни қоплашга сарфланмоқда.

Хозирги вактда қарилек бўйича таъминот ходимнинг иш ҳақи ва меҳнат стажига асосланган нафақалар иш ҳақи фондидан олинадиган солиқлар ҳисобидан маблағ билан таъминланади, яъни бугун ишлаб турганлар пенсionерларни моддий таъминлайди. Бироқ, бу тизимлар кўп муаммоларга, жумладан, ишсизликнинг ортишга олиб келувчи иш ҳақи фондидан тўланадиган солиқларнинг юқорилиги ва ўсиб бориши; бадал тўлашдан бўйин товлаш ва меҳнат унумдорлиги даражаси паст бўлган норасмий секторга кетиб қолиш; пенсияга эрта чиқиш натижасида тажрибали ишчилар ялпи таклифининг камайиши; давлат ресурсларидан норационал фойдаланиш; узоқ муддатли жамғармани кўпайтириш имкониятини йўқотиш; авлодлар ичida даромадларни стихияли қайта тақсимлаш; давлатнинг катта яширин пенсия қарзи ва молиявий узилишлари ўсишига олиб кельмоқда.

Оқибатда мавжуд тизимлар кексаларни ҳар доим ҳам тўла ҳимоялашни таъминламайди. Келажакда улар самарадорлигининг пасайиши кутилмоқда, чунки улар нафақаларни кўпинча бир текисда тақсимламоқда ва иқтисодий ўсишга ҳалақит бермоқда.

Қайта тақсимланадиган пенсия таъминоти самарадорлигининг бутунлай пасайиб кетишининг олдини олиш мақсадида Умумжаҳон банки жамғариладиган белгиланган бадаллар ва хусусий тарзда бошқариладиган тизимни тавсия этмоқда. Янги пенсия тизими уч даражани ўз ичига олади:

а) солиқлар ҳисобидан молиялаштирилладиган ва мажбурий давлат томонидан бошқариладиган қайта тақсимлаш учун даража;

б) жамғариш учун хусусий тарзда бошқариладиган ва тўла жамғариладиган мажбурий даража;

в) қариганда кўпроқ ҳимояга эга бўлишни истовчи кишилар учун ихтиёрий бўлган даража.

Мажбурийлик қоидаси миопия (узоқни кўра билмайдиган) деб аталмиш сабабга кўра жорий этилади – кўччилик узоқни кўра билмайди, ихтиёрий равишда қарилек даври учун етарли маблағ жамғара олмайди ва кексаайганида жамият учун ортиқча юк бўлиб қолиши мумкин.

Бу масалага Ўзбекистондаги ҳозирги вазият нуқтаи-назаридан жiddий эътибор беришимиз зарур. Ҳозирги даврда ўзининг кексалигини таъминлаш учун жамғарган маблағ етарли бўлмаган авлоднинг юзага келиши аниқ. Гап шундаки, бу ҳолат узоқни кўра билмасликдан эмас, балки кишилар истаганларида ҳам шундай қила олмасликлари боис вужудга келди.

Белгиланган взносларни жорий этиш принципи меҳнат бозоридаги бузилишнинг олдини олиш мақсадида бадаллар билан тўловлар ўртасида ўзаро яқин алоқаларни ўрнатиш мақсадида қўлланади, натижада кишилар бадалларга солиқقا бўлганидек муносабатда бўлмасликлари мумкин, чунки бадалдан бўйин товлаш ходимнинг ўзига зарар бўлади, яъни унинг пенсияси миқдори пасайиб кетади. Пенсия ходимнинг ёши ва жамғармасини ҳисобга олганидан пенсияга эрта чиқишини бартараф этади, яшаш ёшининг ортишига кўра пенсияга чиқишининг нормал ёшини ўзўзидан оширади ва бунда ҳеч қандай оғир сиёсий ечимлар талаб қилинмайди.

Пенсия учун ажратмалар узоқ даврга мўлжалланган миллий жамғармаларни кўпайтиришга ҳисса қўшади. Бу жамғармалар чет элга инвестиция сифатида жойлаштирилиши ҳам мумкин.

Жамғармаларни хусусий бошқарув қоидаси инвестиция стратегиясини сиёсий эмас, балки иқтисодий мақсадлар белгилашига кўмаклашади. Бу билан капиталдан фойдаланишнинг энг яхши шакли ва жамғармадан энг юқори даромад олишта шароит яратиласди.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, давлат томонидан бошқариладиган пенсия резервлари, одатда, кам баъзан эса манфий даромад келтиради. Бунинг сабаби шуки, давлат бошқаруви маблағларни норентабель давлат корхоналарининг қимматбаҳо қофозлари ёки дав-

лат заёмларига инвестициялайди. Бу фондлардан тез ва яширин фойдаланиш уни анча истрофгарчилик билан сарфлаш ва йирик дефицитларни жамғариш учун шароит яратади.

Хусусий бошқариладиган пенсия фондлари эса, аксинча, давлат ва корпоратив облигациялар, акциялар ва кўчмас мулк аралашмасига инвестицияланади ва натижада юқори даромад келтиради. Хусусий пенсия фондлари устун даражада диверсификациялашган ҳолда инвестицияланганда, шу жумладан хорижий, даромадни ошириш ва рискни камайтириш, уларни инфляциядан ҳимоялаш имконини беради. Улар янги молиявий воситалар ва институтларга талабни вужудга келтириб, молия бозорининг ривожланишини рағбатлантиради.

Ислоҳотларни амалга ошириш даврида икки ҳолат ҳисобга олиниши керак. Биринчидан, мамлакат жамғариш даражасини жорий қилгунига қадар жуда бўлмаганда шаклланаётган капитал бозорига эга бўлиши керак. Иккинчидан, турли хил сунистеъмоллик ва ҳаддан ташқари рискларнинг олдини олиш мақсадида давлат томонидан жиддий тартибга солиш амалга оширилиши керак.

Янги пенсия тизими кексалар дуч келадиган кўплаб рисклардан, айниқса, иқтисодиёт истиқболининг но маълумлигидан келиб чиқадиган умумий рискдан суворталайди.

Кейинги ўн йилликда бир қатор мамлакатлар турли шакллардаги кўп даражали пенсия тизимларини жорий этдилар. Бунда уч асосий шаклни ажратиб кўрсатиш учун асос бор. Булар:

- Лотин Америкаси модели, унинг фарқли хусусияти индивидуал ҳисоблар жорий этилганидир;
- иш берувчиларнинг ҳомийлигига асосланадиган иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИҲРТ) модели;
- механизми шартли белгиланган бадалларга асосланадиган швед модели.

Сўнгги икки шакл гарчи илфор мамлакатларда амал қиласа-да, иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларда ҳам унга эътибор кучаймоқда. Лекин дастлабки иқтисодий ва сиёсий шароитлар турлича бўлганлиги сабаб-

ли турли мамлакатларда бир-биридан бироз бўлса-да фарқланувчи тизим пайдо бўлмоқда.

Масалан, Аргентинада нисбатан кўпроқ пенсия таъминоти давлат даражасини танлашга олиб келган бўлса, Перуда ҳозир давлат даражаси умуман йўқ. Чилида, Мексика ва Аргентинага қараганды кўпроқ хусусий даража танланди.

Пенсия ислоҳотига таъсир кўрсатувчи муҳим омил — бу яширин пенсия қарзи (ЯПҚ) бўлиб, ҳозирги пенсионер ва ишловчиларга уларни эски тизимда қатнашувига қўра бугунги пенсия мажбуриятларининг жорий қиймати унинг активлари имкониятидан ортиклигини англатади. ЯПҚ тақсимлаш тизимларига хос бўлиб, ишловчилар ўз взносларига жавобан белгиланган пенсияни олиш учун кутади. Аммо, мавжуд активлар уларни қоплаш учун етарли бўлмайди ва мажбуриятлар ЯПҚ билан қопланади.

ЯПҚ кўп мамлакатларда одатдаги ошкора (хукумат облигациялари билан қўллаб-кувватланадиган) қарзлардан ортиқ бўлади ва баъзи бир ҳолларда ЯММ ҳамидан 200 фоиз кўп бўлади. Сахийлик билан бериладиган тўловлар кўп ва аҳолиси нисбатан қари бўлган мамлакатларда ЯПҚ айниқса катта бўлади.

Ислоҳот ЯПҚни кўпинча ошкора қарзга айлантиради ва ўз қарзини ошкора қилишни истамайдиган мамлакатларнинг ислоҳотларига тўсиқ бўлади. Кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда қамров кичик бўлгани учун уларда ЯПҚ ҳам кам бўлади ва улар қарз бошқарув доирасидан чиқиб кетмаслиги учун ўз тизимини қисман жамғариладиган тизимга айлантириши мумкин.

Пенсия ислоҳотларининг Лотин Америкаси моделига қизиқиш катта. Бу модель дастлаб 1980 йилда Чилида қўлланилганди. Бу модель дастлабки даврдаёқ муваффақиятли чиққани учун шунга яқин шаклда Аргентина, Перу, Колумбия, Мексика, Уругвай ва Боливияда 90-йилларда қўлланилди. 1998 йилда бу модель ўз мазмунига қўра бошига ҳудудда жойлашган Венгрия, Қозогистон ва Польшада ҳам қўллана бошлиди. У Қўшма Штатларда уч муқобил модельдан бири сифатида қарагмоқда. Ушбу модельга мувофиқ ходимлар ўз индивидуал пенсия ҳисобларига пул

қўядилар ва активларини бошқарувчиларни ўзлари танлайдилар.

Янги пенсия тизимига ўтишда маблағ билан таъминлаш муаммоси алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Шу мақсадда Лотин Америкаси мамлакатлари ўтиши молиялаштиришда уч асосий усуслдан фойдаландилар: ЯПҚ қиймати ва молиявий узилишни камайтириш; уларни тўлаш учун муқобил даромад манбаларини излаш ва, ниҳоят, умумий қарз олиш ва солиққа тортишга мурожаат этиш.

Лотин Америкасида пенсия ислоҳотини ёритиш учун кўпинча Боливиядаги ислоҳот мисол қилиб келтирилади.

Бу ерда пенсия тўловларининг давлат тизими индивидуал капитализация ҳисобларига асосланган хусусий (нодавлат) тизимига айлантирилди.

Индивидуал капитализация тизимида бадаллар иш берувчилар томонидан ушлаб қолиниб, хусусий пенсия фондлари маъмурлари (APP) томонидан бошқариладиган индивидуал ҳисобларга депозитга қўйилиши лозим эди. Бадаллар миқдори иш ҳақининг 12,5 фоизини ташкил этди. Улар ҳар бир индивидуал ҳисобга узоқ муддатли капитализация учун депозитга қўйиладиган бадалининг 10 фоизини, оддий сабабларга кўра жисмоний жароҳатланиш ёки ўлим ҳолатлари учун сургута бадалининг 2 фоизини ўз ичига олади, 0,5 фоизи эса APP хизматларига ҳақ тўлашга кетади.

Бу тизимда қайд этилган пенсия ёши белгиланмаганди. Индивидуал ходимлар қолган умрлари давомида ўртача ойлик иш ҳақининг камида 70 фоизини қоплаш учун етарли бўлган миқдорда маблағ жамғаришган бўлса, 65 ёшга етмай пенсия чиқиш ҳуқуқига эгадирлар. 65 ёшга етганда, жамғарма миқдоридан қатъий-назар пенсияга чиқиш мумкин.

Давлат энди энг кам пенсия тўлаш кафолатини бермайди. 65 ёшдан ошган барча иштирокчилар, ўз жамғармалари тугамагунича йилига 248 АҚШ доллари миқдорида «Боносоль» аннуитетини ҳамда энг кам ойлик иш ҳақининг камида 70 фоизи (48 АҚШ доллари) миқдорида маблағ олишади. Кейинчалик фақат «Боносоль» аннуитетини олишади. Шундай қилиб, пенсиянерлар ўз жамғармаларидан фойдаланаётган вақтлари-

да ўз жами даромадлари энг кам иш ҳақидан юқори бўлишига умид боғлашлари мумкин. Пенсия таъминотининг эски тизимида ва янги тизимида ҳам тўланадиган барча пенсиялар АҚШ доллари курси бўйича индекция қилинади.

Меҳнатга яроқсизлик бўйича пенсиялар фақат тўла меҳнат қобилиятини йўқотганда тўланади, қисман меҳнатга яроқсизлик бўйича пенсия умуман йўқ. Бу пенсиялар микдори иш ҳақининг 70 фойзини ташкил қиласди ва улардан индивидуал пенсия ҳисобига узлуксиз маблағ ажратиб олинади, натижада ногирон одам 65 ёшга етгач, меҳнатга яроқсизлик бўйича пенсия қариллик бўйича пенсияга айланади. Ишлаб чиқариш сабабларига кўра, юзага келган меҳнатга яроқсизликда тўла ва қисман меҳнатга яроқсизлик бўйича пенсиялар кўзда тутилган бўлиб, кейинчалик улар юқоридаги тартибда қариллик бўйича пенсияга айланади.

Иштирок этиш нуқтаи-назаридан эса, ислоҳот ўтказилаётган пайтда аввалги пенсия тизимида бадал тўлағанларнинг ҳаммаси индивидуал капитализация тизимида ўз-ўзидан ўтказилиб, уларнинг бадаллари АРРда тўплана бошлади.

Чили тизимидағи каби Боливияда ҳам иштирокчиларнинг индивидуал ҳисоблари пай фондлари сингари ягона портфелда бирлаштирилади ва шу тарзда инвестицияланади. Пул инвестицияланганда, унинг бир қисмига хазина облигацияларини 15 йиллик муддатга сотиб олинади. Бундай облигациялар янги тизимга ўтишда маблағ билан таъминлаш учун чиқарилади. Жамғарилган пулни етарли даража диверсификациялашни таъминлаш учун чет эл қимматли қофозларига маблағ сарфи кўзда тутилади.

Боливиядаги янги тизимнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири «Боносоль» дастуридир. Унинг моҳияти шундан иборатки, ҳукумат «капитализация» дастуридан келган маблағларни давлат лойиҳаларига сарфлаш ўрнига, улардан қарилликда пенсия билан таъминлаш бўйича аниқ йўналтирилмаган мажбуриятлар учун фойдаланишни назарда тутувчи қарор қабул қилган.

«Боносоль» — капитализация дастуридан олинган фойدادан фуқароларга (21—65 ёшдаги) тақсимланиши

Ижтимоий фондларни шакллантиришдаги халқаро тажриба ва унинг ўтиш давридаги мамлакатлар учун ахамияти

лозим бўлган аннуитетдир. Дастребки беш йил ичидан аннуитет бир кишига йилига 248 долларни ташкил этади, сўнг ҳар уч йилда портфелнинг ўзгаришига ва ҳаётнинг келажакда давом этишига мувофиқ қайта кўриб чиқилади.

Индивидуал капитализация ҳисобларини бошқарувчи икки АРР «Боносоль» портфелини (бир вақтнинг ўзида) бошқаради ва нафақани тақсимлайди.

Пенсия таъминотининг кўп даражали тизими ривожланаётган мамлакатлар учун энг истиқболли тизим деб баҳоланмоқда.

Бироқ, ижтимоий таъминот муаммолари пенсия тизими доираси билан чекланмайди. Тиббий таъминот ҳам жуда муҳим ҳисобланади³².

Ҳозирги даврда соғлиқни сақлашда давлат секторининг молиявий инқизори ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилиги учун умумий бўлган хусусиятдир.

Кўпгина мамлакатларда соғлиқни сақлашга харажатларнинг анча ортиши, ресурсларнинг мамлакатлар худудлари бўйича тақсимланишини яхшилаш, муайян даражада сифатли тиббий ёрдамдан баҳраманд бўлиш имкониятини яратди.

Айни маҳалда, аҳолининг қаридори бориши жараёни билан боғлиқ омиллар вужудга кела бошлади. Тиббий хизматга эҳтиёжи ортиб бораётган аҳоли (қарилар) ҳиссасининг кўпайиши бунинг оқибатларидан бири бўлди.

Натижада давлат аҳолининг ортиб бораётган тиббий эҳтиёжини қондиришни маблағ билан таъминлашга қодир эмаслиги яққол кўриниб қолди.

Ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигига давлатнинг молиявий имкониятлари чекланганлигига қарамай, ривожланган давлатлар тажрибасидан ибрат олиб, ўзларининг барча фуқароларини тиббий хизматдан баҳраманд қилишга интилмоқдалар. Зотан, деярли барча мамлакатларда ушбу қоида фуқароларнинг конституциявий кафолатлари жумласига киради.

³² Батафайлроқ қаранг: *Веренцов М. М., Чепурченко Н. В. Анализ качества и эффективности здравоохранения. Обзорная информация.* — М., 1986 г.; *Индейкин Е. Н., Сабурина Т. А.; Миндлин М. С., Егорышева И. В. Страховая медицина: проблемы, опыт, перспективы.* — М., 1991 г.; *Семенов В. Ю., Гришин В. В. Опыт реформирования здравоохранения в зарубежных странах.* — М., 1997 г.

Мажбурий тиббий сугурталаш ушбу ижтимоий вазифаларни бажариш имконини берувчи асосий ташкилий шакл деб қаралмоқда. Натижда мажбурий тиббий сугурталаш соғлиқни сақлашни молиялашнинг қўшимча манбаи сифатида қабул қилинмоқда.

Ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигига тиббий ёрдам текинга ёки арзимаган тўлов эвазига кўрсатилади. Бундай ҳолларда ёрдам кўпроқ профилактика тадбирлари тарзида амалта оширилади. Лекин баъзи ривожланаётган мамлакатлар соғлиқни сақлашга миллий маҳсулотнинг катта қисмини сарфлашган. Чунончи, бу рақамлар Мисрда 8,4 фоизни, Иорданияда — 9,5 фоизни, Марокашда — 3,8 фоизни ташкил этган. Бироқ, бу мамлакатларда иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси пастлиги ва ЯММ абсолют ҳажми катта эмаслиги туфайли амалда уларнинг ҳаммасида соғлиқни сақлаш инфраструктураси етарлича ривожланмаган.

Бу ерда ахолининг кўпчилиги амалда текин тиббий ёрдамдан баҳраманд бўлиш имкониятига эга эмас. Бундан ташқари, шаҳарда ва қишлоқда яшовчилар ўргасида текин тиббий хизматдан фойдаланишдаги фарқлар катта.

Кўп ҳолларда тиббий хизмат ё мустақил тиббий муассасалар томонидан, ёки давлатга қаршли муассасалар томонидан кўрсатилади. Дастлабки ҳолатда беморлар тиббий хизмат учун ўзлари ҳақ тўлайдилар, кейинчалик айрим кишиларга сарфланган харажатларининг бир қисми қопланади ёки сугурталангандар кўрсатилган ёрдам учун қисман ҳақ тўлайдилар. Иккинчи ҳолатда эса, ҳуқуқи борлар ижтимоий сугурта ёки бюджет ҳисобидан текин тиббий хизматдан баҳраманд бўладилар.

Соғлиқни сақлаш иш берувчилар ва ходимларнинг бадаллари ҳамда тўловлари ҳисобидан маблағ билан таъминланади, аммо қатор мамлакатларда давлат бюджетидан молиялаш ҳам бор, шу боис соғлиқни сақлашга сарф-харажатлар ортиб бормоқда.

Бу харажатлар ЯММнинг кўпайишига қараганда тезроқ ортиб бормоқда. Сарф-харажатлар ортишининг муҳим сабаби, бир томондан, ахолининг соғлигини сақлаш муаммоси муҳимлиги бўлса, иккинчи томондан,

тиббий ходимларнинг меҳнат ҳақи ва моддий харажатлар ортиб бораётганидир.

Бутун аҳолини тиббий ёрдамдан баҳраманд қилишга интилиш мавжудлигига қарамай айrim жойларда аҳолини тиббий сугурталаш билан ёппасига қамраб олишга мувваффақ бўлиши. Бу мамлакатлар орасида Корея Республикаси ажралиб туради.

Кореяда мамлакат аҳолиси ялпи тиббий сугуртланган. Мажбурий тиббий сугурталаш дастурлари давлат даражасида ёки корхоналар, фирмалар ёхуд уларнинг бирлашмалари ҳузурида тузилган ва фойда кўрмайдиган, ўзаро рақобатлашмайдиган кўп сонли ташкилотлар томонидан бажарилмоқда. Мамлакатда ишсизлар учун, якка тартибдаги фаолият билан шуғулланувчилар учун дастурлар, кам таъминланганлар (аҳолининг 10 фоизини ташкил қиласи) учун ижтимоий дастурлар мавжуд.

Тиббий хизмат асосан, суғурта ташкилотлари ва соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан маблағ билан таъминланадиган хусусий тиббий муассасалар томонидан кўрсатилмоқда.

Кореяда давлат тиббий хизмат турлари ва уларнинг суғурта дастури доирасида бўлиши лозим бўлган нархини қаттиқ тартибга солиб туради. Тиббий ёрдамга ҳақ тўлашда беморларнинг шахсан қисман иштирок этиши Корея Республикасининг фарқли хусусиятидир.

Умуман, фуқароларнинг шахсий харажатлари соғлиқни сақлаш сарфларининг 51 фоизини қоплади.

Тиббий хизмат нархлари ҳукумат томонидан белгиланиши туфайли касалхоналар юқори малакали кадрлар ва текшириш ҳамда даволашнинг замонавий усусларини тавсия қилган ҳолда ўзаро рақобатлашувга мажбурдир.

Шундай қилиб, мажбурий тиббий сугурталаш барча фуқаролар учун малакали тиббий ёрдамдан баҳраманд бўлишда teng имкониятларни таъминлайди. Бироқ, bemорлар даромади даражаси билан боғланмаган ҳолда тўланадиган ҳақнинг юқорилиги аҳолининг камбағал қатламлари учун анча оғир юқ бўлиб тушади.

Қувайт фуқаролари ялпи тиббий хизматдан бепул фойдаланишади. Бу ерда соғлиқни сақлашга қилинади-

ган барча харажатларни давлат умумий солиқлар ҳисобидан түлайди. Аҳоли бирламчи тиббий ёрдамдан ва касалхона ёрдамидан, шунингдек миллий госпиталда учламчи тиббий ёрдамдан баҳраманд бўлади. Бироқ, бунга ислоҳот орқали эришилади.

Кувайтда тиббий суғуртага ўтиш мушқул иш ҳисобланди, чунки мамлакат аҳолиси кўпчилик қисмининг бекарор молиявий аҳволи соғлиқни сақлаш тизимини фақат у томонидан молиялашга чек қўйди.

Кувайт каби катта бўлмаган (аҳолиси 2 миллион кишидан кам) ва анча бой (аҳоли жон бошига 14 минг АҚШ доллари миқдорида ЯИМ) бўлган мамлакат учун ҳам соғлиқни сақлаш давлат тизмини ислоҳ қилиш анча қийинчилклар билан боғлиқлигини кўрсатди.

Тиббий хизматдан яҳши баҳраманд қилиш қоидаси Бразилияда изчиллик билан амалга оширилмоқда, чунки тиббий хизмат учун барча харажатлар давлатнинг умумий солиқлари ҳисобидан қопланади, бунда хизматни давлат ёки хусусий тиббий муассаса кўрсатишининг фарқи йўқ.

Филиппинда тиббий суғурта ижтимоий таъминотнинг бир қисми сифатида амал қиласди.

Аммо суғурталаш ҳаммани қамраб олмаган. Суғурталангандарга кўрсатиладиган тиббий ёрдам тури ҳам, ҳажми ҳам, бундай ёрдам олиш муассасалари ҳам анча чекланган.

Малайзияда соғлиқ хавфсизлиги миллий фонди яратилди. Фонднинг вазифаси тиббий суғурталаш миллий дастурини ишлаб чиқаришдан иборат бўлиб, суғурта бадалини тўлашга, шунингдек тиббий ёрдам олаётганда унинг ҳақини қисман тўлашга қодир барча кишилар дастурга қўшилиши мумкин эди. Маблағ билан таъминлаш манбаи бўлиб давлат бюджети, хусусий иш берувчилар ва уларнинг ходимлари маблағлари, шунингдек якка тартибда бизнес билан шуғулланадиган шахслар даромади хизмат қиласди.

Фондни тузишда асосий мақсад давлатнинг фаол иштирокида ялпи тиббий суғурталашга ўтишдан иборатdir. Бироқ, иқтисодий муаммолар, суғурта тўловларини йигишдаги қийинчилклар, мамлакат турли худудлари турлича ривожланганлиги ялпи тиббий су-

гурталаш ғоясини амалда рўёбга чиқариши қийин-лаштиради.

Мексикада бугунги кунда тиббий хизматлар ижтимоий суғурта тизими билан тўла равишда қамраб олинган. Бу хизматлар ишловчилар, иш берувчилар бадаллари ва ҳукумат ҳисобидан маблағ билан таъминланади. Иш берувчилар ва ҳукумат барча суғурталанганлар учун 84 янги песо миқдорида тенг бадал тўлади. Энг кам иш ҳақининг уч бараваридан кам ҳақ олувчи ишчилар бадал тўламайдилар, иш ҳақи мазкур миқдордан ортиқ бўлганлар эса иш ҳақидан маълум фоиз тўлашилари лозим.

Тайванда резидентлар учун ялпи мажбурий тиббий суғурталаш дастури жорий этилган. Илгари ёлланма ходимларнинг кўпчилигига тиббий хизмат меҳнат суғуртаси дастури бўйича кўрсатиларди.

Миллий тиббий суғурталашнинг янги дастури мавжуд тиббий дастурларни бирлаштирган ҳолда қўшимча равишида яна 8 миллион кишини жалб этади. Иш берувчилар иш ҳақидан маълум фоиз ва боқимандалар учун (уларнинг сонидан қатъий назар) қўшимча фоизлар тўлади.

Дастурни маблағ билан таъминлашда марказий ва маҳаллий ҳукуматларнинг ҳам қатнашишига тўғри келади. Ҳукумат ҳар бир ёлланма ходим учун муайян миқдорда маблағ ажратади, шунингдек дастур бўйича тиббий фаолиятнинг молиявий дефицитини дастлабки икки йили давомида қоплаб туради.

Чилида соғликни сақлаш минтақавий принцип бўйича тузилган, тиббий хизматни маблағ билан таъминлаш миллий соғликни сақлаш фондида тўпланадиган суғурта бадаллари ва давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

Бурундида тиббий суғурталаш қоидасига кўра илгари иш берувчи меҳнат шартномасида ходимларга кўрсатиладиган тиббий хизматга ҳақ тўлашни ўз зиммасига олиши лозим эди. Кейинчалик Меҳнат кодекси тиббий суғурталаш тизимини ва ходим учун суғурта бадалини тўлашни назарда тутади. Бу билан тиббий суғурталаш тизимини маблағ билан таъминлашда барча ижтимоий шериклар (ходимлар, иш берувчи ва давлат) иштирок этишига эришилади.

Шундай қилиб, ривожланаётган мамлакатлар тажрибаси ялпи мажбурий тиббий сугурталаш гояси бирон-бир аломатидан қатъий-назар барча фуқароларга кўп жиҳатдан бепул, малакали тиббий ёрдам кўрсатишини таъминловчи тизим сифатида оммалашиб кетганини кўрсатмоқда.

Бироқ, сугурталаш оммавий бўлса ҳам, аҳоли тури қатламларининг тиббий ёрдамдан баҳраманд бўлишида тафовут бор. Камбағал кишиларда текин ёрдам олиш имконияти камроқ бўлади, чунки ресурслар чекланганлиги боис камбағал районларда врачлар ва тиббий ташкилотлар сони камлигича қолиб кетмоқда.

Ўзбекистон муаммосига ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро тажрибаси жиҳатидан қарасак, бу ерда пенсия таъминоти, соғлиқни сақлаш ва таълимнинг қўйидаги ижобий омиллари: ЯПҚ даражасининг пастлиги, кексаларни ижтимоий ҳимоялашнинг норасмий усууларининг таъсирчанлиги, яқин келажакда аҳолининг нисбатан секин суръатлар билан қариши, ижтимоий хизматларнинг реал истеъмол даражасининг пастлиги; тиббий хизмат ва таълимнинг нисбатан яхши ривожланган инфраструктураси, аҳолининг пенсия таъминоти, тиббий хизмат, таълим ва бошқалар билан амалда тўла қамраб олингани мавжуд бўлиб, кўт босқичли пенсия тизимига тез суръатлар билан ўтишга имкон яратади, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимида ислоҳотларни ларзаларсиз ва қисқа муддат ичида муваффақиятли амалга оширишга ёрдам беради.

3.3. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида ижтимоий фондларнинг хусусиятлари

Ижтимоий тарақиётнинг компонентларидаги тегишли ўзгаришлар миллий иқтисодиёт аҳволини олдиндан белгилаб беради. Бу ижтимоий масалаларни ҳал қилиш, ижтимоий таъминот тизимини ташкил этиш шаклларига ҳам тўла равишда тегишлидир.

Хозирги даврда Шарқий Европа, Болтиқбўйи республикалари ва МДҲнинг бир қатор мамлакатларида ижтимоий фондларни ташкил этиш бўйича анча тажриба тўпланган. Ижтимоий таъминот тизимини ривож-

Ижтимоий фондларни шакллантиришдаги халқаро тажриба ва унинг ўтиш давридаги мамлакатлар учун аҳамияти

лантиришнинг сифат жиҳатидан янги босқичида Ўзбекистонда ижтимоий фондлар тизимини такомиллаштиришнинг истиқболи йўналишларини аниқлаш мақсадида собиқ социалистик мамлакатларнинг ижобий ва салбий тажрибаларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

МДҲ мамлакатларида ижтимоий фондларни шакллантириш қоидлари кўп жиҳатдан ўхшашибулиб, бу уларнинг социалистик ўтмиши билан изоҳланади. Айни маҳалда жиддий тафовутлар ҳам мавжуд бўлиб, улар кўп жиҳатдан яқин ўтмиш билан боғлиқдир. Чунончи собиқ СССР таназзулга юз тутиши арафасида унинг таркибига кирувчи иттифоқдош республикалар ўз ижтимоий-демографик хусусиятларига кўра ўзаро кескин фарқ қилишарди.

Собиқ СССР таркибидаги Ўрта Осиё республикалари иқтисодий ривожланиш ва турмуш даражаси жиҳатидан Иттифоқда охирги ўринларда эдилар.

Собиқ Иттифоқнинг фарбий ва шарқий республикаларини таққослагандага бу тафовутлар яққол кўзга ташланади (4-жадвалга қаранг).

Оиласалар бюджетини тадқиқ қилиш маълумотларига асосан 1989 йилда аҳоли жон бошига даромадлар даражаси бўйича иттифоқдош республикалар қуйидаги ўринларда эди: Болтиқбўйи республикалари — 1-ўринда; Россия, Украина, Белорусия — 2-ўринда; Кавказорти республикалари — 3-ўринда; Ўрта Осиё республикалари ва Қозогистон — 4-ўринда.

Даромадлар миқдоридаги кескин фарқ, биринчидан, республикалар иқтисодиётининг индустрiali ва аграр характеристи туфайли, иккинчидан, меҳнатга яроқли аҳолининг бандлик даражаси турлича бўлгани, учинчидан, оиласалардаги боқимандалар сонининг турлича бўлгани сабабли юзага келган. Оила таркиби омили деҳқонларнинг даромадларига кескин таъсир кўрсатган.

Жон бошига ўртача даромадлар миқдори бундан далолат беради (5-жадвалга қаранг).

Чунончи, 1989 йилда РСФСР да жамоа хўжалиги аъзолари оиласи таркибida 3,5 киши, Украина — 3,3 киши, Қозогистонда — 5 киши, Латвияда — 3 киши, Ўзбекистонда — 7 киши, Туркманистанда — 7,3 киши, Тожикистанда — 7,7 киши бор эди.

4-жадвал

**1988 йилда сабиқ СССР Иттифоқдоши Республикаларыда
оила таркиби (100 оиласа ҳисоблаганда)**

Оила таркиби	РСФСР	Украина	Грузия	Арманистон	Эстония	Латвия	Ўзбекистон	Киргизистон
1. Оила сони	291	296	322	409	258	268	432	412
2. Оилада ишловчилар сони	171	173	183	196	147	159	194	162
3. 16 ёшгача бўйган болалар сони	92	99	81	124	102	82	166	179
4. Ишламайдиган пенсионерлар сони	13	11	18	19	8	10	24	13
5. Стипендия олувчилар сони	5	5	6	3	1	2	5	3
6. Бошқалар	16	14	34	67	16	12	43	48

* Бюджеты рабочих, служащих, колхозников в 1975—1988 г.г. — М., с. 15—30.

Кўп болали қишлоқ оиласлари кам даромадли эди. Аҳоли даромадларини миңтақалар ва ижтимоий гурӯхлар бўйича текислашга уринишлар, айниқса, шарқий республикаларда самара бермади. Бу ерда деҳқонларнинг жон бошига тўғри келадиган даромадлари ишчи ва хизматчиларга нисбатан учдан бир марта кам эди.

Советлардан кейинги маконда ижтимоий фондларнинг шаклланишига таъсир кўрсатган бошқа бир обьектив омил советлардан мерос қолган даромадлар таркиби эди. Улар ижтимоий трансферлар аҳамияти ортиб бориши билан фарқланарди. Бу айниқса шарқий республикаларда яққол сезилиб турарди (*б-жадвалга қаранг*).

Ижтимоий фондларни шакллантиришдаги халқаро тажриба ва
унинг ўтиш давридаги мамлакатлар учун аҳамияти

Вужудга келган тизим, ижтимоий тўловлар даражаси ва таркиби узоқ вақт давомида аҳоли қабул қилиб келган ва унинг менталитетига таъсир кўрсатган асос эди. Бу билан ҳисоблашмасдан бўлмасди, чунки аҳоли камбағаллиги совет тузумидан ижтимоий мерос бўлиб қолганди; аҳолини бой қлишишга қаратилган ҳаракатларга қарамасдан, турмуш даражасидаги фарқларни бартараф этишга эришиб бўлмади. Бироқ, камбағаллик даражаси ва кўлами турлича эди ва бу МДҲ мамлакатларининг ижтимоий дастурларига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади.

5-жадвада

*Оиланинг жон бошига ўртacha жами даромади
(рубла ҳисобида)*

Собиқ иттифоқдош республикалар	Ишчи ва хизмат- чилар оиласи			Колхозчилар оиласи		
	1980	1985	1988	1980	1985	1988
Латвия ССР	142,1	159,4	180,4	137,8	180,7	177,8
Эстония ССР	141,3	161,7	177,9	155,0	202,7	211,2
Лтва ССР	135,5	159,7	181,6	117,0	168,4	191,1
Белоруссия ССР	121,7	142,0	163,6	105,5	146,0	158,7
РСФСР	130,6	145,5	165,1	103,6	126,8	142,7
Украина ССР	122,6	140,8	155,9	96,3	125,4	138,6
Молдавия ССР	107,8	123,8	144,4	91,4	121,6	129,9
Грузия ССР	112,4	123,4	134,6	115,8	125,4	140,0
Арманистон ССР	91,2	100,7	112,0	92,9	108,8	120,6
Қозоғистон ССР	109,0	124,0	146,7	71,4	82,7	106,3
Ўзбекистон ССР	84,7	89,1	100,6	63,5	67,5	70,6
Қирғизистон ССР	82,8	91,2	105,7	70,1	81,9	89,2
Туркманистон ССР	88,6	95,0	105,1	73,8	75,4	79,5
Тоҷикистон ССР	71,3	77,5	80,7	56,7	58,1	56,6

6-жадвал

**Оила даромадида ижтимоий трансферлар ҳиссаси
(% ҳисобида)***

Собиқ иттифоқдош республикалар	1980	1985	1989
РСФСР	8,9	9,6	8,8
Украина ССР	9,0	9,3	9,7
Белоруссия ССР	10,6	9,8	9,5
Ўзбекистон ССР	10,2	9,7	9,8
Қозогистон ССР	8,5	8,3	8,2
Грузия ССР	11,2	10,7	10,8
Озарбайжон ССР	9,7	10,4	11,8
Литва ССР	9,3	11,0	10,2
Молдавия ССР	8,4	8,2	7,2
Латвия ССР	9,8	9,4	9,2
Қирғизистон ССР	9,8	8,5	7,8
Тожикистон ССР	10,2	10,5	10,6
Арманистон ССР	7,0	8,0	8,9
Туркманистор ССР	11,0	9,8	8,9
Эстония ССР	9,8	10,2	8,6

* Бюджеты рабочих, служащих и колхозников в 1975—1988 г. г. — М., 1989 г., с 32—46.

Собиқ СССРнинг парчаланиши арафасида (1989 й.) кабмагаллик қўйидаги маълумотлар билан тавсифланар эди (7-жадвалга қаранг).

Ижтимоий фондларни шакллантиришдаги халқаро тажриба ва
унинг ўтиш давридаги мамлакатлар учун аҳамияти

7-жадвал

**Собиқ СССР аҳолисининг жон бошига ўртача даромадлар
миқдорига кўра тақсимланиши**

Даромад миқдорига (ойлик) кўра гуруҳлар	Аҳоли таркибидаги ҳиссаси (%)	
	1980	1988
50 сўмгача	7,3	2,9
50—75 сўм	18,5	9,7
76—100 сўм	23,2	15,7
101—125 сўм	19,5	17,6
126—150 сўм	13,2	15,7
151—175 сўм	8,2	12,2
176—200 сўм	4,7	9,0
201—250 сўм	4,1	10,1
250 дан ортиқ	1,3	7,1

* Бюджеты рабочих, служащих и колхозников в 1975—1988 г. г., с. 6.

Ўша даврдаги баҳоларга кўра, ойига 75 сўмдан кам даромад олган шахслар камбагал ҳисобланган, бироқ нисбатан ривожланган республикаларда бу кўрсаткич ойига 100 сўм деб қабул қилинган. 7-жадвалдан кўринишича, мамлакатда камбағаллар бор-йўғи 12,6 фоизни ташкил қилган. Бироқ, бу даромадларнинг республикалар бўйича табақаланишини акс эттирасди.

Даромадлар ўта табақалашгани учун Ўрта Осиё республикаларида камбағаллар ҳиссаси бутун аҳолига нисбатан 44—52 фоизни ташкил этганди. Камбағаллик даражаси турлича бўлганидан, ижтимоий ёрдам миқдори ва берилиши шаклига кўра бир тарзда бўлмаганди. Бу омил энди мустақил давлатларда ижтимоий фондларни шакллантириш ва кейинчалик улардан фойдаланиш жараёнига сўзсиз таъсир кўрсатганди.

Натижада, МДҲнинг айрим мамлакатларидаги ижтимоий-маданий харажатларнинг бюджетдаги улуши фарқланади (8-жадвалга қаранг).

Ўтиш даврида ижтимоий фондларнинг шаклланиши ва ишлатилиши аҳолининг бандлиги билан узвий боғ-

лиқдир. Бу босқичда иқтисодиётни эркинлаштириш, шу жумладан, самарали бандликни таъминлашнинг бозорга хос механизмлари ортиқча бандликнинг қисқаришига олиб келади. Умумжаҳон банки иқтисодчиларининг 1998 йилдаги ҳисоб-китобига кўра, Ўзбекистонда ортиқча бандлик икки миллион кишига яқинни ташкил этган. Бунга 2,7 миллион кишидан иборат банд бўлмаган меҳнат ресурслари ҳам кўшиладиган бўлса, у ҳолда иқтисодий фаол бўлмаган жами меҳнатга яроқли аҳоли 4,7 миллион кишини ташкил этади. Бандлик даражаси 75 фоизга етказилса, банд бўлган ҳар бир кишига ишламайдиган 1,9 одам тўғри келадиган бўлади.

8-жадвада

*1996—1998 йилларда МДҲ айrim мамлакатлари давлат бюджетида ижтимоий-маданий харажатлар ҳиссаси**

Мамлакатлар	1996	1998
Озарбайжон	32,7	26,9
Арманистон	26,1	56,8
Белоруссия	48,6	42,6
Қозогистон	43,4	41,8
Қирғизистон	57,0	55,2
Молдова	54,9	47,0
Россия	28,8	31,5
Тожикистон	19,3	22,8
Украина	34,9	28,4

* Содружество независимых государств в 1997 году. Статистический ежегодник. — М.; 1998 г., с. 118, 165, 213, 289, 338, 389, 438, 490, 534, 614; Содружество независимых государств в 1998 году. Краткий справочник / Статкомитет СНГ. — М.; 1999 г., с. 95—120, 256—271.

Буларнинг барчаси Ўзбекистонда ижтимоий фонdlар мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш ва янги иш ўринларини очишга, шунингдек ҳодимлар малакасини оширишга йўналтирилиши лозимлигидан дарак бермоқда. Акс ҳолда улар боқимандалик қайфиятини қайтариши ва иқтисодий субъектларнинг ижтимоий ўзини-ўзи ҳимоялашнинг бозор қоидалари мустаҳкамланисига тўсқинлик қилиши мумкин.

Ижтимоий фондларни шакллантиришдаги халқаро тажриба ва
унинг ўтиш давридаги мамлакатлар учун ахамияти

Ўтиш даврида аҳоли таркибининг ўзгариши натижасида ижтимоий фондлар тизимида бюджетдан ташқари бўлган пенсия фонди етакчи бўлиб қолди. Жумладан, Россия Федерацияси Пенсия фонди (ПФ) куидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

- Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг суғурта бадалларини, иш ҳақи фондидан 28 фоиз тариф бўйича;
- Якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғуллана-диган шахслардан — 5 фоиз;
- Барча ишловчилар иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида тўлайдиган бадал;
- Давлат бюджетининг ПФ ни молиялаштиришдаги иштироки; давлат бюджетидан иш ҳақи олмайдиган кишиларга (болаликдан ногиронлар ва ҳоказолар), меҳнат дафтарчаси йўқларга пенсия тўлаш, ҳарбий хизматчиларга пенсия тўлаш, пенсияга устама тўлаш (давлат хизматчилари учун), федерал ёки минтақавий ҳокимиyият органлари қарори бўйича қабул қилинган компенсацияларни тўлаш учун маблағ ажратилади;
- Фуқаролар, корхоналар, жамоат ташкилотларининг ихтиёрий бадаллари;
- Молия-кредит соҳасидаги коммерция фаолиятидан келадиган даромадлар (ПФга фонд бойликлари ва банк ресурсларини инвестициялашга рухсат берилган).

9-жадвада

*Россия Федерацияси Пенсия фондининг 1999 йилдаги
бюджети изжроси**

Бюджет моддалари	Жамига нисбатан % ҳисобида
<i>Даромадлар</i>	
Корхона ва ташкилотларнинг суғурта бадаллари	75,0
Тўловчиларнинг муддати ўтиб кетган қарзларини ундириш	6,2
Федерал бюджет маблағлари	7,2
Бошқа фондларнинг маблағлари	0,1
Бошқа даромадлар	11,5
Жами	100

<i>Харажатлар</i>	
Меҳнат пенсияларини тूлаш	73,4
Федерал бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисобидан пенсия тूлаш	5,2
Пенсияни жўнатиш харажатлари	1,2
Федерал бюджет ҳисобидан давлат пенсияларини тूлаш	7,1
1998 й. пенсия тўловлари бўйича қарзларни қоплаш	10,7
Пенсия фондининг маъмурий харажатлари	0,8
Бошқа харажатлар	1,6
Жами	100

* Вахрин П. И., Нишитов А. С. Финансы. — М.: Маркетинг, 2000, с. 280

Фонд маблағлари асосан (73,4%) меҳнат пенсияларини тूлаш учун ишлатилади. Яқин орада пенсия фонди ресурсларини шакллантириш тизимини тубдан ўзгаришиб юборадиган пенсия ислоҳоти билан боғлиқ катта ўзгиришларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Мавжуд суғурта бадаллари ўрнига пенсияни суғурталашнинг жамғарма тизимига ўтиш мўлжалланмоқда, бунда ҳар бир ишловчи фуқарога шахсий ҳисоб очилиб, барча суғурта бадаллари жамғарилади ва пенсиялар шу ҳисобдан келиб чиқиб тўланади.

Бу ислоҳотлар пенсия фондини таназзулдан олиб чиқиши керак. Бу таназзул иш ҳақи мунтазам тўланаслиги сабабли фондга ажратмалар тўла тушмаслиги, натижада пенсия тूлашга маблағларни етишмаслигидан иборат.

РФ ижтимоий суғурта фонди (ИСФ) — аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг бир бўғини бўлиб қолмоқда. Фонд маблағи қуйидаги тузилма бўйича шакллантирилади: корхона иш ҳақи фондидан тўлайдиган суғурта бадали; фонднинг вақтинча бўш маблағларини давлат қимматбаҳо қофозларига ва банк жамғармаларига инвестициялашдан келадиган даромад; ихтиёрий бадаллар; федерал бюджетдан ажратиладиган маҳсус маблағлар. Мулк шаклларидан қатъи-назар ҳамма ташки-

лот ва корхоналар 1992 йилдан бошлаб иш ҳақи фон-
дидан РФ ИСФга 5,4% ҳажмда бадал тўлайдилар.

Фонд маблағларидан асосан нафақаларни тўлаш
(барча харажатларнинг 65 фоизи) ва меҳнаткашларга
санатория-курорт хизматларини кўрсатиш (31 фоиз)
учун фойдаланилади. Барча нафақалар орасида вақтин-
ча меҳнат лаёқатини йўқотганда, ҳомиладорлик ва фар-
занд кўрганлиги учун бериладиган нафақалар, бола
парваришилаш учун бериладиган нафақа муҳим аҳами-
ятга эга.

Айни маҳалда Россияда ижтимоий фондларни ислоҳ
қилишда бюджетдан ташқари фондлар тизимини қай-
та ташкил қилишининг турли вариантлари таклиф
қилинган.

Биринчи вариант. Бюджетдан ташқари давлат ижти-
моий фондларини ягона фондга бирлаштириб, ундан
давлат ижтимоий сиёсатини маблағ билан таъминлаш-
ни амалга ошириш, фойдаланиш, суగурта бадаллари-
ни тўплашни ижтимоий фондлар зиммасига юклаш
кўзланади. Бироқ, бу варианти амалга оширишда қатор
камчиликларга дуч келинади. Лекин бу варианти эъти-
бордан соқит қилиш керак эмас, чунки Германия ва
Францияда ижтимоий эҳтиёжларга тўловлар айни шу
йўйинда олинади.

Иккинчи вариантда ижтимоий фондлар маблағла-
рини йиғиш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш вакола-
тига эга бўлган маҳсус орган иш олиб боради, бироқ
фондни бошқариш учун анча катта харажатлар талаб
этилади.

Учинчи вариант. Бюджетдан ташқари фондларга
тўловларни йиғиш ва назорат қилиш вазифаси солиқ
органлари тизимига таклиф этилади.

Киритилиши кўзда тутилган янгиликлар суғурта ба-
далларини олиш йўли билан ижтимоий неъматларнинг
бир қисмини бойлардан камбағалларга, товар ишлаб
чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчилардан жамият ри-
вожланишида муҳим ўрин тутувчи ноишлаб чиқариш
соҳасига, ишловчилардан ишламайдиганларга олиб бе-
ришни назарда тутилади. Аҳолини ижтимоий ҳимоя-
лаш, ижтимоий таъминот муаммоларини ҳал қилиш
вазифаси бюджетдан ташқари давлат фондларини қай-
та тақсимлаш вазифаси воситасида бажарилади. Бун-

дан ташқари, бу фондларга тўловлар солиқ тизимиға яқинлаштирилган, шунинг учун бюджетдан ташқари фондлар маблагларни минтақалар ўртасида қайта тақсимлашда иштирок этади.

Маблағларнинг бюджетдан ташқари фондларда тақсимланиши тўловчиларни янги йигим тўлашга табақлаштирилган ҳолда ёндашиши орқали эришилади.

Россия Федерацияси сиёсатчилари ва олимларининг давлат хизматларига ижтимоий кафолатлар тўғрисидаги масалани қўйиши алоҳида эътиборга лойиқдир³³. Россия иқтисодий адабиётларида давлат хизмати мавжудлигининг ва уни ҳуқуқий тартибга солишнинг зарурлиги давлатнинг тузилиши, унинг вазифалари ва функциялари тақозо қилиши кўрсатилади.

Бутун жаҳондаги, ҳатто демократия маданияти ривожланган мамлакатлардаги ижтимоий муносабатлар тажрибаси, ҳозирги жамият давлат белгилаб берадиган хатти-ҳаракат доирасидан ташқарида нормал фаолият кўрсата олмаслиги ва ривожлана олмаслигини кўрсатмоқда.

Россия жамиятидаги чуқурлашиб бораётган ислоҳотлар ва уларга йўлдош бўлган таназзул жараёнлари унинг ижтимоий қиёфасини жадал ўзгартироқда, мураккаблиги ва кескинлиги бўйича қиёфасини жадал ўзгартироқда, мураккаблиги ва кескинлиги бўйича мисли кўрилмаган сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий ахлоқий муаммоларни кўймоқда. Булардан бири давлат хизматчиларини ижтимоий ҳимоялашдир.

Бу муаммонинг долзарблиги шундаки, давлат хизматчилари ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан кучли ҳимояланган шароитдагина давлат билан аҳоли ўртасида боғловчи бўғин бўла оладилар.

³³ Карапнг: Волошина В. В., Титов К. А. Государственная служба в Российской Федерации: Теоретико-правовое исследование. — М., 1995 г Государственная кадровая политика: концептуальные основы, приоритеты, технологии реализации / Под общ. ред. С. В. Пирогова, рук. авт. кол. В. А. Сuleмов — М., 1996 г., Государственная служба в России (опыт организации и кадрового обеспечения). Документы — Нижний Новгород, 1994 г.; Государственная служба в Российской Федерации: становление, кадровое обеспечение: Сб. научн. ст. (РАУ. М., 1994 г.) Государственная служба: организация, кадры, управление. — М., 1996 г. Проблемы становления государственной и муниципальной власти в России — Екатеринбург, 1995 г.; Ризаев С. Г. Кадры: профессионализм и компетентность. — Ташкент, 1991 г. ва бошқалар.

Давлат хизматчиларини ижтимоий ҳимоялаш умуман аҳолини ижтимоий ҳимоялашдан фарқ қилишни таъкидлаб ўтиш лозим. Россияда бу муаммони ўрганишга энди киришилди.

Демократик ислоҳотлар тақдири, уларнинг ижтимоий негизини мустаҳкамлаш давлат хизмати институтини ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ. Чунки, давлат унга таянган ҳолдагина бутун аҳолининг иқтисодий ва ижтимоий фаровонлигини таъминлаши мумкин. Чет эллик таҳлилчилар Я. Жейбс ва Ст. Синнерстрем бундай вазифаларни бажариш учун давлат хизматининг юқори малакали, сиёсий жиҳатдан бетараф, қонун билан ҳимояланган, жамият манфатлари йўлида иш олиб борадиган, холис, ҳалол, самимий, хушмуомала ва ахборотни қўллай оладиган шунингдек самарали раҳбарлик қила оладиган мутахассислар зарур, деб ҳисоблашади. Айни маҳалда, амалдорларнинг мавқеи бекарорлиги туфайли бу мақсадларга эришиш қийин, деб таъкидлашади, муаллифлар.

Тадбиркорлар ва бозор тизимидағи хизматчиларнинг турмуш даражаси билан кўпчилик амалдорларнинг турмуш даражасидаги фарқнинг ортиши давлат хизматчиларининг кам ижтимоий ҳимояланганлигини билдиради.

Бироқ, давлат хизматчиларининг ижтимоий ҳимояланишига бутун аҳолининг ижтимоий ҳимояланиши билан бир хилда ёндашиш нотўғри бўларди. Гап шундаки, бу ерда икки муҳим тафовут мавжуд.

Яшаш минимуми чегарасидан қўйида яшаётган аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини ижтимоий ҳимоялашни маошнинг «учини учига зўрга улаб» яшайдиган қашшоқ, мустақил ҳимояланмаган амалдорни ҳимоялаш билан тенглаштириб бўлмайди, чунки у ишлаш қобилиятига эга бўлмаган ҳолда бошқаларни самарали ҳимоялай олмайди.

Бундан ташқари, аҳоли муҳтоҷ қитламларини ижтимоий ҳимоялашга бирламчи эҳтиёжларни қондириш нуқтаи-назаридан (хусусан Маслоу мезони бўйича) қаралади, давлат хизматчиларини ижтимоий ҳимоялаш эса — бирламчигина эмас, балки анча муҳимроқ бўлган иккиласмачи эҳтиёжлар нуқтаи назаридан қара-

лади, чунки улар шунчаки маош учун эмас, балки энг олий миллий манфаатларга хизмат қилиш учун ишлаши.

Давлат хизматчиларини ижтимоий ҳимоялаш моддий таъминлаш билангина чекланмаслиги лозим, балки уларнинг психологиясини, ўз ҳурматини билишини ва ҳамкаслари, бошлиқлар ва умуман, жамият томонидан тан олинишини ҳисобга олиш лозим. Шу муносабат билан биринчи навбатда ҳаққоний ва тезкор ахборот негизида давлат хизматининг ижобий, амалий қиёфасини яратиш муаммоси юзага келади.

Аҳолининг давлат хизматига салбий муносабати сабабларидан бири имтиёз ва енгилликлар муаммосидир. Имтиёзлар жамоатчилик фикрида давлат хизматига нисбатан салбий баҳо беришга сабаб бўлади. Демократик жиҳатдан ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси буни осон бартараф қилиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Бунинг учун, биринчидан, барча имтиёзлар қонуний расмийлаштирилиши лозим. Иккинчидан, имтиёзлар ҳаммага маълум бўлиши керак. Учинчидан эса, имтиёзлар тўғрисидаги қонунларнинг бажарилишини назорат қилиш амалий ва ошкора бўлмоғи лозим.

Оддий фуқаро «ўзи учун» ишлайди, давлат хизматчиси эса ўз меҳнатини сотибгина қолмай, балки давлат вазифасини бажарган ҳолда, ўз иродасини эмас, балки давлат иродасини рўёбга чиқаради. Айни маҳалда бошқа фуқаролардан фарқли равишда, унинг конституциявий ҳуқуқларигина эмас, балки бошқа шахсий ҳукуқ ва эркинликлари ҳам чекланади.

Ҳукуқ ва эркинликларнинг жамият йўлида бундай чекланиши ижтимоий компенсацияни талаб қиласди. Давлат ўз хизматчиларини чеклаб қўйдими, улар ҳақида ғамхўрлик қилиши лозим ва бу ғамхўрлик ҳақиқий ва кўпқиррали бўлмоғи зарур.

Давлат хизматчиларига кўп нарсалар ман этилади, бундай қаттиқ чекланган ҳолда уларнинг иш ҳақи кам бўлиши малакали кадрларнинг давлат хизмати тизимидан кетиб қолишига, шунингдек улар томонидан қонуннинг бузилишига ва коррупцияга олиб келади.

Афсуски, давлат тизимида мавжуд бўлган лавозим маошлари тизими бошқарувнинг иқтисодий усуллари-

дан кўра маъмурий-буйруқбозлик тизимиға қўпроқ мувофиқ келади. Давлат хизматчиси иш ҳақининг ўсиши фақат хизмат лавозимларидан кўтарилишига боғлиқ, чунки, маош, мукофот ва лавозим устама ҳақлари чегараси, бир йўла мукофотлаш учун норматив асос тарзида белгилаб қўйилган.

Хорижий мамлакатлар давлат хизмати тажрибаси давлат хизматчиларига иш ҳақи тўлашнинг турли тизимлари мавжудлигини кўрсатмоқда. Германияда амалдорлар меҳнатига ҳақ тўлаш масалалари қонун билан бошқарилади. Маош иш жойи ва хизмат муддатидан келиб чиқиб белгиланади. Францияда давлат хизматчи сига тўланадиган иш ҳақи миқдори муайян малака даражасини тасдиқловчи диплом мавжудлигига қараб белгиланади, чунки тариф ставкаларининг бутун тизими давлат хизматига олинаётган вақтда кўрсатиладиган дипломлар ва гувоҳномаларга боғлиқ қилиб қўйилган. Англияда, Кўшма Штатларда, Францияда биринчи разряднинг энг кам иш ҳақи хусусий сектордаги иш ҳақининг ўртача даражасига нисбатан белгиланади. АҚШда «хизматлар тизими» бўлиб, кўпчилик амалдорларнинг хизмат лавозимлари бўйича кўтарилиши ушбу қоида бўйича амалга оширилади. Бу қоида хизматда кўтариш учун энг яхши номзодларни танлов имтиҳонлари воситасида, шунингдек уларнинг хизмат фаолиятининг йилик баҳоси асосида саралаб олишни билдиради.

Давлат хизматчиларига иш ҳақи тўлаш моделини хорижий тажриба асосида ўзгартириш — уларни ижтимоий ҳимоялашнинг чораларидан бири бўлади.

Давлат хизматчиларини ижтимоий ҳимоялаш самарали хизмат фаолиятига тўсқинлик қилувчи омилларни заرارсизлантиришни ўз ичига олади. Самарали хизмат фаолиятига тўсқинлик қилувчи омилларни зарасизлантириш, бу энг аввало, хизматчиларнинг шахсий манфаатларини хизмат манфаатлари билан яқинлаштириш, мансабдор раҳбарларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан ҳимоялаш, меҳнат гигиенасини таъминлаш, ўй-жой, транспорт ва алоқа билан таъминлаш, болаларни ўқитиш ва тарбиялаш масалаларини ҳал қилиш сингари майший муаммоларни мақбул тарзда ечиш ва ҳоказолардир.

Россия давлат хизматчиларини ижтимоий ҳимоялашни амалга оширишнинг энг муҳим йўналиши ҳимоя чораларини федерал ва федерация субъектлари даражаларида қонуний мустаҳкамлашдан иборат деб қаралади.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишидаги ўзига хос шароитини, жумладан, давлатнинг ислоҳотларни амалга оширишдаги юқори ролини ҳисобга олиб, давлат хизматчиларини ижтимоий ҳимоялаш чоралари тизимини ишлаб чиқиш тўғрисидаги масалани қўйиш мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, давлат хизматчиларини ижтимоий ҳимоялаш бўйича маҳсус бюджетдан ташқари фондни шакллантириш анча самарали бўларди.

Қозогистонда ижтимоий ҳимоялаш тизими қарор топиш ва ривожланиш босқичида бўлиб, унинг тузилмасига евроосиёча нуқтаи назардан қаралади.

Республика иқтисодчилари жамиятнинг катта қисми шу жамиятга хос евроосиёча қадриятлар даражасидан келиб чиқиб адолатли эканлигини эътироф этмайдиган бўлса, чукур, ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириб бўлмаслигини таъкидлашмоқда³⁴. Евросиёча менталитетга жамоатчилик, инсоний бирдамлик ва ҳамдардлик қадриятларига хос эканлиги қайд этилмоқда.

Бу менталитетнинг бошқа хусусияти даромад ва бойликка номуносиб ёки шубҳали нарса сифатида муносабатда бўлишдан иборат. Айниқса, жамият аҳолисининг даромад жиҳатидан кескин табақаланишига, меҳнаткашларнинг асосий қисми қашшоқ бўлгани ҳолда айрим гуруҳларнинг бойиб кетишига салбий муносабат шаклланмоқда.

Евросиёча менталитетнинг навбатдаги хусусияти давлатнинг жамият олдидаги мажбуриятлари тўғрисидаги ўзига хос тасаввур билан боғлиқ. Қозогистонликлар давлат деганда бутун ижтимоий ҳаётни, шу жумладан ижтимоий неъматларни тақсимлашни уюштирувчи асосий кучни тушунишга одатланиб қолишган. Аҳоли ҳали ҳам давлат жамиятнинг барча аъзоларини оқилона даражадаги энг кам миқдордаги муайян ҳаётий неъмат-

³⁴ Социальные реформы в странах с переходной экономкой. — М.: ИКЦ «ДИС», 1997, с. 28—44.

лар билан текис таъминлашга мажбур, айни маҳалда тақсимлаш бозор қоидалари бўйича эмас, балки хайрия асосида амалга оширилиши лозим, деб тушунади.

Эндиликда давлат бу вазифаларни ўз зиммасидан кескин соқит қила бошлагач, бу ҳол халқ истакларига мос келмай, халқда қаттиқ норозилик ва бегоналашувни юзага келтира бошлади.

Евросиёда анъанавий онгнинг бундай типи замонавийлашган ва гарбпаст онгга ўрин бўшатиб бермоқда. Бироқ, онгдаги ўзгаришлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг гарб моделининг илгор элементларидан оқилона фойдаланиш учун зарур бўлган кўламда содир бўлмаяпти. Бундай шароитда адолат ва тенг ҳуқуқлилик қоидалари асосида ижтимоий ҳаётни инсонпарварлаштириш бўйича чоралар мажмуидан иборат бўлган ижтимоий дастурлар амалга оширилмоқда.

Айни маҳалда Қозоғистонда давлатнинг ижтимоий сиёсати пировард натижада жамият ҳаётини айрим индикаторлар ва мезонлар асосида бошқаришга қаратилган бўлиши лозим, деган гоялар келиб чиқмоқда. Бу индикаторлар ва мезонлар ижтимоий муносабатлар ва ҳолағлар деформациясининг чегаравий даражасини кўрсатиб беради. Кўзга кўринмайдиган, бироқ бутунлай реал бўлган ушбу чегарадан ўтишга йўл қўйиб бўлмайди, чунки бу ҳолат жамиятни ислоҳ қилишнинг бундан кейинги жараёнларини мазмунсиз қилиб қўядиган оқибатларга олиб келиши мумкин.

Жаҳон тажрибасида бундай индикаторлар ва бошлангич мезонлар мавжуд. Улардан АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия сингари ривожланган мамлакатларда яхши фойдаланилган. Бу мезонлардан бири ишсизлик нормасидир.

Қозоғистонда ишсизликни йўл қўйиш мумкин бўлган 4,8—5,1 фоиз даражада сақлаб туриш кўзда тутилганди. Шу мақсадда, инвестиция фаоллигини ошириш, инфляцияни пасайтириш, жамоат ишлари дастурини бажариш, янги иш жойларини квоталаш ва ҳоказолар назарда тутилган.

Ижтимоий сиёсат аҳолини даромадлар соҳасида та бақаланишини кўрсатувчи индикаторлардан фойдаланишини кўзда тутади, чунки, психологияда адолатнинг

жамоачилик ва тенглик мезонлари кучли бўлган халқ-нинг асосий қисми жамиятнинг қутбларга ажралишини қабул эта олмайди.

Қозогистоннинг янги ижтимоий тузилмаси давлат аралашуви니 талаб қилди. Давлат камбағалликнинг ортиб кетишига йўл қўймасликка, бой ва камбағаллар даромадларининг фарқи меъёр доирасида бўлишига интилмоқда.

Давлат аҳолининг энг камбағал қатламларида даромадларнинг ижтимоий меъёрда ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш мажбуриятини олмоқда. Шу мақсадда даромаднинг энг кам миқдорини, бюджет тармоқларидаги иш ҳақи ставкалари ва маошлар, нафақалар миқдорини кўпайтириш назарда тутилмоқда.

Таълим ва тиббий хизматнинг барча фуқаролар учун кафолатланадиган минимуми белгиланиб, уларнинг пулли шакллари ҳам ортиб бормоқда.

Ижтимоий соҳани молиялаштиришнинг истиқболларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Қозогистон иқтисодиёти бозор муносабатларига ўтиши билан ижтимоий соҳани давлат бюджети ҳисобидан таъминлаш ва шунга мувофиқ равишда аҳоли барча тоифаларининг ижтимоий хизматлардан тенг фойдаланиши янги талабларга жавоб бермай қўйди. Шунинг учун ижтимоий соҳада қуйидаги ўзгаришлар амалга оширилмоқда:

- аҳолини ижтимоий хизматлар барча турлари билан таъминлашнинг ҳуқуқий негизини (янги қонунлар, нормативлар, ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқаларни) яратиш;
- аҳоли турмуш даражасини, истеъмолнинг энг кам миқдорини ва ҳоказоларни тавсифловчи давлат параметрларини қабул қилиш;
- соғлиқни сақлаш, меҳнат муҳофазаси, тиббий хизмат кўрсатиш, фан, таълим, маданият, ижтимоий ҳимоя бўйича давлат стандартларини қабул қилиш.

Ҳозирги даврда ижтимоий бозор тизимиға мослашган соғлиқни сақлаш тизимини яратиш, аҳолига кўрса-тиладиган тиббий хизмат сифати ва ҳажмини тубдан яхшилаш чоралари кўрилмоқда. Булар таркибиға тиббий суғурта киради ва қуйидагиларни тақозо этади:

- мамлакат тиббиётининг бутун аҳоли учун очиқлиги кафолатланади;
- тиббий муассасалар фаолиятининг молиявий асоси иш ҳақини бир текис беришдан унга табақлаштириб ёндашиш томон тубдан ўзгармоқда, бу ҳол меҳнат натижасида манфаатдорликни оширади;
- тиббий ходимлар билан суғурталанган аҳолининг ўзаро жавобгарлиги юзага келади;
- беморларда врачни танлаш имкониятининг пайдо бўлиши — бу тиббий хизматлар сифатини оширишга кўмаклашувчи рақобатнинг шаклланишига олиб келади.

Соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг «молиявий сценарийси» бюджет-сугурта сценарийси сифатида белгиланган, бу сценарий бўйича молиявий таъминот бюджет харажатлари, мажбурий тиббий сугурталаш фонди ва қисман фуқароларнинг шахсий маблағлари (пулли тиббий хизматлар ва ихтиёрий тиббий сугурталаш) ҳисобидан амалга оширилади.

Умуман, Қозогистоннинг ижтимоий соҳадаги ислоҳоти ўзига хос хусусиятларга эга бўлиш билан бирга, жаҳон амалиёти билан умумий компонентларга ҳам эга.

Қозогистонга 1998 йил 1 январдан бошлаб пенсия тизимида амалга оширилган ислоҳотлар туфайли Лотин Америкаси моделига асосланган кўп босқичли пенсия тизимида ўтилди. Биринчи даража — тақсимот принципига асосланган бўлиб, иш ҳақи фондидан 15% миқдорида тўланади ҳамда кекса ва етарли жамғармага эга бўлмаган шахсларни камбағаллиқдан чегаралайди ва кафолатланган минимум билан таъминлашни кўзда тутади. Иккинчи даража — жамғариш, иш ҳақи фондидан мажбурий кўринишда 10% ажратмалар тўланади ва ҳар бир ишловчи персоналлашган ҳисоб тизимида асосланган пенсия жамғариш фондини танлаб олиш ҳуқуқига эга. Бир пенсия фондидан иккинчисига бир йил давомида 2 мартадан ортиқ ўтишга рухсат берилмайди. Учинчи даража — ихтиёрийлик, бир ой мобайнида 50 АҚШ долларигача бўлган бадаллар солиқ солишдан озод қилинади. Ислоҳот қисқа вақт ичida амалга оширилган. 1996 йил ноябрда пенсия тизимини ислоҳ қилиш тўғрисидағи таклиф ишлаб чиқилди. 1997 йилда пенсия тизимини

ислоҳ қилиш дастури тасдиқланди. 1998 йил 1 январдан бошлаб уч босқичли тизим ҳаракат қила бошлади. Ислоҳотларнинг натижалари қўйидаги кўринишга эга бўлди: пенсия жамғариш фондларида жамғарилган маблағлар миқдори кескин ортиб, банкларга қўйилган хусусий омонатга нисбатан кўп бўлди. Янги пенсия тизимиға ўтилганидан бир йилдан сўнг пенсия жамғармалари миқдори 281 млн. АҚШ долларини ташкил этди (ЯИМнинг 1,4%). Икки йилдан кейин эса ушбу рақам 467 млн. АҚШ долларини (ЯИМнинг 3,2%), уч йилдан кейин эса 775 млн. АҚШ долларини (ЯИМнинг 4,4%) ташкил этди. Мамлакатда 2000 йилнинг охирига келиб 14 та хусусий ва 1 та давлат пенсия жамғарма фондлари фаолият кўрсатмоқда. Ислоҳот боришининг таҳлили шуни кўрсатадики, пенсия жамғарма фондларининг инвестиция портфели таркибининг аксарият қисмини давлат қимматбаҳо қоғозлари, нодавлат қимматбаҳо қоғозлари ва банк депозитлари ташкил этмоқда. Агар воқеалар шу тарзда ривожланадиган бўлса, пенсия жамғармаларининг ЯИМдаги улуши 2005 йилда 15,6%ни ташкил этиши кутилмоқда³⁵.

Кирғизистонда ижтимоий муаммолар азалдан нархнавонинг амалда эркинлаштирилиши билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқилади.

Нарх-навони янада «қўйиб юбориш» кам таъминланган фуқароларга компенсация бериш учун маблағ етишмаслиги сабабли чекланади.

Аҳоли реал даромадларининг пасайиб кетиши, энг аввало, нарх-наво ошиши билан боғлиқ. Даромадларда иш ҳақи ҳиссасининг камайиши юз берган шароитда даромадларнинг «бошқа» манбалари ҳиссасининг ошиши ҳозирча ишонч уйготмаяпти. Бунинг устига «бошқа» даромадлар аҳоли ўртасида ҳалдан ташқари нотекис тақсимланган, аниқроғи, аҳолининг оз қисмida тўпланган.

Айни маҳалда мажбурий тўловлар ва ихтиёрий бадаллар ҳиссаси қисқармоқда, бу иш ҳақини тўлаш кечкитирилаётгани билан боғлиқдир.

Корхоналарни таркибий қайта ташкил қилиш ва хусусийлаштириш ишсизликнинг ортишига олиб кел-

³⁵ Financial Times, 20007 12 May.

Ижтимоий фондларни шакллантиришдаги халқаро тажриба ва унинг ўтиш давридаги мамлакатлар учун аҳамияти

ди: расмий ишсизлик даражаси ортди ва юз минглаб кишилар яширин ишсизликка дучор бўлиши. Бу жаён мамлакатдаги иқтисодий ислоҳотлар туфайли куҷайиб бормоқда.

Қирғизистонда «ишловчи» камбагаллар тоифаси ажралиб туради. Улар иш кунининг давомийлигини қисқартириш ёки иш ҳақида тўламаслик туфайли юзага келган. Маъмурият ташаббуси билан таътилга чиққан ходимлар ва тўла бўлмаган иш кунида ишловчилар сони ортиб бормоқда.

Ижтимоий осойишталикка таҳдид бўлган бандлик ва ишсизлик муаммолари кескинлик жиҳатидан олдинги ўринлардан бирида туради. Бу Қирғизистонда ижтимоий фондларнинг ҳимоя вазифаси ўта зарур бўлган ҳолда иқтисодий заифлик уларни молиялаштиришни жиддий равищда чеклаб туради.

Таҳлиларнинг кўрсатишича, ўтиш давридаги мамлакатларда ижтимоий фондлар ривожида аҳоли кўникмаларини эътиборга олиш зарур бўлгани ҳолда иқтисодий чегарага бориб тақалган. Бу ерда социалистик мерос ижтимоий ҳаёт ва меҳнат бозорларининг кўплаб жиҳатларида, шунингдек кишилар хулқ-авторларида ўз ифодасини топмоқда. Ўтиш даврининг салбий ижтимоий оқибатлари натижасида жамиятнинг табақаларга ажралиши жадаллик билан содир бўлди.

Собиқ социалистик даврда, меҳнатга яроқли ёшдаги ҳар бир фуқаронинг банд бўлиши шарт бўлгани учун, аҳолининг иқтисодий фаоллиги нисбатан юқори бўлганди.

Аммо, иш куни анчагина етишмаслигига қарамай, СССРда фрикцион ишсизликдан ташқари тўла бўлмаган бандлик, яширин ишсизлик, шунингдек минтақавий ва мавсумий ишсизлик мавжуд бўлган. Бу мерос ҳозирда ҳам сақланиб қолди (*10-жадвал*).

Маълумотларга кўра МДҲда бандликнинг юқори бўлиши, бинобарин ишсизлик даражасининг пастлиги, кўп жиҳатдан сунъий равищда ортиқча, иқтисодий самараси паст бандликнинг сақланиши билан изоҳланади. МДҲ мамлакатларидаги бандлик структураси ўзгаришга мойил. Бозор муносабатларининг шаклланиши иш топишни мушкуллаштиради, чунки ишчи кучига бўлган талаб ва таклифга қараб меҳнат ресурсларининг

тақсимланиши хусусий секторда сунъий бандликни оширишга йўл бермайди. Ислоҳотлар жараёндаги бандликка хос белги — бу кишилар ўзини-ўзи банд қилишга йўл очилишидир. Бу албатта иқтисодиётни эркинлаштириш натижаси бўлди. Бандликнинг бу шаклини кўлами анча кент бўлиб қолди (*11-жадвал*).

Бозор муносабатлари индивидуал ташаббусга йўл очиб, бандлик шаклини эркин таъланаш имконини яратди. Бозор орқали тартибга солиш меҳнат ресурсларини эркин равишда қайта тақсимланишини юзага келтирди. Бу ҳақда хизмат соҳасидаги бандликни юқори бўлиши гувоҳлик беради. Хизмат соҳасига иш кучини кўчиб ўтиши ўзини-ўзи банд қилиш қоидаларига биноан содир бўлмоқда. Олдинги 10-ва сўнгги 11-жадвал маълумотларининг таҳлили бандлик янги шаклининг миқёси ва уни юзага чиқарувчи омил ҳақида мулоҳаза юритишга имкон беради.

10-жадвал

Ўтиш даври мамлакатларида ишсизлик даражаси (иқтисодий фаол аҳолига нисбатан йил охиринда, фоиз ҳисобида)

Мамлакатлар	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999
Озарбайжон	0,1	0,2	0,7	0,8	1,0	1,1	1,3	1,4	1,5
Арманистон	—	3,4	6,2	5,8	8,2	10,0	11,0	8,9	11,1
Беларус	0,04	0,5	1,4	2,1	2,9	4,0	2,8	2,3	2,1
Грузия	1,4	2,6	4,2	5,5
Қозоғистон	0,05	0,4	0,6	1,1	2,1	4,2	3,9	3,7	4,0
Қирғизистон	0,01	0,1	0,2	0,8	3,0	4,2	3,9	3,1	3,0
Молдава	0,005	0,7	0,8	1,2	1,4	1,4	1,7	1,9	2,1
Россия	0,08	0,8	1,1	2,2	3,2	3,4	2,7	2,7	1,8
Тоҷикистон	—	0,4	1,1	1,7	2,0	2,6	2,8	2,9	3,0
Туркменистон	—	—	—	—	—	—	—	—	—
Ўзбекистон	—	0,1	0,2	0,3	0,3	0,3	0,3	0,4	0,4
Украина	0,03	0,3	0,3	0,4	0,5	1,5	2,8	3,7	4,1
Ҳамдӯстлик бўйича ўртача	0,06	0,6	0,9	1,6	2,4	2,9	2,7	2,7	3,0

* Содружество независимых государств в 1998 г. Стат. ежегодник. — М., 1999 г., с. 17, Ж. Казахстан и страны СНГ № 1, 1999, стр. 35.

Ижтимоий фондларни шакллантиришдаги ҳалқаро тажриба ва унинг ўтиш давридаги мамлакатлар учун аҳамияти

11-жадвал

МДҲ мамлакатларида бандликни ўз мақоми бўйича тақсимланиши (1997 й.)*

Мамлакатлар	Ўз ҳисобига ишловчилар (ўз иши билан бандлар, ёрдам берувчи оила аъзолари ва ҳ.к.)	Ёлланма меҳнат билан шугууланувчи шахслар		
	минг киши	% да	минг киши	% да
Озарбайжон	1087,2	37,5	1815,1	62,5
Арманистон	584,6	42,6	787,5	57,4
Беларус	195,4	4,5	4174,5	95,5
Грузия
Қозогистон	2389,1	37,2	4037,7	62,8
Кирғизистон	902,7	53,4	786,6	46,6
Молдова	408,0	24,8	1238,0	75,2
Россия
Тоҷикистон	583,2	32,6	1206,8	67,4
Туркманистон	347,0	20,4	1353,0	79,6
Ўзбекистон	3030,0	34,9	5650,0	65,1
Украина	2099,7	9,3	20497,9	90,7

* Сотрудничество независимых государств в 1997 г. — Стат. ежегодник. — М., 1998 г., с. 16.

Бандлиқда иккиласми чархини сектор томон жиддий силжиш юз берди, МДҲ мамлакатларида ҳозир хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлиш авж олди. Илгарилари бу сектор жуда заиф ривожланганди, шу ҳолат унинг ортиқча иш кучини «ютиб юбориш»дек кучли қобилиятни юзага келтирганди. Бу тамойил иш кучининг нисбатан унумдор соҳаларга горизонтал силжини акс эттиради (*12-жадвал*).

Бандлик янги шаклларининг вужудга келишига қарамай унинг муаммолари жиддийлашмоқда.

1995 йил ноябрь-декабрь ойларида Умумжаҳон Банки томонидан Озарбайжонда уй хўжаликлари текширилганда меҳнатга яроқли бўлган мамлакат жами аҳолисидан эркакларнинг бор-йўғи 55,6 фоизи ва аёлларнинг 35,5 фоизигина асосий иш жойига ёки тирикчилик

манбаига эга бўлган. Мунтазам ҳақ оладиган ходимлар янада камроқ бўлган, чунки тирикчилик манбаигина ёки норасмий сектордаги иш кўп жиҳатдан мавсумий, вақтинча, номунтазам бўлиб, кўпинча доимий даромад келтирмасди.

12-жадвада

***МДҲ мамлакатларида банд аҳолининг тармоқлар бўйича
тақсимланиши (1997 й., %)****

Мамлакатлар	Иқтисодийётда жами бандлар	Шу жумладан			
		саноатда	қишлоқ хўжали- гина	Куриши- да	Хизмат кўрсатиш соҳасида
Озарбайжон	100	8,3	28,3	5,3	58,1
Арманистон	100	16,7	40,9	4,3	38,1
Беларус	100	27,6	17,2	7,1	48,1
Грузия	100	8,5	51,8	1,3	38,4
Қозогистон	100	14,4	24,9	4,1	56,6
Қирғизистон	100	10,1	47,4	3,4	39,1
Молдова	100	11,6	40,9	3,2	44,3
Россия	100	23,0	13,2	8,8	55,0
Тоҷикистон	100	8,8	63,1	3,2	24,9
Туркманистон	100	10,3	45,6	8,2	35,9
Ўзбекистон	100	12,9	40,1	6,3	40,7
Украина	100	22,2	21,7	5,3	50,8
Ҳамдўстлик бўйича	100

* Сотрудничество независимых государств в 1997 г. — Стат. ежегодник. — М., 1998 г., с. 16.

Тадқиқотлар кўрсатишича МДҲдаги норасмий секторда бандлик ўйлагандан кўра анча кам экан. Буни кўп нарса билан, жумладан, норасмий бандликнинг минтақавий хусусиятлари ва мавсумийлиги, фаолиятни рўйхатдан ўтказиш ва амалга оширишда юзага келадиган маъмурий ёки молиявий мураккабликлар билан изоҳлаш мумкин.

Ижтимоий фондларни шакллантиришдаги ҳалқаро тажриба ва унинг ўтиш давридаги мамлакатлар учун аҳамияти

1995 йил ноябрда ўтказилган 5500 кишининг даромади асосида турмуш даражасини текшириш натижалари Қирғизистон Республикасидаги бандлик модели тўғрисида муайян хулоса чиқариш имконини беради. Юқорида таъкидланганидек, Қирғизистон аҳолиси ўзини-ўзи иш билан таъминлаш жиҳатидан барча МДҲ давлатлари орасида энг юқори даражададир. Бироқ, текшириш маълумотларига кўра, айни маҳалда анча катта яширин ишсизлик кузатилган: Қирғизистоннинг меҳнатга яроқли аҳолисининг 22 фоизи ишсиз бўлган.

Ўрта Осиё республикалари ушбу кўрсаткич бўйича давлат секторида банд бўлганлар анча камлиги билан ажralиб туради. Айни маҳалда улар бошқа секторлардан бандлик параметрлари бўйича ҳам жиддий орқада қолмоқдалар. Бунда ўзини-ўзи иш билан таъминлаш дараҷаси юқорилигининг таъсири сезилмоқда (*13-жадвал*).

13-жадвал
МДҲ мамлакатларида банд аҳолининг иқтисодиёт секторлари бўйича тақсимланиши*

Мамлакатлар	Иқтисодистёда жами бандлар, минг киши	шу жумладан (фоизда)				
		Давлат корхоналарида	Хусусий секторда	Жамоат ташкилотлари, фондларда	Кўшма корхоналарда	Мулктилик шакни аразалаш бўлган корхоналар ва болаларда
Озарбайжон	2902	45,4	52,0	0,7	0,8	1,0
Арманистон	1372	37,1	61,7	0,5	0,7	—
Беларусь	4370	64,6	33,0	1,0	1,0	0,4
Грузия	2233	44,0	55,8	0,2	0,0	—
Қозоғистон	6427	29,7	56,8	—	2,0	11,5
Қирғизистон	1689	26,0	69,5	0,6	1,6	2,3
Молдова	1645	27,1	64,6	—	0,9	7,4
Россия	64639	40,1	39,9	0,6	1,1	18,3
Тоҷикистон	1790	42,5	56,1	0,3	0,2	0,9
Туркманистон	1700	46,7	52,7	0,3	0,3	—
Ўзбекистон	8680	30,0	66,6	0,3	0,6	2,5
Украина	22598	38,0	49,5	—	0,4	12,1
Ҳамдўстлик бўйича	120046	—	—	—	—	—

* Содружество Независимых Государств в 1997 г. Стат. ежегодник. — М., 1998 г., с. 16.

СССРнинг парчаланиши ва бошқа сиёсий жараёнлар иш кучи кўчишини келтириб чиқарди, бу ҳол собиқ иттифоқдош республикаларда меҳнат бозорига жиддий таъсир кўрсатди. Ўрта Осиё ва Кавказдаги мамлакатларда, Болтиқбўйи республикаларида ва Молдавада меҳнатга яроқли аҳолининг кўпчилиги кетиб қолаётгани кузатилмоқда.

Бундай кўчишни иш кучининг «анъанавий» ҳарачатчанлиги деб ҳисоблаб бўлмайди, чунки кўп ҳолларда у мажбурлик юзасидан келиб чиқсан.

Бундан ташқари, бир минтақадан бошқасига кенг миқёсда нолегал кўчиш ҳам мавжуд.

Гарбда иш кучи миграциясининг типик манзараси қўйидагича: ходимлар иш бор жойга кўчиб ўтишади. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида вазият тубдан фарқ қиласди — иш кучининг географик жиҳатдан ҳаракатчанлиги жуда паст. Одамлар аниқ бир ҳудудга ва ўзи яшаб турган жойга қаттиқ боғланиб қолишган.

Ишчи кучи кўчиши кўрсаткичларининг пастлиги, қолаверса, маъмурий чеклашлар (рўйхатдан ўтиш тизими мавжудлиги), уй-жой бозори ҳажмининг кичиллиги, шунингдек аниқ бир корхонада меҳнат қилиш билан боғлиқ бўлган номоддий афзалликларнинг бутун бир йиғиндиси билан ҳам изоҳланади.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларидаги бандлик фондлари фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг аксарияти ўз бошидан чуқур инқизорни кечирмоқда. Россия мисолида таҳлил қилишлар кўрсатадики³⁶, бандлик фондининг молиявий аҳволини ёмонлашувига олиб келган сабаблар қўйидагилардир:

- мамлакатда иқтисодий инқизорзининг кучайиши ва бюджетдан ташқари фондларга бадал тўламасликнинг кенгайиши;
- ўзаро ҳисоб-китобнинг тарқалиши ва суурита тўловларининг озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат товарлари билан тўлаш;
- иш берувчилар томонидан ҳудудий бандлик фондларига тўланадиган суурита тўловларининг камайиши ва марказий бандлик фонди маблағларининг абсолют миқдор жиҳатидан қисқариши;

³⁶ Вопросы экономики. 1999, № 11, с. 82—98.

Ижтимоий фондларни шакллантиришдаги халқаро тажриба ва унинг ўтиш давридаги мамлакатлар учун аҳамияти

- 1996 йилдан бошлаб сууртга тўловлари ставкасининг 2% дан 1,5% гача камайиши ва ишсизлик бўйича нафақаларни кўп ойлар давомида тўланмаслик ҳолатининг мунтазам тусга кириши.

Россия бандлик фондининг шаклланиши ва қайта тақсимланиши хусусиятлари — бандлик фонди кризисининг вужудга келиши асоси ҳисобланади: бандлик фонди деярли иш берувчиларнинг сууртга бадаллари ҳисобига шаклланади; бандлик фондига маблағ йиғишнинг реал бўлмаган режалари; давлат томонидан бандлик фонди маблағларини шаклланиши ва иш берувчилар томонидан молия интизомига риоя этиш устидан кескин назоратнинг йўқлиги; бандлик фонди шаклланиши тамойиллари (иш жойи бўйича) ва маблағларни сарфлаш тамойили (яшаш жойи бўйича) ўртасидаги номувофиқдикнинг мавжудлиги.

Бундан ташқари, ижтимоий фондларнинг ривожланиш истиқболлари нуқтаи-назаридан қараганда, пенсия таъминоти муҳим роль ўйнайди ва аҳоли катта қисмининг ижтимоий эҳтиёжларида бевосита акс этади.

МДҲ мамлакатлари учун, умуман, пенсия миқдори нисбатан камлиги хосдир (14-жадвалга қаранг).

МДҲ мамлакатларидағи пенсионерларнинг 75% и ёши бўйича меҳнат пенсиясини олувчилардан, 13%и ногиронлик пенсиясини олувчилар, 7%и бокувчисини йўқотганлик учун пенсия олувчилар, 5% эса ижтимоий пенсия олувчилардир. Кейинги беш йил мобайнида МДҲнинг аксарият мамлакатларида пенсионерларнинг сони, хусусан, ёши бўйича пенсия олувчиларнинг сони барқарор пасайиш тамойилига эга.

14-жадвал

*МДҲ мамлакатларида ойлик пенсиянинг ўртача миқдори, миллий пул бирлигига**

Мамлакатлар ва уларнинг пул бирлиги	1998	1999
Озарбайжон, манат	55872	64968
Арманистон, драм	3793	4421
Беларусь, минг беларусь рубли	2580	12260
Грузия, лари	15	16
Қозогистон, тенге	3772	3915

Қирғизистон, сом	378	385
Молдова, лей	84	83
Россия, рубль	403	522
Тожикистон, тажик рубли	3019	3533
Туркманистон, манат	97000	—
Ўзбекистон, сўм	2992	4652,1
Украина, гривен	61	60

* «О пенсионном обеспечении в странах содружества». Межгосударственный статистический комитет СНГ. Стат. ежегодник. — М., 2000 г., с. 6—7.

1999 йилда МДҲнинг деярли ҳамма мамлакатларида минимал пенсия миқдорининг оширилиши, истемол баҳоларининг ўсиши туфайли пенсияларни индексациялаш ва компенсацион тўловларни тўлаш ҳамда иш ҳақининг ўсиши туфайли ўртача белгиланган номинал пенсия миқдорлари ортди. Умуман, 1999 йилда ўртача пенсия миқдори Озарбайжон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Туркманистон ва Украинада ўртача иш ҳақининг $\frac{1}{3}$ га, Грузия ва Молдовада $\frac{1}{4}$ га, Арманистонда $\frac{1}{5}$, Беларусь ва Ўзбекистонда $\frac{2}{3}$ қисмига тўғри келди.

Айни маҳалда айрим республикалар ўртасида пенсия миқдоридаги фарқ саккиз баробардан зиёд. Умуман, бундай аҳвол пенсия бўйича авлодлар бирдамлиги қоидаси унга билдирилган ишончни оқламади. Ҳозирги пенсионерлар фаровон кексалик гаштини суриш ўрнига ошкора муҳтожликда кун кечирмоқда.

Бундай ҳолат пенсия кафолатининг жамғарма схемасига ўтиш фойдасига ишонарли асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг кўп йиллик тажрибасининг кўрсатишича, тақсимлаш пенсия тизими миллий жамғарманинг камайишига, давлат бюджети дефицитининг ортишига олиб келади, даромадлар биринчи қатнашувчи авлод фойдасига устун даражада қайта тақсимланади ва кейинги авлод ютқазади. Шунинг учун ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари қуйидаги талабларга асосланган пенсия тизими ни танлаб олишлари лозим: барқарор, солик оғирлиги ва тўловларни адолатли тақсимлаш, молиявий ўзини-ўзи таъминлайдиган, ЯИМ миқдорининг ортишига

шароит яратадиган ва меҳнат бозорлари ва молия бозорларига ижобий таъсир кўрсатадиган бўлиши керак. Бундай талабларга жавоб берадиган пенсия тизими белгиланган бадалларга асосланган жамғариш механизми, маблағларни яхши бошқариш ва самарали тартибга солиш, ижтимоий таъминот тизими ва ўтишни молиялаштириш режасининг мавжудлиги мезонларига асосланиши керак. Жамғариш компонентига асосланган кўп босқичли пенсия тизимлари кўйидаги юқори ЯПК, тақсимот тизими билан кучли алоқада бўлган ва ўсиб бораётган демография юки коэффициенти ҳолатлари кузатилаётган ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида амалга оширилиши мумкин (15-жадвал).

Ўтиш даврида мамлакатлардаги объектив вазият уларни биринчидан социализм бағридан келиб чиқиши билан, иккинчидан, улар иқтисодий салоҳиятининг кескин фарқланиши билан, учинчидан, улардаги миллий хусусият ва анъаналар билан характерланади. Булар ижтимоий фондларни шаклланиши ва ишлатилишига таъсир этмай қолмайди. МДҲ мамлакатлари Умумжаҳон банки гуруҳи методологиясига кўра, иқтисодий ривожланиши жиҳатидан қуи даромадли ва қуи — ўрта даромадли мамлакатлар жумласига киради. Мазкур мамлакатларда 1998 йилда аҳоли жон бўшига ишлаб чиқарилган ЯИМ уни валюта курсига қараб ҳисоблаганда, Тожикистон 350 доллар, Россияда 2300 долларни ташкил этган. Иқтисодий ривожланиш даражасининг юқори бўлмаслиги иқтисодий ўсишга зарар етказмаган ҳолда мавжуд ижтимоий фондларни мунтазам молиялаштиришга, зарур бўлишига қарамасдан янги фондларни уюштиришга халақит беради. Аммо ижтимоий эҳтиёжларнинг кескинлиги имкон даражасида ижтимоий фондларни молиялаштиришни юзага келтиради. Фондларни уюштириш «социалистик» кўникмалар таъсири остида амалга оширилади, чунки аҳоли арзимаган даражада бўлса ҳам ижтимоий кафолатларга ўрганиб қолган. Шу боис, бу кафолатларни таъминлашни давлатнинг ўз зиммасига олишига тўғри келади.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида пенсия ислоҳотлари*

Мамлакат	Ислоҳотнинг бошлиниш вақти	Биринчи даража	2-дараҷанинг пенсия тизимига ажратмалар ставкаси сифатидаги микдори	2020 й. Пенсия фонди активларининг кутлаётган микдори (ЯИМга нисбатан % хисобида)	Жамгарин шаржасидаги ишчи кучининг хиссаси (2000 й.)	Янги тизимга ўтиш тартиби
Венгрия	Январь, 1998	Таксимлаш, белгилантан бадаллар	7%	30%	45%	Янги ишловчилар учун мажбурий. Колгандар учун ихтиёрий
Қозоғистон	Январь, 1998	Кафолатланган минимум	10%	30%	100%	Мажбурий
Польша	Январь, 1999	Шартли жамғарипи	7,2%	33%	70%	Мажбурий <30, Ихтиёрий 30–50
Латвия	Июль, 2001 (Шартли жамғарипи, январь, 1996)	Шартли жамғарипи	2% дан 9% гача ортади	20%	72%	Мажбурий <30, Ихтиёрий 30–50
Хорватия	Январь, 2002	Таксимлаш, белгилантан бадаллар	5%	25–30%	60–70%	Мажбурий <40, Ихтиёрий 40–50

Ижтимоий фондларни шакллантиришдаги халқаро тажриба ва
унинг ўтиш давридаги мамлакатлар учун аҳамияти

	Январь, 2002	Таксимлаш, бел- гиланган бадал- лар	2% дан 5% гача ортади			Мажбурий <42
Болгария						
Эстония	Июль, 2002	Таксимлаш, бел- гиланган бадал- лар	6%	20%	60%	Ихтиёрий киш+2%)
Руминия	Январь, 2003	Таксимлаш, бел- гиланган бадал- лар	8%	30%	75%	Мажбурий >20 пенсияга чиқуна кадар
Македония	Август, 2001	Таксимлаш, бел- гиланган бадал- лар	7%			Янги ишловчилар учун мажбурий

* Вопросы экономики. 2000 г., № 8, с. 126–128.

Кўпчилик мамлакатларда давлатга тегишли ижтимоий фондлар салмоқли ўрин эгаллаб келади. Булар бюджет ҳисобида ва бюджетдан ташқари бўлган фондлардир. Аммо кўпуклади иқтисодиётни шаклланиши муносабати билан нодавлат фондлари ҳам юзага келадики, улар, биринчидан, ҳомийлар маблағига, иккинчидан, давлатнинг молиявий ёрдамига, учинчидан, коммерция фаолияти келтирган даромадларга таянади. Кичик фондлар кўп ҳолларда минтақавий ва хайр-эҳсон характеристига эга бўлади. Ижтимоий фондлар ўтиш даврида инсонпарварлик тамоилидан келиб чиққанлиги учун нобозор муносабатларини ўзида мужассам этади. Нодавлат фондлари ихтиёрий молиялаштириш қоидасига асосланганидан уларда жиддий молиявий барқарорлик кузатилмайди. МДҲ мамлакатларидағи кўпчилик ижтимоий фондлар умумий йўналиш ва жиҳатларга эга бўлиб, уларнинг ҳаммаси социалистик ўтмишга эга. Мамлакатларнинг салоҳияти ҳар хил бўлганидан ижтимоий фондларнинг жон бошига ҳисобланган ҳажми турлича бўлиб қолади. Аммо уларни шакллантириш ижтимоий сиёсатга ҳам боғлиқ бўлганидан фондларнинг имкони мамлакатларнинг иқтисодий имкониятларидан устун бўлиб қолмоқда. Гап шундаки реал ижтимоий вазиятни назарда тутиб ЯИМни фондлар фойдасига қайта тақсимлаш мумкин. Муҳтоҷларга ёрдамни кучайтириш ижтимоий фондларга бюджет ресурсларини кўпроқ юборишга олиб келади. Бу, албатта, аҳоли орасида муҳтоҷларнинг салмоғи ва муҳтоҷлик дараҷасига боғлиқ бўлади. Бу кўрсаткич МДҲ мамлакатлари бўйича жиддий фарқланади. Муҳтоҷлик юқори мамлакатлар жумласига Кавказорти ва Ўрта Осиё мамлакатлари киради. Ижтимоий фондларнинг тақсимланиши ҳар бир мамлакатдаги ижтимоий вазиятга қараб амалга оширилади. Аммо ўтиш иқтисодиёти мамлакатларидағи умумий хусусият бўлган ишсизлик миқёсининг катта бўлиши туфайли ижтимоий фондлар ишсизларга ёрдам беришга кўпроқ қаратилади. Аҳоли муҳтоҷ қатламларини турлича бўлиши ижтимоий ҳимоя харажатларини ҳал хил қиласиди. Бу ҳам фондларни ишлатилиш структурасини шакллантиришга таъсир кўрсатади. МДҲ мамлакатларида аҳолининг

таркиби ва оиланинг тузилиши фарқланади. Ўрта Осиё мамлакатларида кўп болали оиласалар салмоининг катта бўлиши бу ерда ижтимоий фондларнинг оиласага ёрдам тарзида ишлатилишини тақозо этади. Россия, Украина ва Белорус каби мамлакатларда кичик оиласаларнинг ҳиссаси катта. Бу омил болаларга бериладиган ёрдам ҳажмининг кичиклигини ва аксинча қарияларни қўллаб-қувватлашга кўра ресурслар ажратиш кераклигини билдиради. Айтилган мамлакатларда ижтимоий фондлар таркибida пенсия фонди салмоқли ўрин эгаллади. Аҳолиси нисбатан ёш бўлган мамлакатларда ижтимоий фондлар ёшларни қўллаб-қувватлашга устуворлик бериши табиий бир ҳол деб баҳолаш мумкин. Шундай қилиб ижтимоий фондлар ўтиш давридаги мамлакатларда бир қатор хусусиятлар касб этадики, улар мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, аҳолининг ёш ва бандлик таркиби, миллий анъаналар ва давлат юргизаётган ижтимоий сиёsat туфайли юзага келади.

Шундай қилиб, ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида бюджетдан ташқари ижтимоий фондларнинг фолиятига қатор омиллар салбий таъсир кўрсатмоқда: мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси ва иқтисодий ҳолати; бюджетдан ташқари фондлар фолиятини ташкил этиш тажрибасининг йўқлиги; маблағларнинг шаклланиши ва улардан фойдаланиш устидан назорат қилиш борасидаги тажрибасизлик; сугурта бадаллари тарифининг юқорилиги ва етарли даражада асосланмаганлиги.

IV б о б

ЎЗБЕКИСТОНДА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ДАВРИДА ИЖТИМОЙ ФОНДЛАР

4.1. Бозор муносабатларини шакллантиришнинг миллий моделида иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилганлиги хусусиятлари

Бозор иқтисодиётининг амал қилиш қоидалари ва қонунлари умумий бўлгани ҳолда айрим мамлакатларда унга ўтишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бозор тизимини шакллантиришнинг миллий хусусиятлари: биринчидан, жаҳон иқтисодиётининг миллий иқтисодиёт ривожланишига таъсири туфайли юзага келади, чунки иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида жаҳон хўжалиги ва миллий хўжаликлар алоқаси кучайиб боради; иккинчидан, ўтмишдан мерос қолган ўзига хос миллий хусусиятларга эга бўлган, ислоҳотлар натижасида бозор тизимига айланадиган ижтимоий-иқтисодий тизим сабабли юзага келади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш кенг миқёсли жараён бўлиб, хўжалик юритишнинг анъанавий тизимидан бозор тизимиға ўтишдаги класик йўлдан фарқ қиласди. Классик йўлда бозор иқтисодиётига ўтиш табиий-тарихий жараён сифатида стихияли кечди. Бу йўл анъанавий иқтисодий укладнинг юзлаб йиллар давом этган емирилиш ва бозор муносабатларига ўтиш жараёни сифатида содир бўлади.

Шакланаётган бозор муносабатлари ривожланиш жараёнида турли шакллар ва босқичлардан ўтади. Бозор иқтисодиётига ўтиш схемаси умумий кўринишда қуйидаги тартибда: анъанавий хўжаликдан майда товар хўжалигига ўтилган. Капиталистик бозор хўжалиги ривожланиб, цивилизациялашган аралаш бозор иқтисодиёти тизими шаклига айланган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даври кенг маънода, биринчидан, капиталистик бозор хўжалигидан янги инсоний қиёфага, гуманистик характерга, ўзини-ўзи бошқарадиган хусусиятларга эга бўлган аралаш иқтисодий тизимга ўтишни билдиради. Йккинчидан эса, жаҳон ахолисининг тўртдан бир қисми яшайдиган мамлакатларнинг тоталитар-режали тизимдан бозор тизимига ўтишини англатади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жаҳон амалиётида қабул қилинган классик йўлдан кескин фарқ қиласди. Собиқ социалистик мамлакатлар миллий иқтисодиётларнинг революциялар туфайли узилиб қолган ривожланниш жараёнини янги тарихий шароитларда тиклаш тўғрисида гап бормоқда. Бу биринчи навбатда, собиқ социалистик мамлакатларнинг бозор иқтисодиётига ўтишига ҳар томонлама таъсир кўрсатаётган ривожланган бозор тизимининг мавжудлигидир.

Режали-тоталитар тизимларнинг ички омиллар таъсирида бозор тизимига ўтиш жараёни тарихан қисқа муддатда содир бўлиши мумкин. Бу ҳозирги бозорга ўтишнинг хусусиятларидан биридир.

Унинг бошқа бир хусусияти шундан иборатки, бозор иқтисодиёти амал қилаётган янги мамлакатлар учун режали тизимдан ривожланган бозор тизимига ўтишда ривожланмаган бозор муносабатлари босқичини четлаб, сакрашлар билан ўтиш хосдир. Шу муносабат билан собиқ социалистик мамлакатлар учун «ёввойи» бозор иқтисодиёти босқичини босиб ўтиш муқаррардир.

Ривожланмаган бозор муносабатларини четлаб ўтишга имкон берувчи бу жараён Ўрта Осиё мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистонда бозор муносабатларининг тарқоқ майда товар ишлаб чиқариш, майда савдо, ёввойи капитализмнинг айрим жиҳатлари каби ривожланмаган бозор муносабатлари шакллари мавжуд бўлиши каби хусусиятларга эга.

Ўзбекистонда цивилизациялашган бозор муносабатларини шакллантириш, масалан, Россия, Болтиқбўйи ёки Шарқий Европа мамлакатларидагига қараганда узоқроқ давом этади. Бу Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланниш даражасидан келиб чиқади. Бу ерда ишлаб чиқариш омиллари ҳолати билан белгиланадиган

аҳоли жон бошига ишлаб чиқариладиган ялпи ички маҳсулотнинг даражаси назарда тутилмоқда.

Бироқ, иқтисодий муносабатларнинг цивилизациялашган бозорга хос хусусиятлари Ўзбекистонда тараққий этган мамлакатларнинг ҳозирги ишлаб чиқариш даражасига эришишдан илгарироқ ҳам шаклланиши мумкин. Бу давлатнинг фаоллигига боғлиқ.

Ўзбекистонда мустақиллик ва умуммиллий иқтисодий манфаатларни ҳимоя қиласетган кучли давлат ўзи кўраётган чоралар билан ёввойи бозорга хос бўлган тамойилларнинг ривожланишига йўл қўймаслиги ва цивилизациялашган иқтисодий муносабатларнинг ривожланишини рағбатлантириши мумкин.

Цивилизациялашган бозор тизимининг хусусияти бўлган иқтисодиётнинг қатъий ижтимоий йўналтирилганлиги ҳам шаклланмоқда. Бироқ, унинг аҳоли жон бошига товар ва хизматлар истеъмоли шаклида моддий амалга оширилиши ишлаб чиқарышнинг ривожланиш даражаси билан белгиланади. Шунга қарамай, Ўзбекистон ривожланган мамлакатлар андозаларига мос келувчи ривожланган иқтисодиёт ва юқори турмуш даражасидан иборат бўлган келажакка интилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, бизнинг миллий иқтисодиётни ривожлантириш имкониятларимиз ривожланган мамлакатлардаги кишилар яшаётганидек яашаш учун асос яратиб беради.

Ўзбекистоннинг мақсади иқтисодиёти ижтимоий йўналтирилган демократик жамият қуришдан иборат. Бундай қоида И. Каримов томонидан асослаб берилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойилида белгиланган.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ўзбекча модели ишлаб чиқилгани ва изчиллик билан амалга оширилаётгани мустақил ривожланишнинг энг муҳим натижаларидан бири бўлди. Ҳозирги даврда кенг қўламли бу модельнинг амалдаги барча компонентлари ўз аксини топган кўп сонли илмий адабиётлар мавжуд³⁷.

³⁷ Қаранг: *И. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.* — Т., 1992 й.; *И. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида* — Т.: Ўзбекистон, 1995 й., *И. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари* — Т.: Ўзбекистон, 1997 й.

Ушбу муаммо бўйича кўплаб асарларнинг мазмунини ҳисобга олган ҳолда, асосан, моделнинг иқтисодий ривожланишининг ижтимоий муаммоларига бевосита алоқадор бўлган хусусиятларини таҳлил қилишга эътиборни қаратамиз.

Энг аввало, иқтисодий ислоҳотларнинг пировард стратегик мақсади сифатида даставвал ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти белгиланганини таъкидлаб ўтиш лозим. Бироқ, ислоҳотларнинг бошланғич шароитидан келиб чиқсан ҳолда ижтимоий йўналтирилган бозорга ўтиш босқичма-босқич белгиланади.

Республиканинг ислоҳотларга қадар бўлган даврдаги иқтисодиёти собиқ совет маъмурий-буйруқбозслик тизими доирасида вужудга келганди. Унинг учун хос бўлган хусусиятлар аниқ қўринишда хомашё манбай бўлганлиги, республикага ҳалқ истеъмоли моллари етказиб берилишида марказга қарамлиги, амалда ишлаб чиқариш салоҳиятининг четдан келтирилган маҳсулотларга бутунлай боғлиқлиги ҳисобланган. Бу хусусиятлар биргаликда ривожланишининг ижтимоий масалаларига бевосита таъсир кўрсатган.

Хомашё ишлаб чиқаришга ихтисослашганлик республика аҳолиси даромадларининг паст даражада бўлишини билдиради, чунки қайта ишловчи тармоқларда ва пировард маҳсулотлар ишлаб чиқаришда банд бўлганларнинг даромади доимо устун даражада хомашё тармоқларида банд бўлганларнинг даромадига нисбатан юқори бўлган.

Чунончи, Ўзбекистон 1988 йилда оиласларнинг аҳоли жон бошига тўғри келган жами даромадининг миқдори бўйича Тожикистандангина оддинда бўлиб, собиқ СССРда 14-ўринн эгаллаганди. Ўшанда ишчи ва хизматчилар оиласларидаги жон бошига тўғри келган ўртacha даромад Литвада — 181,6 рубль, Латвияда — 180,4 рубль, Эстонияда — 177,9 рубль, Белоруссияда — 163,6 рубль, Ўзбекистонда эса — 100,6 рубль бўлганди. Иқтисодиётнинг аграр характери деҳқонларнинг даромади юқори бўлишини таъминлаши лозим эди, аммо бундай бўлиб чиқмади.

Ўзбекистон деҳқонларининг даромадлари миқдори бўйича собиқ СССРда 14-ўринда эди. Масалан, жамоа

хўжаликлари аъзолари оиласарининг бюджети маълумотларига кўра 1988 йилда, уларнинг даромадлари Эстонияда — 211,2 рубль, Латвияда — 177,8 рубль, Литвада — 191,1 рубль, Белоруссияда — 158,7 рубль, РСФСРда — 142,7 рубль, Ўзбекистонда — 70,6 рубль бўлган.

Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларида ижтимоий муаммолар узоқ вақт ҳал этилмай келди. Четдан келтириладиган ҳалқ истеъмоли молларининг ҳиссаси юқорилиги туфайли истеъмол талабини анча камайтирди ва истеъмол бозорида катта дефицит ҳосил бўлди. Ишлаб чиқаришнинг технологик қарамлиги республиканинг ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланган ҳолда моддий фаровонлик ва ижтимоий ривожланишини яхшилаш имкониятини йўққа чиқаради.

Бу ҳақда, хусусан, қуйидаги фактлар далолат беради. Собиқ СССРда 75 рублдан кам даромадга эга бўлган шахслар кам таъминланган ҳисобланган, Ўзбекистонда эса 1990 йилда бундай шахслар аҳоли умумий сонининг 43 фоиздан ортигини ташкил қилганди. Демографик хусусиятлар туфайли 16 ёшгача бўлган болалар ҳам аҳолининг таҳминан шунча фоизини ташкил қилган. Натижада битта ишловчига тўғри келадиган ижтимоий юқ даражаси юқори бўлган. Масалан, 1990 йилда ҳалқ хўжалигига банд бўлганлар аҳолининг 40 фоиздан камроғини, боқимандалар эса 45 фоиздан кўпроғини ташкил қилганди³⁸.

Ислоҳотларга масъулият билан ёндашилса, бундай ҳолатлар иқтисодиётнинг бозор нуқтаи-назаридан жадал эркинлаштириш имкониятини истисно қиларди, чунки бу ижтимоий муаммоларнинг йўл қўйиб бўлмайдиган кескинлашувига олиб келарди (ҳозирги даврда бу борада МДҲ мамлакатлари бўйича кўплаб ҳолатлар бўлиб, у ерларда бозорнинг эркинлашуви кейинги ижтимоий муаммоларга тегишли тузатишларсиз ўtkазилган).

³⁸ Батафсрок қ а р а н г: Вахабов А. В., Хакимова М. А. «Проблемы и опыт социальных реформ в Узбекистане». Социальные реформы в странах с переходной экономикой, — М., 1997 й., 120—146-бетлар.

Шундай қилиб, ислоҳотларнинг ижтимоий компоненти уларни муваффақиятли амалга оширишнинг биринчи зарурий шарти ҳисобланади. Ислоҳотларнинг ўзбекча моделида, бозор иқтисодий қонуниятларига мувофиқ, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжлари биринчи навбатдаги масала бўлиб қолди, яъни бозор иқтисодиётининг шаклланиши уларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак. Унда кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмини яратиш бозор иқтисодиёти томон барқарор ҳаракатнинг ва мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг негизи ҳисобланади.

Ислоҳотларнинг барча тамойилларида мавжуд бўлган бош хусусияти ижтимоий масалалар билан боғлиқлигидир. Бу ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти моделларидаги тафовутларнинг илгари аниқланган мезонларига тўла мувофиқ келади.

Айни маҳалда, ислоҳотларнинг бошланишида ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда асосий юк давлат зиммасига тушади. Бозор иқтисодиётининг ижтимоий ўзини-ўзи йўналтиришининг ички омиллари, унинг асослари бўлмагани сабабли ишлай олмайди. Шунинг учун асосий масалаларни амалда бевосита давлат бошқаруви усуllари, жумладан, тўғридан-тўғри пул тўловлари, турли-туман имтиёзлар мажмунини вужудга келтириш, истеъмол моллари ва хизматлар нархидаги фарқларни қоплаш учун дотация бериш, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларининг энг муҳим турларини тақсимлашнинг меъёрланган тизимидан фойдаланиш каби усуllар билан ҳал этиш мумкин эди.

Ўзбек моделида бош ислоҳотчи бўлган давлат ижтимоий фаровонлик, ижтимоий тинчлик ва барқарорликнинг кафили сифатида намоён бўлади. У ўзининг ижтимоий вазифасини бажарар экан, молиявий ресурсларнинг асосий қисмини ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлашга сарфлайди. Бюджет ҳаражатлари бу тўғрисида далолат беради (*16-жадвалга қаранг*).

16-жаде ай

Ўзбекистон давлат бюджетининг ижтимоий соҳага харажатлари (млн. сўм ҳисобида)

Кўрсатчилар	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000
1. Барча харажатлар	32,4	195,9	1995,3	21619,6	98582,4	203287,2	317207,2	466822,7	658700,0	944600,0
2. Ижтимоий соҳага харажатлар	9,2	70,8	727,9	9388,3	36388,3	70124,1	112851,2	164842,4	242500,0	331400,0
3. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашга харажатлар:										
а) жами, млн. сўм	9,1	44,1	472,0	4475,3	7985,2	20735,3	35527,2	46682,3	61000,0	72400,0
б) бюджет харажатларига нисбатан % да	28,0	22,5	23,7	20,7	8,1	10,2	11,2	10,0	9,3	7,7
в) ЯИМга нисбатан % да	14,8	10,3	9,3	6,9	2,7	3,7	3,6	3,4	2,9	2,3

* Ўзбекистон Республикаси Молия ва Макрорекондидёт ва статистика вазирликтарининг ҳисоботлари бўйича тузилган.

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича тадбирлар турли-туман эди. Бироқ, даставвал улар учун асосийси озиқ-овқат товарлари нархларига дотациялар ажратиш, сўнг эса адресли ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун ресурс ажратишдан иборат бўлганди (*17-жадвалга қаранг*).

Агар илгари ижтимоий қўллаб-қувватлаш оммавий тусга эга бўлиб давлат томонидан аҳолига сотиладиган озиқ-овқат товарлари нархларига дотациялар жорий этишдан иборат бўлган ва у ортиб бораётган трансферлар билан қопланган бўлса, кейинчалик дотацияли нархлар фақат аҳоли фойдаланадиган истеъмол товарлари ва коммунал хизматларнинг чекланган доираси учун сақлаб қолинди. Бундай ҳолат бозор қонунлари ижтимоий соҳага ҳам жорий этила бошлагани билан изоҳланади-ки, бунда меҳнатга яроқли фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан ўзини ўзи ҳимоя қилиши энг муҳим бозор қоидасига айланди.

Бозор ислоҳотларининг чуқурлашиб боришига мувофиқ тақсимот бозор қонунларининг амал қилиш соҳаси кенгайди; унинг моҳияти жамиятнинг жами меҳнати билан яратилган моддий неъматлар ва хизматлар иқтисодиётнинг ҳар бир субъекти эга бўлган ресурслар миқдори ва улардан фойдаланишнинг са-марадорлигига асосан тақсимланади. Бу қонун боқимандаликни, бинобарин, иқтисодий муаммоларга истеъмол ёндашувни истисно этади. Ушбу қонунларнинг амал қилишига кўра, ижтимоий ҳимоя ўз обьектини ўзгартиради ва жамиятнинг обьектив ҳолатига кўра, қанчалик истамасин, истеъмол неъматлари билан ўзини ўзи минимал ҳажмда ҳам таъминлай олмайдиган аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлашга қаратилади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини қайта йўналтириш бозор тақсимоти қонуни билан эмас, балки жамиятнинг муҳтоҷ аъзоларига жамиятнинг бошқа аъзолари томонидан ёрдам кўрсатишнинг инсонпарварлик қоидаларидан келиб чиқади. Бу қоида давлатнинг ижтимоий фаолияти орқали рўёбга чиқарилади. Бу — моддий асос ҳали етарли бўлмаса-да, иқтисодиётни бозорга хос ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичларида шаклланаётган аралаш иқти-

17-жадовали

**Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг ахолини ижтимоий ҳизмоялашга
сарфлайдиган ҳаражатлари тузилиши***

Ҳаражатлар таркиби	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999
1. Коммунал хизматларга дотация, млн. сўм	0,3	8,7	104,0	515,2	3433,1	8245,4	7678,5	12406,8	16728,4
2. Нафакалар, млн. сўм	4,7	87,2	28,9	595,2	4304,2	14205,2	23507,1	29039,0	41333,9
3. Ноозик-овқат товарларига субсидия, млн. сўм.	0,2	4,5	118,3	21,9	220,3	344,9	80,9	368,1	376,2
4. Трансферлар, млн. сўм	0,2	2,0	37,0	105,3	2664,4	201,4	228,2	456,0	7993,0

* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хисоботлари бўйича тузилган.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ижтимоий фондлар

содиёт тизими учун хос бўлган бозор ва нобозор тақсимотини мувофиқлаштириб боришдан дарак беради.

Бундан, ҳозирги бозорга ўтиш жараёнида, илгари мавжуд бўлган ижтимоий истеъмол фондларини тақсимлаш шаклига эга бўлган анъанавий тақсимлаш шакллари социализмдан мерос қилиб олинган эндоген омиллар таъсири остида неъматларни аҳолининг ноҷор қатламлари фойдасига нобозор тақсимлаш шаклига айланади, деб хулоса чиқариш мумкин.

Тақсимлашнинг инсонпарварлик қоидалари қадимдан, ҳаётий неъматлар аҳолининг айрим қатламлари эҳтиёжидан ортиқча яратилиши муносабати билан юзага келган. Уларнинг кўлами арзимас бўлган, бироқ жамиятнинг ишлаб чиқариш салоҳияти ошгани сари кенгайиб борган. АРАЛАШ ТИЗИМ ДЕБ АТАЛГАН ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАШГАН БОЗОР БОСҚИЧИДА ИҚТИСОДИЁТИНИ ИНСОНПАРВАРЛАШУВИ МИҶЕСИ КЕНГАЙИБ БОРАДИ ВА МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИННИГ ЮҚОРИ ДАРАЖАСИДАН КЕЛИБ ЧИҚАРДИ. Бозор тизимига эндиғина қадам қўяётган мамлакатлар бундай имкониятларга эга эмаслар. Бироқ, бозор иқтисодиётига ўтаётган ёш давлатлар ўз салоҳияти имкониятлари доирасида ва хориждан кўрсатилаётган инсонпарварлик ёрдамига таяниб, аста-секин гуманистик тақсимот қоидаларини рӯёбга чиқаришмоқда. Ҳозирги босқичда Ўзбекистонда шакланаётган ижтимоий фондлар шундан далолат беради.

Ижтимоий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши самарали танлашнинг бозор қонунларига қараганда кўпроқ инфляция ва нарх-навонинг ошиши шароитида аҳоли даромадларини қўллаб-кувватлаш мақсадида фойдаланишни талаб қилганди. Бу бозор механизмини ҳамма жойда жорий этишга муайян даражада тўсқинлик қилган бўлса-да, жамиятда барқарорликни таъминлаганди.

Аслида бундай ҳолат иқтисодий ислоҳотлар жараёнининг ижтимоий масалалари ҳал қилинишига кўп даражада боғлиқлигини билдиради, яъни ислоҳ қилишининг мазмуни унинг ижтимоий йўналиши билан белгилаб берилган.

Ватанимиз илмий адабиётларида кучли ижтимоий сиёsatни амалга оширишнинг икки босқичини ажра-

тиб кўрсатиш қабул қилингандан. Биринчи босқич 1991 йилдан 1994 йилгача бўлиб, унга:

- нарх-навони эркинлаштириш ва юқори инфляция даражаси шароитида аҳоли даромадларини қўллаб-қувватлаш;
- ҳалқ истеъмоли товарларини импорт қилишга кучли даражада боғлиқ бўлган ҳолатда миллий истеъмол бозорини ҳимоялаш;
- аҳолининг янги иқтисодий шароитларга мослаша олмаган кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш сингари устувор жиҳатлар хосдир.

Бу устувор жиҳатларни фақат бир усул билан — республика аҳолисининг барча қатламларини олдиндан ижтимоий ҳимоялаш воситасида амалга ошириш мумкин эди ва бозорга кириб бориш жараёнлари устидан талаф этилган ижтимоий назоратни таъминларди.

Иккинчи босқич доираси, одатда, 1994 йил охиридан ҳозирга қадар белгиланган. Бу босқични ажратиб кўрсатишда умумий ижтимоий ҳимоя тизимидан ишончли ижтимоий кафолатлар механизмини яратишга ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга босқичма-босқич ўтиш мезон қилиб олинган. Аҳолининг барча қатламларини тенг ижтимоий ҳимоялаш тизимидан турли ижтимоий қатламлар ва гуруҳларга табақалашган ҳолда ёндашишга аста-секин ўтила бошланди. Республика мизда адресли ижтимоий ҳимоя қилиш тизими деб аталмиш — жаҳонда энг кенг тарқалган ва ҳалқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланадиган тизим рўёбга чиқарила бошланди.

Ўзбекистонда бу тизимнинг энг муҳим хусусиятлари:

- бюджет маблағларини асосан қонун билан белгиланган иш ҳақининг энг кам миқдорини, пенсияларни, нафақаларни аҳолининг энг муҳтоj қатламларига тўлашга сарфлаш, фуқароларнинг маълум тоифалари учун текин ижтимоий хизматлар кўрсатишни таъминлаш;
- аҳолида даромадларни жамғариш ва турли сурфта фондларига инвестициялаш майлини шакллантириш учун ташкилий ва ҳуқуқий шароит яратиш;

- ўзи учун ҳаёт кечиришнинг энг кам стандартларини таъминлашга қодир бўлмаган истеъмолчиларга қатор ижтимоий хизматлар учун бевосита трансферлар бериш;
- иш ҳақини ўз вақтида тўлаб бориш ва мунтазам индексациялаб бориш воситасида ишловчиларни ижтимоий-иктисодий ҳимоялашнинг самарали тизимидан иборат бўлди.

Иктисодиётдаги ислоҳотлар чуқурлашиб боришига ва ишлаб чиқариш ўсишига кўра бутун ижтимоий ёрдам тизими такомиллашмоқда, унинг ресурслари кўпаймоқда. Масалан, 2000 йилда Ўзбекистон бюджетида кам таъминланган фуқаролар ва кўп болали оиласларни қўллаб-қувватлаш учун 1998 йилдаги 32,2 миллиард сўм ўрнига 42,4 миллиард сўм ажратилди. Ижтимоий ёрдамнинг турлари кўпайиб, унинг янги шакллари вужудга келди. 18-жадвал маълумотлари бундан далолат беради.

18-жадвалдан маълум бўлишича, биринчидан, пулли ёрдам кўрсатилган оиласлар қамрови камайган ҳолда, бу ёрдамнинг ўртача миқдори ортган. Иккинчидан эса ёрдам олувчи шахслар сони ва ёрдам миқдори органи ҳолда аҳолининг маълум қатламларига бир йўла моддий ёрдам қўлланила бошланди.

Шу тизимга ўтилганлиги туфайли жамиятнинг бойларга ва камбағалларга ажралиши, улар орасидаги тафовутларнинг ҳаддан ташқари катта бўлиб кетишига йўл қўйилмаслигига эришилди. Масалан, Ўзбекистонда жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, энг бой 10 фоиз аҳоли билан энг камбағал 10 фоиз аҳоли даромадларидағи фарқ ижтимоий хавфсизлик мезонига мувофиқ 10 баравардан катта бўлмаслиги керак. Ўзбекистонда бу фарқ иктисодий ислоҳотларни амалга ошириш йиллари қўйидагича бўлди: 1991 й. — 8,3; 1992 й. — 8,8; 1995 й. — 9,3; 1996 й. — 8,4; 2000 й. — 10,5 баравар³⁹. МДҲнинг қатор мамлакатларида (масалан, Россия, Қозогистон, Қирғизистонда) бу кўрсаткич айrim йиллари 15—20 бараварга етди.

³⁹ «Иктисодиётни эркинлаштириш даврила бандлик, меҳнат бозори ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш» мавzuидаги ҳалқаро семинар материаллари, Тошкент, Ўзбекистон, 2000 йил, 5—8 апрел.

Умуман таъкидлаш зарур, Ўзбекистонда реал амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий чоралар комплекси бизда ижтимоий бошқаришнинг самарали тизими яратилганини таъкидлаш имконини беради. Мамлакатимиз иқтисодий адабиётида мазкур муаммо етарлича тадқиқ этилмаяпти. Шу боис, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ўзбек моделининг алоҳида хусусиятларидан бири сифатида ижтимоий бошқаришнинг юқори макроиқтисодий функционал ролини ажратиш мақсадга мувофиқдир.

18-жадвага

*Ўзбекистонда оиласаларга давлат томонидан бериладиган ижтимоий ёрдам**

	1996	1998	1999	2000
1. Кам таъминланган оила сифатида моддий ёрдам оиласалар (%)	14,5	11,8	10,3	7,0
2. Моддий ёрдамнинг ўртача ойлик миқдори (сўм)	600	1731,4	2716,0	4168,0
3. Нафақа олган болали оиласалар (%)	81,4	36,0	28,7	18,2
4. Нафақанинг ўртача миқдори (сўм)	300	1483,4	2336,0	3271,0
5. Оиласага берилган ўртача ижтимоий ёрдам (кам таъминланганлик учун ва болаларга нафақалар) (сўм)	900	3214,8	5052,0	7439,0
6. 1 сентябрда совга тўпламларини олган биринчи синф ўқувчилари сони (минг киши)		685,7	650,0	633,9
7. Тўпламнинг ўртача нархи (сўм)		1400,0	1817,0	2856,0
8. Кам таъминланган оиласаларда киши кийим комплексини олган болалар сони (минг киши)		388,8	394,1	312,4
9. Бир комплектнинг ўртача нархи (сўм)		2586,0	3984,0	5964,1

* Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва Молия вазирликлари маълумотлари асосида ҳисобланган.

Бундай қоиданинг исботи сифатида, биринчидан, жамиятда ижтимоий уйғунлик устувор бўлган тарихий келажакнинг қатъий белгиланган қиёфасини ишлаб чиқишидан, иккинчидан, ҳозирги шароитда ижтимоий ривожланиш тамойилларини аниқ белгилашдан, учинчидан эса, дастлабки икки элементнинг ҳар бирини иқтисодий асослашдан фойдаланиш мумкин.

Айни маҳалда миллий моделнинг ажратиб кўрсатилган бу хусусияти ижтимоий бошқариш тизимининг ўзи аста-секин ўзгариб ва такомиллашиб бориши билан ҳам характерланади. Бундан кейинги ривожланиши эркинлаштирилган шаклларда амалга ошириш мўлжалланаётган ҳозирги пайтда бу айниқса яқъол намоён бўлмоқда.

Лекин, фикримизча, ижтимоий сиёсатнинг янги, учинчи босқичини шу нуқтаи назардан ажратиб кўрсатиш зарур ва унга ватанимиз фанида эътибор берилмаётпти.

Назаримизда, бу босқичнинг бошланиши Олий Мажлиснинг XIV сессиясида жамиятнинг ҳамма соҳаларини эркинлаштириш вазифасининг қўйилиши билан белгилаб берилди. Бу қоидани тўлароқ исботлаш учун, иқтисодий соҳани эркинлаштиришнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов томонидан ижтимоий масалаларга қўйиладиган талаблардан келиб чиқиб баён этилган⁴⁰ асосий йўналишларини таҳлил қилиш зарур.

Биринчидан, ҳар томонлама эркинлаштириш — мулк масаласини тубдан ҳал этиш ва шу асосда мулкдорлар синфини шакллантиришдан бошланади. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифаларидан бири — «Хусусий мулкнинг миқёси ва улуши узлуксиз ўсиб борадиган кўп укладли иқтисодиётни ривожлантиришдир. Дунё тажрибаси шундан далолат берадики, жамиятда том маънодаги мулкдорлар синфининг кўпчиликни ташкил этиши ижтимоий ҳаётдаги барқарорлик ва фаровонликнинг кафолати бўлиб хизмат қиласди»⁴¹.

⁴⁰ К а р а н г: Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Тошкент, «Ўзбекистон», 1999.

⁴¹ Каримов И. А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пиронард мақсадимиз. — Т.: Ўзбекистон, 2000. 19—20 б.

Айни маҳалда чет эл тажрибасидан яхши маълумки, мулқдорлар синфи, ўз ижтимоий муаммоларини, асосан, нодавлат фонdlар орқали сугурталаш усули билан ҳал этади. Бу ҳол келажақда мулқдорлар синфи шакллантирилиши билан баробар аҳоли қўпчилик қисмининг ижтимоий ҳимоялашнинг мазмунан ва шаклан бошқача тизими таркиб топишини билдиради.

Бу устувор вазифани бажариш учун республикада қишлоқда пай муносабатлари, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш орқали эгалик туйгусини тиклаш, ишлаб чиқаришни бошқаришда акциядорларнинг ролини ошириш, хусусий тадбиркорликни, айниқса, унинг кичик ва ўрта шаклларини ривожлантириш бўйича тадбирларнинг бутун бир комплекси мўлжалланган.

Мазкур устувор жиҳатлар орасида, ўз табиатига кўра, аслида ривожланишнинг «ўзбек модели»га хос бўлган корпоратив хусусий мулк пай мулки муносабатларини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади. Қишлоқда пай мулки —жамоа хўжалиги мулкининг хусусий мулкка айланишидир. Бу бозор ислоҳотларининг агарар соҳада амалга оширишнинг ўзига хос натижасидир. Айни маҳалда бундай мулк МДҲ мамлакатлари орасида фақат Ўзбекистонга хослигини таъкидлаш лозим.

Қишлоқда пай мулкининг шакллантирилиши даромадлар манбалари ва шаклларини ўзгартирали, уларни тақсимлашда янги жиҳатларни жорий этади. Узбекистонда мулкдан даромад олиш шаҳарга хос эди, пай мулкининг юзага келиши билан даромаднинг бу шакли қишлоққа ҳам кириб келди.

Мулқчиликнинг пай муносабатлари хусусияти шундан иборатки, пай мулкдан дивиденд шаклида даромад олиш ҳуқуқини беради. Бундан ташқари, пай соҳиби ширкат хўжалигида ишлашдан ҳам меҳнат даромади олади. Пай муносабатларида ишловчи бир томондан мулқдор бўлса, иккинчи томондан меҳнаткаш ҳисобланади.

Пай сифатидаги меҳнат ва ресурслар даромаднинг икки манбаи тарзида зоҳир бўлади, лекин даромадлар бир шахс — пай соҳиби томонидан ўзлаштирилади. Пай муносабатларининг ривожланиши ширкат аъзоси бўлган деҳқонларнинг индивидуал даромадларининг

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш
даврида ижтимоий фондлар

ошишига олиб келади ва ўз навбатида қишлоқда ижтимоий фондларни ривожлантириш учун шароит яратади.

Пай мулки аста-секин ривож топмоқда. 19-жадвалда келтирилган маълумотлар шундан далолат беради.

19-жадвал

1998 йилда Ўзбекистон вилоятларида пай мулки

Вилоятлар	Пай фонди миқдори, жами млн. сўм	Шу жумладан		Битта пайнинг ўртача баҳоси	
		Ернинг қиймати млн. сўм	Ернинг қиймати сиз пай фонди, млн. сўм	Ернинг қиймати билан бирга, минг сўм	Ернинг қиймати сиз, минг сўм
1. Қорақалпоғистон	2776,9	2632,1	124,8	666,2	29,9
2. Андижон	831,6	810,9	20,7	311,9	7,8
3. Бухоро	1795,6	1762,7	32,9	563,2	10,3
4. Жиззах	1796,0	1770,3	25,7	907,5	13,0
5. Қашқадарё	2413,0	2236,3	176,7	248,8	18,2
6. Навоий	1509,2	1448,5	60,7	508,1	20,4
7. Наманган	4138,7	4073,9	64,8	427,2	6,7
8. Самарқанд	1515,6	1453,7	61,9	524,8	21,4
9. Сурхондарё	2369,0	2232,3	136,7	729,2	42,0
10. Сирдарё	867,2	847,1	20,1	340,0	79,0
11. Тошкент	3013,6	2937,9	75,7	857,8	21,5
12. Фарғона	2146,2	2119,4	15,8	473,3	5,9
13. Хоразм	561,6	514,4	47,2	285,4	24,0
Ўзбекистон бўйича жами	25734,4	24859,7	874,7	485,0	16,5

* Жадвал Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 52 тумандаги 60 ширкат хўжаликдан танлаб олинган материаллар асосида тайёрланган маълумотлар бўйича тузилди.

Бундан ташқари, нодавлат ижтимоий фондларининг ривожланиш истиқболи ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири бўлган қишлоқни фермерлаштириш билан ҳам боғлиқдир. Фермер хўжаликлари даромадининг юқорилиги билан ширкатлардан фарқ қиласи, қишлоқда бой кишилар қатламларини яратади ва уларнинг хайрияси ҳисобидан маҳсус қишлоқ ижтимоий фондлари вужудга келтирилиши мумкин.

Эркинлаштириш жараёнида тадбиркорлик эркинлиги учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароит яратиш, кичик ва ўрта бизнесни кенг ривожлантириш учун барча йўлларни очиб бериш, тадбиркорлар тузилмаларини, айниқса, ҳалқаро молиявий ташкилотлар йўли билан кредит ресурсларидан доимий фойдаланиш механизмини соддалаштириш, жиддий равишда эркинлаштириш мўлжалланмоқда.

Тадбиркорларнинг молия, банк ва бошқа бозор тузилмалари билан ўзаро муносабатларини мустаҳкамлаш, уларнинг хомашё ресурсларидан фойдаланишини кенгтайтириш, улар чиқараётган маҳсулотни республика ичida ҳам, ундан ташқарida ҳам сотиш бозорини кафолатловчи тизимларни яратиш, кичик бизнес учун бошқарувчи кадрларни тайёрловчи бизнес-мактаблар тармогини яратиш зарур, токи шулар ва бошқа кўплаб ташкилий тадбирлар иқтисодиёт тизимида кичик, ўрта ва хусусий бизнес муносиб, белгиловчи ўрин эгаллашига, яқин икки-уч йил ичida кичик ва хусусий корхоналар сонини икки баравар кўпайтириб, ЯИМда уларнинг ҳиссасини 25 фоизгача етказишга олиб келсин.

ЯИМ ишлаб чиқариш структурасининг бу қадар жиддий ўзгариши уни тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва пировард фойдаланиш, шу жумладан ижтимоий ривожланиш мақсадида фойдаланиш жараёнларида муқаррар равишда акс этади.

Иккинчидан, иқтисодиётни эркинлаштириш реал рақобат муҳитини шакллантириш билан бевосита боғлиқ. Ҳозирги пайтда республикада «Монополистик фолиятни чеклаш тўғрисида» қонун қабул қилинган, бироқ у амалда иш бермаяпти. Ҳатто, статистик маълумотларга кўра давлат тузилмалари қолмади, деб ҳисобланган савдо, хизмат соҳаларида ҳам монопол

тузилмалар фаол шаклланиб, иш олиб бормоқда. Шунинг учун монополияга қарши қонунларни жиддий равишда ишга солиш, монопол тузилмаларни камайтириш ва тугатиш бўйича амалий чоралар кўриш, табиий монополиялар тўғрисида қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, истеъмолчилар хукуқларини ҳимоялашни кучайтириш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва бошқа кўплаб тадбирлар мўлжалланган.

Бу тадбирларнинг барчаси ишлаб чиқарувчилар истеъмолчиларнинг талабларини қондиришга ҳаракат қилишига олиб келади ва бозорнинг ички ижтимоий ўзини ўзи йўналтиришини кучайтиради. Бошқача айтганда, иқтисодий ривожланиш миллий моделини ижтимоий йўналтиришнинг ташқи омиллари ролини пасайтириш учун барча шарт-шароит яратилади.

Учинчидан, иқтисодиётни эркинлаштириш бозор инфраструктурасини ривожлантириш, молия ва банк тизими фаолиятини такомиллаштириш билан чамбарчас боғлиқ. Афтидан, тармоқланган бозор инфраструктураси — фонд ва ултуржи бозорлари, биржалар, кредит ва молия муассасалари, лизинг ва консалтинг компаниялари, тадбиркорларга хизмат кўрсатиши лозим бўлган бошқа тузилмалар шакллантирилиб, тўла ишга туширилмас экан, уларнинг иқтисодиётдаги роли ва ўрнини мустаҳкамлашга, иқтисодиётни очик, эркин қилишига эришолмаймиз.

Бозор инфраструктурасини барча даражаларда изчил ва тизимли шакллантириш амалиёт ва қонунчилик фаолиятида устувор вазифа сифатида қаралади.

Лекин, шу билан бир қаторда, бу инфраструктурада ижтимоий ривожланишнинг маблағ билан таъминлашнинг эркин иқтисодиёт талабларига мувофиқ келувчи янги шакллари ҳам ўз ўрнини топиши зарур. Бу вазифа Республикаиз олдида объектив равишда кўндаланг бўлади ва уни ҳал этиш учун талаб этилаётган вариантлар ва моделларни ҳозирнинг ўзидаёқ ишлаб чиқиш лозим.

Тўртингидан, ҳозирда қаттиқ тартибга солинган ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил қилишнинг бутун тизими тубдан қайта кўриб чиқилади. Бу тизимда маъмурий тартибга солиш методлари иқтисодий, тарифлар билан тартибга солишга қараганда устунлик

қилмоқда. Иқтисодиётимизга хорижий капитални кенгроқ жалб этиш, уни таркибий жиҳатдан ўзгартириш, хорижий инвесторларни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёнлари, жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил қилишда фаол иштирок эттириш учун ташки иқтисодий фаолиятнинг бутун жаҳонда қабул қилинган цивилизациялашган шаклларига жадаллик билан ўтиш зарур.

Миллий иқтисодий ривожланишни эркинлаштиришнинг бу йўналишида ижтимоий йўналиш сифатини ошириш учун тузилган ва иш олиб бораётган халқаро фондлар ва тузилмалар билан ҳамкорликни кенгайтириш борасида катта имкониятлар мавжудлигини ҳисобга олиш зарур. Буларнинг кўпчилиги нодавлат фондлар ва ташкилотлар бўлиб, улар билан давлатнинг ижтимоий сиёсати доирасидан ташқаридагина ўзаро алоқада бўлиши мумкин ва ижтимоий бошқаришнинг бошқача шаклларини талаб қиласди.

Бешинчидан, валюта бозорини эркинлаштириш, бизнинг миллий валютамизни тўла конвертациялаш ва 2000 йилдан бошлаб эркин конвертациялашган валютага айлантириш борасида аниқ вазифа қўйилди.

Бундай шароитда тижорат банкларининг узоқ муддатли инвестиция лойиҳаларига, капитални узоқ муддатга жалб этишга қизиқиши кучаяди. Уларда, шунингдек, турли ижтимоий фондларга, айниқса, корхоналар ва аҳолининг анча маблағини ўзида тўплайдиган, сугурта асосида ташкил қилинадиган фондларга бевосита қизиқиш объектив равишда ортади. Ижтимоий фондлар амал қиласдиган янада мураккаб механизмга эҳтиёж пайдо бўлади, улар маблағларини узоқ муддат сақлаш мақсадида бир қисмини йирик инвестицион лойиҳаларга, хусусан, халқаро характердаги мақсадларга сарфлаш зарур бўлади.

Ижтимоий таъминот механизми инвестиция жараёнларига тобора кўпроқ қўшилиб боради, бу эса табиий равишида ижтимоий бошқарувнинг янги шаклларини талаб қиласди.

Олтинчидан, рафбатларни мустаҳкамлаш, хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича кафолатлар ва имтиёзларни кенгайтириш, кулай инвестиция мухитини

яратиш бўйича иш давом эттирилади. Ўзбекистон бозори ўз бизнесига эга бўлишни истаганлари учун тобора жозибадор бўла боради.

Бозорда хорижий иштирокчиларнинг қатнашиши, аввало, ижтимоий ҳимоя бўйича жаҳон ҳамжамиятида қабул қилинган стандартларга жавоб берадиган тегишли чора-тадбирларни талаб қиласди.

Еттинчидан, иқтисодиётни эркинлаштириш энг аввало, давлатнинг, турли текширувчи ва назорат қилувчи органларнинг корхоналар хўжалик фаолиятига аралашувини чеклаш билан боғлиқ. Иқтисодиётни эркинлаштириш хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз фаолияти натижалари учун иқтисодий ва молиявий жавобгарлигини ошириш бўлиб, бу уларнинг ушбу корхоналарда ишловчиларнинг ижтимоий ҳимояланганлигини таъминлаш масалаларига ҳам муносабатини объектив тарзда ўзгартиради.

Шундай қилиб, миллий иқтисодиётни эркинлаштиришнинг барча асосий йўналишлари бўйича ишловчилар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояланганлигини таъминлашга, унинг самарадорлигини оширишга янгича ёндашуввларга объектив равишда эҳтиёж шаклланишини кўриб турибмиз. Эндиликда эркинлаштириш талаблари, унинг қоидалари икки аср чегарасида ўзбек моделининг асосий тавсифларидан бирни бўлиб қолаётгани боис бевосита ижтимоий масалалар учун ҳам тегишли мезонларни ишлаб чиқиши зарур.

Буларнинг бари ижтимоий сиёсатда янги, учинчи босқич бошланаётгани тўғрисида хулоса чиқариш учун етарли асос бўлади. Бизнингча юқорида таърифланганидек, мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг дастлабки икки босқичида яратилган ижтимоий бошқарувнинг вертикал тизими билан бир қаторда унинг горизонтал тизими ҳам шаклланишиб, фаол ривожланиши лозимлиги бу босқичнинг асосий фарқли хусусиятларидандир.

Иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш ижтимоий жараёнларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини шакллантиришини узвий тақозо этади. Бу алоҳида исботга мухтож бўлмаган табиий тизимли талабдир. Яъни, яқин йиллар ичida ўзбек модели учун хос бўладиган янги

мазмун ижтимоий сиёсатнинг янги мазмуни ва шакллари бевосита боғлиқдир.

Умуман, мамлакатимизда эркинлаштириш жараёнида турмуш даражасини ошириш бўйича аниқ вазифа, жумладан, яқин беш йил ичидаги аҳоли жон бошига даромадни 1,8—2,0 баравар ошириш вазифаси қўйилган. Бунга иқтисодиётнинг нодавлат секторини ривожлантириш, хусусан, бозор даромадларини ошириш ҳисобига эришилиши лозим. Бундай ҳолат нодавлат ижтимоий фондларни ривожлантириш учун қулай шароит яратади.

Ҳозирги даврда ўзбек модели хусусиятларини, ижтимоий таркибига кўра, аксарият давлатники деб баҳоламоқ лозим. Бу бозор иқтисодиётининг ички ва ташқи ижтимоий йўналганлиги балансини муайян даражада бузади. Миллий иқтисодиётни эркинлаштириш мазкур баланснинг яқин йилларда шаклланиши лозимлиги масаласини қўяди.

Бундай талаб, параграфнинг бошида қайд этилганидек, ижтимоий сиёсатнинг мазмуний шаклларини изчилик билан ўзgartиришни тақозо қилувчи ислоҳотларнинг босқичма-босқичлиги тамойилига тўла мувофиқ келади.

Ижтимоий ривожланишнинг янги шакллари, қоидалари ва бошқарини услублари билан боғлиқ бўлган ижтимоий муаммолар соҳасидаги тадқиқотларнинг илмий долзарблиги юқоридагилар билан белгиланади.

Бу йўналишдаги тадқиқотлар муаммолари ўзаро боғлиқ бўлган уч компонентни ўрганиш — нодавлат ижтимоий фондларнинг вужудга келтирилиши ва уларнинг амал қилиши ва мақсадга йўналтирилган давлат ижтимоий сиёсатининг амалга оширилиши бўйича ҳорижий мамлакатлар тажрибасини умумлаштириш; Ўзбекистондаги ижтимоий фондларнинг ҳозирги ҳолати ва уларнинг амал қилиш хусусиятларини тадқиқ этиш; миллий иқтисодиётни эркинлаштириш даврида ижтимоий масалаларни ҳал этишининг истиқболли янги шаклларини аниқлашни тақозо этади.

4.2. Давлат ижтимоий фондлари

Миллий иқтисодиётдаги ижтимоий фондлар ўтиш давридаги тақсимот муносабатлари маҳсулни бўлиб, катта ижтимоий юкни кўтаради. Улар фирмалар, корхоналар, уй хўжаликлари ва давлат сингари иқтисодиёт субъектлари даромадларини қайта тақсимлаш жараёнида шаклланади. Хўжалик юритувчи субъектлар ўтиш иқтисодиётининг кўп укладли хусусиятига мувофиқ мулкчиликнинг турли шаклларида корхоналардан иборат бўлади.

2000 йил 1 январига келиб мамлакатда 178,3 минг иқтисодиёт субъекти бор эди, улардан 159,7 минг бирлиги (ёки 89,6 фоизи) нодавлат корхоналардир. Давлат сектори давлат мулки бўлган корхоналардан иборат, нодавлат корхоналар орасида эса хусусий, акционерлик ва қўшма корхоналар, дехқон ва фермер хўжаликлари, кооперативлар, уюшмалар ва хўжалик ширкатлари бор.

2000 йил 1 январига келиб нодавлат корхоналарда барча банд кишиларнинг 73 фоизи меҳнат қилиб, улар Ўзбекистон ЯИМнинг 63,6 фоизини ишлаб чиқардилар.


Кўп укладли иқтисодиёт ўз мазмунига кўра тақсимлаш муносабатларининг бозор ва нобозор характеристини тақозо этади. Тақсимлашнинг бу аралаш жараёнида молиявий муносабатларнинг ўтиш характеристини ифодалайдиган ижтимоий фондлар шаклланади. Ижтимоий фондлар ҳолати иқтисодиётдаги аҳволга ва ЯИМни тақсимлаш характеристига боғлиқдир. Ислоҳотларнинг дастлабки йилларида (1991—1995 й.) ЯИМ ҳажми камайгани қўзга ташланса, кейинги йилларда (1996—1997 й.) ишлаб чиқаришнинг барқарорлашуви ва ўсиши кўринади, бу иқтисодий фаоллик жадаллашиб бораётганини акс эттиради.

ЯИМнинг ўсиши иқтисодиёт субъектларининг ижтимоий фондларга маблағ ажратиш имконияти ортаётганини билдиради. Иқтисодиётнинг кўп укладли тузилмаси, бир томондан, ижтимоий фондларни маблағ билан таъминлашнинг ихтиёрийлигини, иккинчи томондан эса — мажбурийлигини тақозо этади.

Фондларни шакллантиришнинг ихтиёрийлиги бозор муносабатларининг демократик моҳияти билан белгиланади. Ижтимоий фондларга маблағ ажратишнинг мажбурийлиги эса давлатнинг бозор иқтисодиётидаги функционал роли, шу жумладан унинг ижтимоий ва-зифалари билан олдиндан белгиланади.

Давлат субъект сифатида ўз корхоналари молиявий ресурсларининг бир қисмини ижтимоий фондларга сафарбар қиласди. У сиёсий институт сифатида қатор муҳим ижтимоий хизматлардан барча фуқаролар баҳраманд бўлишини кафолатлади, бунинг учун ўзига тегишли бўлмаган корхоналар ва муассасалар молиявий ресурсларининг бир қисмини ижтимоий фондларни шакллантириш учун сафарбар этади.

Ижтимоий фондларнинг икки йўл билан шакллантирилиши ЯИМни тақсимлаш жараённида содир бўлади. ЯИМни бирламчи тақсимлаш босқичида иқтисодиёт субъектларининг даромади таркиб топади, ушбу даромадларни қайта тақсимлаш жараённида эса турли ижтимоий фондлар вужудга келади. Буни қуйидаги схема орқали намойиш этиш мумкин (2-схема).



Ўзбекистонда ижтимоий фондлар мулкчилик шаклига боғлиқ ҳолда давлат фондлари ва нодавлат фондларидан иборатdir. Давлат ижтимоий фондлари умуммиллий характерга эга бўлиб, улардан умумий ижтимоий муаммоларни ҳал этишда фойдаланилади. Улар

«ўзбек модели»нинг ижтимоий мақсадларини амалга оширишга мўлжалланган. Уларни ташкил этишининг дастаклари давлат механизмлари орқали даромадларни аккумуляциялаш ва қайта тақсимлаш ҳисобланади.

Уларнинг ҳажми умумий ижтимоий эҳтиёжлар ва ишлаб чиқаришнинг ҳозирги даражасида уларни қондириш имкониятларига боғлиқ бўлади. Бироқ, фаол ижтимоий сиёsat олиб борилса, уларнинг ҳажмига мамлакатда яратилган моддий неъматлар ва хизматларни қайта тақсимлаш миқёслари таъсир кўrsатади. Давлат ижтимоий фондлари иқтисодиёт билан белгиланади, шунинг учун уларнинг иқтисодий имкониятлардан юқори бўлишининг чегараси бор, акс ҳолда улар иқтисодий ўсишга тўсқинлик қилиши мумкин.

Ана шу ҳолат давлат томонидан ҳисобга олинади. Давлатнинг бирлаштирилган бюджетида бюджетдан ташқари фондлар мавжуд бўлиб, улар ўз функционал вазифаларига кўра бальзилари ижтимоий, бошқалари эса иқтисодий (ишлаб чиқариш) характеристига эга бўлади.

Давлатнинг мақсадли бюджетдан ташқари ижтимоий фондларига функционал вазифаларига мувофиқ қўйидагилар киради: Ўзбекистон Республикасининг Пенсия фонди; Ўзбекистон Республикасининг Давлат Бандликка кўмаклашиш фонди; Ўзбекистон Республикасининг Касаба ўюшмалари федерацияси фонди.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фондларига қўйидагилар киради: Ўзбекистон Республикасининг Йўл фонди; Ўзбекистон Республикасининг Минерал хом-ашё ресурсларини тўлдириш фонди; Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мулк Кўмитасининг маҳсус счёти ва бошқалар.

Бюджетдан ташқари фондлар уларнинг манбаси ҳисобланмиш ЯИМнинг кўпайишига кўра ортиб боради. Бироқ, уларнинг ЯИМдаги ҳиссаси нисбатан барқарор бўлиб, буни 20-жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

Бюджетдан ташқари ижтимоий фондлар моҳиятан соғ давлат фондлари эмас, чунки улар аралаш хусусиятга эга. Улар шаклланиш манбаларига кўра, корхона ва муассасалар ажратадиган маблағлардан иборат

20-жадваба

**Ўзбекистонда бюджетдан ташқари фонdlар ҳиссасининг
динамикаси***

№	Бюджетдан ташқари фондлар	1994	1996	1998	1999	2000
1.	Ижтимоий фондлар а) млрд. сўм б) ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида в) бюджет харажатларига нисбатан фоиз ҳисобида	6,1 9,4 28,2	46,3 8,3 22,8	101,5 7,5 21,7	166,0 8,1 27,3	237,7 7,4 26,1
2.	Иқтисодий фондлар а) млрд. сўм б) ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида в) бюджет харажатларига нисбатан фоиз ҳисобида	1,1 1,7 5,1	14,9 2,7 7,3	32,2 2,4 6,9	46,3 2,3 7,6	39,3 1,2 4,3
3.	Жами а) млрд. сўм б) ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида в) бюджет харажатларига нисбатан фоиз ҳисобида	7,2 11,1 33,3	61,2 11,0 30,1	133,7 9,9 28,6	212,3 10,4 34,9	277,0 8,6 30,4

* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланди.

бўлиб, марказлашган ҳолда ва давлат назорати остида жамғарилади, давлат томонидан ўрнатилган қоидаларга мувофиқ тақсимланади ва фойдаланилади. Бироқ, уларнинг шаклланиши ва тақсимланишида касаба ўшмалари сингари нодавлат ташкилотлар ҳам иштирок этади. Бу фондларнинг аралаш характерга эгалиги уларни ҳам бир бутун ҳолда, ҳам алоҳида кўриб чиқишини талаб этади.

Ижтимоий сиёsatнинг янги босқичи талабларига мувофиқ объектив равишда фондлар сонини кўпайтириш ва уларнинг барчасини амал қилиш самарадорлигини ошишга тобора кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Айни маҳалда, ижтимоий фондларнинг бир бутун тизимида макроиктисодий доиравий айланиш таҳлилидан келиб чиқадиган уларнинг хилма-хил турлари мавжуд бўлиши лозим.

Республикада ижтимоий соҳадаги ислоҳотларнинг барча босқичларида ижтимоий сиёsatнинг асосий йўна-

Ўзбекистонда бозор иктисодиётига ўтиш даврида ижтимоий фондлар

лишлари бўйича бюджетдан ташқари фондлар шакллантирилган. Бу фондларнинг амал қилиши аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг жамиятимиз бойлигига айланган ютуқларига сезиларли ҳисса бўлиб қўшилди.


Бюджетдан ташқари ижтимоий фондларни ривожлантиришдаги ишнинг умумий ҳолатини тасаввур қилиш учун уларнинг таркиби ва динамикасини маҳсус таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ (*21-жадвалга қаране*).

21-жадвалда келтирилган барча бюджетдан ташқари фондлар муайян даражада ижтимоий йўналганликка эга. Айни маҳалда кўрсатилган йилларда уларнинг даромади ва ҳаражати таркибida жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Бу ўзгаришлар макроиктисодий роль хусусиятларида, уларни вужудга келтириш ва фаолият кўрсатишидан кўзланган асосий мақсадларга йўналтирилганликни акс эттиради.

Давлатнинг бюджетдан ташқари ижтимоий фондлари таркибida салмоқли ўринни пенсия фонди эгалайди.

Пенсия фонди даромадлари таркибининг ўзгаришини 21-жадвал маълумотлари асосида тузилган тегишли 1-диаграмма ёрдамида яққол кузатиш мумкин.

1-диаграмма



Бу ерда 1—корхона ва ташкилотларнинг сугурта бадаллари; 2—фуқароларнинг мажбурий сугурта бадаллари; 3—корхоналар ва ташкилотларнинг пенсия ва нафақа тўлашга сарфланган сугурта бадаллари даромади; 4—пеня ва жарима; 5—банк кредити; 6—сотилган маҳсулот ҳажмидан 0,5%; 7—бошқа даромадлар.

21 - жаде ал
*1994–2000 ишларда Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари фондлари (млн.сўм) **

	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000
Пенсия фонди							
Даромадлар							
корхоналар, ташкилотларниң сутурта бадаллари	5989	18806	42438,1	68571,0	101019,8	158742,3	224054,3
фуқароларнинг мажбурий сутурга бадаллари	3764,9	14077	29218,3	49912,2	67487,8	101642,0	146229,0
корхоналар ва ташкилотларнинг пенсия ва нафака тўлашча сарфланган сутурга бадаллари даромади	165,2	563,7	1048	2074	3354,3	6934,0	12354,0
пеня ва жарима	708	2187	5583,6	9320,9	12534,0	19204,9	26232,4
банк кредити	26,2	143	473,9	715,2	1187,0	1703,4	2195,4
сотилган маҳсулот хажмидан 0,5%			5000	0	0	—	3264,1
босхा даромадлар	48,3	321,5	214,2	648,4	7202,7	9429	2595,6
Бюджетдан трансферт	1276,4	1513,8				7400	7900,0
Харожатлар	5693,7	18993,8	42354,5	62174,9	92914,4	152285,6	222561,4
мехнат пенсияси ва ижтимоий пенсия тўлашга	4725,9	15787,9	34844,2	48610,6	73269,1	127347,4	185265,0

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш
даврида ижтимоий фонdlар

харбий хизматчиларга пенсия ва нафака тұлашы	97,2	339,6	871,6	1233,8	1871,8	2762,7	1678,9
корхоналарнинг пенсия ва нафака тұлашы	708,3	2187	5583,6	9320,9	12534,0	19204,9	26232,4
харажатлардың бюджет кредитларини қайтарыш	104	99,6	17,3	2581,8	3318,2	—	3042,0
аппаратни тәбминләш	20,8	83,2	108,6	140,8	260,4	442,4	723,6
бошқа харажатлар	37,55	496,7	929,7	287,1	1660,5	2528,6	5619,5
<i>Дефицит</i>	-295,3	-187,8	83,6	6396,1	8105,4	6456,0	1492,9

Банкнотика күмаслашы фонdlар

<i>Даромадлар</i>	264,5	1007,7	2040,3	3626,5	4996,5	8365,7	9194,3
ИХФ дан 2% ли мажбурий ажратмалар	245,9	870,6	1807,7	3150,9	4347,0	6131,3	7254,9
тижорат фасолиятидан олиннан даромадлар	15,5	120,5	177,4	175,7	481,2	554,5	282,4
бошқа даромадлар	3,1	16,6	55,2	299,9	168,3	1679,9	1657,0
<i>Харажатлар</i>	145,2	583,4	1989,9	2894,7	4171,1	7707,5	8623,7
ишицизлик бүйнега нафака тұлаш	11,6	51,2	101,8	173,1	257,5	502,8	617,9
мехнат органдары таъминлаш	30,7	106,9	236,4	481,4	685,3	1044,4	1525,2
ишицизликтердегі жағдайлар	80,7	295,2	588,9	1655,2	485,8	2327,5	3082,8

бизнес фондга 10% ахратмалар		158,7	95,0	653,4	380,0	160,0
бошқа харажатлар	22,2	130,1	904,1	1980,0	2089,1	3452,8
<i>Дефицит</i>	119,3	424,3	50,4	731,8	825,4	658,2
<i>Касаба училиларни фонди</i>						
<i>Даромадлар</i>	250,2	958,4	1981,4	3713,9	4797,9	6110,3
сүфурта бадаллари	232,2	879,4	1827,5	3195,1	4446,7	5590,9
бошқа харажатлар	18	79	153,9	518,8	351,2	519,4
<i>Харажатлар</i>	237,1	793,4	1916,6	3570,2	4925,6	5993,3
санатория-курортларда лаволаниш	96,3	349,4	765,7	1597,3	2100	2534,1
санаториялар, профилакториаларни таъминлаш	49,6	179,1	342,9	585,3	819,5	999,7
болалар лагерлари ва болшка соёломлаштириши лагерларини таъминлаш	51,8	164,6	401,4	885,8	880,8	1077,2
капитал кўйилмалар	20,6	35,1	277,6	381,8	709,1	762,2
бошқа харажатлар	18,8	65,2	129	120,1	416,2	620,1
<i>Дефицит</i>	13,1	165	64,8	143,7	127,7	117,1
256,9						

* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги майдумотлари асосида хисобланган.

Ўзбекистонда бозор иктисодиётига ўтиш
даврида ижтимоий фонdlар

Диаграмма ва 22-жадвал маълумотларининг таҳлили кўрсатишича, кўриб чиқилаётган даврда Ўзбекистон Республикаси пенсия фонди даромадларининг асосий ҳиссаси корхоналар ва муассасалар суғурта бадалларидан олинган, пенсия ва нафақа тўлашга сарфланган даромадлари, сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий ҳажмидан 0,5% ўтказиш каби манбалар ҳисобига шаклланган.

22-жадвал

*Ўзбекистон Республикасида Пенсия фонди даромадлари
таркибининг ўзгариши (% ҳисобида) **

Даромад тури	1994	1999	2000
Хаммаси:	100	100	100
шу жумладан:			
Корхона, ташкилотларнинг суғурта бадаллари (иш ҳақи фондининг 37,3%)	62,9	64,0	65,3
Фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари (иш ҳақидан 2,5% ҳисобида)	2,8	4,4	5,5
Корхона, ташкилотларнинг пенсия ва нафақа тўлашга сарфланган суғурта бадаллари даромади	11,8	12,1	11,7
Бадаллар ва тўловларни ўз вақтида тўланмаганилиги учун пены ва жарималар	0,4	1,1	1,0
Сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий ҳажмидан 0,5% тўловлар	—	7,8	7,6
Бошқа даромадлар	0,8	5,9	5,4
Бюджетдан трансферлар	21,3	4,7	3,5

* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

Сўнгги йилларда пенсия фонди даромадлари таркибида давлат бюджетидан трансферт ҳиссаси сезиларли камайиш тамойилига эга. Масалан, 1994 йилда бюджетдан ажратилган трансферт тўловлари пенсия фондининг даромадларини 21,3% қоплаган бўлса, 1999 йилга келиб 4,7% қоплади. 1999 йилда давлат томонидан бюджет ҳисобидан ушлаб туриладиган соҳалардаги минимал иш ҳақи, пенсия миқдори, ижтимоий тўлов-

лар ва нафақалар миқдори 2 марта оширилиши пенсия фондининг молиявий аҳволини ёмонлаштириди ва 1999 йилда пенсия фонди дефицитини қоплаш учун давлат бюджетидан 7,4 млрд. сўм маблағ ажратилди. Фонд ўз фаолияти учун зарур бўлган даромадларни асосан давлат бюджети маблағлари иштирокисиз шакллантиришга ҳаракат қилмоқда.

Бироқ, пенсия фондини даромад билан таъминлашда асосий оғирлик мулкчиликнинг турли шаклларидағи корхоналар ва муассасалар зиммасига (96%) тушмоқда. Аҳоли маблағи эса пенсия фонди даромадлари таркиби-га жуда кам (4%) жалб этилган. Айниқса, тадбиркорлик билан шуғулланувчи, патентга эга, лекин юридик шахс сифатида расмийлаштирумаган шахсларнинг пенсия фонди даромадларининг шаклланишида қатнашиши суст. Хусусан, уларнинг пенсия фондига тўловлари бир ойлик минимал иш ҳақи миқдоридагина бўлмоқда.

Бир томондан, республикамизда юзага келган ҳолат учун агар, умуман, аҳоли даромади жуда камлиги ва пенсия таъминотига бўлган эҳтиёжнинг юқорилиги ҳисобга олинса, бу вазиятдан чиқишининг энг яхши чорасидир. Лекин, айни маҳалда пенсия фондига юқорида зикр этилган ажратмалар мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар, шу жумладан кичик ва ўрта корхоналар учун ҳам мажбурийдир. Кичик ва ўрта корхоналар орасида шаклланиши босқичида турган ва максимал ишлаб чиқариш ҳажмига эришмаганлар кўп бўлиб, улар учун бундай юқори бадаллик тўловлари оғир солиқ юки бўлиб тушади. Бу эса кичик ва ўрта бизнес корхоналари томонидан даромадларни яширишга ва норасмий секторнинг ривожланишига сабаб бўлади.

Умуман, шуни таъкидлаш зарурки, пенсия фонди даромадларини таъминлаш усуслари ва унинг таркиби республикамизда авлодлар бирдамлиги (тақсимлаш) пенсия тизимининг сақланиб қолаётганлиги ва ривожланаётганлигини билдиради. Пенсия таъминотининг жамғариш қоидасига асосланган тизими республикамизда мавжуд эмас, бироқ, янги нодавлат ижтимоий фондларини шакллантиришда бу ҳолатни албатта ҳисобга олиш лозим.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш
даврида ижтимоий фондлар

Пенсия фонди харажатлари таркибини 23-жадвал бўйича тузилган 2-диаграмма орқали таҳдил қилиш мумкин.


23-жадвал

*Ўзбекистон Республикасида Пенсия фонди харажатлари
таркибининг ўзгариши (% ҳисобида) **

Даромад тури	1994	1999	2000
Ҳамма:	100	100	100
шу жумладан:			
Меҳнат пенсияси ва ижтимоий пенсия тўлаш	83,0	83,6	83,2
Ҳарбий хизматчиларга пенсия ва нафақа тўлаш	1,7	1,8	0,8
Корхоналарнинг пенсия ва нафақа тўлашга харажатлари	12,4	12,6	11,8
Бюджет кредитларини қайтариш	1,8	—	1,4
Бошқарув аппаратини таъминлаш	0,4	0,3	0,3
Бошқа харажатлар	0,7	1,2	2,5
Дефицит (млн. сўм ҳисобида)	— 295,3	— 6456,0	— 1492,9

* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

2-диаграмма



Бу ерда 1 — ҳарбий хизматчиларга пенсия ва нафақа тўлаш; 2 — меҳнат пенсияси ва ижтимоий пенсия тўлаш, корхоналарнинг пенсия ва нафақат тўлашга харажатлари; 3 — бюджет кредитларини қайтариш; 4 — бошқарув аппаратини таъминлаш; 5 — бошқа харажатлар.

Тадқиқ этилаётган давр ичида пенсия фонди харажатлари таркибида улардан мақсадли фойдаланиш таомыилига қатый риоя қилина бошланди.

Агар 1994 йилда барча турдаги пенсияларни тूлаш учун фонд маблагларини жами 97% дан камроғи ишлатилған бўлса, 2000 йилдан бошлаб бу мақсадга 98% дан кўпроғи сарфланмоқда.

Умуман, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кўриб чиқилған йилларда пенсия фонди бошқа давлат бюджетидан ташқари ижтимоий фондларга нисбатан самаралироқ фаолият олиб борди. Бу ҳолат айниқса, шакланаётган даромад таркиби ва маблағлардан мақсадли фойдаланишни кучайтиришда бир қатор ижобий ўзгаришлар кўринишида содир бўлди.

Мустақиллик йилларида пенсия фонди ўз даромадларини устун даражада таъминлабгина қолмасдан, маблағларнинг мақсадли сарфланишининг устувор тузилмасига қатый риоя этишга ҳаракат қилмоқда. Сўнгги йилларда пенсия фонди даромадининг шаклланишида бадаллик тўловини тूлаш интизомининг бузилиши ва пенсия фонди харажатларида эса пенсия фонди аппаратининг бошқарув органларини таъминлаш соҳасига сарфланидиган маблағларнинг кўпайиши, ҳарбий хизматчиларга тўланадиган пенсия ва нафақаларнинг улуши ортиб бориши тамойили кузатилмоқда. Масалан, 2000 йилда пенсия фонди тизимида 1500 дан ортиқ ходимлар ишлаган. 1994 йилда юқорида қайд этилган мақсадлар учун сарфланган харажатлар пенсия фонди умумий харажатларининг 2,8%ини ташкил этган ҳолда, 2000 йилда ушбу кўрсаткич 3,3% га етди.

Тадқиқ этилаётган даврда бандликка кўмаклашиш фонди даромадларининг умумий таркибида жиддий ўзгаришлар содир бўлмади. Бундай ҳолатни 24-жадвал маълумотлари асосида тузилган 3-диаграммада кузатиш мумкин.

Амалда маблаг келадиган биттагина асосий манба — иш берувчи тўлайдиган иш ҳақи фондидан икки фоизли (1999 йил 1 августдан 1,5%) мажбурий ажратмаларгина мавжуд. Бу ўринда ҳам, фондни таъминлаш асосан корхоналар ва муассасалар зиммасига тушишини таъкидлаб ўтиш зарур. Фонд ўз тасарруфига келиб

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш
даврида ижтимоий фондлар

тушаётган маблағларни тижорат фаолияти ҳисобидан кўпайтириш ҳуқуқига эга бўлсада, бу имкониятлардан кам фойдаланмоқда.


24-жадвал

*Ўзбекистон Республикасида Бандликка кўмаклашиши фонди даромадлари таркибининг ўзгариши (% ҳисобида) **

Даромад тури	1994	1999	2000
Ҳамма:	100	100	100
шу жумладан:			
Иш ҳақи фондидан 2% мажбурий ажратмалар (1999 йил 1 августдан 1,5%)	93,0	73,3	78,9
Тижорат фаолиятидан олинган даромадлар	5,8	6,6	3,1
Бошқа даромадлар	1,2	20,1	18,0

* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

3-диаграмма



Бу ерда 1 – иш ҳақи фондидан 2% мажбурий ажратмалар; 2 – тижорат фаолиятидан олинган даромадлар; 3 – бошқа даромадлар.

Фонд харажатлари таркибининг динамикаси эса күйидаги хусусиятларга эга:


25-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида Бандликка қўмаклашиш фонди
харажатлари таркибининг ўзгариши (% ҳисобида) ***

Даромад тури	1994	1999	2000
Ҳаммаси бўлиб йилига: шу жумладан:	100	100	100
Ишсизлик бўйича нафақа тўлаш	8,0	6,5	7,2
Меҳнат органларини таъминлаш	21,1	13,6	17,7
Иш ўринларини яратиш ва сақлаб туриш	55,6	30,2	35,7
Бизнес фондига 10% ажратма	—	4,9	1,9
Бошқа харажатлар	15,3	44,8	37,5
Дефицит (млн. сўм ҳисобида)	119,3	658,2	570,6

* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

4-диаграмма



Бу ерда 1 — ишсизлик бўйича нафақа тўлаш; 2 — меҳнат органларини таъминлаш; 3 — иш ўринларини яратиш ва сақлаб туриш; 4 — бизнес фондига 10% ажратма; 5 — бошқа харажатлар.


Бу динамикада 2000 йилга қадар бандлик фонди харажатлари таркибида бошқа мақсадларга, яни фонднинг асосий ижтимоий йўналишига бевосита алоқаси бўлмаган мақсадларга сарфланётган харажатларнинг ошиб борганини кўрамиз. Бундан ташқари, меҳнат органларини таъминлаш учун харажатлар банди мутта-

Ўзбекистонда бозор иктисодиётига ўтиш
даврида ижтимоий фондлар

сил ошиб бормоқда. Иш ўринларини яратиш ва сақлаб туриш бўйича фаолият 1999 йилдагина бироз жонланган. Бироқ, 1998 йилда бизнес-фондга ажратмалар ўзининг 10 фоизли кўрсаткичидан ошиб кетган ва 2000 йилга келиб деярли 2 фоизни ташкил этди.

Умуман, фонд ўзининг бош функционал ижтимоий вазифасига маълум зарар келтирган ҳолда устун даражада ўз мақсадларини амалга оширишга йўналтирилган бўлиб чиқади. Масалан, 1994 йилда иш ўринларини яратиш ва сақлаб қолишга қилинган харажатлар (55,6%) фонднинг умумхаражатларида яқъол устунлик қилган бўлса, 2000 йилга келиб жуда «камтарона» (35,7%) ўрин эгалламоқда.

Юқорида қайд этилганларга мувофиқ харажатлар динамикаси фоизда қўйидагича кўринишга эга бўлди:



Бу ерда 1 — ишисизлик бўйича нафақа тўлаш; 2 — меҳнат органларини таъминлаш; 3 — иш ўринларини яратиш ва сақлаб туриш; 4 — бизнес фондига 10% ажратма; 5 — бошқа харажатлар.

5-диаграммадан 1994—1997 йилларда фонд фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича харажатларнинг кескин камайиши кузатилмоқда. Ушбу салбий ҳолат 1998 йилдан бошлаб ўзгара бошлаганига қарамасдан фонд фаолиятининг асосий мазмунини ўзгартириш учун талай ишлар амалга оширилиши лозим.

1996 йилда юзага келган бизнес-фондга ажратмалар ҳам, пировард натижада, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш орқали бандликни қўллаб-куватлашга кўмаклашади. Лекин уларнинг салмоғи иш

ўринларини яратиш ва сақлашнинг ҳиссасини кескин қисқартирилиши ўрнини қоплай олмайди.

Республикамизда молия манбаларининг барча турлари ҳисобига ҳар йили 2000 мингга яқин иш ўринларини яратишга эришиб келинган эди ва бу меҳнат ресурсларининг ўсишига тахминан мос келарди. Бироқ, Ўзбекистон олдида, мутахассислар таъкидлаганларидек, шунчаки бандлик муаммоси тургани йўқ. Бизда янги бандлик (жойлаштириш, тармоқ таркиби, малака ва шу кабилар) муаммоси турибди. Уни ҳал қилиш учун фақат давлат ресурсларининг ўзи етарли эмас. Бунда муайян даражада янги бандликни таъминлашга йўналтирилган нодавлат ижтимоий фондлари ҳал қилувчи роль ўйна-моғи лозим. Бандликка кўмаклашиш фондининг ўзи эса фаолиятни айни иш ўринларини яратиш ва сақлаб қолишга қаратиши керак ва бу фонднинг устувор харажатларида яққол ўз аксини топиши лозим.

Шундай қилиб, бандликка кўмаклашиш республика фонди фаолияти ўзига алоҳида эътибор қаратилишини талаб этади. Бир томондан, республиканинг ўсиб бораётган аҳолисини иш ўринлари билан таъминлаш эркинлаштириш шароитида ислоҳотлар амалиёти учун муҳим аҳамият касб этади.


Бошқа томондан эса, фонднинг ижтимоий йўналиши мавқеъи нуқтаи-назаридан қараганда, унинг фаолиятини асло самарали деб ҳисоблаб бўлмайди.

Касаба уюшмалари фонди 1994—2000 йилларда маблағлардан самарали фойдаланиш борасида яхши на-муна кўрсатди. Деярли бутунлай суғурта бадаллари ҳисобидан шакллантириладиган даромадлар таркиби ўзгармаган ҳолда, харажатлар таркибida жиддий ўзга-ришлар содир бўлди:

6-диаграммада кўрганимиздек, санатория-курортда даволанишга, болалар ва соғломлаштириш лагерлари-ни таъминлашга мўлжалланган харажатлар фаол ортиб бормоқда. Айни маҳалда, капитал кўйилмага тобора кўпроқ маблағ ажратилаётгани эътиборга лойиқ бўлиб, бу фонднинг келажакда янада самарали иш олиб бориши учун жиддий асос яратади. Умуман, маблағни ривожланишининг зарур истиқболини ҳисобга олган ҳолда мақсадли сарфлаш устунлиги аниқ кўриниб турибди.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ижтимоий фондлар

6-диаграмма



Бу ерда 1 — санатория — курортларда даволаниш; 2 — санатория-профилакторияларни таъминлаш; 3 — болалар ва согломлаштириши лагерларини таъминлаш; 4 — капитал қўйилмалар; 5 — бошқа харажатлар

Давлат бюджетдан ташқари мақсадли иқтисодий фондлари ҳисобланмиш Ўзбекистон Республикасининг Йўл фонди, Ўзбекистон Республикасининг Минерал хом-ашё ресурсларини тўлдириш фонди, Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мулк Кўмитасининг маҳсус ҳисоб рақами ва бошқалар республикамизнинг иқтисодий ҳаётида ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда муҳим роль ўйнамоқда. Иқтисодий фондлар илмий муаммолари кенг қамровли бўлиб, алоҳида ўрганишни талаб этиши ва мазкур ишнинг мақсади ва вазифаларига бевосита боғлиқ бўлмаганлиги сабабли чуқур таҳдил қилинмади.

4.3. Нодавлат ижтимоий фондлар

Ҳозирги бозор тизими аралаш иқтисодиёт тизими сифатида иқтисодётнинг давлат ва нодавлат секторлари ҳамда уларга мувофиқ келувчи бошқарув шакллари синтезидан иборатdir. Ўзбекистон ҳали ривожланмаган ва тегишли моддий асос билан таъминланмаган бозор муносабатлари шакланаётган босқичда турибди. Шундай бўлса-да, Ўзбекистонда бозор хўжалигини ташкил қилиш

ва ижтимоий муносабатларни бошқаришда тўпланган тажрибани ўзлаштириш жараёни кетмоқда. Бироқ бунда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволининг ўзига хос ҳусусиятлари ҳисобга олинмоқда. Нодавлат ижтимоий фондларнинг шаклланиш жараёни бундан дарак бермоқда. Айни маҳалда, нодавлат фондлар давлат фондларига нисбатан жадалроқ ривожланмоқда.

Ижтимоий соҳа муҳимлиги ва фаоллигига қарамай, иқтисодиётнинг ҳосиласидир. Шу боис, иқтисодиётнинг кўп укладли таркибининг ривожланиши ва унинг нодавлат сектори мустаҳкамлана боришига мувофиқ нодавлат ижтимоий фондлар сони ортиб боради. Ҳозир республикамизда 30 дан ортиқ ижтимоий фондлар бор. Бу ҳол ижтимоий соҳани давлат тасарруфидан чиқариш иқтисодиётни давлат тасарруфидан чиқаришга мос келаётганидан далолат беради. Бироқ, тараққиёт этган мамлакатлар тажрибасидан кўрганимиздек, ижтимоий соҳага давлатнинг таъсири унинг иқтисодиётга аралашувига қарагандан кучлироқ бўлади, чунки у ижтимоий фаровонликнинг асосий кафили ҳисобланади. Шундай бўлса-да, ижтимоий вазифаларнинг муайян қисми давлатдан нодавлат ташкилотларга ўтади. Ўзбекистонда ҳам шундай истиқбол кутилмоқда.

Нодавлат ижтимоий фондлар тизимининг шаклланиш истиқболлари республика аҳолисининг реал даромадлари ва харажатлари билан ўзаро боғлиқ, чунки аҳоли аста-секин ушбу фондларга асосий маблағ етказиб берувчига айланиб бормоғи лозим.

Гап шундаки, ЯИМни тақсимлаш ва қайта тақсимлашда аҳолининг уй хўжалигида бирлашган даромади асосий ва ўсиб борувчи қисмни ташкил қилади. Ўзбекистонда 1999 йилда истеъмолчи бирлик бўлган 3,6 миллион уй хўжалиги бор эди. Бутун жамият даромадида уларнинг ҳиссаси юқорилигича сақланиб қолмоқда, буни қуйидаги диаграммадан кўриш мумкин.


Республикамизда 1999 йилда ўтказилган оила бюджети тадқиқотлари ижтимоий гурӯҳлар бўйича даромадлар ортиб бораётганидан далолат бермоқда⁴².

⁴² Қаранг: «О результатах обследования результатов семей в Андиканском, Бухарском, Джизакском, Сурхандарьинском вилоятах».

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ижтимоий фондлар

Бу бюджет текшириши 1999 йил январда Андижон, Бухоро, Жиззах ва Сурхондарё вилоятлари шаҳар ва қишлоқларида республика аҳолиси турмуш даражаси аҳволининг асосий кўрсаткичлари ва ўзгариш таомилларини баҳолаш мақсадида ўтказилганди. Текширишда 5000 оила (28104 нафар киши), шу жумладан Андижон вилоятида 984 оила (5974 нафар киши), Бухорода 1480 оила (6660 нафар киши), Жиззахда 1016 оила (6502 нафар киши) ва Сурхондарё вилоятида 1520 оила (8968 нафар киши) қамраб олинди.

7-диаграмма



Оила аъзоларининг ўртача сони Бухоро вилоятидаги 4,5 нафардан Жиззах вилоятидаги 6,4 нафар кишигача, шу жумладан шаҳарларда 4,0 нафардан 6,1 нафар кишигача, қишлоқларда эса 4,6 нафардан 7,1 нафар кишигача бўлган.

Оилалар таркибининг ўзиёқ қишлоқ оилаларига катта ижтимоий юқ тушаётганини кўрсатади, бинобарин, қишлоқ жойларда ижтимоий фондлар тармоғини жадал ривожлантириш зарурати туғилди.

Ўтказилган социологик текшириш натижалари асосида биз тадқиқ эттаётган муаммога бевосита дахлдор бўлган айрим хулосаларни чиқариш мумкин.

Энг аввало, аҳоли ижтимоий таркибидаги ўзгариш-

ларни ажратиб кўрсатиш лозим. Шаҳар ва қишлоқ туманларида иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришларга мос келадиган аҳолининг янгича ижтимоий қатламлари таркиб топмоқда. Аҳолининг тадбиркор қатлами шаклланмоқда ва фермерлик ривожланиб бормоқда. Текширилган уй хўжаликлари умумий сонининг 10 фоиздан кўпроғининг бошлиғи фермерлардан, 10 фоизи тадбиркорлардан иборат. Бироқ, ёлланиб ишлайдиганлар ҳали ҳам қўпчиликни ташкил этади.

Умуман, бу аҳолининг фондларнинг тегишли тармогини яратиш орқали ижтимоий ҳимоялашнинг, асосан, хусусий шаклига йўналтирилладиган муайян ижтимоий қатлами таркиб топаётганини билдиради. Бироқ, далат тизими, айниқса ёлланма меҳнат кишилари учун, ҳали узоқ вақт катта аҳамият касб этиб қолаверади. Бу асосан, даромадлар таркибининг ўзгариши билан боғлиқ.

Бозор муносабатларининг ривожланиши аҳоли жами даромади таркибиға сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Янги даромад манбалари — тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромад (шахсларнинг юридик шахсни вужудга келтириб ва вужудга келтирмасдан оладиган даромади) ва мулқдан олинадиган даромад (акциялар ва бошқа қимматбаҳо қофозлар бўйича дивидентлар, мулкни ижарага беришдан олинадиган даромад, кўчмас мулкни суғурталаш ва сотишдан келадиган тушум ва бошқалар) юзага келди. Буларнинг барчаси аҳоли ижтимоий таркибидаги ўзгаришлар билан биргаликда оиласлар даромадларининг тегишлича табақаланишини белгилаб беради.

Айни маҳалда, оиласининг барча даромадлари (барча пул даромадлари ҳамда деҳқон, фермерлик хўжаликлари, томорқа участкалари маҳсулотларини натурал исhteъмол қилишни ҳисобга олган ҳолдаги даромад), бир томондан, мақбул турмуш даражасини таъминлайди. Масалан, 1998 йил декабрда, ҳар бир оиласга ҳисобланганда, жами даромад Бухоро вилоятида 166693,3 сўм, Жizzах вилоятида — 18442,1 сўм, Андижон вилоятида — 20845,4 сўм, Сурхондарё вилоятида 20937,5 сўмни ташкил этган. Жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад, мос равишда, 3709,6 сўм, 2881,6 сўм, 3533,1 сўм ва 3548,7 сўмни ташкил қилди. Бошқа томондан

эса, жами даромадларнинг бундай даражаси ижтимоий хизматларга бўлган талабнинг сезиларли ошиши ва ижтимоий таъминотни ҳақ тўлаш асосида юзага келтириш учун етарли бўлмайди.

Ўрта ижтимоий гуруҳлар мустаҳкамланиб бормоқда. Аҳоли кам таъминланган ва нисбатан таъминланган қатламлари нисбати қоэффициенти камайиб бораётгани бундан далолат беради. Жамиятнинг даромадлар бўйича қутбларга бўлининининг пасайиши камбағаллик даражасидан пастдаги аҳоли ҳиссасининг қисқарип боришига кўмаклашади. Буни мазкур текшириш маълумотларигина эмас, балки мустақил халқаро эксперtlар ҳисоб-китоблари ҳам тасдиқламоқда. Масалан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) маълумотларига кўра, бу кўрсаткич Россия Федерациясида — 38, Туркманистанда — 48, Қозогистонда — 50, Молдовада — 65, Қирғизистонда — 76 фоизни ташкил этса, Ўзбекистонда — 29 фоиздир.

Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш жараёнда аҳоли даромадларида ўзгариш юз бериши муносабати билан ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда нодавлат ташкилот ва муассасаларнинг масъулияти ошиб бормоқда. Молиялаштириш манбалари, ўз ресурсларини тақсимлаш ва улардан фойдаланиш характеристига кўра турли-туман бўлган нодавлат ижтимоий фондлар мазкур ташкилот ва муассасаларнинг молиявий ресурсларидан ташкил топади. Буни икки хил вазият: биринчидан, ижтимоий эҳтиёжларнинг ўзи хилма-хиллиги билан; иккинчидан, аҳоли йирик ижтимоий гуруҳларга табақаланиши ва улар орасида манфаатлари турлича бўлган микро ижтимоий гуруҳлар таркиб топиши билан изоҳлаш мумкин. Шу сабабларга кўра нодавлат ижтимоий фондлар ва турли ижтимоий гуруҳлар кўп мақсадли вазифаларга эга. Агар улардан бири ёшларга ва болаларга йўналтирилган бўлса, бошқалари кексалар ва аёлларга йўналтирилган. Таълим, соғломлаштириш, экология фондлари мавжуд, шунингдек ахлоқий тарбия ва халқнинг тарихий хотираси ва қадриятларини тиклаш фондлари ҳам бор.

Нодавлат фондларини аниқ таҳлил қилмай туриб уларнинг кўп қирралилигини тушуниб бўлмайди ва шу

ишни бажаришга уриниб кўрамиз. Нодавлат ижтимоий фондларини амал қилиш муддатига кўра, доимий фондлар ва вақтингчалик фондларга бўлиш мумкин. Мулкий тегишилигига ва манбаларининг шаклланишига кўра, уларни давлат фондлари, давлатлараро фондлар ва маҳаллий фондларга бўлиш мумкин.

Энг аввало, бу фондларни уларни таснифлашнинг иммий қоидаларидан келиб чиқиб гурухлаштириш даркор. Бизнингча, нодавлат фондларнинг белги-аломатларидан келиб чиқиб, уларни шартли равишда қуидаги гурухларга ажратиш мумкин:

- инсон капиталини инвестициялаш фондлари («Умид», «Устоз», «Улугбек» ва бошқалар);
- жамоат, нодавлат ташкилотлари ҳимоясига муҳтоҷ бўлган, аҳолининг маълум қатламларини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган фондлар («Нуроний», «Наврўз» ва бошқалар);
- аҳоли соғлигини сақлаш фондлари («Соғлом авлод учун», «Болалар» ва бошқалар);
- табиатни муҳофаза қилувчи экологик фондлар («Экосан», «Орол» ва бошқалар);
- халқнинг маданияти ва тарихий қадриятларини тиклаш фондлари («Олтин мерос», «Наврўз» ва бошқалар);
- Ижтимоий суғурта фондлари (Пенсия фонди, Бандликка кўмаклашиш фонди ва бошқалар).

Айни вақтда бир неча гурухларга киритиш мумкин бўлган фондлар ҳам бор, чунки улар кўп функциялидир. Бундай таснифлашда фондларнинг ижтимоий вазифалари ва мулчилик шаклларидан келиб чиқиласди. Фонdlарга уларни молиялаштириш манбаларига кўра ҳам ёндашиб мумкин. Ҳомийлар томонидан маблағлар билан таъминланадиган ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлайдиган фондларни ажратиб кўрсатиш ҳам мумкин. Бироқ, фондларнинг аксарияти ҳомийлар томонидан маблағлар билан таъминланиш тамойили асосида иш юритади, бу ўз моҳиятига кўра, бизнингча, бозорга хос усулда маблағ билан таъминланиш бўлмайди. Баъзи фондлар ҳомийлардан маблағ олган ҳолда, ўзлари ҳам коммерция фаолияти олиб боришади. Бундай ҳолатда ҳомийлар мадади билан ўзини-ўзи молиялаштириш кўшилиб кетади.

Нодавлат фондлар таркибида коммерция фаолияти олиб борадиган фондлар алоҳида ажратиб туради, бунда хўжалик юритишнинг бозорга хос принцип қисман бўлса-да, мавжуд бўлади.

Аҳолининг алоҳида ижтимоий қатламларини кўллаб-кувватлайдиган аниқ фондларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Ёшлар, пенсионерлар, хотин-қизлар ва болалар фондлари тўғрисида шу маънода сўз юритиш мумкин. Фондлар орасида таълимга қаратилган фондлар фаоллиги билан ажратиб туради.

Ижтимоий фондларнинг юқори малакали кадрлар тайёрлашга йўналтирилганлигининг объектив сабаби шуки, ўтмишда Ўзбекистонда бу борада миқдор кўрсаткичларини ошириш йўлидан борилганди. Олий маълумотли шахсларнинг миқдор кўрсаткичлари бўйича, ҳар ўн минг аҳолига ҳисоблагандан талабалар сони бўйича Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги кўрсаткичлари ёмон эмасди. Бироқ, кадрлар тайёрлашдаги сифат кўрсаткичлари жаҳон андозаларига асло мос келмасди.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон мутахассислар тайёрлашга маблағ сарфини ошириб боргани ҳолда, техник жиҳатдан, бинобарин, меҳнат унумдорлиги жиҳатидан ҳам орқада қолиб кетди. Кадрлар тайёрлаш тизимини меҳнат бозори талабларига мувофиқ тубдан ислоҳ қилиш учун таълим йўналишига эга ижтимоий фондларнинг бутун бир тармогини яратиш талаб қилинади. Бу фондлар кадрлар тайёрлаш миллий дастурига кўмаклашмоғи лозим. Улар учун энг муҳими, мутахассисларни миллий даражада эмас, балки жаҳон даражасида рақобатбардош, малакали кадрлар тайёрлашни таъминлашдан иборат.

Ўзбекистоннинг ижтимоий фондлари тизимида унинг амал қилишининг истиқболли йўналишларига муҳим эътибор қаратилади. Бу, айниқса, мамлакат ахолиси ёш қисмининг маълумоти даражасини яхшилашга мўлжалланган фондлар фаолиятида намоён бўлади.

«Умид» шунда фондлар жумласидандир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларни чет элларда ўқитишни кўллаб-кувватлаш бўйича «Умид» фонди иқтидорли йигит-қизлар жумласидан халқ хўжалигининг устувор тармоқлари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашни ташкил қилиш мақсадида

тузилган. Фонднинг ҳомийлари кўп, бу ҳолат маблағ билан таъминлашнинг барқарорлигини таъминлайди, унинг истиқболини кафолатгайди. Унинг молиявий ресурслари солиқقا тортилмайди. Бу ресурслар иқтидорли ёшларни танлаш ва тараққий этган мамлакатларнинг етакчи олий ўқув юртларида ўқитиш йўли билан Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга сарфланади. Бундан ташқари, олимпиадаларда ва танловларда иштирок этишини ташкил этиш, чет мамлакатлардаги етакчи олий ўқув юртлари ва илмий марказлар билан, таълим соҳасида фаолият олиб борувчи ҳалқаро ва чет эл ташкилотлари ҳамда фондлари билан шериклар муносабатларини ўрнатиш учун ҳам сарфланади.

Фонд учун энг муҳими жаҳон андозлари даражасидаги мутахассисларни тайёрлашдир.

Унинг молиявий ресурслари Ўзбекистон Республикаси Президентининг грантлари тизими орқали ишлатилади.

«Умид» фонди билан бирга «Устоз» фонди ҳам инсон капиталини инвестициялашга йўналтирилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни тарбиялаш тўғрисида»ги Фармонини, шунингдек Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини бажара бориб, таълим муассасаларини, биринчи навбатда, олий ўқув юртларини профессор-ўқитувчилари таркибидан юқори малакали ўқитувчилар тайёрлаш, уларнинг ривожланган демократик хорижий мамлакатларнинг таълим бўйича илгор ва ижобий тажрибасини ўрганишини қўллаб-куvvatлаш, янги педагогик технологиялар билан танишиш, чет элларда тажриба орттириш мақсадида «Устоз» Республика фондни ташкил қилинди.

«Устоз» фондининг муассислари кўплаб компаниялар, қўшма корхоналар бўлиб, улар фондга бевосита молиявий ва моддий ёрдам кўрсатишади.

«Устоз» фонди фаолиятининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

- ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари бўйича олий ўқув юртлари учун

юқори малакали ўқитувчилар тайёрлашда кўмаклашиш;

- ўқитувчиларнинг қобилияти ва ижодий салоҳиятни ривожлантиришда, касбий маҳоратини юксалтиришда, ривожланган демократик давлатлардаги етакчи таълим муассасалари ва марказларида тажриба орттиришда кўмаклашиш;
- профессор ва педагогларнинг чет элларда ўқиши ва тажриба орттириш жараёнини, шунингдек ўқишдан кейинги меҳнат фаолиятини назорат қилиш, Кадрлар таёrlаш миллий дастурини бажариш, юқори малакали профессор-ўқитувчи кадрларни тайёрлаш учун ички инвестицияларни, шунингдек чет эллик инвесторлар маблағларини жалб этиш, узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига ривожланган демократик давлатлар таълим тизимининг илгор тажрибасини жорий этиш.

Давлат ёрдами сифатида Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига ва Ўзбекистоннинг дўстлик ва чет мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқалари жамиятлари кенгашига:

- ижобий тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлган ривожланган демократик давлатларнинг таълим муассасалари ва таълим марказларини белгилашда Фондга кўмаклашиш;
- хорижда ўқиётган ва малака ошираётган профессор-ўқитувчи кадрларни зарур ахборот, ижтимоий-сиёсий ҳаёт тўғрисида материаллар билан мунтазам таъминлаш топширилди.

Фондга муассислар маблағларидан ташқари, давлат резервидан ҳам маблағ ажратилган, унга ўз фаолиятини амалга оширишга сарфланадиган маблағни конвертациялашда устувор ҳуқуқ берилган.

«Умид» ва «Устоз» кадрлар тайёрлашни мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширади.

Ижтимоий фонdlар аҳолининг маълум қатламларининг кўллаб-куvvatлашга йўналтирилади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган фаол ижтимоий сиёsat ижтимо-

ий ҳимояни талаб қилади. Шу мақсадда Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ёш авлодни тарбиялаш учун «Нуроний» фонди таъсис этилган.

Фонд ўзини-ўзи бошқарувчи, ўзини-ўзи маблағ билан таъминловчи ва мустақил фаолият олиб борувчи нодавлат жамоат ташкилотидир .Фонд қўйидаги мақсад ва вазифаларни ўзининг асосий фаолияти сифатида белгилаб олган:

- фахрийларга моддий, маънавий, тиббий ёрдам кўрсатишга мўлжалланган қучли ижтимоий сиёсатни ўтказишда фаол қатнашиш;
- фахрийлар ва ногиронларнинг моддий турмуш шароитини яхшилаш, кексаларга имтиёз ва пенсияларни ўз вақтида ва кечиктирмай бериш. Шу мақсадда фонд ишлаб чиқариш-коммерция ва хайрия фаолиятларини олиб боради.

«Нуроний» фонди, унинг бўлимлари, жойларда шу бўлимлар ҳузурида очилган ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик тузилмалари, Низомда белгиланган мақсад ва вазифалар доирасида фаолият юритади ва барча турдаги солиқлардан озод қилинган. Фонд корхоналар, якка тартибда фаолият кўрсатадиган тадбиркорлар ва жамоат ташкилотларининг молиявий мададига таянади.

Алоҳида ижтимоий гуруҳ бўлган ёшларни қўллаб-куватлаши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» фонди ҳозирги миллий тараққиётда муҳим роль ўйнайди. Фонд инсон капиталини инвестициялаш шаклларидан биридир.

«Камолот» фондининг бош дастурий мақсади — баркамол ривожланган ёш авлодни тарбиялашда, ёшларнинг чуқур билимларни эгаллашда, касб ўрганишида, уларда юксак маънавийлик, ватанпарварлик, меҳнат-севарлик туйғусини шакллантиришда, уларнинг мустақиллик ишини давом эттирувчилар бўлиб камол топишида ҳар томонлама ёрдам кўрсатишдир.

Фонд қўйидагиларни ўз фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида белгилаб олган:

- ёшларни ижтимоий ҳимоялашда қатнашиш, уларнинг сиёсий ҳуқуқларини ва билим олиш, меҳнат фаолияти бўйича ҳуқуқларини тўла амалга ошириш зарур шароит яратиш;

- ёшларни ҳар томонлама тарбиялаш, ёшлар ичидан баркамол ривожланган фуқароларни шакллантириш;
- ёшларнинг замонавий билимларни, технологияларни эгаллашида, бозор иқтисодиёти қонунлари ва амалиётини ўзлаштиришида, шунингдек янгича фикрлашни шакллантиришида уларга ёрдам бериш, истеъододли ёшларни қўллаб-қувватлаш.

Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида фонд низомда белгиланган фаолияти доирасида беш йил муддатга солиқлардан озод қилинган. «Камолот» хукуматдан, бюджетдан ташқари ва маҳсус фондлардан молиявий маддад олади, собиқ Ўзбекистон ёшлар иттифоқи мулкининг меросхўридири.

«Камолот» ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш мақсадида жамоат-хайрия бирлашмаси тарзида ташкил этилган, мустақил, ижтимоий нодавлат ташкилоти сифатида ташкил қилинган, ўзини-ўзи бошқарадиган ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлайдиган юридик шахс сифатида иш олиб бормоқда. Фонд ва унинг бўлимлари ўз мустақил балансига ва ўз мулкига эга, молия-хўжалик ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади ва ташки иқтисодий фаолият юритади.

Фонднинг асосий мақсадлари — ёшларга ҳар томонлама камол топишида тенг имкониятлар бериш, жисмоний, ақлий ва маънавий ривожланиши учун зарур шароит яратиш; уларнинг самарали ўқиши ва меҳнат қилиши учун шароит яратиш, тадбиркор ва ишбилармонлик фаолияти бўйича мустақил билим олишни рафбатлантириш; ёшлар манфаатларини ижтимоий ҳимоялашда иштирок этиш.

Фонд ёшларнинг моддий манфаатларини таъминлашга қаратилган дастурлар ва лойиҳалярни шу мақсадлар учун бериладиган грантлар ва маблағлар ёрдамида амалга оширади.

Унинг ишида янги иш ўринларини яратиш орқали ёшларнинг бандлигини оширишда кўмаклашиш катта ўрин тутади.

«Камолот» тадбиркорлик мақсадида республика ҳудудида ва чет мамлакатларда, корхоналар, фирмалар, бинолар, иншоотлар, транспорт воситаларни ва бош-

қа күчмас ҳамда күчар мулкни олди-сотди қилади, айирбошлайди, ижарага беради ва олади; чет мамлакатлар вакиллари билан күшма корхоналар очади, лотерея, акциялар чиқаради ва ўтказади; қимматбаҳо қофозлар бўйича мақсадли қарзларни ва бошқа операцияларни амалга оширади; туризм, нашриётчилик ва бизнеснинг бошқа шакллари билан шуғулланади.

Фонднинг бинолар, иншоотлар, уй-жой фонди, маданий-маъмурий ва согломлаштириш марказлари, корхоналарнинг молиявий активлари, күшма корхоналар, тадбиркорлик фирмаларини ўз ичига олувчи мулки унинг мақсадлари учун хизмат қилади.

Фонднинг фаолияти ҳомийларнинг ва ўзининг маблағлари асосида юритилади. Унинг маблағлари, биринчидан, ихтиёрий ва хайрия иномларидан, шу жумладан чет мамлакатларнинг иномларидан; иккинчидан, ўз коммерция фаолиятидан олинадиган фойдадан шаклланади.

Шундай қилиб, «Камолот» фонди фаолиятида хайрия, давлатнинг молиявий мадади, фаол хўжалик фаолияти ва қатъий ижтимоий йўналганлик узвий бирекиб келган. Шу нуқтаи-назардан фонднинг вазифаси институционализмнинг назарий позицияларига мувофиқ келади. Иқтисодиёт назариясининг бу йўналиши учун, маълумки, ижтимоий-маданий анъаналарнинг иқтисодиётга таъсирини таъкидлаш хосдир. Институционализмнинг ижтимоий йўналиши асосида соф иқтисодиёт тамойилини рад этиш ётади.

«Олтин мерос» халқаро фонди ижтимоий-маданий вазифаларни бажаради. Бу фонд тугатилган Маданият фонди, Миллий ва ижтимоий барқарорлик фонди, шунингдек «Ёдгорлик» жамиятининг қонуний ворисидир.

Унинг мақсади бебаҳо маданий-маърифий меросни асрраб-авайлашдан иборат.

Фонднинг молиявий ресурслари, бир томондан, унинг муассислари ҳамда ҳомийларининг, шунингдек Республика маданий-илмий жамоатчилигининг ушбу фондни моддий-маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-куватлаш тўғрисидаги таклифларини фаол амалга ошириш туфайли шаклланади. Бошқа томондан эса, ўз дастури ва давлат дастурини бажариш учун маблагнинг муайян қисми мамлакатдаги ва чет эллардаги фаолият

ҳисобига, шу жумладан қўшма корхоналар очиш ва низомда белгиланган бошқа хайрия ишларини амалга ошириш йўли билан яратилади.

Санаб ўтилган фондлар кўпчилигининг фаолияти иқтидорли ёшларни ривожлантиришни қўллаб-кувватлашга бевосита йўналтирилганлигига қарамай, республика ижтимоий фондлари тизимида иқтидорли ёшларни қўллаб-кувватловчи яна бир маҳсус Республика «Улуғбек» фонди очилган. Низомига кўра, у ўзини-ўзи бошқарувчи, мустақил жамоат ташкилотидир.

Мазкур фонднинг мақсади иқтидорли ёшларни аниқлаш ва улар таркибидан жаҳон талабларига жавоб берадиган юқори малакали мутахассисларни шакллантириш, ёш истеъододларни ижтимоий ва иқтисодий ҳимоялаш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини бажаришда кўмаклашишдан иборат.

Мақсадига кўра, ушбу фонднинг фаолияти, шунингдек учинчи дунё мамлакатларида кенг тарқалганидек, яхши мутахассисларнинг кетиб қолишига йўл қўймасликка кўмаклашадиган омил бўлиб қолиши даркор. Фонд бунга йўл қўймаслиги керак.

Фонд иқтидорли ёшларни моддий қўллаб-кувватлайди, истеъододли ёш олимлар ва ихтиоричларнинг инновация фаолиятини ривожлантиради, уларнинг интеллектуал мулкини ҳимоялайди.

«Улуғбек» фонди ўз вазифасини бажариш учун қўшма корхоналар очади, чет эллик шериклар билан хўжалик фаолиятини юритади, воситачилик қиласи, иништоотлар қуради, ускуналар, транспорт воситалари, шунингдек кўчар ва кўчмас мулк билан олди-сотди қиласи, ташқи иқтисодий фаолият олиб боради, чет эл маданий, илмий муассасалари, ўкув юртлари, шунингдек ташкилотлар, корхоналар, фирмалар, фондларнинг иш тажрибасини ўрганиш учун ёшларни чет мамлакатларга ўз маблағи ҳисобидан юборади.

Фонд дастурини бажаришга жалб этилган юридик ва жисмоний шахсларга фонд ҳисобидан кредит берилади. Фонд ўз маблағига корхоналар, фирмалар очади, қурилиш ишларини амалга оширади, ўз товарлари ва хизматларига мустақил нарх белгилайди.

Шундай қилиб, фонд мақсадли дастурларни бажариш учун ўзининг зарур ишлаб чиқариш воситаларига

ҳамда фойда олиш ва шу асосда муассасалар ва меҳнат жамоасининг ижтимоий ва иқтисодий манфаатларини таъминлаш мақсадида тижорат ва молиявий фаолият олиб бориш борасида тегишли ҳуқуқларга эгадир.

Фонд солиқ тўлашдан, давлат ва божхона божларини тўлашдан ва давлат бюджетига бошқа йифимлардан озод этилган. Бошқа корхоналар ва ташкилотлар фойдасининг фондга бериладиган қисми давлат бюджетига тўланадиган солиқдан озод этилган.

V б о б

ИЖТИМОЙ ФОНДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ

5.1. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ижтимоий бошқарув

Бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилганлиги умумий, глобал характерга эга ва бу бозор тизимининг моҳияти турмуш фаровонлигини, яъни аҳолининг кенг қатламларини уларнинг имкониятлари даражасида истеъмол неъматларининг мўл-кўлчилигини таъминлашга йўналтирилган тизим сифатидаги тавсиф билан белгиланади. Умумий фаровонликни таъминлаш бозор тизимининг етуклик босқичида унинг интеграл қонуни сифатида намоён бўлади.

Бозорни талабни қондиришга ва, бинобарин, инсон эктиёжларини қондиришга йўналтириш бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг барча босқичларига хосдир. У ўзининг бир босқичидан бошқасига умумий фаровонликни таъминлаган ҳолда ўтиб боради. Бироқ, фаровонликни таъминлаш даражаси бозор иқтисодиётининг ривожланиш даражасига боғлиқдир. Иқтисодиёт қанчалик юксак ривожланган бўлса, аҳолининг фаровонлик даражаси шунчалик юқори бўлади, деган қонуният мавжуд.

Бундай қонуният ўтиш иқтисодиётида ҳам кузатилиди. Бунда иқтисодиётни ижтимоий йўналтиришни, биринчидан, иқтисодиётнинг бозор муносабатлари аввалги маъмурий режали муносабатлар билан ёнма-ён мавжуд бўладиган ўтиш характерининг ўзи тақозо қилади. Иккинчидан, у бозор ислоҳотларининг чуқурлигига, яъни иқтисодиётни ривожлантиришнинг бозор механизмларини шакллантириш даражасига боғлиқ бўлади. Учинчидан, моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ривожлантиришнинг умумий дара-

жаси ҳам ижтимоий йўналтирилганлик имкониятлари-
ни олдиндан белгилаб беради.

Бундай детерминантлар иқтисодиётни ислоҳ қи-
лишнинг «ўзбек модели»да ҳам мавжуд. Бундай мо-
дель моҳиятан бозор тизими ўз табиатига кўра барча
мамлакатлар учун ягона, унинг амал қилиш қонун-
лари умумий бўлиб, қандайдир ўз алоҳида ривожла-
ниш қонунларига эга бўлган бозор иқтисодиётининг
миллий типи мавжуд эмас.

Бозор муносабатлари — умуминсоний бойлик ҳисоб-
ланади. Бироқ, бу бозорга ўтишнинг турли миллий мо-
делларини истисно этмайди, балки тақозо қиласди. Бу
моделлар, биринчидан, ислоҳ қилиш асосида бозор
муносабатлари таркиб топадиган иқтисодий тизим билан;
иккинчидан, бозор ислоҳотлари йўлига ўтаётган
мамлакатнинг умумий ривожланиш даражаси билан,
мамлакатнинг миллий менталитети, шу жумладан та-
рихан таркиб топган ишлаб чиқариш ва истеъмол фа-
олияти ҳамда тўпланган иқтисодий тажриба билан бел-
гиланади.

«Ўзбек модели» ҳам бундан мустасно эмас, у, би-
ринчидан, бозор ислоҳотларини; иккинчидан, иқти-
содиёт соҳасида миллий мустақиллик ва хавфсизлик-
ни; учинчидан, инсон манфаатларини ҳимоялашга
қаратилган ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш-
ни кўзда тутади. Бизнинг модель ижтимоий ривожла-
нишнинг умумий ва миллий алоҳида детерминантла-
ри мавжудлиги ва уларни ижтимоий сиёsatда ҳисобга
олиш зарурлиги фактидан келиб чиқади. У, биринчидан,
инсон омилини, яъни ишлаб чиқаришнинг шах-
сий омилини кучайтириш орқали иқтисодиётга фаол
таъсир кўрсатишга; иккинчидан, бозор тизимига хос
бўлган ижтимоий адолат қоидаларининг қарор топи-
шини таъминлашга; учинчидан, жамиятда ижтимоий
уйғуныликни ва, бинобарин, ижтимоий тинчлик ва бар-
қарорликни қарор топтиришга даъват этилган кучли
ижтимоий сиёsatни ишлаб чиқиш ва изчил амалга
oshiриши назарда тутади.

Ривожланишнинг «ўзбек модели»да этилган ижтимоий муаммоларни ҳал этиш моддий имкониятлар билан чамбарчас боғланади, лекин ижтимоий соҳага йўналтириладиган ресурсларни тақсимлашда давлат

фаол иштирок этади. Фаол ижтимоий сиёsat шу билан таъминланади.

Бизнинг моделда иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларнинг ўзаро таъсири иқтисодий ва ижтимоий соҳалар ўртасидаги зиддиятларни ҳал қилиш усули сифатида намоён бўлади. Бундай зиддият барча иқтисодий тизимларга хосdir. Тизимнинг яшовчанлиги, умуман, унинг икки соҳа ўртасидаги доим такрорланиб турадиган зиддиятлани изчиллик билан ҳал қилиш қобилиятига боғлиқdir. Бу зиддиятнинг мөҳияти шундаки, ижтимоий соҳага салмоқли ресурсларни ажратиш жамиятнинг иқтисодий салоҳиятини пасайтиради. Бошқа томондан эса, ишлаб чиқариш соҳасида ресурсларнинг тобора кўп сарфланиши ижтимоий соҳанинг ривожланишини сусайтиради, бу эса инсон омили ролининг пасайиши орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш истиқболига салбий таъсириш кўрсатади. Натижада истеъмол неъматларининг нотекис тақсимланиши содир бўлади ва жамиятда ижтимоий можаролар юзага келиши мумкин.

Иқтисодиётдаги мувозанат иқтисодиёт билан ижтимоий соҳанинг ривожланишини оқилона нисбатда олиб боришни талаб қилади. Бу амалда барқарор иқтисодий ўсишни таъминловчи ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг мувозанатини билдиради. Мазкур зиддият етарлича ривожланмаган иқтисодиёт шароитида, айниқса, билинади. Ушбу ҳолат «ўзбек модели»да ҳам ҳисобга олинади. Унда, шунингдек, Ўзбекистонда ўтмишдан мерос бўлиб қолган иқтисодиёт етарлича ривожланмагани ҳолда, ҳал қилинмаган ижтимоий муаммолар мажмуи мавжуд эканлиги ҳам ҳисобга олинади. Улар орасида аҳоли, айниқса, қишлоқ ёшлиарининг бандлиги муаммолари ҳам, қишлоқ жойларда қатор муҳим майший ва ижтимоий неъматларга бўлган эҳтиёжни қондириш имкониятининг йўқлиги ҳам мавжуд. Бундан ташқари, кичик шаҳарлар ва қишлоқ жойларда кам таъминланган (камбағал) оиласалар сонининг кўплиги, ижтимоий инфраструктуранинг моддий базаси ривожланмаганлиги ва бошқа кўплаб жиҳатларни таъкидлаб ўтиш мумкин.

Иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар биргаликда ушбу муаммоларни ҳал этишга қаратилган. Ўзбекис-

тонда ислоҳотлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилиди, бу — иқтисодиётни эркинлаштириш босқичидир.

Энди иқтисодий ислоҳотлар биринчи навбатда инсон салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилмоқда. Агар илгари давлатнинг чора-тадбирлари аҳоли асосий оммасини янги шароитга мослаштиришга йўналтирилган бўлса, энди давлат фуқароларнинг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини рағбатлантириш йўли билан уларнинг фаровонлигини ошириш учун шароит яратмоқда. Бозор ислоҳотлари мулкдорлар синфини шаклантириш учун шароит яратди. Оқибатда, республикада аҳолининг 63 фоизи истиқомат қиладиган қишлоқ жойларда ижтимоий барқарорлик таъминланди.

Бандлик таркиби, айниқса, ходимларни корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда мулкчилик шакли бўйича тақсимланиши анча яхшиланди. Аҳолининг иқтисодий меҳнат фаоллиги нодавлат секторида меҳнат сарфлаш соҳаси ва имкониятини ошириди, норасмий бандлик кўламини кенгайтирди. Ҳозир банд аҳолининг 70 фоизидан зиёди нодавлат секторида жамланган. Меҳнат фаолияти ва тадбиркорликнинг янги шакллари юзага келди ва жадал ривожланди.

Айни маҳалда, ўтиш иқтисодиёти қийинчилклари аҳолининг бозор шакллари билан боғлиқ ўзгаришларга психологик жиҳатдан тайёр эмаслиги ва бошқа обьектив ҳамда субъектив омиллар ижтимоий соҳада қатор салбий оқибатларнинг юзага келишига сабаб бўлди.

Улар орасида иш кучи баҳосининг кескин камайиб кетиши ҳамда юқори унумли ва самарали меҳнатга бўлган иқтисодий рағбатларнинг пасайиши алоҳида ажралиб туради. Бундай ҳодисани ўтиш даври босқичида амалда барча мамлакатларга хос ҳодиса сифатида талқин этиш лозим, чунки у, бир томондан, иқтисодиёт реал секторининг айrim тармоқларида ишлаб чиқаришнинг нисбатан пасайиши билан боғлиқ, бошқа томондан эса, иш кучига талаб ва таклиф эркинлиги иш ҳақининг унга мос ўсиши билан таъминланмаган.

Мазкур ҳолатда, фикримизча, ҳамма нарсани ўтиш даврининг умумий моҳиятига олиб бориб тақаш ҳам тўла асосли эмас. Маълумки, ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилиги ҳам узоқ вақт давомида иш ҳақи

даражаси пасайишини бартараф этиш ва унумли меҳнатта қизиқиши ошириш усулларини топа олишмади. Фикримизча, бу муаммони амалда фақат давлатнинг самарали сиёсати билангина ҳал этишнинг имкони йўқ. Бу жараёнда аҳоли барча табақаларининг кент иштирок этиши талаб қилинади. Молиявий нуқтаи-назардан буни тегишли йўналишдаги нодавлат ижтимоий фондларининг қарор топиши ва самарали фаолият кўрсатиши шароитидагина таъминлаш мумкин.

Навбатдаги салбий омил сифатида жамиятнинг меҳнат салоҳиятидан самарасиз фойдаланиш билан боғлиқ бўлган яширин ишсизлик мавжудлигини ажратиб кўрсатиш мумкин. Агар сектордаги ортиқча бандлик нисбатан юқорилигича қолмоқда. Бу ҳолат қишлоқда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктурасининг ривожланмаганлиги билан боғлиқ. Кўп қишлоқ туманларида деҳқон аҳоли кўплиги ва энг мақбул фаолият соҳасини танлаш имконияти чекланганлиги шароитида меҳнат ресурсларининг юқори суръатларда ортиб бораётганлиги бу жараёнларга жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда аввалги режимдан деҳқон аҳоли кўплигигина эмас, балки иқтисодиётнинг қатор тармоқларида ортиқча яширин бандлиги ҳам мерос бўлиб қолгани маълум. Халқаро ташкилотлар баҳолишига кўра, бу ҳолат банд бўлганлар умумий сонининг 20—25 физини ёки 2 млн. дан ортиқ кишини ташкил қиласи. Меҳнат ресурсларининг ўсиши ва бунга қўшимча равишда ортиқча бандлик иш билан таъминлашни дол зарб ва кескин қилиб қўяди.

Бироқ, бу муаммони ҳал қилишни фақат давлат иқтисодий сиёсати билангина боғлаш керак эмас. Мазкур муаммони ҳал этишда иқтисодиётнинг нодавлат сектори ҳам ўз ўрнига эга. Республика ҳукумати кескинлик кучайиб бораётганлигини ҳисобга олиб, тегишли ижтимоий дастурни ишлаб чиқди ва амалга оширмоқда. Гарча иқтисодиётта давлат инвестицияни сарфлаш юқори даражада бўлса-да, давлат ўз маблағлари ҳисобидангина самарали бандликни тўла таъминлай олмайди (26-жадвалга қаранг).

Хусусий инвестициялар ва инвестициялашнинг бошқа нодавлат шакллари ҳисобига ортишининг умумий

тамойили қишлоқ жойларда янги иш ўринларини яратишига йўналтирилган нодавлат ижтимоий фондларни шакллантириш зарурлигидан далолат беради.

26-жадвал

**Ўзбекистон миллий иқтисодиётини мулкчилик шакли бўйича
инвестициялаш таркиби ***

Инвестиция шакли	1997		1998		1999	
	млрд. сўм	% да	млрд. сўм	% да	млрд. сўм	% да
1. Давлат	177,7	65,4	219,5	59,3	332,1	66,0
2. Нодавлат <i>шу жумладан</i> хусусий	93,9	34,6	150,2	40,7	171,1	34,0
Жами	271,6	100	369,7	100	503,2	100

* Жадвал. Ўзбекистон статистика департаменти маълумоти бўйича тузилган.

Бунда, фикримизча, шунчаки ижтимоий фондларнинг иш олиб бориши тўғрисида эмас, балки, такрор ишлаб чиқариш таркибини такомиллаштиришнинг сифат жиҳатдан янги механизми тўғрисида гап бормоқда. Бу механизм эса мамлакатнинг меҳнатга яроқли аҳолисининг ярмидан қўпини қамраб олиш мумкин. Республиканинг аграр туманларида диверсификацияланган бандлик самаралироқ шаклланади, бу ислоҳотларнинг чукурлашуви учун жуда муҳим.

Нодавлат ижтимоий фондлар функционал ролининг ушбу йўналишини амалга оширилаётган «ўзбек модели» хусусиятлари мажмуи орқали ҳам кўриб чиқиш лозим. Қуидагиларни бозор иқтисодиётига ўтишдаги «ўзбек модели»нинг фарқли хусусиятларига киритиш мумкин:

- ижтимоий сиёсатнинг умумий қоидалари ва стратегик мақсадларига мувофиқ давлатнинг бошқарувчилик вазифасини сақлаб қолиш;
- ижтимоий соҳада ўтказилаётган ислоҳотларнинг босқичма-босқичлигини таъминлаш;
- аҳоли даромадлари ва харажатларининг нисбатан прогрессив таркиби шароитида аҳолини реал ва

мавжуд пул даромадлари барқарорлигини таъминлаш;

- даромад даражаси турлика бўлган аҳолининг турли ижтимоий групчлари ўртасида турмуш даражасида кескин табақаланишга йўл қўймаслик, қашшоқчиликнинг олдини олиш;
- умумий ижтимоий ҳимоялаш тизимидан ишончли ижтимоий кафолатлар ва аҳолининг муҳтоҷ қатламларини ўзини-ўзи бошқаришнинг маҳаллий органлари (энг аввало, маҳалла қўмиталари) орқали ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимиға изчил ўтишни туталлаш;
- ўзини-ўзи бошқариш органлари муҳтоҷ оиласлар сони ва уларнинг муҳтоҷлик даражаси тўғрисидаги ишончли маълумот асосида аниқ ёрдам кўрсатиш учун мақбул механизм бўлиб қолиши керак;
- зарар кўриб ишлайдиган ва рентабеллиги паст корхоналарни тугатишда иш кучини бўшатиш жараёнларини босиқлик билан олиб бориш, ишсизликнинг жуда тез ўсишига ва меҳнат бозорида вазиятнинг кескин ёмонлашувига йўл қўймаслик;
- аҳоли бандлигини, шу жумладан ёрдамчи хўжалик соҳасида бандлигини ва иккиламчи бандликни кенгайтириш учун иқтисодий ва ҳукуқий шарт-шароит яратиш.

Айни маҳалда, ислоҳ қилишнинг қатъий ижтимоий мақсадлари бўлган мазкур хусусиятлар ижтимоий барқарорликни таъминлашга ва жамиятда итимоий кескинликни бартараф этишга кўмаклашди. Бироқ, уларни амалга оширишни янада давом эттириш давлатнинг ҳақиқий имкониятларига мос келмай қолади, бу ижтимоий фондларнинг нодавлат тизимини фаол ривожлантириш зарурлигини ва ўз вақтида эканлигни таъкидлайди.

Кўп жиҳатдан бу ҳолат олимларимиз томонидан инкор этилмайди, қучли ижтимоий сиёsat шунчаки муайян мақсадни кўзловчи шиор эмас, балки республикадаги янгиланиш ва тараққиёт йўли асосланадиган энг муҳим қоидадир. Инсонни рағбатлантириш ва меҳнат ҳамда ижтимоий фаоллигини тегишлича асослаш,

унинг меҳнат, интеллектуал ва ижодий салоҳиятидан максимал фойдаланиш, боқимандалик кайфиятини ва ижтимоий лоқайдликни енгib ўтиш, янги психологик андозларни ва ҳаётий қадриятлар тизимини изчиллик билан ишлаб чиқиш унинг энг муҳим стратегик вазифаси бўлиб қолиши керак.

Шунга мувофиқ ҳолда таъкидлаш зарур-ки, олдинга қўйилган мақсадлар ва вазифаларни амалга ошириш учун, умуман, бандликка эришиш, турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, кам таъминланганликнинг ортиб боришига йўл қўймасликка йўналтирилган кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш лозим.

Давлатнинг кучли ижтимоий сиёсати бозор қоидаларига асосланган бандликнинг янги моделини қуришни талаб қиласи. Бу эса иш кучининг меҳнат бозоридағи талаб ва таклифга мувофиқ ўзгаришини, касбни, фаолият тури ва шаклини эркин танлашни, иш ҳақининг эркин ўзгаришини билдиради.

Бозор иш кучининг ҳаракатчанлигини ва унинг ракобатбардошлигини таъминлаши лозим. Ҳозир асосиysi, умуман бандликка эмас, балки самарали бандликка эришишдан иборат.

Давлат сиёсати аҳолининг оптимал даражада юқори ва мақсадга мувофиқ бандлигини таъминлаши лозим. Меҳнат муносабатларига давлат таъсирини сақлаб қолиш, айрим даврларда эса кучайтириш унинг ўзига хос хусусияти бўлиб қолиши керак, чунки соғ бозор дастакларидан фойдаланиш ижтимоий соҳада зарур самара бермайди. Бироқ, меҳнат муносабатларига давлатнинг аралашуви бандликнинг бозорга хос қоидалири ривожланишига тўсице бўла олмайди.

Янги иш ўринларини яратишда ҳам, инсон ресурсларида ҳам инвестиция фаолиятини кучайтириш, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш ва молиявий барқарорликни таъминлаш орқали оқилона бандликка эришиш мумкин.

Бундай ҳолатда бандлик сиёсатининг асосий қоидалари қўйидагилар бўлиши лозим:

- бандликнинг бутун тизимини демократиялаш;
- иқтисодий ва ижтимоий мақсадлар бирлигига эришиш;

- бандликни шакллантиришнинг миллий жиҳатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш;
- бандликда, кадрларни касбий тайёрлашда сифат ўзгаришларига эришиш ва меҳнат бозорида иш кучининг рақобатбардошлигини ошириш;
- мулкчилик шакллари турлича бўлгани ҳолда устун даражада бандлик ва иш ҳақини иқтисодий услублар орқали тартибга солишга йўналтириш;
- бандлик соҳасида инсонни кафолатли ижтимоий ҳимоялаш⁴³.

Юқоридаги қоидалар бозорга ўтиш шароитида бандликни таъминлашнинг асосий йўналишларини белгилаб беради, бу бандлик ижтимоий йўналтирилган бўлиши, ҳар бир одамнинг ихтиёрий ва эркин меҳнат қилиш ҳуқуқига, шунингдек кишининг ишлаб чиқариш тизимидағи ролининг аҳамиятини кучайтиришга асосланиши керак.

Бандлик муаммосини ҳал этишда ёшларга, аёлларга, айниқса қишлоқ жойлардагиларга эътибор берилади. Буни мамлакатнинг демографик хусусиятлари талаб қиласи. Ўзбекистонда демографик омилнинг таъсири анча сезиларлидир, чунки меҳнат ресурсларининг ҳар йиллик ўсиши 250 мингдан зиёд кишини ёки 2,4—2,6 фоизни ташкил қиласи.

Бандлик қишлоқ ҳўжалигига банд бўлган ходимларни иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига, жумладан, саноатга, хизмат кўрсатиш соҳасига ва бошқаларга қайта тақсимлашга йўналтириши лозим. Айни маҳалда ушбу соҳаларни қишлоқда ривожлантириш лозим, чунки шундай қилганда, агар инфраструктурани инвестициялашдаги тежамкорлик ҳисобга олинса, анча арzon бандликка эришиш мумкин бўлади.

Республикамида яширин ишсизлик, мажбурий қисман бандлик, ҳисобга олинмаган бандлик даражаси ҳали ҳам юқори бўлгани учун ахолининг умумий бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. У бундан буён саноатни, қишлоқ ҳўжалигини, хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш чораларини амалга оши-

⁴³ Қаран: «Узбекская модель перехода от административно-командной централизованно-плановой системы к основам рыночной экономики». Научный отчет по государственной научно-технической программе, № 4, раздел 3—8. — Т., 1998 г.

ришни талаб қиласи, барча инновация лойиҳаларини жорий этиш, ишлаб чиқаришни янгилаш ва кенгайтиришда биринчи навбатда, потенциал даражада бўшаётган иш кучидан ва янгидан жалб этилаётган иш кучидан самарали фойдаланиш лозимлиги ҳисобга олиниши керак.

Иш ўрни учун кураш орқали ходимларнинг қасбий маҳоратларини ошириш омили бўлган меҳнат бозоридаги рақобат механизмини яратмай туриб самарали бандликка эришиб бўлмайди. Ўзбекистонда бандликнинг муқобил ва эгилувчан шаклларидан фойдаланиш алоҳида аҳамият қасб этади, ўзини-ўзи иш билан бандқилиш, якка тартибдаги меҳнат фаолияти, халқ бадиий ҳунармандчилигидаги бандлик, ўзгарувчан иш вақти режимларидағи бандлик, шахсий ёрдамги хўжалик (ШЁХ)даги бирламчи бандлик шу шакллар жумласидандир.

Цивилизациялашган бозорга меҳнат соҳасида ижтимоий ҳамкорлик қилиш хосдир. Шу нуқтаи-назардан Қараганда, оила даромадининг муҳим манбаи бўлиб қолиши зарур бўлган аёллар бандлигини оптималлаштириш биринчи навбатдаги муаммодир. Аёллар оиласидаги ва жамиятдаги ўзига хос ролига кўра, гарчи кўпинча эркакларга нисбатан анча юқори маълумот даражасига эга бўлишса-да, рақобатлашувга камроқ қодирдирлар. Шундан келиб чиқиб, аёллар иш кучининг янги иқтисодий муносабатларга мослашувида ёрдам кўрсатиш, қасбий ҳаракатчанлигини кучайтириш зарур. Бандликнинг худудий даражасида жиддий тафовутлар сақланиб қолгани боис мамлакат учун иш кучининг юқори худудий ҳаракатчанлиги алоҳида аҳамият қасб этади.

Иқтисодиёт ижтимоий ўйналтирилган шароитда бандлик сиёсатида ишсизликнинг оммавий шаклларига ва ижтимоий қашшоқликка йўл қўйиб бўлмайди. Аксинча, бу сиёсат аҳолининг меҳнат соҳасидаги ижтимоий ҳимояланишини таъминлаши лозим.

Ижтимоий ҳодиса бўлган ишсизлик бозор иқтисодиётининг маҳсулидир Бозор шароитида, айниқса ўзгарайтган иқтисодиёт даврида у расмий мақом қасб этади. Айни маҳалда ишсизликнинг мавжуд бўлиши бозор иқтисодиётининг нормал ҳолати ҳисобланади, чунки иш жойини ўзгартираётган, нисбатан мақбул иш из-

лаётган ва ҳоказо бир қисм ходимлар доимо мавжуддир. Давлатнинг вазифаси ишсизликни унинг табиий меъёрига қадар ушлаб туришдан иборатки, бу меъёр, бизнингча, бандлик меҳнат унумдорлигининг ишсизликни ушлаб туриш учун етарли бўлган даражаси билан аниқланади.

Лекин, айни маҳалда, мамлакатимизда ҳозирги етук бозор иқтисодиётига эга мамлакатлар аллақачон босиб ўтган бирмунча бошқача муаммолар нисбатан муҳимроқ бўлиб чиқмоқда. Олимларимиз бу муаммоларга эътибор қарататётган бўлсалар-да, уларни бартараф этиш борасида кўриб чиқилаётган услублар асосан давлат дастурларида жамланган.

Масалан, Ўзбекистон шароитида яширин ишсизлик катта муаммолигича қолмоқда. Бандлик сиёсати ишсизликнинг яширин шаклларини «сиқиб чиқариш» ва назорат қилинадиган даражадаги ишсизликни тарьминлаш чораларини назарда тутиши лозим.

Жамиятни бундан буён ҳам демократиялаштириш, бозор муносабатларининг цивилизациялашган шаклига ўтиши, аҳолининг ҳақиқий даромадлари даражасини ошириш ишсизликни тобора ошкора бўла боришига олиб келади. Айни маҳалда, бу меҳнат бозоридаги кескинликни маълум даражада кучайтириши мумкинлиги қайд этилади. «Бандлик — ишсизлик» (ва аксинча) оқимини тезкорлик билан бошқариш (иш излаётгандарни ишга жойлаштириш, ишсизлик бўйича нафақа тўлаш, ишсизларни ижтимоий ҳимоялаш ва ҳоказолар) учун бандликка кўмаклашиш фондидан харажатларни кўпайтириш ва ушбу фонд харажатларининг бутун тизимини ўзгартириш зарурлиги таъкидланади. Буларнинг бари ишсизлиқдан ҳимоялаш тизимини шакллантириш, мувофиқлаштириш ва бандлик сиёсатини такомиллаштириш учун тегишли чоралар кўришни талаб қиласди. Ушбу тизимда барча ижтимоий ҳамкор томонлар манбаатдор бўлган тўла, самарали ва эркин танланган бандликни шакллантириш учун кўмаклашишга интилиш лозим. Унинг иштирокчилари ходимлар ва иш берувчилар бўлиб, улар орасидаги воситачи эса давлатдир. Меҳнат муносабатларида давлатнинг иштирок этиши меҳнат бозорини бошқариш механизмининг мажбурий компонентидир.

Бундан ташқари, бандлик сиёсатини ўтказишда республикада бандликни таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда ва меҳнат бозорини ривожлантириша тўсқинлик қилиши мумкин бўлган мавжуд хусусиятларни ҳисобга олиш лозим. Улар орасида аҳоли ва меҳнат ресурсларининг кўпайиш суръатини, деҳқон аҳолининг кўпайиб кетишини, меҳнат ресурсларининг қишлоқ жойларда ва кичик шаҳарларда ҳаддан ташқари концентрациялашувини, ижтимоий жиҳатдан заиф кўплаб аҳоли гурухлари мавжудлигини кўрса-тиш лозим.

Ушбу вазиятлар ҳисобга олинадиган бўлса, мамлакатда аҳолининг оммавий ишсизликни, меҳнатдан фойдаланишдаги номутаносиблигни ва меҳнат салоҳиятидан тўла фойдаланилмасликни истисно этувчи оқилона бандликка эришиш лозим. Агар бандлик даражаси ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга ва аҳолининг ишга бўлган тала-бига мувофиқ келса, меҳнат унумдорлигининг ортишига кўмаклашса, шунингдек иш кучини сифатли такрор ишлаб чиқаришни таъминласа, уни оптималь деб ҳисоблаш мумкин. Яъни, биз амалда мавжуд ҳолатни самарали ҳал этиш усусларига эга бўлмаган ҳолда, уни устун даражада таъкидлаш билан шуғулланамиз. Амалда мазкур масалани ҳал этишнинг ҳаммаси давлат органлари, шу жумладан аҳоли бандлигига кўмаклашиш фонди зиммасига ағдарилади, холос. Фикримизча, бу илмий нуқтаи-назардан тўла изчил ечим эмас.

Биринчидан, ЯИМдан фойдаланиш соҳасидаги бюджетнинг оғирлиги чегаравий даражага етай деб қолди. 1999 йилда, давлат статистика департаментининг маълумотларига кўра, давлат бюджетининг харажат қисми ЯИМнинг 32,2 фоизини ташкил қилди⁴⁴. Шунинг учун бу ерда бандликни таъминлаш жараёнларини маблағ билан таъминлашнинг янги молиялаштириш манбаларини излаш талаб этилади. Аҳолининг ўз маблағлари ва нодавлат корхоналари ва фирмаларнинг маблағлари шундай манба бўлиши мумкин. Бироқ, бунинг учун

⁴⁴ К а н г: Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 1999 год. — Т., 2000 г., стр. 16

аҳоли даромадининг тегишли даражада ўсиши ва мулкчиликнинг барча шаклларидағи корхоналар фойдасининг кўпайиши талаб қилинади.

Иккинчидан, айни нодавлат секторида бандлик ортиб бораётган шароитда ишловчи — иш берувчи — давлат муносабатларини фақат давлат тизими бўйича қуришнинг ўрни йўқ. Ижтимоий ҳамкорликни нормал йўлга қўйиш учун нодавлат ижтимоий фондларни, шу жумладан янги иш ўринларини яратиш орқали бандликни таъминлашга йўналтирилган фондларни жадал ривожлантириш талаб қилинади.

Учинчидан, ишловчи-иш берувчи-давлат муносабатлари ишловчиларнинг ўз даромади етарли бўлган шароитлардагина тўла асосда ривожланиши мумкин. Даромадлар даражаси етарли бўлмаган ҳолларда иш берувчилар билан ўзаро муносабатлар teng бўлмаган субъектлар муносабатига айланади. Шунинг учун аҳоли даромадлари сиёсати ўта долзарб бўлиб қолади.

Ислоҳотларнинг дастлабки йилларида таркиб топган ўтиш даври аҳолининг реал даромадларига салбий таъсир кўрсатди. Фаол институционал ўзгаришлар, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, шунингдек макроиктисодий барқарорлаштиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар инфляция даражасининг пасайишига, даромадлар янги манбаларининг шаклланишига ва аҳолининг нодавлат секторида банд бўлган шахслар фойдасига табақалашуви кучайишига олиб келди.

Аҳолининг даромадлар даражаси бўйича қутбланиши иқтисодиётнинг энг муҳим ижтимоий секторлари: таълим, соғлиқни сақлаш, давлат бошқаруви, шунингдек қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида меҳнат рағбатлари ролининг муайян даражада пасайишига олиб келди. Бу ҳолат иш ҳақи тизимини такомиллаштириш, юқори ва ўта юқори шахсий даромадларга эгилувчан солиқ солиш, аҳолининг айрим гуруҳларига трансферт тўловлари миқдорини ошириш воситасида даромадлар сиёсатини тузатиб бориш зарурлигидан дарак беради. Умуман, бундай шароитда иш ҳақининг рағбатлантирувчи роли жуда паст бўлиб, у аҳоли пул даромадининг ярмидан камини ташкил этади (27, 28-жадваллар).

27-жада

**Ўзбекистон Республикасида 1998—2000 йилларда оиласлар жами
даромадининг таркиби**

	1998	1999	2000
Жами	100,0	100,0	100,0
шу жумладан:			
Пул даромадлари	85,4	85,4	78,6
шундандан:			
ёлланиб ишловчилар иш ҳақи	30,2	31,4	28,7
тадбиркорлик фаолиятидан келадиган даромад	21,4	22,0	20,8
якка меҳнат фаолиятидан келадиган даромад	5,5	5,5	4,6
пенсия, стипендия, нафақа	7,9	10,4	9,5
мулқдан келадиган даромад	0,3	0,3	0,9
шахсий ёрдамчи хўжаликдан келадиган даромад	16,0	14,1	12,6
бошқа даромадлар	4,1	1,9	1,6
Шахсий ёрдамчи хўжаликдан шахсий натурал истеъмол	14,6	14,6	21,4

Аҳолининг мавжуд даромади унинг ижтимоий фаровонлигининг муҳим индикаторидир. Аҳолининг иқтисодиётни ислоҳ қилиш таъсирида узоқ вақт давомида ўзгаришларга учраган пул даромадлари таркиби нисбий мувозанатга келди. Бундан бўён, тадбиркорлик фаолиятидан келадиган даромад салмоғининг ўсишини тўхтатган ҳолда, ёлланма ходимлар иш ҳақи ва билвосита даромадлари ҳиссасини ошириш зарур, деб ҳисобланмоқда. Бу, ўз навбатида, аҳоли жами даромадларининг харид қобилиятига таъсир кўрсатади. Пулли хизматлар нархи ва тарифларининг устун даражада ўсиши аҳолининг истеъмол молларига харажатни қисқартирган ҳолда пул маблагининг бир қисмини хизматларга тўловлар учун қайта тақсимлашни шарт қилиб қўйди. Аҳоли даромадлари ўсишининг потенциал имкониятлари, энг аввало, ноозик-овқат товарлари ва пулли хизматлар бозорида мустаҳкамланиши зарур.

Айни маҳалда бюджет соҳасининг ижтимоий тармоқлари ходимларининг реал иш ҳақи ва реал пенсия борасидаги вазият яхшиланиши билан боғлиқ ҳолда аҳоли харид қобилиятининг ортиши, аҳолининг ўртача ва кам таъминланган гуруҳлари талаби ҳиссасининг ошишига кўмаклашади.

Аҳолининг тўлов қобилиятига эга талабининг нисбатан қисқариши, валюта ва молия бозорида вазиятнинг барқарорлашуви, инфляция суръатларининг пасайиши юзага келаётган даромадлар табақалашувининг асосий манбаи бўлган тадбиркорлик фаолиятидан келадиган даромадларнинг нисбий ўсишини тўхтатади.

28-жадвал
**1991—1999 йилларда Ўзбекистон аҳолиси пул даромадлари
таркибида иш ҳақининг ҳиссаси⁴⁵**

	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999
Пул даромадлари ва харажатлари баланси маълумотлари бўйича	49,3	56,7	41,8	36,1	40,5	36,6	34,3	29,4	28,0

Шунга қарамай, инфляция аҳоли реал даромадлари ўсишини тўхтатиб турувчи омил сифатида намоён бўлади. Тўғри, Ўзбекистондаги инфляцияга қарши фаол бошқарув инфляция суръатини МДҲнинг бошқа мамлакатларидағига қараганда тезроқ пасайтириш имконини берди.

29-жадвалдаги материаллар шундан далолат беради.

29-жадвал
**1995—1998 йилларда Ўзбекистон Республикасида ва айрим МДҲ
мамлакатларида инфляциянинг кварталлик даражаси
(ўтган йилнинг тегишили кварталига тўғри келадиган квартал,
нархларнинг ўсиши, % да)**

Кварталлар	Ўзбекистон	Россия	Қозогистон	Қиргизистон
1995				
I	1048,5	216,5	729,3	63,6
II	526,7	222,3	315,8	44,4
III	279,7	221,1	132,5	36,9
IV	143,1	156,9	71,5	32,3
шу йил ичida	304,5	197,4	176,3	42,9

⁴⁵ Жадвал Ўзбекистон Статистика департаменти маълумотлари бўйича тузилган.

1996				
I	74,4	90,1	47,5	26,1
II	49,7	58,7	41,5	32,6
III	44,8	37,3	38,1	29,8
IV	52,6	24,4	31,7	31,1
шу йил ичида	54,0	47,8	39,1	30,0
1997				
I	71,2	18,6	25,0	27,0
II	65,5	15,1	20,0	21,9
III	63,6	14,7	15,8	20,7
IV	40,3	13,4	12,0	15,3
шу йил ичида	58,8	15,1	17,9	21,0
1998				
I	19,0	10,7	11,3	12,8
II	12,4	9,6	9,5	11,1
III	16,4	24,2	6,6	10,0
IV	23,1	70,1	3,1	14,8
шу йил ичида	17,7	22,9	7,5	12,2

Бутунги кунда кескин турган муаммолардан бири якка тадбиркорлик фаолияти ва шахсий ёрдамчи хўжаликларда банд бўлган фуқароларнинг ижтимоий таъминот тизимидан фойдаланишини таъминлашдан иборат. 1999 йилда деҳқон хўжалиги (ШЁХ)да катта ёшлиларнинг иккиласми бандлигини, болалар ва кўп болали аёллар бандлигини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, 1,5 миллион нафарга яқин киши банд бўлганди. Мазкур хўжалик майдада товар хўжалиги сифатида, бир томондан, истеъмолчилик характеристига эга, бошқа томондан эса, тадбиркорлик тузилмасига киритилади.

Ҳозирги пайтда оиласалар, айниқса, қишлоқ оиласлари жами даромадида ШЁХ ҳиссасининг ошиши тамойили кузатилмоқда. Масалан, 1993 йилда ШЁХ дан келган пуд даромадлари жами тушумларнинг 11,7 фоизини ташкил қилди. Бу ерда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотларининг саломокли қисми яратилади.

1998 йил 1 январидаги аҳолга кўра, ШЁХ да 236,2 миллиард сўмлик маҳсулот етиштирилган. Майдада хўжаликнинг қишлоқдаги даромадлар роли тўғрисида 30-жадвал маълумотлари далолат беради.

30-жадвада

**1998 йил декабрда Ўзбекистоннинг айрим вилоятлари бўйича
қишлоқ оиласи оилалари даромадларида ШЁХнинг ҳиссаси**

Вилоятлар	Оила пул даромадларида ШЁХнинг ҳиссаси, % да	Оила жами даромадида ШЁХ ва фермер хўжаликларидан олинадиган натурал истеъмол қилиш ҳиссаси, % да
Андижон	30,1	28,9
Бухоро	26,9	29,3
Жиззах	26,2	38,5
Сурхондарё	24,4	29,6

Шахсий ёрдамчи хўжалигининг (ШЁХ) қишлоқ оиласининг барқарор натурал истеъмолини таъминлашдаги аҳамияти барқарор қолмоқда. Истеъмолнинг бу шакли бозорга хос эмас, бироқ инфляциядан ўзини ҳимоялашнинг зарур чорасидир.

Умуман, бу хўжаликнинг турли ижтимоий гурӯҳлар учун аҳамияти бир хил эмас. Агар у ишчилар, хизматчилар ва тадбиркорлар учун кўшимча машғулот бўлса, дехқонлар учун оиласиий бизнес бўлиб, муҳим, айримлар учун эса асосий даромад манбаидир.

Чунончи, 1998 йил декабрдаги оиласарни тадқиқ қилиш якунларига кўра, колхозчиларнинг хусусий хўжалигидан, шу жумладан натурал хўжалигидан тушумлар уларнинг жами даромадининг 59,9 фоизини ташкил қилган. Фактлар эндиликда бу хўжаликларнинг қишлоқ ижтимоий муаммоларини ҳал қилишдаги ролини баҳолашга жиддий ёндашиш лозимлигидан далолат беради.

Бозор ислоҳотлари, айниқса, иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида якка тартибдаги меҳнат фаолиятининг (ЯМФ) ижтимоий аҳамияти ортиши характерланади. У, айниқса, кўп болали оиласар учун, ўзини-ўзи ҳимоя қилишнинг қулай шаклидир. Шунинг учун бандликнинг бу шакли жадал суръат билан ривожланмоқда ва оиласар даромадида унинг ҳиссаси ортиб бормоқда. 1995 йилда Ўзбекистонда ЯМФ билан банд кишилар сони 30,8 минг кишини ташкил этган бўлса, 1998 йил 1 январга келиб улар, иккиламчи бандиликни ҳам ҳисобга олганда, 915,6

минг кишини ташкил қилди. Натижада ЯМФ даромадлари бошқа даромадларга қараганда тезроқ ошиб бормоқда ва шунинг учун, Ўзбекистон оиласарини бир йўла тадқиқ қилиш натижалари кўрсатганидек, оила жами даромадида уларнинг ҳиссаси ўсиб борди.

Қайд этилган тадқиқотлар натижаларига кўра, Ўзбекистон аҳолиси ижтимоий гурӯҳлари бўйича бу ҳисса қуидагича бўлган (31-жадвал).

31-жадвал

*1996—1998 йилларда оиласар жами даромадида якка
тартибдаги меҳнат фаолиятидан келган даромадлар
ҳиссаси (% да)*

Оиласар гурӯҳи	1996	1997	1998
Ишчилар	1,4	9,5	8,3
Хизматчилар	0,8	4,0	5,4
Тадбиркорлар	3,1	4,0	4,2
Жамоа хўжалиги (ширкат) аъзолари	1,5	6,9	8,2
Пенсионерлар	1,2	1,6	0,4
Барча гурӯҳлар бўйича	1,2	5,2	6,4

ШЁҲ ва ЯМФ соҳаларида биргалиқда жами ЯИМ-ни яратувчи, миллий бойликни кўпайтирувчи фуқароларнинг кўпчилиги банд. Шу боис, улар ижтимоий ҳимояяга муҳтождирлар. Бироқ, амалдаги қонунлар бу тоифа шахсларни вақтинча меҳнатга яроқсизлик (касаллик варақаси) ва пенсия ёши етгач қонунларда кўзда тутилган сугурта ҳолатлари бошланиши билан (дағи этишда, фарзанд туғилганда, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича) тўланадиган бошқа тўловларни назарда тутади. Лекин, мазкур соҳада ишловчилардан бадалларни йиғиб олиш механизми ишлаб чиқилмаган. Юқоридаги сабабга кўра, улар банд бўлганлар ҳисобидан «тушиб қолади», бу эса ўз навбатида меҳнат бозоридаги ҳолатни жиддий равишда бузиб кўрсатади.

Якка тартибдаги меҳнат фаолияти ва шахсий ёрдамчи хўжалигида банд бўлган фуқароларга ижтимоий ёрдам олиш имконини яратиш мақсадида улар учун

ижтимоий суурталашнинг тегишли шароитларини яратиш кўзда тутилмоқда. Улар, бир томондан, ижтимоий сууртга фондларига (шу жумладан, уларнинг нодавлат қисмига) мунтазам маблағ ажратишни рағбатлантиришлари бошқа томондан эса, шу тўловларга тент кафолатли ижтимоий хизматлар кўрсатишни таъминлашлари лозим. Ҳозирги пайтда ижтимоий сууртга фондига ажратмаларнинг энг кам миқдори белгиланган, у фуқаронинг меҳнат стажида фаолиятнинг ушбу турлари билан бандлик даврини ҳисобга олишини вақтинча ишга яроқсизлик бўйича нафақа тўлашни, дафнга, ҳомиладорлик ва туғиши бўйича, фарзанд туғилганда, ёшига кўра нафақа тўлашни таъминлади.

Бунда рискдан кўшимча сурталашни таъминлаш учун якка тартибда меҳнат фаолияти ва шахсий ёрдамчи хўжалигида банд бўлган фуқароларнинг маблағларини ихтиёрий жамлашга асосланган маҳсус суртга фондларини вужудга келтириш учун қулай шароит зарур.

Пул даромадларини тартибга солиш, асосан хўжалик фаолияти субъектларининг иш ҳақи фондини юқоридан туриб бошқаришдан босқичма-босқич озод қилган ҳолда фуқароларнинг даромадлари ва мулкини солиққа тортиши тизимини такомиллаштириш йўли билан амалга оширилиши лозим. Бунда тармоқларда ва монополист корхоналарда иш ҳақи фондида даромадларнинг шаклланиши жараёнига давлат таъсири сақланаб қолади.

Иш ҳақининг давлат томонидан тартибга солишдан аста-секин воз кечиш шароитида турли даражадаги таъриф шартномаларининг ролини ошириш фойдалидир. Давлатнинг бюджет соҳасида иш ҳақини тартибга солишга бевосита таъсир кўрсатиш имкониятини ягона таъриф сеткасидан фойдаланган ҳолда сақлаб қолиш мумкин. Айни маҳалда, юқори самарали меҳнатни янада рағбатлантириш, ходимлар малакаси ва маълумоти даражасини ошириш, турли разряддаги ходимлар иш ҳақи ўртасидаги фарқни ошириш мақсадида ягона таъриф жадвали, таъриф коэффициентларини босқичма-босқич қайта кўриб чиқиши зарур. Бу фарқни ўртача 10 фоизга етказиш мўлжалланмоқда. Айни маҳалда, иш ҳақи миқдорининг табақаланиши ягона таъриф жадва-

лининг қуий разрядларида 11—12 фоиз, юқори разрядларида эса 8,5—9,5% ни ташкил қилади.

Ҳозирги пайтда бюджет соҳаси ходимлари иш ҳақини тартибга солишининг эгилувчан тизимини республика бўйича ўртача иш ҳақи динамикасидан келиб чиқиб, минимал иш ҳақи миқдорини республика бўйича ўртача иш ҳақи ўзариш динамикаси билан боғлаш воситасида таъминлаш мўлжалланмоқда.

Фикримизча, зарур шартлардан бири сифатида нодавлат ижтимоий суғурта фонdlарининг тармоғи яратилса, бу чораларнинг самарадорлиги ортар эди. Бироқ, айни шу чора аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг бутун тизимини такомиллаштиришга кўпроқ таалуқли.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш давлатнинг камбағаллик ортиб бориши ва аҳоли турмуш даражаси пасайишига йўл қўймасликка қаратилган ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналишидир.

Камбағаллик глобал муаммо бўлиб, у МДҲнинг барча мамлакатларида мавжуд. Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. Бироқ, камбағаллик кўлами ва даражаси турлича бўлиб, бу нафақат иқтисодиёт даражаси, балки ижтимоий сиёсатнинг таъсирчанлиги ва мақсадли кўрсатмалари билан ҳам изоҳланади.

Буларнинг бари, ўз навбатида, бозор ислоҳотларининг қандай модели танлаб олинганига боғлиқdir. Монетаристлар тавсия қилган ва «фалажли даволаш»га асосланган ривожланиш йўли танланган жойда даромадлар кескин пасайиши ва улар табақаланишининг кучайиши содир бўлмоқда, дастлабки турмуш даражаси у қадар паст бўлмаса-да, камбағаллик жадал ортиб бормоқда. Бу ҳол МДҲнинг аксарият мамлакатларида рўй бермоқда.

Ўзбекистон эса, бу мамлакатлардан фарқли равишида, аҳолининг камбағаллашувига йўл қўймаган ҳолда бозорга босқичма-босқич ўтиш йўлини танлади ва бунга даромадларни давлат томонидан тартибга солиш соҳасидаги кучли сиёсат воситасида эришилди. Акс ҳолда аҳолининг камбағал қатламлари бозор ислоҳотларининг ижтимоий аҳамиятини тушунмаган бўлардилар. Иқтисодий ривожланиш даражасидаги тафовутлар бўлгани ҳолда аҳоли камбағаллиги тўғрисида 32-жадвал маълумотлари далолат беради.

32-ж а д в а л

**Камбағаллар ҳиссасининг ўзгариши (1990 йилдаги нархларда
ойига аҳоли жон бошига 120\$ ҲҚП)***

Мамлакат	1987—88 йилларда камбағаллик чегарасидан кўйидаги аҳоли салмоғи	1993—94 йилларда камбағаллик чегарасидан кўйидаги аҳоли салмоғи	Ўзгариш (% да)
Россия	2	43	20,5 баравар
Қозоғистон	5	50	900
Қирғизистон	12	84	600
Туркманистон	12	57	375
Ўзбекистон	24	47	96

* Инсон тараққиёти тўғрисидаги маъруза, 1999 й., UNDP, — Т., 2000 й., 28 б.

Иқтисодиёт даражаси бўйича Қозоғистон Ўзбекистондан олдинда. Шунга кўра, Қозоғистонда камбағаллик кўлами Ўзбекистондагидан кичик бўлиши керак. Бироқ 32-жадвалдан бундай бўлмагани кўринади, чунки Қозоғистонда тақсимотнинг бозор механизми афзал деб топилди, Ўзбекистонда эса тақсимотнинг бозорга хос усувлари билан бирга аҳолининг муҳтоҷ қатламларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида даромадларни давлат томонидан тартибга солиш йўлга қўйилди. Ўзбекистонда ижтимоий тадбирлар кенгайтирилмоқда, турли-туман бўлиб бормоқда, аҳолини ижтимоий ҳимоялашни янада такомиллаштириш жараёни содир бўлмоқда. Уни кўйидаги йўналишлар бўйича амалга ошириш мўлжалланмоқда:

- ижтимоий жиҳатдан муҳтоҷ аҳоли қатламлари учун иш ҳақи, пенсия, нафақалар белгилаш соҳасида энг кам кафолатларни ташкилий ва молиявий жиҳатдан таъминлаш;
- ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими мониторинги ва истиқболини белгилаш, уларнинг базис даражасини бундан кейинги ўсишда бошланғич нуқта сифатида аниқлаш учун иқтисодий кўрсаткичларни ишлаб чиқиши;
- даромадларнинг ўсиши ва уларнинг таркибини такомиллаштириш учун шароит яратиш. Айни

маҳалда, иш ҳақи даражасини тартибга солиш асосларини сақлаб қолган ҳолда хўжалик фаолиятининг иш ҳақи ўсиши ва унинг даражасини оқилона ўзини-ўзи бошқаришни таъминловчи хўжалик субъектларини давлат томонидан тартибга солишдан озод қилиш имконини яратиш;

- бюджет дотацияларини бевосита фуқаролар учун ажратиладиган адресли субсидияларга айлантириш негизида ижтимоий хизматларни молиялаштирища аҳолининг иштирокини кенгайтириш;
- объектив вазиятлар сабабли ҳаёт фаолиятининг энг кам стандартларини таъминлаш имконига эга бўлмаган фуқаролар даромадларини ижтимоий хизматларнинг истеъмолчиларига йўналтирилган бевосита аниқ трансфертлар билан қўллаб-куватлаш..

Бундан ташқари, ёлланма ишчиларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилишнинг самарали тизимини, шу жумладан иш ҳақининг вақтида тўланишини таъминлаш ва нарх-наво ўсиб боришига мувофиқ ҳолда уни ошириб бориш механизмини ташкил қилиш; ижтимоий хизмат кўрсатишда якка ҳокимликни бартараф этиш, сугурта ва субсидияланадиган ижтимоий хизматлар кўрсатишда рақобатни авж олдириш ва нодавлат секторни жалб этиш; ижтимоий хизматлар истеъмолчиси бўлган фуқароларга бу хизматлардан баҳраманд бўлиш шаклларини эркин танлаш ҳуқуқини бериш; мажбурий сугурталаш қоидаларини шундай сугурталаш шарт бўлган ёки ундан озод этиладиган кишилар гуруҳлари рўйхати билан бирга аниқлаш воситасида ижтимоий сугурталаш соҳасида кафолатларни таъминлаш каби масалаларга катта эътибор қаратилади.

Бизнинг тадқиқот позициямиздан қараганда, ижтимоий сугурталаш фонdlарини ташкил қилиш ва бошқаришни такомиллаштириш сингари муаммоларга алоҳида аҳамият бериш лозим, бу эса ижтимоий сугурталашни давлат бошқаруви тизимидан ажратишни ва уни амалга ошириш ваколатини нодавлат ташкилотларга бериш ва бу ташкилотларни ижтимоий сугурталашни амалга ошириш борасидаги кенг ҳуқуқлар (шу жумладан маблагни тасарруф қилиш ҳуқуқи) билан таъминлашни;

ижтимоий суфурталашни камида түрт йүналишда: пенсия сугуртаси, тиббий сугурталаш, ишлаб чиқаришда баҳтсиз ҳодисалардан сугурталаш ва ишсизликдан сугурталашга бўлиш мақсадга мувофиқлигини; фуқароларга ўз эҳтиёжларига мувофиқ равишда хусусий шартномалар тузиш воситасида ўзини-ўзи ижтимоий ҳимоялашни тўлдириш ёки уни хусусий сугурталаш билан тўла алмаштиришни танлаш ҳуқуқини берувчи хусусий сугурталаш билан тўла алмаштиришни танлаш ҳуқуқини берувчи хусусий сугурталаш институтларини бутун ижтимоий сугурталаш тизимининг қисми сифатида шакллантириш ва ривожлантиришни; фақат давлат бюджетидан (солик тўловчилар ҳисобидан) ажратилган маблағни кўпайтириш йўли билангина эмас, балки ижтимоий таъминот тизими фойдасига ижтимоий тўловлар (ижтимоий бадаллар) орқали ҳам сугурта фондларининг маблағ билан барқарор таъминланишига эришиш мақсадга мувофиқлигини тақозо этади. Ижтимоий таъминот таъминот бадаллар ҳисобидан билан таъминланадиган бўлса, ижтимоий таъминот хизматларини молиялаштириш (тақсимлаш нисбати қоидаси ёки капитал жамғариш қоидаси бўйича) услубларини аниқлаш зарур. Мавжуд шароитда мажбурий сугурталашнинг тақсимлаш нисбати қоидаси услубидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ кўринади, капитал жамғариш услуги кўпроқ ихтиёрий хусусий ижтимоий сугурталашга мос келади.

Айни маҳалда, пенсия тўловларини ўз вақтида амалга оширишни, пенсияларни ҳимоялаш ва индекслашни таъминлаш; ижтимоий қўллаб-куватлаш соҳасида, шу жумладан аҳолини ижтимоий қўллаб-куватлашнинг амалдаги тизимини ислоҳ қилиш воситасида кафолатлар бериш; ижтимоий ёрдам олувчи субъектларни баттафсил белгилаб чиқиш ва уларни турли даржадаги бюджетларга бириктириш; ижтимоий тўловларни икки дарражали ва уч даражали тизим асосида амалга ошириш сингари масалаларнинг долзарблиги ортмоқда. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича тадбирларни амалга оширишга ихтисослашган ижтимоий институтлар фаолиятини янада мустаҳкамлаш зарур. Айни маҳалда аҳолини ижтимоий қўллаб-куватлаш вазифасини давлат (марказий) тузилмаларидан маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига аста-секин ўтказиш вазифаси турибди.

Иктисодиётни эркинлаштириш шароитида айрим фуқаролар учун имтиёзлар беришнинг мавжуд тизими ни компенсация тўловлари билан алмаштириш; муҳтож оиласалар даромадлари декларациясига асосланган маҳсус тўловларга муҳтожликни аниқлашнинг аниқ мезонларини белгилаш; нафақа ва компенсацияларни тўлашнинг бошқа тўловларга нисбатан устуворлигини қонуний тарзда белгилаш; ижтимоий ёрдамга муҳтож фуқароларга текин ёки имтиёзли ижтимоий хизматлар кўрсатишга йўналтириладиган аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатувчи институтлар фаолиятини йўлга қўйиш каби муаммолар долзарб бўлиб қолмоқда.

Аҳоли учун ижтимоий кафолатларни ва уни ижтимоий қўллаб-кувватлашни таъминлаш тизимини ислоҳ қилишда қўшимча равишида қуидаги масалаларнинг ҳал қилиниши мўлжалланмоқда:

- турмуш даражасини мониторинг қилишни (бюджет текширувлари ёки бошқа мониторинг тадқиқотлари доирасида) ташкил қилиш;
- минтақавий тафовутларни ҳисобга олган ва уларга ижтимоий нормативлар мақомини берган ҳолда турмуш даражаси мезонларини мониторинг асосида аниқлаш;
- ҳудудий мезонлар ва камбағалликнинг ижтимоий-демографик жиҳатларини идентификациялаш асосида камбағаллик минтақаларини чеклаш;
- минимал истеъмол бюджети қиймати динамикаси асосида кам таъминланганлик мезонларини индекслашни таъминлаш.

Ижтимоий ислоҳотлар комплекслилиги гояси олға сурилар экан, эркинлаштириш ижтимоий соҳага ҳам тааллуқли эканлигини назарда тутган ҳолда, ижтимоий бошқаришнинг асосий вазифасини фақат давлатга хос қилиб қўйиш мумкин эмас.

Тараққий этган мамлакатлар ва ўтиш иктисодиёти мамлакатларидаги ижтимоий хизматлар ривожланишининг тамойиллари, сўзсиз, асосий эътиборни нодавлат ижтимоий фонdlарни ривожлантиришга қаратиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Жаҳон тажрибасидан келиб чиқадиган далил-исботдан ташқари, нодавлат ижтимоий фонdlар тизимини кенгайтириш ва ривожлантириш зарурати Республика-

мизнинг кўплаб ўзига хос хусусиятлари, энг аввало, демографик хусусиятлари билан белгиланади.

Хозирги демографик вазият, аҳолининг табиий ҳаракати ва миграциясидаги ўзгаришлар тамойиллари Ўзбекистонда истиқболда аҳоли ва меҳнат ресурслари юқори даражада кўпайишини кутиш лозимлигини кўрсатмоқда. Республика аҳолиси сони 2000 йил 1 январда 24,5 миллион кишини ташкил қилди ва 1998 йилдаги шу вақтга нисбатан 351,3 минг кишига ёки 1,5 фоиз кўпайди.

Бозор иқтисодиётiga ўтишнинг «ўзбек модели»ни амалга оширилиши самарали ижтимоий-демографик сиёсатни ўтказишни назарда тутади. Унинг асосий йўналишлари ўсби келаётган авлоднинг сифат хусусиятлари (саломатлиги, маълумоти)ни яхшилашдан, кишиларнинг яшаш ёшини ва меҳнат фаоллигини ошириш ва уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оилани мустаҳкамлашга кўмаклашиш, оналикни аёлларнинг меҳнат фаолиятида фаол иштирок этиши билан уйғулаштириш, болалар ва меҳнатга яроқсизларни давлат ҳисобидан таъминлашни яхшилашдан иборат.

Демографик сиёсат — жамиятнинг оилани ривожлантириш, аҳоли табиий ҳаракати, миграцияси ва инсон меҳнат фаолиятининг турли-туман жиҳатларини қамраб олувчи ижтимоий сиёсатнинг бир қисмидир. Болалар ўлимини камайтириш демографик сиёсатнинг энг муҳим йўналишидир, чунки болалар ўлими кўрсаткичи аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизмат даражасигина эмас, балки жамиятни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий даражасини ҳам акс эттиради.

Демографик сиёсатни ўтказишида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиши тубдан яхшилаш, эркакларнинг ҳам, аёлларнинг ҳам, айниқса, меҳнатга яроқли ёшда касалланиши ва ўлими даражасини камайтириш чоралари энг муҳим йўналишлар бўлмоғи керак. Қишлоқ туманларида ҳар йили аҳолини ҳар томонлама тиббий кўриқдан ўтказиш, терапевт, педиатр, гинеколог врачларнинг норматив юкини камайтириш, аёлларни тиббий назоратдан ўтказиш ва уларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш зарур. Меҳнат назоратини, айниқса, оғир ва заарли ишлаб чиқариш участкаларида яхшилаш, хотин-қизларни бундай турдаги ишлардан озод

етиш, қўл меҳнати ва оғир меҳнат ҳиссасини камайтириш давлатнинг алоҳида назоратида бўлиши лозим.

Ижтимоий сиёсат — оиласининг давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватланиши сиёсатидир. У одамларнинг турмуш тарзини, уларнинг қадриятлари ва афзал қўрган нарсалари тизимини ўзгартиришга қаратилган. Ҳозирги пайтда она ва болага ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича чораларнинг бутун бир тизими амалга оширилмоқда. Оила га бирон-бир тарзда тааллуқли бўлмаган ижтимоий сиёсат йўналишини топиш қийин.

Оила институти мустаҳкамлаш сиёсатини ривожлантириб ва такомиллаштириб, оиласи сиёсатнинг барча, шу жумладан иқтисодий чораларининг оиласининг жамият манфаатларига ҳам, ҳар бир оила ва алоҳида шахс манфаатларига ҳам энг кўп даражада жавоб берувчи моделларини қўллаб-қувватлашга қаратилишини кучайтириш зарур.

Мамлакатимиз олимларининг ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг «ўзбек модели»ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ёндашувларини бу қадар батафсил ёритишида уларда маълум қарама-қаршиликлар мавжудлиги аён бўлади. Бу қарама-қаршиликлар, бир томондан, ижтимоий ривожланиш муаммоларини анча кенг кўра билиш ва уларга комплекс ёндашишда, иккинчи томондан эса, уларни ҳал қилишнинг устун даражада давлат томонидан амалга ошириш шаклларидадир. Умуман, бизнингча, масаланинг бундай қўйилиши, мазкур қарама-қаршиликлар туфайли самарасиз бўлади. Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг замонавий самарали шакллари нодавлат ижтимоий фонdlар амал қиладиган соҳада жамланади. Бундан ташқари, бу ерда миллий демографик муаммоларнинг кескинлигини ва давлатимизнинг реал имкониятларини ҳисобга олиш зарур.

Шунинг учун, ҳозирги босқичда амалда жаҳоннинг барча минтақаларида ривожланган энг барқарор шакл бўлган нодавлат ижтимоий фонdlар аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялаш соҳасидаги ривожланишнинг асосий йўналиши бўлиб қолиши лозим.

Мазкур чора-тадбирлар амалга оширилган тақдирда мамлакатда эркинлаштириш шароитидаги ижтимоий бошқарув самарали бўлади.

5.2. Ўзбекистонда ижтимоий фондлар маблағларидан фойдаланиш йўналишлари ва уларнинг самарадорлиги

Нодавлат ижтимоий фондлар ўз даромад манбаларига кўра хилма-хилдир. Бу уларнинг коммерция ва нокоммерция фаолияти кўламига боғлиқ. Айрим фондларда коммерция фаолияти ривожланган бўлади ва бу ҳол фондлар ҳузурида ташкил этилган турли кичик фирмалар ва лотерея билетлари эмиссиясида намоён бўлади. «Камолот», «Наврўз», «Улуғбек», «Нуроний» сингари йирик фондлар, турли шакл ва кўламларда коммерция фаолиятини ривожлантироқдалар.

Шунга мувофиқ равишда пул тушумларидан, биринчидан, ижтимоий мақсадларда ва иккинчидан, коммерция фаолиятининг ўзини кенгайтириш мақсадида фойдаланилмоқда.

Мисол тариқасида энг йирик нодавлат фондлар даромадларининг шаклланиши таркибини кўриб чиқайлик (33-жадвалга қаранг).

33-жадвал

Нодавлат ижтимоий фондлари даромадлари*

Фондлар	1996	1997	1998	1999
«Камолот»				
а) коммерция фаолиятидан олинган тушум				
• млн. сўм	17,6	68,7	148,7	104,3
• фоиз ҳисобида	16,8	97,0	52,7	33,4
б) ҳомийлардан тушум				
• млн. сўм	87,3	2,1	133,7	324,3
• фоиз ҳисобида	83,2	3,0	47,3	66,6
«Наврўз»				
а) коммерция фаолиятидан олинган тушум				
• млн. сўм	14,8	142,5	105,9	135,1
• фоиз ҳисобида	78,7	92,8	99,1	87,1
б) ҳомийлардан тушум				
• млн. сўм	4,0	11,0	1,0	4,0
• фоиз ҳисобида	21,3	7,2	0,9	2,9

* «Камолот» ва «Наврўз» фондларининг йиллик ҳисоботлари асосида ҳисобланган.

Фондлар даромадларининг таҳлили дастлабки босқичда уларнинг таркибида ҳомийлардан тушган маб-

лағнинг ҳиссаси, кейинчалик эса ўз фаолиятидан келиб тушган маблағнинг ҳиссаси ортиб боришини кўрсатмоқда. Бу, биринчидан, Низом маблагини шакллантиришда турли ташкилотлар қатнашиши билан, иккинчидан эса, фондлар давлат томонидан бюджетдан кўллаб-кувватланиши билан боғлиқ.

Таҳлиллар кўрсатишича, фондларга даромадларнинг нотекис ўсиши характерли бўлиб, мазкур ҳолат устун даражада фондларнинг ўз коммерция фаолиятини рафбатлантириш механизмидан келиб чиқади. Фондлар хузурида очилган фирмаларга дастлаб солиқ имтиёзлари (доимий, уч-беш йиллар мобайнида) берилиши натижасида уларнинг коммерция фаолияти фаоллашди ва фондлар бюджетларига келиб тушадиган коммерция тушумлари кўпайди. Аксарият фондларга берилган дастлабки имтиёзларнинг муддати тугагач, кичик фирмалар иқтисодий аҳволи ёмонлашади ёки фаолияти тўхтайди, оқибат натижада фондларнинг ўз коммерция фаолиятидан оладиган тушумларининг кескин камайиши кузатилади.

Бюджетдан ташқари ижтимоий фондлар ичida муваффақиятли фаолият кўрсатайтган фондлардан бири «Маҳалла» хайрия фонди ҳисобланади. Мазкур фонд фаолиятининг 1999 йилдаги таҳлили кўрсатишича, унинг маблағларининг 95,5% и дан ортиғи юридик ва жисмоний шахсларнинг — ҳомийларнинг ихтиёрий маблағ ўтказиши ҳисобига шаклланган ҳолда, коммерция фаолиятидан олинган даромадлар ҳиссаси эса бор-йўғи 2,2% ни ташкил этди. Ушбу фонд шаҳобчаларининг республика миқёсида, барча ҳудудларда мавжудлиги ва фаолияти яхши ташкил этилгани туфайли бошланғич, куйи ташкилотларнинг тушумлари 2,2% ташкил этди. Хайрия мақсадларига маблағлар сарфлаш ва фаолият олиб боришда ушбу фонд бошқа фондларга намуна бўлиши мумкин. Масалан, «Маҳалла» фонди маблағларининг 92% и хайрия мақсадларига сарфлангани ҳолда, ўз тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга (5%) — фонднинг ривожланиши истиқболларига алоҳида эътибор берилади. Бошқарув аппаратини таъминлаш ва куйи ташкилотларни ривожлантириш мақсадларига эса фонднинг бор-йўғи 3% маблағлари сарфланди (*3-схема*). Юқоридаги маблағлардан самарали фойдаланиш тамо-

Ижтимоий фондлардан фойдаланиш самарадорлиги

Йиллари мазкур фондни ижтимоий фондларнинг етакчисига айланишига сабабчи бўлди.

Ҳомийлар ёрдами доимо бир хил даражада бўлмайди, чунки у устун даражада ҳомийларнинг молиявий аҳволи ва улар даромадларининг тақсимланишига боғлиқ бўлади.

Фондларнинг бюджетига уларнинг Низомда белгиланган вазифаларни бажариш бўйича фаолиятидан маблағнинг бир хилда тушмаслиги фондларнинг тез-тез кредит олишга мажбур қилди ва уларнинг қарзи кўпайиб, молиявий жиҳатдан бекарор бўлиб қолди.

Таълим тизимида яқинда вужудга келганига қарамасдан, муваффақиятли фаолият кўрсатаётган фондлардан бири «Устоз» республика фонди ҳисобланади.Faолият кўрсатишининг икки йили мобайнинда мазкур фонд ўзининг функционал йўналишини кучайтиromoқда ва маблағларнинг аксарият қисмини таълим тизимида фаолият кўрсатаётган олий ва ўрта маҳсус ўкув юртлари профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш мақсадига қаратилган. Шаклланиш жараёни маълум вақт ва мабагни талаб этганлиги туфайли дастлабки икки йил мобайнинда фондни ташкил этиш, бошқариш ва бошқа харажатларнинг салмоғи юқориличига (43%) қолмоқда (34-жадвал).

3-схема

«Маҳалла» хайрия фонди молия маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши схемаси*



Ўзбекистонда ижтимоий фондлар маблағларидан фойдаланиш йўналишлари ва уларнинг самарадорлиги



* Республика «Маҳалла» хайрия фондининг йиллик ҳисоботи асосида ҳисобланган

34-жадвага

Ўзбекистон республикаси «Устоз» фондининг 1998—1999 йиллардаги маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши*

	Минг сўм ҳисобида	Фоиз ҳисобида
Даромадлар		
Давлат бюджети маблағлари	25000	29,2
Таъсисчилар тушумлари	60124,2	70,2
Коммерция фаолияти тушумлари	540	0,6
Жами	85664,2	100,0
Харажатлар		
Профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва хорижга юбориш	30608,9	36,9
Фондни бошқариши харажатлари	10273	19,1
Бошқа харажатлар	12866,4	23,9
Жами	53748,3	100,0

* «Устоз» фондининг ҳисоботлари асосида ҳисобланган

Ижтимоий фондлар ҳузуридаги фирмалар фаолияти ижтимоий фойдали бўлиши учун уларга солиқлар бўйича дастлаб берилган имтиёзларни тиклаш зарур. Бироқ, бу иш фондларни коммерциялаш жаёнини чукурлаштириши ва уларни соф бозор институтларига айлантириб қўйиши керак эмас. Фондлар, бозор воситаидан фойдаланган бўлсалар-да, ўзларининг Низомда белгиланган фаолиятларига кўра нобозор институтлари ҳисобланади. Фондларнинг бош вазифаси аҳолининг турли табақаларига бегараз ижтимоий ёрдам кўрсатишидир, бу эса нобузор муносабатлари ҳисобланади.

Ижтимоий фондлардан фойдаланиш
самарадорлиги

«Нуроний», «Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш», «Камолот», «Олтин мерос», «Соғлом авлод учун», «Улугбек» сингари йирик фондлар коммерция фаолиятини турлича кўламларда авж олдиришмоқда (35-жадвалга қаранг). Мазкур жараён ижтимоий фондларнинг ривожланиш истиқболининг моддий асосини шакллантиришда боргандар сари катта аҳамият касб эта бошлайди. Фондлар эса, ўз навбатида ортиб бораётган пул тушумларидан, биринчидан, ижтимоий мақсадда ва иккинчидан, коммерция фалиятини ривожлантириш мақсадида фойдаланади. Ўз коммерция фаолиятини ривожлантириш борасида фаоллик кўрсатаётганлар ичизи «Маҳалла» фондини алоҳида қайд этиш мақсадга мувофиқдир.

35-жадвал

*1999 йилда Ўзбекистон Республикаси ижтимоий фондларидаги кичик корхоналар фаолияти**

Фондлар	Корхоналар сони, та	Ялни пул тушуми, минг сўм ҳисобида	Харажатлар, минг сўм ҳисобида	Солик, тўлашгача бўлган фойда, минг сўм ҳисобида	Муддати тутаган дебиторлик карзи, минг сўм ҳисобида
Экосан	25	39762,1	36558,6	723,5	42,0
Олтин мерос	53	429696,1	396388,9	19620,6	9971,6
Нуроний	481	3117434,4	2907796,6	115088,2	33378,8
Камолот	146	509316,4	483727,0	25210,7	459,3
Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш	22	256277,0	210322,2	50660,9	1,8
Ўзбекистон болалар фонди	5	6992,1	6778,4	170,4	—
Маҳалла	19	20025,9	19460,8	338,8	5,0
Соғлом авлод учун	75	156048,0	148103,8	6675,4	306,4
Наврӯз	6	68213,5	89354,6	— 21585,9	—
Устоз	1	216,9	209,6	7,3	—

* 1999 йилда Ўзбекистон Республикасида кичик корхоналар ва микрофирмалар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари. I қисм. — Тошкент, 2000 й., 17—37 бетлар асосида ҳисобланган.

Бироқ, ўтиш даври иқтисодиётида даромад олишнинг бозорга хос усуслари уларни тақсимлаш ва фойдаланишнинг нобозор усуслари билан уйғунлашиб бориши табиийдир. Иқтисодиётнинг ривожланиши ва иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашуви натижасида иқтисодий барқарорлик вужудга келиб, ҳомийлар томонидан фондларга ажратиладиган тушумнинг роли ортиб боради, бу эса ўз навбатида фондлар коммерция фаолияти кўламининг янада кенгайтирилишига олиб келади. Республикада ижтимоий фондлар ҳузуридаги кичик корхоналар фаолиятига оид турли-туман маълумотларни 35-жадвалда кузатиш мумкин.

36-жадвал

*«Наврӯз» фонди даромадининг вилоят бўлинмалари
бўйича динамикаси*

Вилоятлар	Даромад, минг сўм			
	1996	1997	1998	1999
Қорақалпоғистон	459,1	273,1	1361,0	3838,7
Андижон	2050,0	4500,0	10616,0	6670,0
Бухоро	562,0	1206,9	1172,0	320,7
Жиззах	229,0	3472,0	2886,0	—
Навоий	817,2	408,4	1277,0	1392,6
Наманган	400,0	5117,1	2909,0	14000,0
Самарқанд	820,9	1532,1	1018,0	10786,4
Сурхондарё	672,3	3471,1	2144,0	3723,2
Тошкент	—	1765,0	2554,0	1791,7
Фарғона	373,6	4548,5	7609,0	8479,0
Хоразм	5,0	154407,5	13389,0	11571,8
Қашқадарё	600,0	1291,0	2531,0	7212,0
Тошкент шаҳри	3847,5	11931,8	20183,0	37711,5
Сирдарё	315,0	2110,0	250,0	457,2
Марказлаштирилган тушум	7641,0	101279,9	105563,0	137161,0
Жами	18892,0	158324,6	175462,0	243115,8

36-жадвал маълумотларининг кўрсатишича, Тошкент шаҳри, Андижон, Фарғона, Самарқанд ва Навоий вилоятларнинг «Наврӯз» фонди даромадининг бўйича динамикаси

Ижтимоий фондлардан фойдаланиш
самарадорлиги

манган вилоятларидағи «Наврӯз» фонди мінтақавий бўлинмаларининг даромадлари катта бўлган. Сурхондарё, Сирдарё ва Қашқадарё вилоятларида эса уларнинг иқтисодий салоҳияти наст бўлганлиги учун даромадлар миқдори ҳам мутаносиб равишда кам бўлган. Маълумки, мінтақаларнинг иқтисодий салоҳияти ва ривожланиши даражаси бир-биридан анча фарқ қилади ва бу ҳол ўз навбатида фондларнинг фаолиятига таъсир этмоқда. Куйида, 37-жадвалда келтирилган маълумотлар мамлакатимиз мінтақаларининг иқтисодий салоҳияти ва ривожланиш даражасини тўла акс эттиради.

37-жадвал

*Ўзбекистон мінтақалари бўйича аҳоли жон бошига
тўғри келадиган реал ЯИМ**


	(Харид қобилияти паритети,\$)			Республика бўйича ўргача кўрсаткичга нисбатан % да		
	1996	1997	1998	1996	1997	1998
Республика	2508	2670	2829	100	100	100
Шимолий Ўзбекистон	2363	2162	2316	94,2	81,0	81,9
Қорақалпоғистон	1698	1596	1784	67,7	59,8	63,1
Хоразм	3127	2808	2923	124,7	105,2	103,3
Марказий Ўзбекистон	2346	2479	2654	93,6	92,9	93,8
Бухоро	2582	2739	3206	102,9	102,6	113,3
Жizzах	2014	2040	2051	80,3	76,4	72,5
Навоий	3636	4112	3650	145,0	154,0	129,0
Самарқанд	1734	1867	2274	69,1	69,9	80,4
Сирдарё	3217	3062	2679	128,3	114,7	94,7
Жанубий Ўзбекистон	2064	2330	2466	82,3	87,3	87,2
Қашқадарё	2361	2784	2668	94,1	104,3	94,3
Сурхондарё	1693	1764	2215	67,5	66,1	78,3
Шарқий Ўзбекистон	2766	2923	3143	110,3	109,5	111,1
Андижон	1994	2567	2673	79,5	96,1	94,5
Наманган	1915	1916	1841	76,3	71,8	65,1
Фарғона	3324	2906	2892	132,5	108,8	102,2
Тошкент	2625	2931	3105	104,7	109,8	109,7
Тошкент шаҳри	3790	4580	5287	151,1	171,5	186,9

* Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. Ўзбекистон 1999 й. UNDP. — Т., 2000 й., 89-бет.

Фондларнинг бюджети минтақавий ривожланиш даражасига боғлиқ бўлишига қарамай, уларнинг даромади маълум даражада фаолиятининг фаоллиги билан ҳам белгиланади. Шунинг учун даромадлар бевосита иқтисодий аҳволга тўғри пропорционал бўлмайди. Да ромадлар иқтисодий салоҳият билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳам табақаланиши мумкин (*8-диаграмма қаранг*).

Ижтимоий фондларнинг харажатлари миқдори уларнинг даромади даражасига кўра белгиланади, бироқ харажатларнинг аниқ шакллари фондларнинг бажара-диган функционал вазифасига боғлиқ бўлади. Мисол тариқасида айрим фондларнинг харажатларини кўриб чиқамиз.

8-диаграмма
**«Камолот» фондининг ҳудудлар бўйича даромади
(1999 йил, минг сўм)**



«Камолот» ёшлар фонди ҳисобланади. Шунга муовифиқ равишда, унинг харажатларида ёшларни ижтимоий қўллаб-куватлаш ва шу билан боғлиқ тадбирларни молиялаштириш бош вазифа ҳисобланади. Фонд харажатлари таркибидағи хайрия ишларига, ёшлар оммавий тадбирларини ўтказишга қилинадиган харажатлар

Ижтимоий фондлардан фойдаланиш
самарадорлиги

ижтимоий мазмунга эга. Бошқариш харажатлари, Низом фондини тўлдиришга, резерв фондини кўпайтиришга сарфланадиган харажатлар соф ишлаб чиқариш хусусиятига эга. Мазкур фондда ижтимоий фаолият ишлаб чиқариш фаолиятининг ҳосиласи ҳисобланади, айни маҳалда ижтимоий фаолият ёрдамчи хусусиятга эгадир. Фикримизни исботлаш мақсадида фонд бошқаруви харажатларини кўриб чиқамиз (*38-жадвалга қаранг*).

38-жадвал

«Камолот» фонди бошқаруви харажатлари

Харажатлар	Харажатлар, минг сўм	
	1999	2000 ⁴⁶
Иш ҳақи фонди	7000,0	10000,0
Ижтимоий суғуртага ажратма	2600,0	3600,0
Хизмат сафари харажатлари	1500,0	1500,0
Девонхона харажатлари	2000,0	1000,0
Биноларни сақлаш	3000,0	7000,0
Транспорт воситаларини таъминлаш	2500,0	2000,0
Семинарлар, мажлисларга харажат	600,0	1000,0
Маданий-оммавий тадбирларга харажат	3000,0	1000,0
Жихозлар ва мебель сотиб олиш учун харажат	1000,0	1000,0
Резерв фонди	1000,0	1000,0
Маъмурий бинони капитал таъмирлаш	2000,0	4000,0
Транспорт воситалари ва эҳтиёт қисмлар сотиб олиш харажатлари	2000,0	1000,0
Хайрия ишлари	2000,0	2000,0
Меҳмонларни кутиш харажатлари	500,0	500,0
Фирмаларнинг Низом фондини тўлдириш учун молиявий ёрдами	4600,0	5000,0
Вилоят бўлимларига молиявий ёрдам	4000,0	5000,0
Кадрларни ўқитишга харажатлар	1000,0	2000,0
Кўзда тутилмаган харажатлар	2000,0	2000,0
Жами	41700	51600

⁴⁶ «Камолот» фонди ҳисоботлари бўйича тузилган.

Бошқарув харажатлари фонд харажатларининг ҳамаси эмас, албатта. Шундай бўлса-да, улар харажатлар сарфланишининг умумий йўналишини кўрсатади, уларнинг таркибида бошқарув харажатлари, хусусан, аппаратнинг ўзини таъминлаш харажатлари аксарият қисмни ташкил этади. Фонд бошқаруви харажатлари таркибида бевосита ижтимоий харажатлар барча харажатларнинг бор-йўғи 15,6 фоизини ташкил қилади. Тўғри, фондларнинг вилоятлардаги бўлимлари ҳам ижтимоий вазифаларни бажаради. «Камолот» фондининг вазифалари ижтимоий жиҳатдан қанчалик муҳимлигини аниқлаш учун фонднинг вилоятлардаги бўлимлари харажатларини ҳам кўриб чиқамиз (39-жадвалга қаранг).

39-жадвалда келтирилган харажатлар таҳлили фонднинг вилоятлардаги бўлимларида ҳам ижтимоий харажатлар фонд жами харажатларининг бор-йўғи олтидан бир қисмини ташкил этишини кўрсатмоқда. Тўғри, вилоятлар ҳар хил, бироқ уларнинг жами миқдори фонднинг ўзини таъминлаш, шу жумладан «Камолот» фонди хузуридаги фирмалар фаолиятини кенгайтириш учун сарфланадиган харажатларга нисбатан арзимас даражададир.

39-жадвал

*«Камолот» фонди вилоят бўлимлари бўйича харажатлар таркиби (1999 йил, минг сўм)**

Вилоятлар	Харажат турлари				
	Демонхона, транспорт, сафар харажатлари, бинони саклаш учун харажатлар	Оммавий- малзаний, хайрия тандирлари	Тўман бўлимларига мөлниявий ёрдам	Иш ҳаки	Бошқа харажатлар
Андижон	4099,7	4320,6	233,5	9144,1	2203,1
Бухоро	2685,9	1204,9	360,0	2469,7	439,6
Жиззах	1596,0	1502,7	4980	5157,6	1845,2
Навоий	1593,5	2318,5	0,4	6268,7	19734,7
Наманган	3193,6	8722,7	550,4	15285,5	56124,2
Самарқанд	2389,1	4474,7	133,7	7708,9	2182,1
Сирдарё	2102,2	235,6	—	3996,2	1713,7

**Ижтимоий фондлардан фойдаланиш
самарадорлиги**

Сурхондарё	2544,5	3092,7	50,0	2464,7	4968,6
Тошкент шаҳри	3361,0	10026,6	752,7	17744,7	4443,4
Тошкент	5803,6	1796,4	—	8885,5	964,9
Фарғона	4187,4	7572,2	240,2	26098,6	4386,3
Хоразм	2998,0	1528,4	7,6	5008,6	499,6
Қашқадарё	2942,8	3694,2	2258,8	12994,4	4163,9
Қорақалпоғистон	6055,5	3840,8	—	16994,6	—
Жами	45552,8	54331,0	5085,3	140221,8	103669,3

* «Камолот» Республика фондининг 1999 йилдаги ҳисоботи асосида ҳисобланган


Бу харажатлар фонд жами харажатларининг 54,7 фоизини ташкил қиласди. Бошқа харажатлар ҳам ҳаддан ташқари юқорилигича (29,7%) қолмоқда. Юқоридаги таҳлил асосида қўйидаги хулосани чиқариш мумкин: «Камолот» фондининг ижтимоий йўналиши заиф, улар ошкора равишда етарли даражада амалга оширилмаяпти. Айни маҳалда, худудлар бўйича қараганда, харажатлардаги фарқ яқъол кўзга ташланади (9-диаграмма).

Юқорида кўриб чиқилган «Камолот» фондидан фарқли равищда «Наврўз» фондида ижтимоий хайрия ишлари нисбатан қатъий аниқ йўналтирилган бўлиб, тижорат фаолиятини кенгайтиришга мойиллик ҳам кўзга ташланади (40-жадвалга қаранг).

40-жадвал маълумотларидан кўринишича, хайрия ишларига харажатлар, умуман, фонд даромадлари ҳиссасига нисбатан ўсиб бормоқда.

9-диаграмма

**«Камолот» фондининг вилоятлар бўйича харажати
(1999 йил, минг сўм)**



Бироқ, вилоятлар бўйича хайрия ишларини маблағ билан таъминлаш фонд даромадлари билан мувофиқ келмайди. Бу қайта тақсимлаш муносабатларининг икки жиҳатини акс эттиради. Биринчидан, ўтган йиллар маблағлари қолдиги қайта тақсимланади, иккинчидан, даромадлар вилоятлар ўртасида қайта тақсимланади.

Сўнгги ҳолат ижтимоий ёрдамга муҳтоҷ шахслар мажмуи ўзгариши, ёрдам кўрсатиш навбати ва, ниҳоят, бошқа фондлар ёрдами билан боғлиқ-ки, биргина минтақада ижтимоий ёрдам кўрсатиш билан шугулланувчи бир нечта фонд иш олиб боради.

Масалан, «Нуроний», «Соғлом авлод», «Наврўз», «Улугбек» фондлари ва бошқалар кексаларга, болаларга, беморларга ва ногиронларга ёрдам кўрсатади.

Фонdlар ичida ресурсларнинг қайta тақsimлaniши ҳам muқаррар. Agar ҳозир қайta тaқsimlaш bir вилоят fойdasiga sodir bўlaётgan bўlsa, kейinchaлик boшқa вилоят ижтимоий manfaatlari ustun kўйiladi. Бироқ turli fondlar molija resurslari қaчon taқsimlaniши va қайta тaқsimlaniшига қaramay, ижтимoий aҳamияtga эга tadbirlarغا haражatlar oзлигicha (barча

Ижтимоий фондлардан фойдаланиш
самарадорлиги

харажатларнинг 15—20 фоизи) қолмоқда. Бу, айниқса, ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун асосий маблағни катта харажат талаб қиласидан коммерция фаолияти натижасида топаётган фондларда сезиларлидир. Бу аҳволда ижтимоий ёрдам фақат соф даромад ҳисобидан кўрсатилиши мумкин.

40- жадвага

*«Наврӯз» фондининг вилоят бўлимлари бўйича
харажатлар таркиби⁴⁷*

Вилоятлар	1997		1998		1999	
	Жами харажатлар, минг сўм	Даромадга нисбатан %да	Жами харажатлар, минг сўм	Даромадга нисбатан %да	Жами харажатлар, минг сўм	Даромадга нисбатан %да
Андижон	950,0	46,3	4523,0	42,6	5103,5	76,5
Бухоро	371,5	30,8	407,0	34,7	271,2	84,6
Жizzах	1964,4	56,5	2485,0	8601	6264,5	—
Навоий	3541	86,7	970,0	76,0	1924,3	138,2
Наманган	322,4	63,0	1061,0	36,4	10956,5	78,2
Самарқанд	290,3	19,0	916,0	90,0	1315,8	12,2
Сирдарё	651,0	30,8	364,0	145,6	348,5	76,2
Сурхондарё	793,1	22,9	1004,0	46,8	1586,5	46,2
Тошкент	680,0	38,5	1367,0	53,5	2839,0	158,4
Фаргона	1080,6	23,7	2305,0	30,3	1249,5	14,8
Хоразм	1098,1	7,2	2293,0	14,1	1478,6	12,8
Қашқадарё	514,5	39,8	1722,0	68,0	1270,5	17,9
Тошкент шаҳри	520,0	4,4	2408,0	12,0	5119,5	13,6
Қорақалпоғистон	61,0	22,3	285,0	21,0	1462,1	38,0
Марказлаштирилган харажатлар	5728,5	58,5	9057,0	8,6	24574,0	17,9
Жами	18566,4	11,7	31167,0	17,8	65764,0	27,0

Тўлалигича ҳомийлар томонидан маблағ билан таъминланадиган фондларда аҳвол бошқача. Уларда ишлаб чиқариш харажатлари бўлмайди. Маъмурий хара-

⁴⁷ «Наврӯз» фонди ҳисоботлари бўйича тузилди.

жатлар асосан фондларнинг хайрия фаолиятини бошқариш билан боғлиқ. Шунинг учун ички харажатларнинг хайрия кўламига таъсири арзимас даражада бўлади. Бундай фондлар, одатда, инсон капиталига сарфланадиган инвестицияга кўмаклашади, соғлиқни сақлашни, таълим ва илмий салоҳиятни ўтиришни таъминлайди. «Умид», «Устоз», «Ўлуғбек», «Софлом авлод» фондлари ва бошқаларни шулар қаторига киритиш мумкин.

Бозор муносабатларига ўтилиши билан очиқ иқтисадиёт шароитида фақат миллий кўламда эмас, балки халқаро кўламда ҳам ўта ҳаракатчанлиги билан ажраби турувчи иш кучига алоҳида талаблар қўйилади. Ортиқча бандликда ва банд бўлмаган аҳоли кўп бўлганда мамлакатлар ўртасида иш кучини қайта тақсимлаш, биринчидан, иш кучини экспорт қиласидаган мамлакатларда ижтимоий кескинликни камайтиради; иккинчидан, қўшимча иш кучига муҳтоҷ мамлакатлар меҳнат бозоридаги талабни қондиради. Ўзбекистон, агар ўзидаги иш кучи жаҳон андозалари талабларига жавоб бера олса, жаҳон бозорига иш кучи етказиб бериши мумкин. Йиш кучи сифатини ошириб, жаҳон андозаси даражасига эришиш учун инсон капиталига катта маблағ сарфлаш зарур.

Йигирманчи асрнинг 80—90-йилларида жаҳон иқтисадиёт фанида инсон капиталини инвестициялаш назарияси кенг ёйилди. Бир томондан, бу таълимот амалда шубҳа остига олинмади. Бошқа томондан эса, унинг кўплаб қоидлари, айниқса, тегишли ижтимоий йўналишга эга фондларни шакллантириш борасидаги қоидлари етарли даражада ёритилмади.

Бунинг сабаблари кўп. Улар орасида, фикримизча, инвестициялар ва уларнинг шакллари мазмуни етарлича аниқ таърифланмагани, ижтимоий муаммоларни кўриб чиқишида эътиборнинг кўпроқ камбағалликни бартараф этишга қаратилиши сабаблари бор. Бу ҳол инвестиция ва ижтимоий муаммоларнинг ўзига хос «узилишини» кўп жиҳатдан олдиндан белгилаб беради-ки, бу муаммоларни ҳатто «ижтимоий инвестициялар» сингари тоифа ҳам ҳал эта олмайди.

Ватанимизда чоп этилган адабиётларда таъкидланнишича, «инвестиция» тушунчаси ҳам кенг маънода,

ҳам тор маънода ишлатилади, унинг мазмуни ва моҳиятини бир хил маънода белгилаш жуда мураккабдир⁴⁸. Аслида иқтисодиёт фанининг турли қисмларида, шунингдек амалий фаолиятнинг турли йўналишларига нисбатан, унда асосан татбиқ қилиш соҳаси ва обьектлари хусусиятлари билан боғлиқ турли маъно кўзга ташланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонунида «инвестиция» атамаси «иқтисодий ва бошқа фаолиятга сарфланадиган моддий ва номоддий неъматлар ва уларга бўлган ҳукуқлар» деб таърифланади. Яъни, категория моҳияти асосан маблағ сарфлаш билан боғланади. Бу, сўзсиз, тўғри, амалий жиҳатдан аниқ ёндашувдир. Бироқ, бу сарфларнинг манбаи ва мақсади тўғрисидаги масала муҳим аҳамиятга эга. Фикримизча, эътибор асоссиз равишда фойда сабабларига ёки кўшимча даромадга қаратилади.

Иқтисодиёт реал сектори назарияси позициясидан қараганда, инвестиция деганда, одатда, янги капитални такрор ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёни назарда тутилади. Айни маҳалда, у фақат ишлаб чиқариш воситаси сифатидагина эмас, балки шахсий омил салоҳияти сифатида ҳам кўриб чиқилиши характерлайди.

Молия назарияси инвестицияларни, энг аввало, келажакда фойда олиш мақсадида реал ёки молиявий активларга эга бўлиш билан боғлайди⁴⁹. Бу соҳада ўтган асрларда яшаган, капитални истиқболда кўпроқ неъматлар олиш мақсадида ҳозирги неъматларни истеъмол қилишдан тийилиш нуқтаи-назаридан белгилаган иқтисодчиларнинг эскича ёндашувини сақлаб қолиш ҳолатлари юз берган.

Умумиқтисодий маънода инвестицияларни капитал жамғариш жараёни сифатида тасаввур қилиш энг кенг тарқалган талқинdir. Бу таърифда, бошқа ҳамма нарсадан ташқари, истиқболдаги муайян манфаатлар ва улар билан боғлиқ рисқ мазмуни келтирилган.

⁴⁸ Газибеков Д. Инвестиции: что понимать под этим. — «Рынок, деньги и кредит», 1999 г., № 9

⁴⁹ Шарл У., Александр Г., Бээли Дж. Инвестиции. — пер. с англ. — М.: ИНФРА, 1997 г.

Инвестицияларни таснифлашга ёндашувлар ҳам шу таърифларга мувофиқ шаклланган. Иқтисодчилар, одатда, реал (капитални ташкил этувчи) бевосита инвестицияларни; портфелли инвестицияларни; молиявий инвестиацияларни ва номоддий интеллектуал инвестицияларни ажратиб кўрсатишади⁵⁰.

Ижтимоий инвестиция таърифидаги айрим ноаниқликлар, фикримизча, айни шу жойдан бошланади. Аслида бундай инвестициялар йўқ. Интеллектуал, номоддий инвестиациялар — ўта ноаниқ номланишdir. Боз устига, аvvал санаб ўтилган барча (бевосита, портфель, молиявий) шакллар ҳам интеллектуал ва номоддий бўлиши мумкин. Бир ўлчамли мантиқий қоидалар аниқ бузилаётган бўлиб чиқади (яъни моҳиятнан турли даражадаги ҳодисалар бир категорияга киритилади).

Шу нуқтаи-назардан қараганда, инвестицияларнинг мўлжалланган обьектлар бўйича ажратилиши анча мантиқий кўринадики, бу нарса Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонунида кўзга ташланади. Бу хужжатда улар капитал (яъни реал активлар); инновацион (техниканинг янги авлоди ва янги технологияларни ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга); ижтимоий (инсон салоҳиятини ривожлантиришга ва бошқа номоддий неъматларга) инвестицияларга ажратилади.

Айни маҳалда, бундай ҳолатда ижтимоий инвестицияларни аниқловчи, фойда олиш мақсадидаги инвестиция сифатида, инвестицияларни аниқлашнинг умумий иқтисодий қоидаларидан чиқиб кетади, чунки инсон салоҳияти ва номоддий неъматлар аниқ миқдорий қадрият таърифларига эга эмас.

Эркин иқтисодий тизимда инвестициялар, одатда, микро даражада, яъни турли мулкчилик шаклидаги алоҳида хўжалик субъектлари томонидан амалга оширилади. Инвестициялаш бўйича микро даражада қабул қилинадиган бу қарорлар нисбатан мустақилдир. Улар сабаблари, кўлами, мақсадлари бўйича хилма-хил бўлиб, ҳисоблаб чиқиладиган, прогноз қилинадиган

⁵⁰ Золотогоров В. Г. Инвестиционное проектирование // Учебное пособие. — Минск: ИП «Экоперспектива», 1998 г., стр. 13.

ва шу тариқа танлов мезони бўлиб хизмат қиласидиган тегишли молиявий оқибатларга йўналтирилади.

Шу билан бирга хўжалик юритувчи субъектнинг қўшимча фойда олишидан иборат умумий асослари борлиги доим таъкидланади. Бинобарин, инвестиция сиёсатини танлаш мезони доим субъектив ва муайян аниқ босқичда кўзда тутиладиган стратегик молиявий мақсадларга боғлиқ бўлади.

Инвестиция мезонларига бундай ёндашувда унинг ижтимоий таркиби умуман қўрсатилмайди, ижобий ва салбий хусусиятга эга бўлган ижтимоий оқибатлари ҳисобга олинмайди. Шу боис, амалда инсон капиталини инвестициялашнинг тегишли манбаи бўлмаганидек, бундай инвестициялашни амалга оширадилар. Айни маҳалда инсон капиталини инвестициялаш муаммоси чет элда анча кент ёйилган бўлиб, амалда барча ўқув курсларида баён этилади⁵¹.

Бу таълимотларда инсон капитали инсонда мужассамлашган даромад келтириш қобилиятининг ўлчови сифатида талқин этилади. Инсон капитали тугма қобилият ва истеъодни, шунингдек эгалланган билим ва ортирилган малакани ўз ичига олади.

Гап капитал ҳақида кетганда, одатда, энг аввало, икки аломатга эга активлар (ускуналар, бинолар, саноат бинолари) назарда тутилади. Улар, биринчидан, инвестициялаш натижасидир, иккинчидан эса, муайян вақт давомида даромад келишини таъминлаб беради. Ўз навбатида, инсон (шунийгдек, бошқа манфаатдор жисмоний ва юридик шахслар) таълим ва малака ортиришни маблағ билан таъминлаб, ўзини-ўзи инвестициялайдиган ҳолдагина инсон капитали яратилади. Бу инвестициялар, вақти келиб, нисбатан юқори иш ҳақи ёки кўпроқ қониқиши ҳосил қилдирадиган ишни бажариш имконияти сифатида самара келтириб, ўзини қоплади.

Маълумот даражаси нисбатан юқори бўлган ходимлар, ўртача ҳисоблаганда, каттароқ даромад оладилар. Даромаднинг ёшга боғлиқлиги эгри чизиқлари шу асос-

⁵¹ Самуэльсон П., Нордхаус В. Экономика — Пер. с англ. — М., 1997 г., с. 261—269; Фишер С., Дорнбуш Р., Шмаленци Р. Экономика. — Пер. с англ. — М., 1995 г., с. 302—310; Макконел К., Брю С. Экономикс: принципы, проблемы и политика.: Пер. с англ. — М., 1992 г., Т. 2, с. 171—174.

да вужудга келади. Уларнинг кўрсатишича, биринчидан, энг ёшларни истисно қилганда, ходимлар ўз маълумоти даражаси қанча юқори бўлса, шунча кўп ҳақ олар эканлар. Иккинчидан, эгри чизиқлар кескинлиги, айниқса, нисбатан юқори маълумот даражасига мувофиқ келувчи графикларда, ёшлар учун анча юқори экан. Ёш катталашгани сари боғлиқлик қиялаб боради ва пенсия ёшига яқинлашган сари, айримлари йўқолиб ҳам боради.

Буларнинг барчасидан қўйидаги муҳим савол туғилди: нима учун нисбатан юқори маълумотли кишилар нисбатан юқори ҳақ оладилар? Бунга камида икки хил жавоб бериш мумкин. Биринчидан, бу маълумотлар, афтидан, умуман қобилияти юқори кишиларнинг маълумот даражаси ҳам юқори бўлишини акс эттиради. Иккинчидан, кейинчалик меҳнатга нисбатан кўникмалар ҳосил қилиниб, одатлар вужудга келади ва ишлаб чиқаришда фойдали бўлади.

Фанда, даромадларда (қобилиятлар бир хил бўлгани ҳолда) фақат маълумотгагина боғлиқ бўлган фарқ бор ёки йўқлигини аниқлашга уринишлар кўп бўлган. Интеллектуал ривожланиш коэффициенти бир хил, бироқ маълумот даражаси ҳар хил бўлган кишиларнинг даромадини қиёслаш маълумот даражасини ошириш даромадларнинг ошишига аниқ таъсир қилишига олиб келади. Аммо бу маълумот даражаси унумдорликка таъсир этишини исботлаб бермайди. Гап шундаки, меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи қобилиятларни ўлчашнинг иложи йўқ. Шундай қилиб, қобилиятлар бир хил даражада бўлганда даромадларнинг маълумотга боғлиқлигини аниқлаш анча қийин, чунки қобилиятларнинг барча жиҳатларини ҳисобга олиш мушкул.

Айrim иқтисодчилар шундай кузатувлар асосида маълумотлилик бевосита ўлчаниши қийин ёки ўлчаш имкони бўлмаган қобилиятларнинг аломати бўлиши тўғрисидаги тезисни олга сурдилар.

Агар алоҳида кишилар учун маълумот олишга харажат қилиш рационал бўлса, умуман, жамият учун, агар маълумотлилик унумдорликни чиндан ҳам оширасигина маъно касб этади. Акс ҳолда жамият малакасига бозорда талаб бўлганларни танлаб олишдек нисбатан арzon усулни топиб, маблағни тежаш мумкин.

Бошқа томондан эса, маълумотлилик чиндан ҳам унумдорликни оширишини билвосита тасдиқловчи асослар бор. Бироқ, табиий қобилиятларни ўлчаш қишини бўлгани учун маълумотлиликнинг унумдорликни оширадиган аниқ доирасини аниқлаш жуда мураккабдир. Маълумотлилик унумдорликнинг ошишига кўмаклашади ва унда ўз аксини топади, деб таҳмин қилиш оқилона иш бўлади. Иқтисодиёт назариясига айни шундай ёндашув хосдир.

Маълумот олишга қарор қилиш, иш топишга қарор қилишдан фарқли равишда, кўпроқ ҳам харажатларни, ҳам фойдани ҳисобга олувчи инвестициялаш қароридир. Бундай қарор асосан қуидагилардан таркиб топган:

1. Тўғридан-тўғри харажатлар ёки жорий даромаддан, масалан, ўқитиш, дарслик сотиб олиш учун ва бошқа бевосита чегиришлар мавжуд.

2. Ўқиш ҳам муқобил харажатларни келтириб чиқаради: меҳнат бозорига кечроқ келганлар ўқишга сарфлаган бир неча йил ичиди олиши мумкин бўлган даромаддан маҳрум бўлади.

3. Маълумот олишнинг молиявий имтиёзларидан келажакдагина баҳраманд бўлинади, чунки у тугаллангач, узоқ давр мобайнида юқори даромад олиниади.

4. Олий маълумотнинг, бундан ташқари, пул билан боғлиқ бўлмаган харажатлари ва фойдаси ҳам бор: кўпчилик кишиларнинг зерикарли маърузаларини тинглаб, имтиҳон топширишга тоқати йўқ, лекин кўпчилик ўз билимини кенгайтиришдан, янги кишилар билан учрашишдан ва янги foяларни билиш ва ҳоказолардан ҳузур қиласди.

Шунинг учун таълимга маблағ сарфлаш тўғрисида инвестициялаш қарорини қабул қилишдан олдин унинг фойда ва зарарини ҳисоблаб кўриш керак. Маълумот қанча кўп даромад келтирса, шунчалик жозибадор бўлиши маълум. Бошқа томондан эса, таълимга харажатни ошириш яқин орада келадиган маълумотли кишилар оқимини камайтиради.

Шу билан бирга, фақат маблағ сарфини ва афзалликларни эътиборга олган ҳолда маълумот олиш тўғрисида бир қарорга келиш ҳам тўла оқилона иш эмас. Бу ишнинг оқилоналигини аниқлаш учун қандайдир йўл

билан жами харажатларни ва жами афзалликларни таққослаш зарур. Бундай таққослашнинг асосий қийинчилиги шундаки, афзалликка эришиш муддати қанча узоқ бўлса, унинг қиммати шунча кам бўлади, шу боис уни шунчаки миқдорий жиҳатдан ўлчай олмаймиз. Шунинг учун олий маълумотга қилинган харажатларнинг қопланишини аниқлашнинг бошқача усулини топиш зарур.

Бундай муаммоларни ҳал қилишда, одатда, харажатлар келажакда олинадиган фойда билан қопланадиган маблағ сарфи деб ҳисобланади. Сўнг, муайян ҳажмдаги инвестицияда қандай фоиз улуши белгиланишига қараб ҳақиқий самара олиш мумкинлиги тўғрисидаги масала қўйилади. Айни маҳалда, таълимни инвестициялашда ҳам самара меъёри мавжуд. Бу самара даражаси қанча юқори бўлса, маълумот олиш молиявий нуқтаи-назардан шунча фойдали бўлади. Таълмининг ўзини-ўзи қоплашини иқтисодий жиҳатдан тўғри ҳисоблаб чиқиш учун таълимга сарфланган маблағлардан муқобил фойдаланиш, масалан, облигация ёки акция сотиб олиш учун фойдаланиш имконияти эътиборга олинади. Сўнг ҳар бир ҳолатдаги самара меъёри таққосланади. Шунинг учун биржа нархлари молиявий активлар ҳолатини акс эттирибгина қолмай, балки кўп кишилар учун маълумот олиш тўғрисида бир қарорга келишнинг оқилоналигини ҳам билвосита кўрсатади.

Иқтисодиётда таркибий силжишлар бўлган ҳолатларда олий маълумотли ходимларга талаб ортади. Бундай силжиш, масалан, иқтисодиёт тўқимачилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан олий маълумотли кишилар меҳнати юқори унумдорлиги билан ажralиб турадиган юқори технологияли буюмлар ишлаб чиқаришга йўналтирилганда рўй бериши мумкин.

Инсон капиталининг маълумот ва малакани самарага айлантирадиган фояси фақат таълим ва ўқитищдан иборат бўлмайди, чунки ишлаб чиқариш кўникмаларини узлуксиз кўпайтириб бориш назарда тутилади.

Инсонга инвестициялашнинг умумий хусусияти яққол ижтимоий характерга эгадир. Айни маҳалда улар давлат ва нодавлат характеристига эга бўладилар.

Айни маҳалда таъкидлаш зарурки, ижтимоий инвестицияларнинг нодавлат характери кенгроқ тарқалмоқда ва эндиликда фақат фирмалар ва айрим кишиларнинг бевосита манфаатлари билан боғлиқ бўлмай қолди.

Ўзбекистонда инсон капиталига маблағ сарфлаш жаҳон тажрибаларига мувофиқ давлат йўли билан ҳам, нодавлат йўли билан ҳам амалга оширилмоқда. Давлат инвестициялари таълимни бюджетдан маблағ билан таъминлаш шаклига эга. Умумжаҳон банки маълумотига кўра, Ўзбекистонда таълимга сарфланадиган давлат харажатлари кўрсаткичлари жаҳонда энг юқори кўрсаткичлардандир.

Таълимни қўллаб-қувватлаш учун қилинаётган катта харажатлар ижтимоий сиёсатнинг фаоллигидан даролат бермоқда, шу туфайли ижтимоий секторни таназзулдан сақлабгина қолмай, балки уни ривожлантиришга ҳам эришилди.

Нодавлат инвестициялари корхоналар, нодавлат фондлар ва жамоат ташкилотлари ва аҳолининг ўз маблағи сарфларидан иборат. Бозор ислоҳотларини ўтказиши йилларида республика аҳолисининг маблағ сарфи ошгани кузатилди. Бироқ, улар ҳали ҳам кам. Масалан, таълимга харажат жадал ўсиб боргани ҳолда, улар 1999 йилда уй хўжаликлари жами харажатининг 0,3 фоизича ҳам бўлмади. Аҳолининг инсон капиталига маблағ сарфи танлаш характерига эга ва бу ишни аҳолининг катта даромадга эга қатламларигина амалга ошира олади. Бундай қатлам бозор ислоҳотлари жараёнида шаклана бошлади. Булар, энг аввало, тадбиркорлар, яъни янги кишилардир. Уларнинг даромадлари жорий истеъмол харажатларидан анча юқори бўлиб, таълим учун молиявий ресурс ажратиш имкониятига эгадирлар. Ҳозирги вақтда (1999 йилда) тадбиркорлик даромади аҳоли жами даромадининг 28,6 фоизини ташкил этмоқда.

Айни маҳалда, аҳоли қатламларининг, айниқса қишлоқ аҳолисининг кўпчилиги бундай даромадларга эга эмас ва даромадлари истеъмол харажатларидан ортиқ эмас. Бундай даромад бўлган тақдирда ҳам, у ўз маълумотига инвестициялаш учун етарли эмас. Бундай ҳолатда ўз маблағини инсон капиталини инвестициялашга йўналтирган нодавлат ижтимоий фондларининг аҳамия-

ти ортади. Кимдир бу билан таълим олаётганларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида қисман шуғулланса, бошқалар буткул шуғулланади. «Қамолот» ёшлар фонди ўқувчилар ва талабаларни, ёш мутахассисларни ижтимоий қўллаб-қувватлайди. 1999 йилда фонд иқтидорли талабалар, танлов ғолиблари, шунингдек ўқувчилар учун махсус «Истеъдод» стипендиясини ажратди.

Фонд ёшларнинг касб маҳоратини, ғоявий-ахлоқий савиясини ошириш бўйича тадбирларни маблағ билан таъминлади, ёшларнинг чет эллик профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар томонидан ўқитилишини уюштиради, ёшлар фестиваллари, иш жойлари ярмаркала-ри, спартакиадалар ва ҳоказоларни ўтказади.

«Умид», «Улуғбек», «Устоз» сингари фондлар Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ таълим ва илмий дастурларни рўёбга чиқаришга ихтисослашган. «Умид» фонди буткул ҳомийлар томонидан маблағ билан таъминланади, иқтидорли ёшларни танлаб, уларни жаҳондаги илфор университетларда ўқитиш билан шуғулланади. Фонд мавжуд бўлган уч йил ичida ёшларни ўқитишга фонд орқали катта молиявий ресурслар сарфланди.

«Улуғбек» фонди фаолияти илмий-ишлаб чиқариш характерига эга. У, энг аввало, кириб келаётган янги технологик революция шароитида миллий иқтисодиёт учун алоҳида аҳамият касб этувчи мамлакат илмий салоҳиятини сақлаб қолиш ва оширишга йўналтирилган.

«Устоз» таълим фонди нисбатан ёшроқ. Унинг хусусияти шундаки, фонд профессор-ўқитувчилар мала-касини оширишда уларни қўллаб-қувватлайди, яъни ёшларга таълим берувчиларга ижтимоий ёрдам кўрсатади. Мазкур фонд ўқитувчиларга ресурс сарфлагани ҳолда инсон капиталига маблағ сарфлашга кўмаклашади.

Мамлакатда иш олиб бораётган ижтимоий-хайрия фондлари аниқ ижтимоий ёрдам кўрсатади. Улар, ёшлар фондларидан фарқли равишда, қариялар, ногиронлар, кам таъминланганлар ва аҳолининг бошқа начор қатламларини қўллаб-қувватлайди. Бу жиҳатдан «Наврўз» ва «Нуроний» фондлари алоҳида ажралиб туради.

«Наврӯз» фондининг хайрия фаолиятига харажатлари⁵²

Харажатлар	1996	1997	1998	1999
Алоҳида фуқаролар ва оиласарларга ёрдам, минг сўм	939,7	388,9	5669,0	6374,6
Турли ташкилотлар, муассасаларга ёрдам, минг сўм	163,2	302,3	606,0	2584,6
Хайрия тадбирларига харажатлар, минг сўм	—	374,0	492,0	3719,3
Жами	8071,9	1906,5	31167,0	66678,5

«Наврӯз» фонди аҳоли муҳтоҷ қатламларини кўллаб-қувватлаш бўйича кенг кўламда иш олиб бормоқда. Шу мақсадда фонд хайрия лотереялари чиқарди. Улардан келган маблағ фонд тадбирларини ўз маблағи билан таъминлаш манбай бўлади. Фонд ноҷорларга моддий ва пул ёрдами кўрсатади. Ёрдам алоҳида фуқароларга, кам таъминланган оиласарларга, пенсионерларга, кўрлар жамиятига, ногиронлар жамиятига, қариялар уйларига, фахрийлар ва ногиронларга, касалхоналар ва бошқа даволаш-профилактика муассасаларига кўрсатилади. «Наврӯз» фонди хайрия фаолиятининг кўлами тўғрисида 41-жадвал маълумотлари гувоҳлик беради.

Ижтимоий-хайрия ёрдами камбағаллик кўламини ҳамда ноҷорлар сонини ҳисобга олади ва бу вилоятларнинг иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқ. Ноҷор фуқаролар ва оиласар сонидаги тафовут фонд маблағларини қайта тақсимлашни талаб қилади ва шундан келиб чиқиб, ижтимоий ёрдам харажатлари «Наврӯз» фонди даромадларидан фарқланади. Фондларнинг ижтимоий-хайрия ишини вилоятлар даражасида маблағ билан таъминлаш тўғрисида 42-жадвал да-лолат беради.

⁵² «Наврӯз» фондининг йиллик ҳисоботлари асосида ҳисобланган.

42-жадвага

«Наврўз» фондининг Ўзбекистон Республикаси вилоятлари бўйича 1999 йилдаги ижтимоий-ҳайрия фаолияти⁵³

Вилоятлар	Алоҳуда фуқаролар ва оиласларга ёрдам, сўм минг сўм	Ташкилотлар ва муасасаларга ёрдам, минг сўм	Ҳайрия тадбирларига харажатлар, минг сўм
Андижон	2190,0	1865,0	1048,5
Бухоро	600,0	19,5	191,7
Жиззах	2336,7	3928,0	—
Навоий	1400,0	524,3	—
Наманган	2250,4	3512,0	5194,0
Самарқанд	969,0	960,8	250,0
Сирдарё	135,0	78,5	135,0
Сурхондарё	224,0	732,9	629,6
Тошкент	510,9	700,0	1692,0
Фарғона	858,4	100,0	291,1
Хоразм	550,9	868,2	590,5
Қашқадарё	790,0	—	—
Тошкент шаҳри	1242,1	1150,4	2727,0
Қорақалпоғистон	731,0	—	731,0
Марказлаштирилган харажатлар	6127,0	8145,0	10302,0
Жами	20374,6	22584,6	23719,3

Агар «Наврўз» фонди турли ижтимоий гурӯҳларга кирувчи начорлар кенг қатламини ижтимоий қўллаб-куватласа, «Нуроний» фонди фақат бир табақа — қария-пенсионерларга ёрдам кўрсатади.

Ижтимоий секторда «Наврўз» фонди контингенти, Ўзбекистонда пенсия ёшидаги шахсларнинг ҳиссаси бутун аҳолининг ҳатто 8 фоизини ҳам ташкил қилмаганлиги учун, чеклангандир. Шундай бўлса-да, фонд ўз даромад имкониятларига кўра ўз субъектларини ижтимоий ҳимоялаш билан шуғулланади. Фонд хилмажил ёрдам кўрсатади, бу ёрдам пул ва моддий шаклда амалга оширилади. Шунингдек, ижтимоий-тиклаш ха-

⁵³ Ҳайрия тадбирларига қилинган харажатларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда «Наврўз» фонди ҳисоботлари бўйича тузилди.

Ижтимоий фондлардан фойдаланиш
самарадорлиги

рактеридаги текин хизматлар шаклида ҳам ёрдам берилади.

Хозирги вақтда жаҳон тажрибасида ночорларга камбағалликка тушиб қолиш хавфидан келиб чиқиб ёрдам кўрсатишни белгилаш қабул қилинган бўлиб, 43-жадвал бу ҳақда далолат беради.

43-ж а д в а л

*Камбағаллик риски турлари ва улардан ҳимоялаш чоралари**

№	Риск турлари	Пенсия ва карник бўйича нафака	Сутуртлаш ва ишилизик бўйича нафака	Жамоат ишлари	Тиббий суюрга	Ижтимоий фондлар	Маблағ билан микротальмин- лаш	Пул трансферт- лари
1.	Қариллик	x	—	—	x	—	x	x
2.	Касаллик, жаро- ҳат, ногиронлик	—	—	—	x	—	x	—
3.	Ахоли	—	—	—	x	—	—	—
4.	Ҳосилсизлик	—	—	x	—	x	x	x
5.	Меҳнат бозорида- ги риск	—	x	x	—	x	x	—
6.	Маҳсулот нархла- ри компанияси	—	—	—	—	—	—	x
7.	Табиий оғатлар	—	x	x	x	x	x	x
8.	Иқтисодий таназ- зул	—	x	x	—	x	x	x
9.	Уруш ва фуқаро- лар мажаролари	—	—	x	x	x	x	x

* Consultation on the World Development Report 2000/01. — Budapest, Hungary; March 29—30, 2000, P. 75.

Л Бошқа мамлакатлардан фарқли равишда, Ўзбекистонда ижтимоий ёрдам анча турли туман бўлиб, бу, айниқса, нодавлат ижтимоий фондларга хосдир. Фондлар пул маблағларини мақсадли тақсимлашда аҳолининг миллий менталитети ва ижтимоий-демографик таркиби ҳисобга олинади. У аниқ ижтимоий гурӯхларга йўналтирилган. Ёрдам қўйидаги йўналишларда кўрсатилади:

1. Фуқаролар ва уларнинг оиласаларига кўрсатиладиган ёрдам: кам таъминланган оиласаларга пул ёрдами бериш,

камбағал оиласларнинг болаларига кийим-кечак, ўқув қуроллари ва пул бериш, кексалар ва ногиронларга қимматбаҳо совғалар тақдим қилиш, тўй ва бошқа ма-росимлар учун маблағ бериш, иқтидорли талабалар ва ўқувчиларга маҳсус хайрия нафақалари бериш, экспу-сиялар, тиббий-профилактика, таълим хизматларини ўюштириш, юридик маслаҳатлар бериш, беморларга молиявий ёрдам кўрсатиш, улар учун дори-дармон сотиб олиш, табиий оғатлардан кўрилган заарларни қоплашда ёрдам кўрсатиш, текин зиёфатлар бериш ва озиқ-овқат маҳсулотларини текин тарқатиш, ёлғиз оналар, етимлар, ёлғиз қарияларга ёрдам кўрсатиш ва ҳоказолар.

2. Ташкилотлар ва муассасаларга кўрсатиладиган ёрдам: касалхоналар, поликлиникалар, болалар уйла-ри, қариялар уйлари, мактабларга пул маблағи ажра-тиш, улар учун тиббий жиҳозлар, дори-дармон сотиб олиш, мактабларни, лицейларни, интернат-мактабларни, туғруқхоналарни, қариялар уйларини, спорт муас-сасаларини моддий жиҳозлаш, ижтимоий аҳамиятга эга тадбирларни маблағ билан таъминлаш.

3. Фондлардан бериладиган ёрдам шакллари ва усул-ларида, биринчидан, уларнинг ижтимоий аҳамияти, иккинчидан, ижтимоий фондлар бюджети чекланган-лиги, учинчидан, ижтимоий ёрдамга муҳтожлик дара-жаси ҳисобга олинади.

Ижтимоий фондлар катта аҳамиятга эга бўлишига қарамай, улардан самарали фойдаланилмаяпти.

«Наврўз» фонди молиявий ресурслардан фойдала-ниш, унинг фаолият кўрсатган йилларида хайрия иш-лари фаолиятининг бошқа турларига қараганда маблағ билан кам даражада таъминланганини кўрсатади. Чу-нончи, 1996 йилда фондни бошқариш харажатлари бар-ча харажатларнинг 25,6 фоизини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 1999 йилда эса 30,3 фоизга етди.

Бошқа фондларда ҳам ўзини таъминлаш харажатла-ри ошиб бормоқда. Масалан, 1999 йилда «Камолот» фондида ижтимоий фаолиятга 54,3 миллион сўм, фонднинг ўзини бошқаришга эса 64,7 миллион сўм, яъни асосий вазифаларини бажаришга қилинган харажат-лардан ортиқ маблағ сарфланган. Бошқа харажатлар деб аталмиш сарфлар ҳам тинимсиз ошиб бормоқда. Чунончи, 1999 йилда бошқа харажатлар 103,6 милли-

Ижтимоий фондлардан фойдаланиш
самарадорлиги

он сүмни ташкил қилған, бу эса барча харажатларнинг 29,6 фоизидан иборатdir. Ўзини таъминлаш фондлар учун қимматга тушмоқда (44-жадвалга қаранг).

Харажатлар таркиби нодавлат фондлар ижтимоий вазифасининг самарадорлиги пасайиб бораётганини кўрсатмоқда.

Фондлар инвестицион фаоллиги муттасил пасайиб бораётганлиги билан ажралиб туради. Жорий харажатларнинг ортиб бораётгани фонд жамгармаларини кўпайтишига имкон бермаяпти.

Молиявий қолдиқлар камайиб бораётгани фондлар жамгармалари имконияти чекланганидан далолат бермоқда ва бу, ўз навбатида, инвестиция даромадларининг кўпайишига, яъни молиявий ресурсларнинг ўзини-ўзи кўпайтишига йўл қўймаяпти.

Фондлар самарадорлигини ошириш учун уларнинг инвестицион хусусиятини анча кучайтириш зарур. Тўғри, бу дастлаб ижтимоий харажатларни чеклайди, бироқ кейинчалик ижтимоий тадбирларнинг маблағ билан таъминланишини оширади ва натижада уларнинг аҳамиятини кучайтиради.

44- жадвал

«Камолот» жамгармасининг 1998 йилдаги харажатлар таркиби

Харажатлар турлари	минг сўм	жамига нисбатан %да
Фонд ходимларининг иш ҳақи фонди	95704,5	36,9
Хўжалик, транспорт ва хизмат сафари харажатлари	52501,3	20,2
Маданий-оммавий ва хайрия тадбирларига харажатлар	32898,6	12,7
Фонд бўлимларига молиявий ёрдам	9464,6	3,6
Режадан ташқари харажатлар	69029,2	26,6
Жами	259598,2	100,0

Фондларнинг хайрия фаолияти уларнинг инсонпарвар йўналишидан далолат беради. Бироқ, улар боқимандалик кайфиятини мустаҳкамлаш мумкин. Шу туфайли улардан фойдаланиш жараёнида объектив сабабларга

кўра, тирикчилик учун пул топишга қодир бўлмаганларни ижтимоий қўллаб-куватлашни кўзлаш зарур. Фондлар кўрсатадиган ижтимоий ёрдамдан асосий баҳраманд бўладиганларнинг таҳлили кўрсатишича, улар асосан кам таъминланган оиласалардир. Башарти кам таъминланганлик мезон бўлса, унинг сабабини эътибор билан аниқлаш лозим. Агар бу ҳолат оиласалар учун чорасиз, объектив шароит туфайли юзага келадиган бўлса, уни фондларнинг ижтимоий ёрдами тақсимланадиган мезон сифатида асос қилиб олиш мумкин.

Ёшлар фондидан чорасиз қолганда ёрдам кўрсатиш зарур. Бу фондлар маблағи ёшларнинг маълумот дараҷасини оширишга, янги касб эгаллашда ёрдам кўрсатишга ва ишга жойлаштиришга сарфланиши даркор. Улар учун муҳими — ёшларнинг ўзини-ўзи ижтимоий ҳимоялашида кўмаклашишдир. Акс ҳолда улар ёшлар орасида боқимандалик ҳиссини туғдириши мумкинки, бу бозор тамойилларига зид келувчи ҳолдир.

Қарияларни ижтимоий қўллаб-куватлаш фондлари аҳолининг ушбу тоифаси ижтимоий жиҳатдан турлитуманилигини ҳисобга олиши даркор. Пенсия ёшидаги кишилар ёлғиз ва фарзандлари оиласида истиқомат қиласди. Ўзбекистоннинг миллый менталитети кекса отоналар тўғрисида, албатта, ғамхўрлик қилишни тақозо этади, шунинг учун кексаликда ёлғиз қолиш камдан-кам учрайдиган ҳолдир.

Пенсионерлар турмуш шароитини текшириш натижалари кўрсатишича, уларнинг 94 фоизи оиласаларда истиқомат қилиши ва уларга ёлғизлик хавф солмаслиги аниқланди. Бу ҳолат, агар пенсия миқдори катта эмаслиги ҳисобга олинмаса, пенсионерлар асосий контингентининг аҳволи ижтимоий жиҳатдан кўнгилдаги-дек эканлигидан дарак беради. Шунинг учун «Нуроний» сингари фондлар ресурсларидан фойдаланишда ёлғиз ва камбағал пенсионерларни ижтимоий қўллаб-куватлашни кўзда тутиш лозим.

Нодавлат ижтимоий фондлар ёшларни чет элда ишлаб пул топишга тайёрласа, катта фойда келтириши мумкин. Шу муносабат билан, назаримизда, фондлар ҳузурида бошқа мамлакатларда ишга жойлаштиришда кўмаклашиш бўйича миграция хизматини ташкил этиш зарурга ўхшайди.

Шундай қилиб, нодавлат ижтимоий фондлар қанчалик муҳим бўлишига қарамай, ҳозирча етарли даражада самарали иш олиб бормаяпти. Ўтиш жамиятида ижтимоий муаммоларни ҳал этишда бу фондларнинг ролини кучайтириш ва уларнинг фаолиятини аниқ, адресли ижтимоий қўллаб-кувватлаш йўналишида тақомиллаштиришни тақозо этади.

5.3. Ижтимоий фондларнинг ривожланиш истиқболлари

Бозор таркибидаги тизим бўлган социал соҳа ижтимоий тизимнинг иқтисодиётдаги ўзгаришларини пассив акс эттирадиган элементи эмас. У инсон капиталини ривожлантириш ва жамиятда ижтимоий мувозанатни тъминлаш орқали иқтисодий ўсишга фаол таъсир кўрсатишга қодирдир.

Иқтисодий ва ижтимоий соҳа ўртасида абадий қарама-қаршилик мавжуд. Бу қарама-қаршилик ижтимоий соҳани иқтисодий имкониятлар доирасида ривожлантириш орқали ҳал этилади. Бу соҳа ресурсларни ҳаддан ташқари кўп банд этса, у ҳолда инвестицияни камайтириб, иқтисодий ўсишга тўсқинлик қиласди. Ресурслардан тугал фойдаланмаса, у ҳолда инсон омилиниңг иқтисодий ўсишига таъсири камаяди. Шу сабабли жамият иқтисодийёт билан ижтимоий соҳа ўртасида оптималь мувозанатни сақлай билиши лозим.

Барқарор иқтисодий ўсишга эга бўлган ҳолда асосий ижтимоий эҳтиёжларнинг қондирилиши ушбу оптимальлик мезонидир. Бироқ, иқтисодиёт фани даврлар ва халқлар учун оптимальликнинг универсал ўлчовини ҳали ўйлаб топганича йўқ.

Иқтисодий ўсиш даражаси ва ижтимоий муаммолар ҳал этилганлиги ҳисобга олинадиган бўлса, оптималь мувозанат турли мамлакатларда турлича ўрнатилади, чунки ҳар ким ўз имкониятига кўра яшайди.

Ижтимоий секторнинг истеъмол ресурслари иқтисодиётга боғлиқдир. Иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси қанчалик юқори бўлса, ўсиб бораётган ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун имконият ҳам шунча кўп бўлади. Бироқ, бу эҳтиёжларни қонди-

риш шакллари хилма-хил бўлиб, давлат ва нодавлат ижтимоий фондлари фаолияти орқали қондирилади.

Ижтимоий фондлар орасида пенсия фонди ва ижтимоий суғурта фонди устун даражада роль ўйнайди. Бу фондлар, қарияларнинг ижтимоий эҳтиёжлари ортиб ва аҳоли таркибида уларнинг ҳиссаси кўпайиб боришига кўра, ЯИМнинг тобора кўпроқ қисмини истеъмол қиласди. Аҳолининг қарид бориши ривожланган мамлакатларга хос, бироқ янги асрнинг биринчи чорагида бошқа кўплаб мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон ҳам бу ҳодисага дуч келади.

Бозор иқтисодиётининг ривожланиш қонунлари ва ижтимоий-иктисодий оқибатлари барча мамлакатлар учун бир хил. Лекин, унга аҳоли таркиби таъсир этади. Аҳоли таркибида пенсия ёшидаги шахслар салмоғининг ортиши ҳозирнинг ўзидаёқ кўзга ташланмоқда (45-жадвал).

45- жадвал

*Ўзбекистон аҳолисининг ёш таркиби**

Аҳоли турұхлары	Бутун аҳоли таркибидаги салмоғи (%)					
	1980	1985	1990	1995	1999	2001
Меҳнатта яроқли ёшдан кичиклар	45,5	42,5	43,0	42,9	42,3	38,1
Меҳнатта яроқли ёшдагилар	48,2	49,3	49,2	49,4	50,1	54,7
Меҳнатта яроқли ёшдан катталар	7,3	8,2	7,8	7,7	7,6	7,2

* Узбекистан. Экономический меморандум. Субсидии и перераспределение средств. Приложение 8. Документ Всемирного банка, 1994 г., с. 67; А. Ўлмасов. Оила иқтисоди. — Т., «Меҳнат», 1998 й., 9-бет; Инсон тараққиёти түғрисида маъруза. Ўзбекистон 1999 й. UNDP, — Т., 2000 й., 90—91-бетлар; «Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 1999 год». — Т., 2000 г., с. 81—82; Узбекистан. Отчет о сотрудничестве по развитию. — ПРООН, 2001 г., с. 9.

Ҳисоб-китобимизга кўра, Ўзбекистонда иқтисодий фаол бир кишига бир неча боқиманда тўғри келар экан (46-жадвалга қаранг). Маълумки, жон бошига тўғри келадиган даромад жиҳатидан қаралса, ушбу омил бўйича меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлик кўрсаткичлари бозор нуқтаи-назаридан пасаяди.

46-жада

**Ўзбекистонда битта банд кишига тўғри келадиган
демографик юк (киши)***

	1980	1985	1990	1995	1999
Болалар	1,19	1,14	1,13	1,13	1,14
Кексалар	0,22	—	0,20	0,20	0,21
Банд бўлмаган меҳнатга яроқли ёшдагилар	0,19	0,22	0,25	0,30	0,33

* Узбекистан. Экономический меморандум. Субсидии и перераспределение средств. Документ Всемирного банка, 1994 г., с. 67; Содружество независимых государств в 1998 году. Статистический ежегодник. — М., 1999 г., с. 564—565; Инсон тараққиёти тўғрисинда маъруза. Ўзбекистон 1999 й. UNDP, — Т., 2000 й., 90—91-бетлар; «Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 1999 год». — Т., 2000 г., с. 81—82. асосида ҳисобланган.

Ўзбекистон аҳолисининг қариб бориш жараёни икки омилга қўра содир бўлади: биринчидан, туғилишнинг камайиши ва кексалар ҳиссасининг ортиб бориши ҳисобига аҳоли таркибида болалар салмоғининг пасайишига олиб келади; иккинчидан, ўртacha яшаёт ёши, умр узайиши эса кексалар сонининг ортишига олиб келади.

Ўзбекистон кучли ижтимоий сиёsatни амалга оширган ҳолда ривожланган бозор тизимиға, аҳолининг юқори турмуш даражасига асосланган демократик жамият куриш ниятида. Бундай мақсадли вазифа қўйилар экан, ижтимоий фондларнинг ҳозирги ва истиқболдаги ривожланишининг хусусиятларини ҳисобга олмасликнинг иложи йўқ. Ўзбекистоннинг иқтисодиёт даражаси ҳисобга олинадиган бўлса, яқин келажакда давлат фондлари нодавлат фондларига қараганда устунликни сақлаб қолаверади. Ўзбекистонда ижтимоий неъматларнинг истеъмол даражаси ҳали ҳам юқори эмаслиги, ижтимоий эҳтиёжлар эса янада ортиб бориши шундай фикр юритиш учун асос бўлмоқда.

Ижтимоий неъматларга бўлган эҳтиёжнинг ўсиши куйидаги объектив шароитлар билан белгиланади:

Биринчидан, аҳоли таркибида болалар ва ёшларнинг салмоғи катта бўлиб, уларнинг ёши улғайиб боргани сари, айниқса эндоғен омиллар таъсири туфайли эҳтиёжлар тез ортиб боради, чунки ижтимоий ахборот тез тарқала бошлади ва у янгидан-янги эҳтиёжларни келтириб чиқаради.

Иккинчидан, янги аср бошида кутилаётган янги технология революцияси иқтисодиётнинг илгари мисли кўрилмаган глобаллашуви билан содир бўлади ва бу жараёнга иш кучи ҳаракатчанлиги ва меҳнат ресурсларининг мамлакатлар ва қитъалар ўргасида қайта тақсимланиши хос бўлади.

Бу жараёнга Ўзбекистон ҳам муқаррар равишда қўшилади, ушбу ҳолат мамлакатда вужудга келтирилаётган иқтисодиётнинг очиқликлиги билан изоҳланади.

Учинчидан, инсон капиталига катта маблағ сарфламай туриб келгусида иқтисодиётни ривожлантириб бўлмайди, чунки Ўзбекистонда янги технологиядан жадал фойдаланилсагина бундай ривожланишга эришиш мумкин. Бунинг учун ишчи ва хизматчилар тегишли тайёргарликдан ўтиши лоизм. Таълим ривожланишнинг қурратли омилига айланади, бунга эса ижтимоий фондларни, айниқса таълим фондларини олдиндан ривожлантирмай туриб эришиб бўлмайди.

Аввалги бобларда таъкидлаганимиздек, давлат ижтимоий фондлари орасида пенсия фонди етакчи ҳисобланади. Бозор тизими тақозо этганидек, кишиларнинг иқтисодий фаоллигини рағбатлантириш учун пенсия тизимларини ислоҳ қилиш заруратини ҳисобга олган ҳолда бу фондлар қайси йўналишда ривожланиши зарурлиги хусусида хорижий адабиётларда кўп баҳс юритилади.

Шу муносабат билан мамлакатнинг энг йирик ижтимоий фонди бўлган пенсия фондини ислоҳ этиш муаммоси кўндаланг турибди. Ҳозир бизда икки хил — бирдамлик ва жамғарма тизимларининг тарафдорлари ва уларга қаршилар бор.

Бу тизимда ишлаб турган авлод ўз меҳнати натижаларини қайта тақсимлаш ҳисобига пенсионерларни таъминлаб турибди. 1999 йилда Ўзбекистонда ишлаб турган 11,8 миллион киши ЯИМни ҳосил қилди ва ўзлари ҳосил қилган 2,0 триллион сўмлик ЯИМнинг 6,7 фоизи пенсия таъминоти учун ажратилди.

Бундай бирдалик тизими социализм давридан бўён мавжуд бўлиб, аҳоли томонидан адолатли тизим сифатида қабул қилинмоқда. Бу тизимнинг ижобий жиҳати шуки, унда пенсияни давлатнинг ўзи кафолатлайди. Бошқа томондан эса, кишилар кексалик тўғрисида кам

ўйлайдилар, бу эса унинг салбий жиҳатидир. Боз устига, бирдамлик тизими бекор қилинса, кам даромадли кишилар қариган чоғларида, умуман, тирикчилик воситасисиз қолишлари мумкин.

Хозир дунёда йилига аҳоли жон бошига жаҳон бўйича 6200 долларлик ЯИМ ҳосил қилингани ҳолда, статистик ўртача бир киши умр бўйи 370 минг доллар истеъмол қилиши маълум.

Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ЯИМ харид қобилияти паритети (ХҚП) бўйича 2900 долларни ташкил қиласди, яъни бу жаҳон бўйича ўртача кўрсаткичдан 2,1 баравар камдир. Агар Ўзбекистонда аҳоли истеъмолига ЯИМ кўпроқ сарфланаётгани ҳисобга олинадиган бўлса, у ҳолда бир ўртача статистик киши бутун умр давомида, ҳозирги ўлчов бўйича, йилига деярли 3000 доллар, яъни ойига 250 доллар истеъмол қилаётган бўлиб чиқади.

Бундай истеъмол унча катта эмаслиги маълум, лекин бу кўрсаткич икки баравар кам бўлиши мумкин бўлган оилалар ҳам бор. Бундай аҳволда, кам таъминланган оилаларнинг даромади жорий истеъмолдан ортиқ бўлмайди ва турли ҳисоб-китобларга кўра, мамлакат аҳолисининг 29—41 фоизи шундай оилалардир. Яъни, уларда жамғарма пенсия фондига бадал тўлаш манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган жамғарма бўлмайди.

Бу ҳолат даромад миқдори кам бўлган кишилар жамғарма тизимиға ўтиш имкониятига эга эмасликларидан далолат беради. Чунки, улар даромадларининг ҳаммасини истеъмол учун ишлатишга мажбур. Бироқ, бундан жамғарма тизимидан буткул воз кечиш керак, деган хулоса чиқмайди.

Гап шундаки, аввал таъкидланганидек, ҳозирги вазият аҳоли жон бошига ҳисоблагандага даромадлар табакаланишининг чуқурлашуви билан ажralиб туради. Ҳозирга келиб даромади жамғарма пенсия фондини ҳосил қилиш учун етарлича бўлган янги кишилар қатлами вужудга келди. Мисол тариқасида, Ўзбекистонда турли ижтимоий гуруҳлар даромади таркибини кўриб чиқайлик (47-жадвал).

47-жадвал маълумотларидан ижтимоий гуруҳлар даромадлари уларнинг шаклланиш манбалари бўйича


47-жадвал
**1999 йил 25 декабрь ҳолатига кўра, ахоли ижтимоий гурӯҳлари бўйича ўртача оила даромадининг
тарсеби (фоиз хисобида)***

	Бинн язоммалар	Лий кўмудаҳан уйга да-	Нурибунтара мөхар-	Тадбиркодирнок онҳарнан-	Ниҳонияттаги мөхар-	Копин таҳҷифеттар	Муридан онҳарнан	Дахсанниндаҳ онҳар-	Дахсанниндаҳ азомма	Борка түрумлар	Лахсаннин ба фермеп-	Аъзаннин ба фермеп-	Лахсаннин ба фермеп-	Лахсаннин ба фермеп-	
Ўзбекистон Республикаси	100,0	84,3	29,9	20,7	5,0	10,0	0,4	17,2	1,2	15,7					
ишлилар	100,0	87,1	54,5	5,6	7,0	10,1	0,0	8,5	1,5	12,9					
хизматчилар	100,0	86,3	55,8	6,5	2,4	10,7	0,0	10,1	1,0	13,7					
колхозчилар	100,0	73,3	15,1	5,3	6,7	11,5	0,0	34,3	0,5	26,7					
табиркорлар	100,0	86,4	14,0	50,2	2,7	3,8	0,7	14,3	0,8	13,6					
пенсионерлар	100,0	88,5	16,5	3,7	3,5	56,2	0,6	4,3	3,7	11,5					

* К а р а н г : Итоги социально-экономического развития и оценка хода экономических реформ за 1999 год. Социальная сфера.
Приложение 9. — Г., 2000., с. 32.

қатъий фарқланиши кўриниб турибди. Меҳнат даромади олинадиган бўлса, жамоа хўжаликлари аъзолари, тадбиркорлар ва пенсионерларда унинг ҳиссаси жуда кам. Пенсионерларда бу камчилик трансферт билан, жамоа хўжаликлари аъзоларида шахсий томорқа хўжалигидан келадиган даромад билан, тадбиркорларда эса фойда билан қопланади.

Ишчи ва хизматчиларда бундай қопланиш нисбатан кам даражада содир бўлади. Башарти, даромадларни уларнинг нисбати нуқтаи-назаридан қараб чиқидалигидан бўлса, турли тоифа оиласарининг табақаланиши куйидагича бўлади (10-диаграмма).



1 — ишловчиларнинг меҳнат ҳақи; 2 — тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромад; 3 — индивидуал меҳнат фаолиятидан олинадиган даромад; 4 — жорий трансфертлар; 5 — мулкдан олинадиган даромад; 6 — ШЕХ маҳсулотидан олинадиган даромад; 7 — бошқа тушумлар; 8 — ШЕХ ва фермер хўжалиги маҳсулотидан шахсий натурал истеъмол.

Айни маҳалда, даромадлар таркибининг ўзи даромад миқдори ва унинг истеъмолдан ортиқлигини билдиримайди. Бунинг учун аҳоли турли қатламлари харажатлари таркибини таҳлил қилиш лозим (48-жадвал).

1996—2000 йилларда барча оиласарда истеъмол харажатлари ошиб бориши умумий тамойил бўлгани 48-жадвалдан кўриниб турибди.

Буни 2000 йил маълумотлари ҳам тасдиқлайди. Аҳоли даромадлари ва харажатлари баланси материалларига кўра, 2000 йилда истеъмол харажатлари барча харажатларнинг 86,0 фоизини ташкил қилган. Бироқ,

бу умумий рақамлар остида аҳоли турли гурухлари харажатларининг табақаланиши ётади.

48-жадвага
**1996—2000 йилларда оила пул харажатлари таркиби
(фоиз ҳисобида)***

Харажат турлари	1996	1997	1998	1999	2000
Озиқ-овқат маҳсулотлари	46,3	45,7	44,0	47,3	49,2
Ноозик-овқат маҳсулотлари	28,7	26,8	23,1	25,9	27,7
Хизматлар	6,6	5,3	6,3	6,9	7,2
Алкогол ичимликлар	1,7	2,3	1,9	1,7	1,9
Солиқлар	12,5	12,0	12,8	13,2	12,6
Жамғармалар	0,0	0,1	0,6		
Бошқа харажатлар	4,2	7,8	11,3	5,0	1,4
Жами харажатлар	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

* Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг маълумотлари асосида ҳисобланган.

Аҳоли даромадларини қиёслаш айрим оиласар (колхозчилар ва пенсионерлар) пул тушумининг катта қисмини кундалик истеъмолга сарфлашини кўрсатмоқда. Улар амалда жамғарма пенсия фондини вужудга келтириши мумкин бўлган пулни жамғарма олишмайди.

Бироқ, тадбиркорлар ва фермерлар тўғрисида бу гапларни айтиб бўлмайди. Уларнинг бюджетида жамғарма ҳиссаси ортиб бораётгани кўзга ташланмоқда ва бу жамғарма фондларни шакллантириш мумкинлигидан далолат бермоқда.

Шундай қилиб, Ўзбекистон аҳолиси даромадларининг табақаланиши шароитида пенсия фондига маблағ ажратиши қийин бўлмайдиган кишилар қатлами шаклланмоқда.

Айни маҳалда, яна бир ҳолатни назарда тутиш лозим. Ўзбекистон иқтисодий ўсиш босқичига ўтди ва бу даромадларнинг, хусусан, жамғармаларнинг кўпайи-

шига олиб келади. Ҳисоб-китобларимиз кўрсатишича, 25 йилдан кейин иқтисодий ўсиш суръати икки бара-вар ошгач, Ўзбекистон жамғарма фондлари муваффақият билан иш олиб бораётган ривожланган мамлакатларнинг ҳозирги иқтисодий ривожланиш даражасига етади.

Ижтимоий фондларнинг истиқболдаги ривожланишига яна бир ҳолат таъсир кўрсатади. Ҳозирги вақтда иқтисодиётнинг эркинлаштирилаётгани муносабати билан аҳолининг ўзини-ўзи иш билан банд қилиш та-мойили кучаймоқда. Ўзбекистон бу кўрсаткич бўйича МДҲ мамлакатлари орасида олдинги ўринлардан би-рини эгаллаб турибди. Ўзини-ўзи иш билан таъминлаш соҳасида даромад излаш жараёни кечмоқда ва у қўидаги шаклларга эга: стихияли меҳнат бозори орқали вақтинча бандлик, якка тартиbdаги меҳнат фаолияти билан бандлик, шахсий хўжаликда бандлик.

Сўнгги йилларда иқтисодиётнинг хусусий секторида юридик шахсни вужудга келтирмай туриб подсекторда бандлик ортиб бормоқда, бунда ўз инвестициялари ҳисобига арzon иш жойлари вужудга келтирилмоқда. Бу, айниқса, юридик шахсни вужудга келтирмайдиган дех-қон хўжаликлари фаолиятида, шунингдек патент бўйича ишлашда сезилмоқда.

Ўзини-ўзи банд қилиш жорий даромадни таъ-минлайди, лекин қарилек бўйича пенсияни кафо-латламайди. Жамғарма пенсия фонди яратилмас экан, давлатнинг яширин пенсия қарзи кўпайиб, кўп сонли кишилар қарилек пенсиясисиз қолиши мумкин.

Бинобарин, ҳозирги вақтда бирдамлик ва жамғарма пенсия тизимларини маъқулловчилар ва унга қаршилар ҳам бор. Бундан қўидаги хулоса келиб чиқади: мавжуд бирдамлик пенсия фондини сақлаб қолган ва ривожлантирган ҳолда жамғарма пенсия фондларини босқичма-босқич шакллантиришга киришиш зарур. Пенсия фондлари характеристи иқтисодиётнинг ривожланиш даражасига қанчалик боғлиқ бўлмасин, улар бозор хусусиятига эга бўлиши зарур. Лотин Америкаси ва МДҲдаги қатор мамлакатлар иқтисодиёти юқори даражада ривожланмаганлигига қарамай, янги пенсия тизимиға ўта бошлашди. Ло-

тин Америкаси мамлакатларида жамғариш пенсия тизими шакллантириш тажрибаси ижобий натижалар бера бошлади.

Ўзбекистон иқтисодиёти ўтиш ҳолатида бўлиб, шунинг учун ўтиш даври пенсия тизими бирдамлик ва жамғарма тизимларини ўзида мужассамлаштириши мумкин. Банк тизимини эркинлаштириш ва ссуда капитали бозорининг ривожланиши жамғарма фондларни ривожлантиришга кўмаклашади, у банкларнинг барқарор ишлашини кафолатлаши зарур. Бу эса жамғарма фондлар учун уларнинг маблағини банкларга инвестициялашда даромадларнинг мунтазам бўлишини кафолатлайди. Жамғармага бериладиган фоиз ставкаси юқори бўлмаган шароитда инфляциянинг мавжуд суръати пенсия фонди маблағининг бир қисмининг йўқотилиши хавфини сақлаб қолади. Бироқ, мўътадил қаттиқ монетар сиёсатни ўtkазишда иқтисодиётнинг ўсиши инфляцияни жиловлаши, унинг суръатини табиий нормал даражагача пасайтириши мумкин. Миллий пул бирлигини эркин конвертациялаштирилишига ўтиш билан бу хусусий жамғарма фондларни яратиш учун қулай шароит вужудга келтиради.

Миллий пул бирлигининг эркин конвертацияланishi жорий этилгач, пенсия фондларини эркин конвертациялашган валютада шакллантириш мумкин бўлади. Бу ҳол уларнинг сақланишини, инвестициялананишини ва олинадиган даромадлар ҳисобига ўсишини таъминлайди. Фуқароларнинг пенсия ажратмалари жамғарилиши натижасида уларни банкларга қўйишга қараганда, инвестицияларнинг жиддий манбай бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлади.

Давлат ижтимоий фондлари орасида меҳнат ресурсларининг бандлик даражасини ошириш мақсадида вужудга келтирилган «Бандликка кўмаклашиш фонди» ўзига хос вазифани бажаради. Мазкур фонднинг молиявий ресурсларидан ҳозирги вақтда (1999 йил) бирбири билан боғланган кўп йўналишларда фойдаланилмоқда (49-жадвалга қаранг).

Фонд харажатларининг таҳлили кўрсатишича, биринчидан, жамғариш вазифаси ривожланмаган, бу эса ўз навбатида ресурсларнинг ўзини-ўзи кўпайтиришига

Ижтимоий фондлардан фойдаланиш
самарадорлиги

тўсқинлик қиласи. Иккинчидан, жамоат ишлари маблаф билан жуда кам таъминланмоқда, ваҳоланки, бошқа мамлакатлар тажрибаси гувоҳлик беришича, бу аслида катта аҳамият касб этмоғи лозим. Учинчидан, фондни бошқаришга сарфланадиган харажатлар салмоғи катта бўлгани ҳолда янги иш жойларини яратишга кам ресурслар ажратилмоқда. Тўртинчидан, ишсизларни касбий тайёрлашга фонд жуда кам маблаф ажратилмоқда.

49-жадвада

«Бандликка кўмаклашиш фонд» ресурсларидан фойдаланиш таркиби (жамига нисбатан фоиз ҳисобида)*

	Харажатлар	1999	2000
1	Ишсизларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш	2,9	4,4
2	Жамоат ишларини маблаф билан таъминлаш	1,0	1,6
3	Ишсизлик бўйича нафақа тўлаш	6,5	7,2
4	Муддатидан илгари пенсия тўлаш	2,7	3,9
5	Меҳнат бўйича органларни таъминлаш	13,6	17,7
6	Иш жойларини яратиш	35,9	41,5
7	Уй-жой курилишини ривожлантириш	2,9	2,1
8	«Бизнес-фондга» маблаф ажратиш	4,9	1,8
9	Иш ўринлари очиш учун ажратилган маблагнинг қайтиши	5,7	-5,8
10	Маблагни депозитда тиклаш	18,7	-11,4
11	Бошқа харажатлар	5,2	37,0
	Жами	100,0	100,0

* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг материаллари асосида ҳисобланган

Фонд ўз фаолияти билан бандликни, шу жумладан ишсизлик мақомига эга бўлмаганларни ҳам иш билан банд қилишни оширишга фаол кўмаклашиши лозим. Зеро, Ўзбекистонда бундайлар жуда кўп.

Ўзбекистондаги энг асосий ижтимоий муаммо — меҳнатга яроқли аҳолининг мамлакат ичида ва чет эл-

ларда ҳам тўла банд бўлишини таъминлаш. Ўзбекистон меҳнат салоҳияти узлуксиз ошиб бораётганлиги бундан далолат беради (50-жадвалга қаранг).

50-жадвал

**Ўзбекистон Республикасининг аҳолиси
ва меҳнат салоҳияти***

	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	1991	1999	2001
1	Аҳоли сони, шу жумладан: а) шаҳар аҳолиси б) қишлоқ аҳолиси	минг киши %	20700 40,4 59,6	24500 37,8 62,2	25200 37,0 63,0
2	Ўсиш суръати: а) жами аҳолининг б) шаҳар аҳолиси- нинг в) қишлоқ аҳолиси- нинг	% % %	2,4 1,7 2,9	1,5 1,1 1,8	1,2
3	Аҳоли умумий сонидаги салмоғи: а) эркаклар б) аёллар	% %	49,4 50,6	49,7 50,3	
4	Аҳоли умумий сонидаги салмоғи: а) меҳнатга яроқли ёшдан кичик (0—16 ёшли) шахслар б) меҳнатга яроқли ёшдаги (16—60 ёшли) шахслар в) меҳнатга яроқли ёшдан катта (60 ёш ва ундан катта) шахс- лар	% % %	43,1 49,1 7,8	42,3 50,1 7,6	
5	1000 нафар аҳолига ҳисоблаганда: а) туғилганлар сони б) вафот этганлар сони в) аҳолининг табиий ўсиши	киши киши киши	34,5 6,2 28,3	23,2 6,0 17,2	

* Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг материаллари асосида
ҳисобланган

Ижтимоий фондлардан фойдаланиш
самарадорлиги

Меҳнат ресурсларининг ўсиши иш ўринларининг мутаносиб кўпайиши билан бирга содир бўлмаяпти, боз устига аввал банд бўлганларнинг ишдан бўшатилиши кузатилмоқда. Шу боис, банд бўлмаган аҳоли сони ортиб бормоқда. Бундай аҳволда янги иш ўринларини яратишда инвестициялашнинг роли кучаймоқда. Ҳозир янги очилган иш ўринлари кўпаяётгани кузатилмоқда, бироқ бу бандлик муаммосини ҳал этиш учун етарли миқдорда эмас. Чунончи, 1999 йилда Ўзбекистон вилоятлари бўйича янги иш ўринларининг яратилиш жараёни қўйидагича бўлди (*51-жадвалга қаранг*).

Бандликка кўмаклашиш фонди ҳам янги иш ўринларини яратишга ўз ҳиссасини қўшмоқда, унинг кредитлари ҳисобига янги иш ўринлари яратила бошланди.

Агар 1999 йилда иш ўринлари яратилиши суръатлари паст бўлган бўлса, 2000 йилда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида микрокредитлашни ривожлантиришга эътибор кучайтирилганлиги муносабати билан бандликка кўмаклашиш фондининг кредитлари ҳисобига янги иш ўринларини ишга тушириш жараёни жадаллашди. Масалан, 2000 йил биринчи чорагининг ўзида 154 корхона 794 миллион сўмлик кредит олди, шунинг ҳисобига 3619 янги иш ўрни ишга туширилди, бу, умуман, 1999 йилги шу каби кўрсаткичининг 51,3 фоизини ташкил қилди.

51- жадвал

*1999 йилда янги иш ўринларининг яратилиши тўғрисида маълумот**

	Яратилган иш ўринлари миқдори		
	Жами	Шу жумладан қишлоқ жойларда	Жамига нисбатан саломоги (%)да
Қорақалпоғистон Республикаси	20827	14496	69,6
Андижон	23948	19922	83,2
Бухоро	26344	18500	70,2
Жizzах	10944	7901	72,2
Қашқадарё	32102	29586	92,2
Навоий	12142	4977	41,0
Наманган	60379	53234	88,2

Ижтимоий фондларнинг ривожланиш
истиқболлари

Самарқанд	40037	33431	83,5
Сурхондарё	5009	3595	71,8
Сирдарё	35199	33799	96,0
Тошкент	31124	17254	55,4
Фарғона	30863	26019	84,3
Хоразм	18506	14069	76,0
Тошкент шаҳри	37865	—	0,0
Республика бўйича жами	385289	276783	71,8

* К а р а н г: Итоги социально-экономического развития и оценка хода экономических реформ за 1999 год. Социальная сфера. Приложение 3. — Т., 2000 г., с. 26.

Фонднинг бандликни таъминлашга реал маблағ сарфи жуда ҳам озлигича қолмоқда. Масалан, 1999 йилда унинг янги яратилган иш ўринларидағи ҳиссаси 1,9 фоизни ташкил қилди.

Ўзбекистоннинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш учун, гарчи кам даромадли бўлса ҳам, биринчи навбатда, арzon иш жойларини яратиш зарур. Етарлича банд бўлмаслик — кишилар камбағаллигининг жиддий сабабларидан бири. Жаҳон амалиёти кўрсатишича, ишсизликда, айниқса у сурункали бўлса, кенг кўламли камбағаллик вужудга келади. Шу боис, арzon иш жойларининг яратилишини камбағаллик кўламини қисқартиришнинг ҳал қилувчи во- ситаси деб ҳисоблаш зарур.

Агар янги иш жойлари қийматини ишга туширилган фондлар ва яратилган иш жойларининг қийматини таққослаган ҳолда кўриб чиқиладиган бўлса, у қуидаги кўринишга эга бўлади (52-жадвалга қаранг).

52-ж а д в а л

Ўзбекистон Республикаси вилоятларида 1999 йилда бир иш ўрнининг қиймати*

	Ишга туширилган фондлар қиймати (минг сўм)	Янги иш ўринлари сони	Бир иш ўрнининг қиймати (минг сўм)
Қорақалпоғистон Республикаси	2362700	20827	113,4
Андижон	5804600	23948	242,3
Бухоро	3298100	26344	125,2
Жizzах	1672600	10944	152,8
Қашқадарё	2222700	32102	69,2
Навоий	2349100	12142	193,4
Наманган	2709400	60379	44,8
Самарқанд	1680000	40037	41,9
Сурхондарё	3098700	15009	206,5
Сирдарё	1884000	35199	53,5
Тошкент	1434200	31124	46,1
Фарғона	4472700	30863	144,9
Хоразм	2113800	18506	114,2
Тошкент ш.	26881600	37865	709,9

* Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг маълумотлари асосида ҳисобланган. «Итоги социально-экономического развития и оценка хода экономических реформ за 1999 год. Социальная сфера. Приложение 3. — Т., 2000 г.», с. 26.

Иш ўринлари қийматининг ўртача кўрсаткичлари улардаги тафовутларни яширади. Айни маҳалда бу тафовутлар жиддийдир. Юқори технологияли машинасозлик корхоналарида, масалан, «СамКочавто»да улар 120 минг долларни, «Кабул Текстайл»да 30 минг долларни ташкил этади, майда деҳқон хўжалигига эса, агар ер қийматини чегириб ташланса, янги иш ўрни амалда жуда арzon туради.

Ўзбекистон учун юқори технологияли, юқори даромадли иш ўрни қанчалик муҳим бўлмасин, ҳозирги пайтда айни арzon иш ўринларини яратиш биринчи

даражали ишдир. Сўнгти икки йил тажрибаси кўрсатишича, энг арzon иш ўринлари деҳқон ва фермер хўжаликларида ва юридик шахслар вужудга келтирилмаган тадбиркорлик тузилмаларида яратилмоқда. 1999 йилда бундай иш ўринлари янги яратилган барча иш ўринларининг 57 фоизини ташкил этди. Улар қишлоқдаги бандлик ўсишининг аксарият қисмини ташкил этиб, 1999 йилда улар ҳиссасига янги иш ўринларининг 71,7 фоизи тўғри келди.

Бандликка кўмаклашиш фонди ресурслари келажакда айнан қишлоқда арzon иш ўринларини яратишга йўналтирилиши лозим ва бу эса, ўз навбатида, мамлакат аҳолисининг бандлигини таъминлашда фонд ҳиссасининг ошишига олиб келиши мумкин. Мамлакатнинг бандлик муаммоси айнан кескин бўлиб турган минтақаларида фонд маблағидан фойдаланиш истиқболли йўналиш бўлади. Юқоридаги сабабларга кўра, фонд молиявий ресурсларини вилоятлар ўртасида қайта тақсимлаш зарурати юзага келади.

Кўлами аста-секин кенгайиб бораётган иш кучининг нолегал миграциясини чеклаган ҳолда яқин ва узоқ хорижий мамлакатларга иш кучини экспорт қилиш юқори даромадли бандликни яратишнинг истиқболли йўналиши ҳисобланади. Мазкур ҳолат фонд ресурсларининг катта қисмини кишиларни хорижда ишлаш учун тайёрлашга сарфлашни тақозо этади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида, умуман, иш кучини тайёрлаш ва қайта тайёрлашга бандликка кўмаклашиш фонди маблағининг уч фоизидан камроғи сарфланмоқда. Иқтисодиёт ўсиши муносабати билан келажакда мазкур фонд ресурслари кўпайиб боради ва фақат реструктуризацияланган шароитдагина улардан самарали фойдаланиш мумкин бўлади.

Узбекистонда яқин келажакда Умумжаҳон банки, БМТнинг тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамкорлигига шакллантирилиши кўзда тутилаётган ижтимоий фондларнинг турларидан бири ижтимоий инвестицион фондлардир.

Ижтимоий инвестицион фондлар (ижтимоий ёки ижтимоий-иқтисодий ривожланиш фондлари) жаҳонда 80-йилларнинг охирида вужудга келган.

Ижтимоий инвестицион фондларнинг вужудга келиш сабаблари:

1. Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида камбағалликнинг ортиши ва миллионлаб кишиларнинг қашшоқланишининг олдини олиш мақсадида ташқи фаол аралашуви зарурияти-нинг вужудга келиши;
2. Мамлакатларда амалга оширилаётган таркибий ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш ва аҳоли норозилигини сусайтириш мақсадида давлат томонидан қатор тезкор ва кўргазмали тадбирларни амалга ошириш зарурияти;
3. Давлатнинг маҳаллий даражада ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш ва бевосита маҳаллий ҳамжамият ва хусусий сектор билан ишлаш учун зарур бўлган реал салоҳиятининг етишмаслигини тушуниб этиши;
4. Мамлакатлардаги мураккаб сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш даврида давлат фаолиятида вужудга келган институционал муваффақиятсизликларнинг ўрнини тўлдириш мақсади мавжудлиги.

Ижтимоий инвестицион фондларнинг (ИИФ) фаолият механизми маҳаллий даражада — маҳаллий ҳукумат, маҳаллий ҳамжамият, нокоммерция ташкилотларини ресурслар билан эгилувчан ва оператив таъминлашга қаратилган. ИИФлар маҳаллий ҳамжамият ташаббуси билан ишлаб чиқилган лойиҳаларни молиялаштиради, лойиҳаларни баҳолайди, танлаб олишни ташкил этади, пурратчиларни танлашга ёрдам беради, лойиҳаларнинг бажарилиши устидан назорат қиласи ва улар самарадорлигини баҳолайди.

Ҳозир жаҳонда 35 дан ортиқ мамлакатларда ИИФлар ташкил этилган.

ИИФлар фаолияти тармоқлараро ёндашувга асосланиб, қуйидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилган:

- Бандликни таъминлаш (меҳнат сифимкорлиги юқори бўлган ижтимоий ишлар, кичик корхоналарни қўллаб-кувватлаш, давлат секторидан бўшатилган ва олий маълумотли ишсизларни иш билан таъминлаш);
- Ижтимоий ва иқтисодий инфраструктурани қўллаб-кувватлаш (йўллар, кўпприклар, бозорлар қурилиши, кўчаларни яхшилаш, мактаб ва ка-

салхоналарни таъмиrlаш ва қайта қуриш, сув ва озиқ-овқат таъминоти тизимини яратиш);

- Асосий ижтимоий хизматларни таъминлаш (озиқ-овқат, таълим соҳасидаги хизматларни, соғлиқни сақлаш, санитария аҳволини ва сув билан таъминлашни яхшилаш);
- Иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш (кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-кувватлаш, микрокредитларни бериш ва техник жиҳатдан қўллаб-кувватлаш).

ИИФ дастурларини молиялаштириш аралаш молиявий қатнашиш қоидалари асосида ташкил этилади. Асосий инвестор сифатида қўйидаги йирик халқаро молия ташкилотлари — Умумжаҳон банки, БМТнинг тараққиёт дастури, Умумжаҳон банки институти, Америка халқаро тараққиёт агентлиги майдонга чиқиши мумкин. Ўртача халқаро молия ташкилотлари лойиҳа қўйматининг 40—100%ини молиялаштиришни таъминлайди. Қолган қисмини миллий ёки маҳаллий ҳокимиятлар ҳамда маҳаллий ҳамжамиятлар молиялаштиради (ўртacha 5—25% ҳисобида).

ИИФлар фаолиятини молиялаштириш 4 асосий шаклда амалга оширилиши мумкин: молиявий ва материал ресурсларни етказиб бериш; номоддий ресурсларни етказиб бериш; янги технология ва «ноу-хау»-ларни етказиб бериш; жалб этилган хоҳловчиларнинг ҳақ тўланмайдиган меҳнатидан фойдаланиш.

Нодавлат ижтимоий фондларга ҳам ўсиш омиллари хосдир. Таъкидлаб ўтганимиздек, уларнинг ҳажми иқтисодиётнинг ҳолатига боғлиқ. Иқтисодиётнинг барқарор ўсиши фондларнинг ҳомийлар томонидан маблағ билан таъминланиши қўламини сўзсиз кенгайтиради. Бу келажакда ушбу фондлардан кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам кучайишини билдиради.

Ўтиш даври иқтисодиётида ишлаб чиқариш етарлича ривожланмагани муносабати билан ҳомийларнинг маблағ билан таъминлаши чекланган бўлади ва бу фондларни тижорат фаолиятидан олинадиган даромад ҳисобидан фондларнинг маблағ билан ўзини-ўзи таъминлашини рағбатлантиради. Бироқ, нодавлат ижтимоий фондларни ташқаридан барқарор маблағ билан таъминлашга ўтилганда улар бизнесдан воз кечиши ёки

ўз коммерция фаолиятини фоят камайтириб юбориши мумкин.

Бизнинг фикримизча, ижтимоий фондлар тадбиркорлик вазифасини эмас, балки айни ижтимоий-хайрия вазифасини бажаришмоқда. Тадқиқот натижалари асосида бир қатор хулосалар қилиш мумкин. Ижтимоий фондлар нодавлат нокоммерция ташкилоти бўлиб, хайрия фаолиятини амалга оширадиган фондлардир. Нокоммерция ташкилотларидан асосий хусусиятлари қуидагилардан иборат: фаолиятнинг фойда олиш мақсадига йўналтирмаслик; фойдадан фақат эълон қилинган мақсадларга эришиш воситаси сифатида фойдаланиш; бозор хўжалиги юритишнинг иқтисодий самарадорлиги билан давлат фаолиятининг ижтимоий самарадорлигини уйғунлаштириш; нокоммерция сектори доирасида фаолият кўрсатиш;

Хайрия ташкилоти нодавлат нокоммерция ташкилоти бўлиб, ўз навбатида хайрия фаолиятини амалга оширадиган ташкилотдир. Хайрия ташкилотининг турли нокоммерция ташкилотларидан асосий фарқи қуидагилардир: мазкур ташкилот молия маблағларининг камида 80%и хайрия мақсадларига, молия йилида шу ташкилот томонидан маъмурий бошқарув персоналиниң меҳнат ҳақи учун эса маблағларнинг 20%игача қисми сарфланиши мумкин; хайрия ташкилоти ўз маблағлари ва мулкини сиёсий партиялар, ҳаракатлар, групҳулар ва компанияларни кўллаб-кувватлаш учун сарфлашга ҳаққи йўқ.

Бизнес ва ижтимоий ёрдам соҳалари ўз вазифасига мувофиқ қатъий чегараланган. Бинобарин, нодавлат фондлар келажакда буткул ижтимоий фонд бўлиб қолиши даркор, чунки бунинг учун тегишли иқтисодий шароит яратилади.

ХУЛОСА

1. Жаҳоннинг турли мамлакатларидаги иқтисодиётнинг ривожланиши хўжалик ривожланишининг кенг тарқалган уч модели намунасини юзага келтирди. Булар: ўзини-ўзи ривожлантирувчи бозор тизими, маъмурий-буйруқбозлик бозор иқтисодиёти, аралаш иқтисодиётдир.

Аралаш иқтисодиётда хусусий мулк устувор бўлган бозор асоси давлат таъсири билан тўлдирилади, уни амалга оширишнинг кўплаб конкрет шакллари, шунингдек ижтимоий (ва иқтисодий) ривожланишининг кўп вариантили бўлишининг реал имкониятлари ва объектив зарурати тақозо этилади. У миллий хўжаликнинг энг самарали шакли бўлиб қолди.

2. Моделларнинг ижтимоий-иқтисодий асослар компонентларининг батафсил таҳлили миллий ривожланиш моделларининг асосий фарқи ва ўзига хослиги бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилганлиги хусусиятлари, усуллари, шакллари ва унга урғу бериш билан белгиланади. Шу нуқтаи-назардан ҳар бир мамлакат учун ижтимоий сиёсат борасидаги ўз қарашлари ва аниқ чора-тадбирлари характерлидир.

Мамлакатларда вужудга келган иқтисодиёт моделлари ва қабул қилинган иқтисодий устуворликларга боғлиқ равишда давлатларнинг икки типини ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчи тип — ижтимоий ривожланища давлатга тарихан муҳим роль берилган ва социал-демократик тамойиллар кучли бўлган мамлакатлар. Иккинчи тип — индивидуал имкониятларга ҳамда ўзи ва ўз оиласи учун шахсий масъулиятга устунлик бериладиган мамлакатлар. Иккинчи тип мамлакатлар эркин бозор иқтисодиётига эга мамлакатлар гурухини ташкил қиласди.

3. Тадқиқотлар кўрсатишича, эркинлаштириш бу — иқтисодий ва хўжалик ривожланиши моделларининг бош мезони эмас экан. Давлатнинг ижтимоий эҳтиёж-

ларга таъсир этишнинг кўплаб тўғридан-тўғри восита-
ларидан воз кечганлиги миллий иқтисодий ривожла-
нишнинг ижтимоий йўналиши тўхтатилаётганини бил-
дирмайди. Давлат харажатларининг роли ва ҳиссасига
қарааш асосида хўжалик ривожланиши моделининг мо-
ҳиятига баҳо бериб бўлмайди.

Ижтимоий йўналтирилганлик иқтисодиётнинг на-
фақат давлат секторининг, балки унинг бутун тизими
йўналишидир. Бу айниқса, Ўзбекистондаги ислоҳ
қилишнинг жамият ҳаётининг барча томонларини эр-
кинлаштириш вазифаси қўйилган ҳозирги босқичига
тааллуқлидир. Бироқ, бунда ўз ривожланиш модели-
мизнинг ижтимоий йўналтирилганлик хусусияти ўз
аҳамиятини йўқотмайди. Ижтимоий йўналтирилганлик
амалда хўжалик ривожланишининг ҳар қандай замона-
вий моделининг ажralmas хусусиятидир. Бироқ, ижти-
моий йўналтирилганликнинг муайян шакли ўзгармас
эмас, у доим ўз ташқи ва ички омиллари ўзаро таъси-
рининг эгилувчан тизимида рўёбга чиқади.

Бир ҳолатда бозор иқтисодиётининг ижтимоий ўзи-
ни-ўзи йўналтирилишига урғу берилса, бошқа ҳолатда
уни таъминлашнинг давлат шаклларига урғу берилади.
Бунда берилаётган ургунинг ўзгариши муқаррар ҳоди-
са бўлиб ва ижтимоий-иктисодий моделга узлуксиз иж-
тимоий йўналтирилганликни рўёбга чиқариш усуllари
талааб даражасида эгилувчан бўлмоғи зарур.

4. Ижтимоий компонент ҳозирги бозор иқтисодиёт-
тинг мазмуни ва унинг айрим миллий моделларин-
инг мазмуни учун ҳам белгиловчи жиҳат бўлиб қолди.
Шу нуқтаи-назардан, миллий ривожланиш моделла-
рининг хусусияти шакллантириладиган икки тизимли
даражани ажратиб кўрсатиш мумкин: биринчидан, иж-
тимоий жиҳатлар; иккинчидан, ижтимоий жиҳатдан
келиб чиқувчи иқтисодий жиҳатлардир.

Ҳозирга қадар иқтисодиёт назарияси эътиборни
иктисодий жиҳатларга қаратиб келганди. Бироқ, бу нис-
батан аниқ даражада бўлиб, унинг замирида асос сифа-
тида ижтимоий компонентлар ётади. Айнан ижтимоий
компонентлар хўжалик тизимларининг тафовутлари
омиллари мажмуини ташкил қиласиди. Бозор иқтисодиёт-
ти моделлари структурали компонентлари иерархияси-
нинг субординацияси бир вақтнинг ўзида шундан ибо-

рат. Модель ўзининг истиқбол ривожланишида айни шу тарзда тизимли бирлик касб этади.

Ислоҳ қилиш амалиётида ижтимоий йўналишни амалга ошириш жараёнида иқтисодий шаклларни уларга мувофиқ ҳолда яратиш, такомиллаштириш ва ўзгартириш нисбатан самарали ҳисобланади. Акс ҳолда бозор ислоҳотларининг иқтисодий мазмунига мантиқан тўла мувофиқ келувчи иқтисодий шакллар ижтимоий жараёнларга тўла мос келмайдиган бўлиб чиқиши мумкин.

Бу хулоса ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари учун, хусусан, Ўзбекистон учун алоҳида аҳамият касб этади.

5. Самарали фаолият кўрсатаётган бозор механизми иқтисодий тизимнинг асосий масалалари ҳал этилишини таъминлайди. Бу, энг аввало, ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар манфаатларини умумлаштириш, яъни улар ўз фаолиятларини бир-бирига йўналтирган ҳолда олиб боришлари учун зарур шароит яратиш орқали амалга оширилади. Бозор иқтисодиёти тўғрисидаги мазкур қоидада ижтимоий йўналишнинг биринчи йўли ўз ифодасини топади. Бозорни ижтимоий мақсад билан ўзаро узвий алоқасиз, мазмун жиҳатдан кўриб чиқиб бўлмайди.

Мақсад ва воситаларнинг ўзаро таъсири мураккаб ривожланиш жараёни бўлиб, унда тўғри ва тескари тизимли алоқалар мавжуд бўлади. Бу объектив равища ижтимоий мақсаднинг бош мазмуний параметрлари воситанинг мазмунига қўшилиб, бозор иқтисодиётига айланишига олиб келади. Ижтимоий йўналтирилганликнинг муҳим аломатлари айни шу ўзаро алоқадан таркиб топади.

Ижтимоий йўналтирилганликни амалга ошириш механизми анча мураккаб бўлиб, унда яратилган төварлар ва хизматлар қийматини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий фондлар алоҳида ўрин тутади. Агар тақсимлашнинг биринчи босқичида асосий даромадлар таркиб топса, иккинчи босқичда улар қайта тақсимланиб, бир қисмидан ижтимоий фондлар вужудга келтирилади; бу фондлардан айримлари давлат фонди бўлса, бошқалари новдавлат (корпоратив, хусусий) фондлар бўлади.

6. Ижтимоий йўналтирилганликнинг ички ва ташқи

омиллари тизимли аҳамиятининг нисбати устун даражада, хусусан, аҳоли жон бошига ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқаришда акс этадиган ишлаб чиқаришнинг конкрет даражасига боғлиқ бўлади. Ҳозирги даврда иқтисодий ривожланиш жиҳатидан жаҳон мамлакатларининг айрим гуруҳлари ўртасида катта фарқ мавжуд бўлиб, улар орасида юқори даромадли мамлакатлар ажralиб туради. Ҳўжалик ривожланишининг бозор механизми ана шу мамлакатларда қўпроқ тарқалган ва тараққий этган. Бозор муносабатларининг етуклигига мувофиқ ижтимоий ривожланиш учун реал шарт-шароитлар вужудга келади.

Бозор муносабатлари камроқ ривожланган мамлакатларда ЯММ ишлаб чиқариш кам ва ижтимоий ривожланиш даражаси мутаносиб равишда паст бўлади. ЯИМни истеъмол қилиш таркиби мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади ва бу билан ижтимоий фондларнинг хусусий истеъмол ҳисобига таркиб топиш имкониятлари белгиланади. Бироқ, иқтисодий жиҳатдан ривожланмаган мамлакатларда хусусий истеъмолнинг салмоғи юқори даражада сақлаётган бўлса ҳам, ҳажман катта эмас.

7. Аксинча, иқтисодиётнинг юқори ривожланиш даражаси ижтимоий неъматларни давлатнинг ижтимоий хизматлари шаклида ва нодавлат фондлар ҳисобидан кўрсатилаётган хизматлар шаклида ҳам юқори даражада истеъмол қилинишини белгилаб беради. Бироқ, бу икки шаклнинг нисбати у ёки бу мамлакат бозор иқтисодиёти ривожланишининг қандай моделини танлашига боғлиқ. Ҳар қандай бозор иқтисодиёти мазмунан ижтимоий, бироқ уни таъминлаш механизmlари бир-биридан фарқ қиласди. Бир ҳолатда ижтимоий юқ бозорнинг ўзига тушса, бошқа ҳолатда давлатнинг фаол ижтимоий вазифаси билан уйғунлашиб кетади. Бунда иқтисодий манфаатлар уйғунлигига эришилади, бу эса ўз навбатида ижтимоий ҳамкорликни мустаҳкамлайди.

8. Ижтимоий бозор ҳўжалиги моделларида давлат ижтимоий фондларини шакллантиришга, шунингдек хусусий фондларнинг давлат йўли билан қўллаб-куватланишига катта эътибор берилади, натижада давлат ижтимоий дастурларини бажариш учун молиявий ре-

сурслар тўпланади. Қатор ривожланган мамлакатлар давлат харажатларида ижтимоий дастурлар салмоғининг катталиги шундан гувоҳлик беради.

Бундай мамлакатларда ижтимоий секторни маблағ билан таъминлашнинг давлат тизими кучли ривожланган. Бу тизим аҳоли кенг оммасининг кўплаб ижтимоий неъматлардан баҳраманд бўлишини кафолатлади, но давлат фондлари билан эса буни таъминлаб бўлмайди. Бироқ, иқтисодиётнинг корпоратив моделида (Япония) ижтимоий юқ кўпроқ корпоратив фондлар зиммасига тушади. Япониянинг ўзи эса ривожланган мамлакатлар орасида давлат бюджетидаги ижтимоий дастурларга қилинадиган харажатлар салмоғининг жуда камлити (13 фоиз) билан ажралиб туради.

Иқтисодиёт ривожланмаган шароитда умуммиллий дастурларни бажариш учун унча катта бўлмаган ресурсларни тўплашга тўғри келади, бу эса нодавлат ижтимоий фондларнинг ривожланмаганлигини билдиради. Қолоқ мамлакатларда ижтимоий дастурларга, ривожланган давлатларга нисбатан давлат харажатларининг катта қисми сарфланади.

9. «Ўзбек модели»ни, ижтимоий компонентларига кўра, устун даражада давлат модели сифатида баҳолаш мумкин. Бу бозор иқтисодиётининг ички ва ташқи ижтимоий йўналтирилганлиги нисбатини муайян даражада бузади. Иқтисодиётни эркинлаштириш учун бу нисбат мувозанатини яқин йиллар ичida вужудга келтириш зарур. Шу боис, миллий иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида ижтимоий масалаларни ҳал этишга, ишлаб турганларни ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашни таъминлашга, унинг самарадорлигини оширишга янгича ёндашиш эҳтиёжи объектив тарзда юзага келади.

Бунда ижтимоий сиёsatни амалга ошириш доимо молиявий ресурсларнинг муайян миқдоридан мақсадли фойдаланишини тақозо этишини ҳисобга олиш лозим. Шу боис, ижтимоий фондларнинг амал қилиши ҳар қандай ижтимоий механизмнинг зарур элементи ҳисобланади. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси учун миллий иқтисодиётни эркинлаштириш даврида ижтимоий фондлар ва уларнинг турли-туман шаклларда ривожланишининг аҳамияти ортиб боради. Айни ма-

ҳалда, ижтимоий фондлар мөхиятини ижтимоий манфаатлар муштараклиги асосида шакллантириладиган муносабатлар орқали белгилаш лозим бўлади.

10. Иқтисодий манфаат элтувчилар бир-биридан қатор белгиларига кўра: мулкий, даромадлар бўйича, бир хилда даромад олгани ҳолда фаолият турлари бўйича, касб-кори, тармоқ ва ҳудудий манфаатлари бўйича фарқланувчи ижтимоий гуруҳлардир. Булар ёлланма ишчилар ва корхоналар эгалари, фермерлар ва ер эгалари, майда ва йирик тадбиркорлар, бошқарувчилар, акциядорлар, давлат хизматчилари ва шу кабилардир. Бу гуруҳларнинг ҳар бири ижтимоий-иктисодий аҳволи, шунингдек бирон-бир ҳудудларга, фаолият турига мансублиги билан боғлиқ бўлган ўз манфаатлари мавжуд. Шундай манфаатлардан бири ижтимоий ҳимояланганликдир. Ижтимоий ҳимоялаш оиласининг жон бошига ўртача даромади оддий физиологик эҳтиёжларни қондириш даражасидан бироз юқори бўлган шароитда кам таъминланганларга ёрдам кўрсатишни мақсад қилиб қўяди. Аҳолининг ижтимоий ночор гуруҳлари бўлган, жамиятнинг кам таъминланган, меҳнатга яроқсиз аъзолари ва болали оиласининг турмуш даражаси пасайиб кетишига йўл қўймаслик зарурати юзага келди.

Айни маҳалда даромад даражаси нарх-наво даражасидан тобора ортда қолмоқда, кундалик эҳтиёж товарлари нафақат меҳнатга яроқсиз, балки меҳнатга яроқли фуқаролар учун ҳам етишиш қийин бўлган даражада камайиб кетмоқда, баъзан эса уларга бутунлай етишиб бўлмаяпти. Шунинг учун аҳолини тириклик воситаси билан таъминлашнинг асосий манбаи бўлган иш ўринларини барқарор сақлаб қолиш ва уни ижтимоий фойдали меҳнатга фаол жалб этиш учун шароит яратиш муаммоси юзага келди.

11. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг самарали тизими фақат бевосита шундай ёрдамга муҳтоҷ фуқаролар тоифасига эмас, балки иқтисодиётни максимал ривожлантириш, жамиятнинг ҳар бир меҳнатга яроқли аъзоси меҳнатини рағбатлантириш, ишлаб пул топиши учун шароит яратишга ҳам мўлжалланган. Буларнинг барчасига тобора аниқ ифодаланган ижтимоий вазифага эга бўла борадиган молиявий муносабатлардан фойдаланиш орқали эришилади.

Юқорида қайд этилгандардан республикамиз иқтисодий ҳәётини эркинлаштириш жараёнида молиявий тизимни ривожлантириш қатъий ижтимоий йўналишда бориши зарур, деган хулоса келиб чиқади. Бозор иқтисодиёти миллий моделининг ижтимоий йўналтирилганлиги устун даражада молиявий тизимнинг ривожланиши билан белгиланади ва бу иқтисодий самародорлик қоидалари билан ижтимоий ривожланиш учун молиявий ресурслардан фойдаланиш ўргасидаги зиддиятни бартараф этишини тақозо қиласди.

Эркинлаштириш талабларига мувофиқ ижтимоий фонdlарнинг роли объектив равишда ошиб боради. Бунда, ижтимоий фонdlар тизимли мажмууда уларнинг хилма-хил турлари — давлат, давлат бюджетдан ташқари (аралаш хусусиятга эга бўлганлар) ва, ниҳоят, нодавлат турлари бўлиши лозим.

Республикада ижтимоий соҳадаги ўзгаришларнинг дастлабки икки босқичида ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари бўйича бюджетдан ташқари фонdlар юзага келди. Бу фонdlарнинг фаолияти аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича жамият бойлигига айланган ютуқларга сезиларли ҳисса бўлиб қўшилди.

12. Ижтимоий ҳимоялашни ривожлантиришнинг жаҳон тажрибаси иқтисодий ривожланган мамлакатларда ижтимоий фонdlарнинг амал қилиши ижтимоий ҳимоялаш ва ижтимоий таъминотнинг ижтимоий ривожланиш амалиётида ишлаб чиқилган параметрлари билан белгиланишини кўрсатмоқда. Ҳозирги вақтга келиб ижтимоий таъминланганлик моҳияти ва даражасини таърифлашга етарли даражада умумқабул қилинган ва самарали ёндашувлар юзага келди. Айни маҳалда, ижтимоий сугурта ижтимоий таъминотнинг энг кенг тарқалган ва сермазмун шаклларидан биридир. У халқаро характерга эга бўлган ҳодиса ва жаҳон ривожланиши қоидаларидан бири бўлиб қолди.

Умумжаҳон банки шуни ҳисобга олиб, ижтимоий фонdlарнинг белгиланган миқдорда бадаллар тўлана-диган, хусусий тарзда бошқариладиган жамғарма қисмини ўз ичига оловчи тизимини тавсия этмоқда. Энди у давлат томонидан тўла тақсимланадиган ва бошқариладиган, белгиланган нафақали тизим бўлмай қолди.

Бу янги тизимлар уч даражани ўз ичига олади. Биринчидан, қайта тақсимлаш учун давлат томонидан бошқарилиши шарт бўлган ва солиқлар ҳисобидан маблағ билан тъминланадиган даража; иккинчидан, жамғармалар учун мажбурий хусусий тарзда бошқариладиган ва тўла жамғариладиган даража; учинчидан, кексайгандага кўпроқ ҳимояланган бўлишни хоҳловчи кишилар учун ихтиёрий даража.

13. Миллий иқтисодий ривожланиш хусусиятлари Ўзбекистонда ижтимоий фондлар мавжуд иш ўринларини сақлаб қолишга ва янгиларини яратишга, шунингдек ходимлар малакасини оширишга йўналтирилиши кераклигини олдиндан белгилаб беради. Акс ҳолда улар яқин ўтмишдаги боқимандалик кайфиятига қайтариши ва иқтисодиёт субъектларининг ўзини-ўзи ижтимоий ҳимоялаши бозор қоидаларининг мустаҳкамланишига тўсқинлик қилиши мумкин.

Шу сабабли, иқтисодиётдаги ислоҳотлар чукурлашиб боргани ва иқтисодий ўсиш натижасида бутун ижтимоий ҳимоя тизими ҳам такомиллашиб, ресурслари ортиб боради. Хусусан, сўнгги йилларда пуллик ёрдам бериладиган оиласалар сони камайгани ҳолда уларнинг ўртача миқдори ошди, ёрдам олаётган шахслар сони ортгани ва бу ёрдам миқдори ошгани ҳолда аҳоли муайян қатламларига бир йўла моддий ёрдам кўрсатила бошланди.

Умуман, Ўзбекистонда реал амалга оширилаётган ижтимоий сиёsat чоралари мажмуи бизда ижтимоий бошқарувнинг самарали тизими яратилгани тўғрисида хулоса қилиш имконини беради. Тўғри, иқтисодий адабиётларда бу муаммо ҳозирча етарли даражада ёритилмаяпти. Шунинг учун ижтимоий фондларга алоҳида ўрин ажратиладиган ижтимоий бошқаришнинг юқори макроиқтисодий функционал ролини «ўзбек модели»нинг алоҳида хусусиятларидан бири сифатида ажратиб кўрсатиш зарур. Бироқ, нодавлат ижтимоий фондлар ролининг пасайиб бораётгани кузатилмоқда. Шу билан бир қаторда, улар амалда жаҳондаги барча минтақаларда ривожланган энг барқарор шаклдир. Шунинг учун ижтимоий бошқаришнинг вазифаси давлат ва нодавлат ижтимоий фондлари мақсад ва маб-

лағларини ўзаро тўлдириш бўйича узвий жараённи таъминлашдир.

14. Давлат ижтимоий фондлари умуммиллий хусусиятга эга бўлиб, умумий ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун фойдаланилади. Улар ривожланишнинг «ўзбек модели» ижтимоий мақсадларини рўёбга чиқаришга мўлжалланган. Уларни вужудга келтириш учун даромадлар тўпланади ва молиявий механизмлар орқали қайта тақсимланади. Фондларнинг ҳажми умумий ижтимоий эҳтиёжларга ва ишлаб чиқаришнинг мавжуд даражасида уларни қондириш имкониятларига боғлиқ бўлади. Бироқ, ижтимоий сиёсат фаол олиб борилса, мамлакатда яратилган моддий неъматлар ва хизматларни қайта тақсимлаш кўлами уларнинг ҳажмига таъсир кўрсатади.

Улар иқтисодиёт билан белгиланиб, иқтисодий имкониятлардан ортиқ бўлиши чегараланган, акс ҳолда улар иқтисодий ўсишга тўққинлик қилиши мумкин. Давлат бундай вазиятни ҳисобга олади. Давлатнинг бирлашган бюджетида бюджетдан ташқари фондлар мавжуд бўлиб, уларнинг баъзилари ижтимоий характеристига, бошқалари эса ишлаб чиқариш (иқтисодий) характеристига эга. Бюджетдан ташқари фондлар ўз манбай ўсишига мувофиқ ортиб боради. Бироқ, уларнинг ЯИМдаги ҳиссаси нисбатан барқарор бўлиб, нодавлат фондлар тўғрисида бундай деб бўлмайди.

Бюджетдан ташқари ижтимоий фондлар моҳиятига кўра соф давлат фондлари эмас, чунки улар аралаш хусусиятга эга. Шаклланиш манбаларига кўра, улар корхоналар ва муассасалар ажратмаларидан иборат, марказлаштирилган ҳолда ва давлат назорати остида жамланади, давлат томонидан белгиланган қоидаларга мувофиқ тақсимланади ва фойдаланилади. Бироқ, уларни шакллантириш ва тақсимлашда нодавлат корхоналари ҳам иштирок этади.

15. Нодавлат ижтимоий фондларнинг таҳлили кўрсатадики, улар фаолиятининг дастлабки йилларида таркибида ҳомийлар маблағларининг, кейинчалик эса ўз фаолиятидан тушумларнинг ҳиссаси катта бўлади. Бу, биринчидан, Низом маблағларини шакллантиришда турли ташкилотларнинг иштироқи билан, иккинчидан, фондларнинг давлат томонидан бюджет-

дан кўллаб-қувватланиши билан боғлиқ. Шунингдек, фондларнинг коммерция фаолиятидан оладиган даромадларининг нотекис ўсиши кузатилмоқда, бу фондларнинг коммерция фаолиятини рафбатлантириш механизмидан келиб чиқади. Дастлабки йилларда фондлар ҳузурида очилган фирмаларга солиқ бўйича имтиёзлар берилиши натижасида уларнинг коммерция фаолияти фаоллашди, оқибатда фондлар бюджетига коммерция тушумлари кўпайди. Фирмаларга бериладиган имтиёзлар бекор қилингач, уларнинг коммерция фаолиятидан оладиган тушумлари камайди.

Ҳомийлик ёрдами ҳам барқарор эмас, чунки у ҳомийларнинг молиявий аҳволи ва уларнинг даромадлари тақсимотига боғлиқ. Фондлар Низомдаги мажбуриятларини бажариш бўйича фаолиятни авж олдирган ҳолда, кредит олиш тўғрисида мурожаат қила бошлидилар, натижада уларнинг қарзи орта бошлади ва улар молиявий жиҳатдан беқарор бўлиб қолдилар.

Фондлар ҳузурида иш олиб бораётган кичик фирмалар фаолиятининг ижтимоий фойдалилиги уларга солиқлар бўйича дастлаб берилган имтиёзларни тиклашни талаб этади. Бироқ, бу иш фондларнинг коммерциялашувини чуқурлаштириш ва уларни соф бозор институтларига айлантиришга олиб келмаслиги лозим. Фондлар ўз фаолияти характеристига кўра, нобозор институтлари ҳисобланса ҳам, бозор воситаларидан фойдаланадилар.

Улар учун муҳими аҳоли турли қатламларига бегараз ижтимоий ёрдам кўрсатишdir, бу эса бозор муносабатлари эмас.

16. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларидаги бюджетдан ташқари ижтимоий фондларнинг фаолиятини таҳлил қилиш уларнинг фаолиятига қатор салбий омиллар таъсир кўрсатаётганини аниқлаш имконини берди: мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси ва иқтисодий ҳолати; бюджетдан ташқари фондлар фаолиятини ташкил этиш тажрибасининг йўқлиги; маблағларнинг шаклланиши ва улардан фойдаланиш устидан назорат қилиш борасидаги тажрибасизлик; сугурта бадаллари тарифининг юқорилиги ва етарли даражада асосланмаганлиги.

17. Таҳлиллар кўрсатишича, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мамлакатдаги ижтимоий фондлар маблағларидан унумли фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун қўйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим: ижтимоий фондлар фаолияти ошкоралигини кўрсатиш, маблағларининг шаклланиши ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир; давлат ижтимоий фондлари бўлмиш пенсия фонди, бандликка кўмаклашиш фонди ва суурта фондлари даромад манбалари, суурта бадаллик тўловлари даражаси ва уни ҳисоблаш услубларини ислоҳ этиш лозим; ижтимоий фондлар маблағларидан қатъий, мақсадли фойдаланиш ва кўрсатилаётган ижтимоий хизмат сифатини давлат томонидан назорат қилишни кучайтириш сиёсатини амалга ошириш керак.

18. Тадқиқот кўрсатишича, пенсия фондини тез орада ислоҳ этиш зарурияти вужудга келмоқда. Ўзбекистон иқтисодиёти ўтиш даврида бўлиб, шу туфайли ўтиш даври пенсия тизими бирдамлик ва жамғариш фондларини ўзида мужассамлаштириши мумкин. Бирдамлик фонди анъанавий бўлиб, аҳоли томонидан одатий ҳол сифатида қабул қилинади. Жамғариш фондлари тўғрисида бундай деб бўлмайди, чунки улар иқтисодиётимиз учун янги ҳодиса бўлиб, жаҳон тажрибасида ўзининг самарадорлиги ва афзаллигини исботлаган.

Бирдамлик пенсия тизими кекса авлоднинг ёш авлод томонидан қўллаб-қувватланишига асосланган. Жамғариш тизими эса кўп жиҳатдан ижтимоий ўзини-ўзи ҳимоя қилишнинг бозорга хос тамойилларига мувофиқ келади. Улар ҳозир мавжуд даромадларни келажакда истеъмол фондини шакллантириш учун ажратиш қоидаларига асосланган бўлиб, инвестиция хусусиятига эга, инвестициялардан олинадиган даромад ҳисобига ўз маблағларини кўпайтиришни тақозо этади. Бироқ, уларни даромаднинг истеъмол харатларига нисбатан анча кўп бўлган шароитдагина амалга ошириш мумкин. Аҳолининг даромадли қатламларининг вужудга келишига мувофиқ бундай ҳолат њзага келмоқда. Аҳолининг давлат томонидан ижтимоий таъминланиши кафолатланмаган ўзини-ўзи

банд қиласынан қатламининг ортиб бориши ҳам жамғарыш тизимига ўтишни тақозо этмоқда.

Банк тизимини эркинлаштириш ва қимматбаҳо қоғозлар бозорининг шаклланиши жамғарыш фондларининг ривожланишига күмаклашмоқда. Бу тизим банкларнинг барқарор ишларини таъминлаши лозим, бу эса жамғарыш фондлари учун ўз маблагларини банкларга инвестициялашдан мунтазам даромад олишни кафолатлайди. Жамғармага бериладиган фоиз улуши юқори бўлмаган шароитда инфляциянинг мавжуд суратини табиий нормал даражагача пасайтириши мумкин. Миллий пул бирлигини эркин конвертациялаштирилишига ўтиш билан бу хусусий жамғарма фондларни яратиш учун қуладай шароит вужудга келтиради.

Миллий пул бирлиги эркин конвертацияланиси жорий этилгач, пенсия фондларини эркин конвертациялашган валютада шакллантириш мумкин бўлади. Бу ҳол уларнинг сақланишини, инвестицияланисини ва олинадиган даромадлар ҳисобига ўсишини таъминлайди. Фуқароларнинг пенсия ажратмалари жамғарилиши натижасида уларни банкларга қўйишга қараганда, инвестицияларнинг жиддий манбай бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлади.

АДАБИЁТЛАР

I. Расмий материаллар

I.1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

I.1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 1992. 45 б.

I.1.2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. — Т.: Ўзбекистон, 1997, 239 б.

I.1.3. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги тўғрисида»ги қонуни 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган.

I.1.4. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларни давлат томонидан нафақа билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуни 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган.

I.1.5. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуни 1993 йил 13 сентябрда қабул қилинган.

I.1.6. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни 1997 йил 29 августда қабул қилинган.

I.1.7. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури тўғрисида»ги қонуни 1997 йил 29 августа қабул қилинган.

I.1.8. Ўзбекистон Республикаси «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуни 1998 йил 1 майда қабул қилинган.

I.1.9. «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси» — Т.: Адолат, 1996. 263 б.

I.1.10. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуни 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган.

I.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари

I.2.1. «Республика «Маҳалла» ҳайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги 1992 йил 12 сентябрдаги фармони.

I.2.2. «Ижодкор ёшларнинг «Истеъдод» Республика жамғармасини тузиш тўғрисида»ги 1993 йил 4 майдаги фармони.

I.2.3. «Кам таъминланган оиласларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш тўғрисида»ги 1994 йил 23 августдаги фармони.

I.2.4. «Ўзбекистон Республикаси ёшлари «Камолот» жамғармаси ҳақида»ги 1996 йил 17 апрелдаги фармони.

I.2.5. «Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-куватлаш «нуроний» жамғармаси тўғрисида»ги 1996 йил 4 деқабрдаги фармони.

I.2.6. «Аҳолини аниқ йўналтирилган ҳимоялашда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида»ги 1999 йил 13 январдаги фармони.

I.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси қарорлари

I.3.1. «Иш билан таъминлашга қўмаклашиш республика жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги 1992 йил 31 деқабрдаги 606-сонли қарори.

I.3.2. «Соғлом авлод учун» хукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 1993 йил 3 июндаги қарори.

I.3.3. «Аҳолини иш билан таъминлаш дастурини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги 1993 йил 24 июндаги 310-сонли қарори.

I.3.4. «Болали оиласларга давлат ижтимоий ёрдами тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1994 йил 20 июндаги 308-сонли қарори.

I.3.5. «Болаликдан ногиронларга, қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги 1994 йил 24 июндаги 319-сонли қарори.

I.3.6. «Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар жамғармасини қўллаб-куватлаш ҳақида»ги 1996 йил 31 майдаги қарори.

I.3.7. «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ҳузуридаги «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасини қўллаб-куватлаш тўғрисида»ги 1996 йил 27 сентябрдаги қарори

I.3.8. «Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги 1996 йил 27 декабрдаги 459-сонли қарори.

1.3.9. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларни хорижда таълим олишини қўллаб-кувватлаш «Умид» жамғармасини ташкил этишнинг ташкилий чоралири тўғрисида»ги 1997 йил 13 январдаги 22-сонли қарори.

1.3.10. «Устоз» республика жамғармаси фаолиятини таъминлаш тўғрисида»ги 1997 йил 30 декабрдаги 576-сонли қарори.

1.3.11. «Улуғбек номидаги республика иқтидорли ёшларни қўллаб-кувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги 1990 йил 14 марта 137-сонли қарори.

II. Илмий монографиялар

2.1. *Абдуғаниев А., Талометова З.* Ўзбекистоннинг меҳнат салоҳияти / Т.: Меҳнат, 1998, 99 б.

2.2. *Абдуғаниев А., Мирзакаримова М.* Ўтиш иқтисодиётида меҳнат бозори. / Т.: Меҳнат, 1999, 98 б.

2.3. *Агабекян Р. Л., Авагян Г. Л.* Современные теории занятости: Учеб. пособие. / М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001, 190 с.

2.4. *Акрамов Э., Таирев А.* Экономические реформы Республики Узбекистан.) «М.: ТОО Люкс-арт», 1998 г.

2.5. Актуальные проблемы Европы. Занятость и безработица в Западной Европе: Сборник научных трудов РАН ИИИОН/М.: 2002, 204 с.

2.6. Актуальные проблемы экономики Узбекистана переходного периода / под ред. д.э.н. Гулямова С. С. и др. — ТГЭУ, Т.: 1996, 166 с.

2.7. *Аткинсон Э., Стиглиц Дж.* «Лекции по экономической теории государственного сектора». / М., 1995 г.

2.8. *Ахинов Г. А.* Экономические основы социальной политики государства в условиях переходной экономики России. / М.: МГУ, ТЕИС, 1997, 208 с.

2.9. *Бабич А. М., Егоров Е. Н., Жильцов Е. Н.* Экономика социального страхования / Курс лекций. М.: ТЕИС, 1998. 189 с.

2.10. Безработица, структурная перестройка экономики и рынок труда в Восточной Европе и России / М.: ИНФРА-М, 1995 г. 477 с.

- 2.11. *Блази Дж. Р., Круз Д. Л.* Новые собственники (наемные работники — массовые собственники акционерных компаний). / Пер., с англ. М., 1995.
- 2.12. *Блауг М.* Экономическая мысль в ретроспективе. / Пер. с англ. М., 1994 г., 342 с.
- 2.13. *Бункина М. К., Семенов В. А.* «Макроэкономика». / М., 1995 г. 111 с.
- 2.14. *Вахрин П. И., Нешитой А.С.* Финансы: Учебник / М.: «Маркетинг», 2000 г., 502 с.
- 2.15. Введение в социальное обеспечение. / Пер., с англ. — «Международное бюро труда». Женева, 1995 г. 153 с.
- 2.16. *Вереникин А. О.* Занятость и государство в переходной экономике . / М.: МГУ, ТЕИС, 1998, 115 с.
- 2.17. *Веренцов М. М., Чепурненко Н. В.* «Анализ качества и эффективности здравоохранения». / Обзорная информация.— М., 1986 г.
- 2.18. *Воблый К. Г.* «Основы экономики страхования». / М., 1995 г.
- 2.19. *Волков А. М.* «Швеция: социально-экономическая модель». / Справочник. — М. 1991 г.
- 2.20. *Волошина В.В., Титов К.А.* «Государственная служба в Российской Федерации: теоретико-правовое исследование». / М., 1995 г.
- 2.21. *Гаврилова Н.М., Пономаренко Е. В.* Третий сектор: механизм некоммерческого хозяйствования. / М., 1999. 136 с.
- 2.22. «Государственная кадровая политика: концептуальные основы, приоритеты, технологии реализации» / Под общ. ред. С.В. Пирогова., рук. авт. кол. В. А. Сулемов. — М., 1996 г.
- 2.23. «Государственная служба в России (опыт организации и кадрового обеспечения). / Документы. — Ниж. Новгород, 1994 г.
- 2.24. «Государственная служба в Российской Федерации: становление, кадровое обеспечение»: Сб. научн. ст. / РАУ. — М., 1994 г.
- 2.25. «Государственная служба: организация, кадры, управление». / М., 1996 г.

-
- 2.26. «Государственное регулирование экономики и социальный комплекс» / Под ред. Морозовой Т. Г., Пикулькина А. В. — М., 1997г. 221 с.
- 2.27. Дробозина Л. А. «Финансы». Учебник / М.: ЮНИТИ. 1999 г., 400 с.
- 2.28. Жильцов Е. Н. «Экономика общественного сектора и некоммерческих организаций». / М. 1995 г. 185 с.
- 2.29. Жуков С. «Экономическое развитие Казахстана, Кыргызстана и Узбекистана в 1990—95 г.г.» / М.: ИМЭМО РАН, 1996 г.
- 2.30. Зайдель Х., Теммен. Р. Основы учения об экономике. / М.: Дело ЛТД, 1994 г., 399 с.
- 2.31. Занятость и политика на рынке труда в некоторых странах с переходной экономикой. / Вып. 5 — М., Изд. Бюро МОТ, 2000, 95 с.
- 2.32. Здоровье и здравоохранение в Нидерландах. Под ред. А. Й. П. Шрийверса / К.: Сфера, 1998. 324 с.
- 2.33. Золотогоров В.Г. Инвестиционное проектирование. / Учебное пособие. — Минск: ИП «Экоперспектива», 1998 г.
- 2.34. Индейкин Е.Н., Кричагин В. И., Мыльникова И. С. «Финансирование здравоохранения». / М., 1992 г.
- 2.35. Индейкин Е.Н., Сибурина Т. А., Мидлин Н.С., Егорышева И.В. «Страховая медицина: проблемы, опыт, перспективы». / М., 1991 г.
- 2.36. Институциональная инфраструктура пенсионной реформы в России / авт. коллектив Астанович и др., Бюро экон. анализа. — М., 1998, 157 с.
- 2.37. К реформе социального обеспечения: принципы и прагматизм. / Вып. 1 — М., Изд. Бюро МОТ, 1999, 155 с.
- 2.38. Кадомцева С.В. «Экономические основы системы социальной защиты». / М., 1997 г. 248 с.
- 2.39. Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли». / Т.: 1992 й. 79 б.
- 2.40. Каримов И.А. «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли». / Т.: Ўзбекистон, 1993 й. 128 б.
- 2.41. Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари». / Т.: Ўзбекистон, 1993 й. 56 б.

- 2.42. *Каримов И.А.* «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг биринчи мажлисидаги мъруза, 1995 йил 23 феврал». / Т.: «Ўзбекистон», 1995 й. 74 б.
- 2.43. *Каримов И.А.* «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ўйлида. / Т.: Ўзбекистон, 1995 й. 269 б.
- 2.44. *Каримов И.А.* «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». / Т.: Ўзбекистон, 1997 й. 325 б.
- 2.45. *Каримов И.А.* «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 14 апрел 1999 йил биринчи чақириқ ўн тўртинчи сессиядаги нутқи». / Т.: «Ўзбекистон», 1999 й. 48 б.
- 2.46. *Каримов И.А.* «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2000 йил 22 январда сессиясида сўзланган нутқи». / Т.: «Ўзбекистон», 2000 й. 77 б.
- 2.47. *Кейнс Дж. М.* «Общая теория занятости, процента и денег». / Гл. 3. В кн.: Избранные произведения: Пер., с англ. — М., 1993 г.
- 2.48. Курс социально-экономической статистики: Учебник для вузов / Под ред. проф. М.Г. Назарова. / М.: Финстатинформ, ЮНИТИ-ДАНА, 2000, 771 с.
- 2.49. *Ламперт Хайнц.* «Социальная рыночная экономика». Германский путь. М., 1994 г., 219 с.
- 2.50. *Львов Ю.А.* «Основы экономики и организации бизнеса». / С.—П. 1992 г.
- 2.51. *Макконнелл К., Брю С.* «Экономикс: Принципы, проблемы и политика» / Пер., с англ., — М., 1992 г., т. 2, 400 с.
- 2.52. *Максакова Л.П.*, «Миграция населения Республики Узбекистан». / Т.: Издательский Дом Эльдинур, 2000, 115 с.
- 2.53. Некоторые вопросы заработной платы в странах с переходной экономикой. / вып. 2. — М.: Изд. Бюро МОТ, 1999, 110 с.
- 2.54. Обязательное медицинское страхование: организация и финансирование. / М.: 1995, 167 с.
- 2.55. Организация и действие социальной помощи во Франции / Издательство ФОТС, 1993, 116 с.

-
- 2.56. Отчет о сотрудничестве по развитию Узбекистана 1997г. Программа развития Организации Объединенных Наций. / Т.: РАСТР, Узбекистан, 1998 г., 109 с.
- 2.57. Погорлецкий А. И. Экономика зарубежных стран: Учебник. — СПб.: Изд-во Михайлова В. А., 2000 г., 491 с.
- 2.58. Портер М. «Международная конкуренция». / М., 1994 г., 896 с.
- 2.59. Премчанд А. Управление государственными расходами. / Пер., с англ. — Международный Валютный Фонд, Вашингтон, 1994 г. 280 с.
- 2.60. «Проблемы становления государственной и муниципальной власти в России». / Екатеринбург, 1995 г.
- 2.61. Прокопов Ф.Т. Безработица и эффективность государственной политики на рынке труда в переходной экономике России. / М.: МГУ, ТЕИС, 1999, 311 с.
- 2.62. Регулирование социального развития в России / Сбор. стат. — М.: Институт Экономики РАН, 1997, 161 с.
- 2.63. Реформирование социального сектора в переходной экономике. — Институт Экономического развития Всемирного Банка/ 6– 18 января, 1997 г., г. Ташкент.
- 2.64. Ризаев С.Г. «Кадры: профессионализм и компетентность». / Ташкент, 1991 г.
- 2.65. Робинсон Дж. «Экономическая теория несовершенной конкуренции». / М., 1986 г.
- 2.66. Роук В. Д. «Социальное страхование: история, проблемы, пути совершенствования» / М.: 1994, 126 с.
- 2.67. Рузавин Г.И. «Основы рыночной экономики». / М., 1996, 423 с.
- 2.68. Рынок труда и доходы населения: Учеб. пособие. / Под общ. ред. Н. А. Волгина. М.: «Филинъ», 1999, 280 с.
- 2.69. Сакс Дж. Рыночная экономика и Россия. / Пер., с англ. ВВСМРМ — М.: Экономика, 1994, 331 с.
- 2.70. Сакс Дж., Ларрен Ф. «Макроэкономика. Глобальный подход» / Пер., с. англ. — М., 1996 г.
- 2.71. Самуэльсон П., Нордхус В. «Экономика» / Пер., с англ. — М., 1997 г.
- 2.72. Семенов В.Ю., Гришин В.В. «Опыт реформирования

здравоохранения в зарубежных странах» / М.: Федеральный фонд ОМС, 1997, 256 с.

2.73. «Современные Соединенные Штаты Америки: Энциклопедический справочник». / М., 1998 г.

2.74. Сокращение роли государства. «Государственное управление и человеческое развитие» / М.: «Право человека», 1997, с. 139.

2.75. «Социальная политика и экономические преобразования в Узбекистане» / Под ред. К. Гриффина / Пер., с англ., — Программа развития ООН, 1995 г. 196 с.

2.76. Социальная статистика: Учебник / Под ред. И. И. Елисеевой. — 3-е изд., М.: Финансы и статистика, 2002, 480 с.

2.77. Социальный менеджмент. Учебник / Под ред. Д. В. Валового. — М.: ЗАО «Бизнес школа» Интоп-Синтез, АТСО, 1999, 384 с.

2.78. Социальные реформы в странах с переходной экономикой. — М.: ИКЦ «ДИС», 1997, 223 с.

2.79. Стиглиц Дж. Ю. Экономика государственного сектора / Пер. с англ. — М.: Изд-во МГУ: ИНФРА — М., 1997 — 720 с.

2.80. «Теория потребительского поведения и спроса» / Серия «Вехи экономической мысли». — СПб, 1993 г.

2.81. Трудовые ресурсы и глобализация экономики 1995 / Всемирный Банк, Вашингтон, 174 с.

2.82. «Узбекистан. План экономических реформ». / Всемирный банк. Вашингтон, 1992 г., 335 с.

2.83. «Узбекистан. Реформа социальной защиты» / Пер., с англ. — Всемирный банк. Вашингтон, 1994, 125 с.

2.84. Узбекистан. Экономический меморандум. Субсидии и перераспределение средств. / Документы Всемирного Банка, 1994 г. Доклад № 12934-UZ, 118 с.

2.85. Узбекистан обзор политики социальных и структурных реформ. 25 августа, 1999 г. / Документы Всемирного Банка, 1999 г., Доклад № 19626, 142 с.

2.86. «Узбекская модель перехода от административно-

командной, централизованно-плановой системы к основам рыночной экономики». / Научный отчет по «Государственной научно-технической программе № 4, раздел 3—8. Т., 1998 г., 383 с.

2.87. Узбекистан курсом свершений и процветания. / Т.: «Ижтимой фикр», 2000 й.

2.88 Улмасов А. Оила иқтисоди. / Т., «Меҳнат», 1998 й., 49 б.

2.89. Финансы. Учебник для вузов. Под. ред. М. В. Романовского. / Учебник. — М.: изд. «Перспектива»; изд. «Юрант», 2000 г., 520 с.

2.90. Финансы / В. М. Родионова и др. / Под ред. В. М. Родионовой. — М.: Финансы и статистика, 1994 г., 432 с.

2.91. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. «Экономика» / Пер., с англ. — М.: Дело Лтд., 1995 г., 829 с.

2.92. «Франция». / Ежегодник. — М., 1994 г.

2.93. Хейне П. «Экономический образ мышления» / Пер. с англ. — М., 1993 г., 703 с.

2.94. Хэмптон Д. Д. «Финансовое управление в страховых компаниях». / Пер. с англ. — М., 1998 г.

2.95. Центральная Азия 2010 — Перспективы человеческого развития. / Региональное бюро по странам Европы и СНГ, ПРООН, 1999. 236 с.

2.96. Шарп У., Александр Г., Бэйли Дж. «Инвестиции» / Пер., с англ. — М.: 1024 с.

2.97. Эклунд К. «Эффективная экономика. Шведская модель» / Пер. со швед. — М.: Экономика, 1991 г.

2.98. «Экономика». / Под ред. А. С. Булатова. / М., 1995 г., 604 с.

2.99. Экономика и управление в зарубежных странах (по материалам иностранной печати) / М.: 1999, 294 с.

2.100. Экономика труда: социально-трудовые отношения / Под ред. Н.А. Волгина, Ю.Г. Одегова. М.: Изд-во «ЭКЗАМЕН», 2003, 736 с.

2.101. Эренберг Р. Дж., Смит Р. С. Современная экономика труда. Теория и государственная политика. / М. Изд-во МГУ, 1996, 800 с.

- 2.102. *Юрьева Т. В.* Социальная рыночная экономика. / Учебник для вузов. — М.: Русская Деловая Литература, 1999. — 416 с.
- 2.103. *Якобсон Л. И.* Экономика общественного сектора: Основы теории Государственных финансов. / М., 1996 г., 276 с.
- 2.104. «Япония: справочник». / М., 1992 г.
- 2.105. *Курбонов Ш.* Баркамол авлод орзуси. / Т.: «Шарқ». 1998, 184 б.

III. Авторефератлар

- 3.1. *Аллақулов Х.* Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иқтисодий муносабатлар субъектларининг дифференциацияси. Иқт. фан. докт. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореф. — Тошкент. 1999. — 41 б.
- 3.2. *Хакимова М. А.* Реформирование и развитие социального сектора Узбекистана в условиях перехода к рынку. Автореф.дисс.на соис.уч.ст.д.э.н. — Т.: 2000, 38 с.

- 3.3. *Рахимова Д. Н.* Управление процессами развития трудового потенциала Узбекистана в условиях осуществления радикальных рыночных реформ. Автореф.дисс.на соис.уч.ст.-д.э.н. — Т.: 2000, 39 с.

IV. Хорижий илмий нашрлар

- 4.1. Consultation on the World Development Report 2000/01. Budapest, Hungary; Mach 29—30, 2000. 235 p.
- 4.2. *Shireen T. Hunter.* Central Asia Science Independence. Published with The Center for strategic and International Studies, Washington. D. C. 1996. 226 p.
- 4.3. World Development Report 2002. Building Institutions for Markets. The World Bank. 2002. P. 249.
- 4.4. World Tables 1995. The Johns Hopkins University Press, Baltimore and London, 1995. P. 766.
- 4.5. International workshop on: «Pension Reform in Transition Economics», 10—26 September, 1997. The International institute — Histadrut, Israel.

- 4.6. Social Security and Pension Reform. Joint Vienna Institute, Vienna, Austria, June 1—5, 1998.
- 4.7. Regional Conference on social investment funds in transition economics, Yerevan, Armenia, November 9—12 of 1998.
- 4.8. Pension Systems in Crisis. Harvard Institute for International Development, World Bank Institute Workshop on Pension Reform. Cambridge, Massachusetts, June 14—25, 1999.
- 4.9. Protection the Vulnerable: The Design and Implementation of Effective Nets. Washington, D. C., December 4—15, 2000. 230 p.
- 4.10. Training of Trainers Course on Social Policies, Programs and Projects in the Newly Independent States. Part I. Moscow, March 13 — April 22, 1995.
- 4.11. Training of Trainers Course on Social Policies, Programs and Projects in the Newly Independent States. Part II. Washington D. C., May 14 — June 9, 1995.
- 4.12. Training of Trainers Course on Social Policies, Programs and Projects in the Newly Independent States. Part III. Tashkent, Uzbekistan, September 16—29, 1995.
- 4.13. Social Policy Reform in Transition Economies. The World Bank Institute, International Workshop on: «Labor Markets in Transition Economies». Dublin, Ireland, October 10—20, 1999.
- 4.14. Балдаччи Э., Де Мельо Л., Инчаусте Г. Финансовые кризисы, бедность и распределение доходов. // Финансы и развитие. Июнь 2002, с. 24—27.
- 4.15. Де Ферранти Д., Лейпцигер Д., Сринивас П.С. Будущее пенсионной реформы в Латинской Америке. // Финансы и развитие. Сентябрь 2002, с. 39—43.
- 4.16. Образование в странах с переходной экономикой: задачи развития. Вашингтон, Всемирный Банк, 2000. 183 с.
- 4.17. Хольцман Р. Центральная и Восточная Европа: Трудное начало пенсионной реформы. Вашингтон, Всемирный Банк, 1996. 110 с.
- 4.18.. Хольцман Р. «Об экономических выгодах и фискальных требованиях перехода от неоплаченных к оплаченным пенсиям» / Вашингтон, Университет Джона Гопкинса, 1999. 70 с.

4.19. Предупреждение кризиса старения населения: политика защиты престарелых и содействия экономическому росту. / Вашингтон, Всемирный Банк, 1994. 224 с.

V. Илмий мақолалар

5.1. *Абатуров В., Рустамов Д.* Крупный и малый бизнес: в мире и в Узбекистане. // Рынок, деньги и кредит, 1999 г., № 11.

5.2. *Авраамова Е.* К проблеме формирования среднего класса в России. // Вопросы экономики. 1998. № 7, с. 78–87.

5.3. *Акрамов Э.* Независимость: ход экономических реформ. // Экономика и статистика, 1998 г., № 5–6. с. 17–20.

5.4. *Албеда В.* Государство и социальное партнерство в Голландии. // Вопросы экономики, 1994 г., № 5. с. 97–102.

5.5. *Аношкина В.* Подходы к формированию системы налоговых льгот. // Экономическое обозрение, 1998 г., № 3. с. 19–23.

5.6. *Ахмедов Д.* Правовые основы социальной защиты. // Экономика и статистика, 1998 г., № 2. с. 65–66.

5.7. *Ахмедов Т., Салихов Ш.* Первостепенная забота государства. // Экономика и статистика, 1998 г., № 2. с. 24–25.

5.8. *Бозоров Ф.* Налоги у правление экономикой. // Экономика и статистика, 1997 г., № 6. с. 11–12.

5.9. *Баранов А.* Социально-экономические проблемы депопуляции и страхования населения // Вопросы экономики. 2000. № 7. с. 111–121.

5.10. *Браччи Дж.* Новые формы занятости и информационные технологии. // Вопросы экономики, 1998 г., № 2, с. 153–158.

5.11. *Бычков А.* Глобализация экономики и мировой фондовый рынок. // Вопросы экономики, 1997 г., № 12 с. 82–93.

5.12. *Вавилов А., Поманский А., Трофимов Г.* Пенсионная реформа в России: анализ переходного процесса. // Вопросы экономики, 1999. № 2, с. 103–118.

5.13. *Валентей С., Нестеров Л.* Человеческий потенциал: новые измерители и новые ориентиры. // Вопросы экономики, 1999, № 2, с. 90–102.

-
- 5.14. *Василевский Э.* США: социальная ориентированность производства. // Вопросы экономики, 1993 г., № 1, 2 с. 42—46.
- 5.15. *Викс Дж.* Социальная политика в переходной экономике: анализ путей развития // Экономическое обозрение. 1998 № 1, с. 5—14.
- 5.16. *Газибеков Д.* Инвестиции: что понимать под этим. // Рынок, деньги и кредит, 1999 г., № 9. С.
- 5.17. *Гонтмахер Е.* Общественный договор как основа оптимальной социальной модели. // Общество и экономика, 1999, № 10—11, С.
- 5.18. *Григорьева А.* Микрокредиты — это реально. // Рынок, деньги и кредит, 1998 г., № 5.
- 5.19. *Грищенко Н.* Выбор — социальное государство. // Общество и экономика., 1999, № 10—11. С. 49.
- 5.20. *Гулямов С., Мамарасулов Х.* Об основных этапах и перспективах экономического развития. // Экономический вестник Узбекистана, 1999 г., № 3.
- 5.21. *Джураева К.* Коммерческие банки и кредитование реального сектора экономики Узбекистана. // Рынок, деньги и кредит, 1998 г., № 5.
- 5.22. *Дмитриев М.* Эволюция пенсионной системы России в условиях экономического кризиса. // Вопросы экономики, 1999, № 10, с. 20—37.
- 5.23. *Дунаева Н.* Молодежь на рынке труда. // Вопросы экономики, 1998 № 1, с. 81—91.
- 5.24. *Заславский И.* К новой парадигме рынка труда. // Вопросы экономики, 1998, № 2, с. 83—95.
- 5.25. *Зиедуллаева Л., Ибрагимов И.* Экономика Египта. // Экономика и статистика, 1998 г., № 2, с. 42—43.
- 5.26. *Зиявуддинова А.* Инвестиции в образование: международный опыт. // Экономический Вестник Узбекистана, 1999 г., № 4.
- 5.27. *Иванов В. Н., Суворов А. В.* Важнейшие задачи государственной политики доходов. // Экономическая наука современной России, 1999, № 2, с. 78—86.
- 5.28. *Илларионов А.* Экономическая свобода и благосостояние народов. // Вопросы экономики, 2000, № 4, с. 83—101.

- 5.29. *Илларионов А.* Модели экономического развития и Россия. // Вопросы экономики, 1996 г., № 7, с. 4—18.
- 5.30. *Исамиддинова Д.* Социальные фонды: их роль в условиях экономических реформ. // Экономическое обозрение, 1998 г., № 2.
- 5.31. *Йонг Х. В. Д.* Европейский капитализм между свободой и социальной справедливостью. // Вопросы экономики, 1994 г., № 5, с. 106—109.
- 5.32. *Камилова М.* Содержание переходной экономики в Узбекистане: общее и особенное. // Общество и экономика, 1998 г., № 3.
- 5.33. *Каримова Д.* Микрокредиты — для развития семейного бизнеса // Экономический Вестник Узбекистана, 1999 г., № 1—2.
- 5.34. *Керимов У.* Самая главная цель — благополучие моего народа. // Экономика и статистика, 1998 г., № 8, с. 15—16.
- 5.35. *Кнаак Р.* Социальное партнерство: западный опыт. // Вопросы экономики, 1994 г., № 5, с. 15—16.
- 5.36. *Койчуев Т.* Социальная модель в переходный период. // Общество и экономика, 1999, № 10—11.
- 5.37. *Колодко Г.* Вопросы справедливости и экономическая политика в постсоциалистических странах. // Вопросы экономики, 1999, № 1, с. 64—76.
- 5.38. *Космаровская Т.* Средний класс и социальная политика. // Вопросы экономики, 1998, № 7, с. 88—97.
- 5.39. *Котляр А.* О понятии рынка труда. // Вопросы экономики, 1998, № 1, с. 33—41.
- 5.40. *Кошанов А.* Социальная сфера как фактор устойчивости национальной безопасности. // Общество и экономика, 1999, № 10—11.
- 5.41. *Куддо Арво.* Социальные преобразования: социальная политика и политика в области занятости в странах бывшего советского союза. Курс обучения преподавателей в новых независимых государствах. Ч. III — Институт экономического развития Всемирного Банка, 1995.
- 5.42. *Курпаяниди К.* Вклад иностранных благотворительных организаций в экономику республики. // Экономический вестник Узбекистана, 1998 г., № 2.

-
- 5.43. *Лившиц А.* Государство в рыночной экономике. // *Российский экономический журнал*, 1992 г., № 10—11.
- 5.44. *Луценко Л.* Опыт экономических реформ в Китае и Узбекистане: итоги и перспективы. // *Экономический вестник Узбекистана*, 1999 г., № 1—2.
- 5.45. *Луценко Л.* Социальная защита населения в развитых странах. // *Экономика и статистика*, 1998 г., № 3, с. 65—66.
- 5.46. *Львов Д., Овсиенко Ю.* «Российская пенсионная система и пути ее реформирования» // *Вопросы экономики*. 2000, № 8, с. 111—120.
- 5.47. *Малик Х.* Бедность и доходы в Узбекистане и других центрально азиатских стран. // *Экономическое обозрение*. 1998. № 1. с. 20—25.
- 5.48. *Малютина М.* Императивы реформы российской системы пенсионного обеспечения. // *Вопросы экономики*, 1998, № 10, с. 118—126.
- 5.49. *Мисихина С.* Социальные выплаты и льготы в Российской Федерации: распределение по группам с различным уровнем дохода. // *Вопросы экономики*, 1999, № 2, с. 85—89.
- 5.50. *Московская А., Московская В.* Качественные и количественные сдвиги в сфере занятости. // *Вопросы экономики*, 1999, № 11, с. 114—127.
- 5.51. *Мюрат Али Юлек.* Приватизация в Турции. // *Вопросы экономики*, 1992 г., № 9.
- 5.52. *Нестеренко А.* Социальная рыночная экономика: концептуальные основы, исторический опыт, уроки для России. // *Вопросы экономики*, 1998 г., № 8. с. 71—84.
- 5.53. *Овчарова Л., Турунцев Е., Корчагина И.* Бедность — где порог? // *Вопросы экономики*, 1998, № 2, с. 61—72.
- 5.54. *Олейник А.* Домашние хозяйства в переходной экономике: типы и особенности поведения на рынке. // *Вопросы экономики*, 1998, № 12, с. 56—66.
- 5.55. *Пиирайнен Т., Турунцев Е.* Отталкиваясь от Макса Вебера: к пониманию процессов социальной трансформации в России. // *Вопросы экономики*, 1998, № 7, с. 65—77.
- 5.56. Разновидности рыночного хозяйства. // *Вестник Московского университета*, сер. экономическая, 1993 г., № 2.

- 5.57. Ракитский Б. Социальная защищенность и ее типы. // Вопросы экономики 1992 г., № 7.
- 5.58. Раҳимова Д. Давлат томонидан кучли ижтимоий ҳимоя тадбирларини қўлланиши. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2000. № 3. с. 40—41.
- 5.59. Рощина Я. Формирование предпринимательского слоя и дифференциация стилей жизни. // Вопросы экономики, 1998, № 3, с. 114—127.
- 5.60. Рузметов Б. Структурная политика региона. // Экономика и статистика, 1997 г., № 5. с. 9—11.
- 5.61. Сабирьянова К. Макроэкономический анализ динамических изменений на российском рынке труда. // Вопросы экономики, 1998, № 1, с. 42—58.
- 5.62. Сайдова Г. Социальная политика правительства Узбекистана в переходном периоде: достижения и проблемы // Экономическое обозрение. 1998, № 1, с. 15—19.
- 5.63. Семенов А. Принципы и механизмы создания рабочих мест. // Экономист, 2000, № 2, с. 40—47.
- 5.64. Симагин Ю. Об оценках масштабов дополнительной занятости населения. // Вопросы экономики, 1998, № 1, с. 99—104.
- 5.65. Слэй Б. Приватизация и демонополизация. // Вопросы экономики, 1992 г., № 3, с. 58—68.
- 5.66. Смирнов С., Исаев Н. Социальная политика: новый курс. // Вопросы экономики, 1999, № 2, с. 65—73.
- 5.67. Соболева И., Четвернина Т. Масштабы безработицы в России и способы ее измерения. // Вопросы экономики, 1999, № 11, с. 99—113.
- 5.68. Токсанбаева М. Трудовые доходы и бедность. // Вопросы экономики, 1998, № 7, с. 98—109.
- 5.69. Трансформация. Экономический бюллетень в странах с переходной экономикой, № 3, Июнь, 1999, с. 40.
- 5.70. Убайдуллаева Р. А. Сильная социальная политика и развитие системы социальных гарантий. // Общество и экономика, 1998, № 3, с. 132—141.
- 5.70. Уилсон Э., Гордон Д. Многообразие рыночных реформ. // Вопросы экономики, 1992 г., № 3, с. 35—43.

-
- 5.71. Ульмасов А., Дмитриев В. Большой цикл и инвестиции. // Рынок, деньги и кредит, 1997 г., № 3.
- 5.72. Филатова О. Стоимость рабочей силы в России. // Экономист, 2000, № 4, с. 41—50.
- 5.73. Хайдаров Х. Социальное прогнозирование, планирование и управление. // Экономика и статистика, 1998 г., № 7, с. 39—40.
- 5.74. Хакимова М. Роль государства в развитии социального сектора. // Экономика и статистика, 1998 г., № 4, с. 73—74.
- 5.75. Холиков Ш. Экономическое развитие Южной Кореи. // Экономика и статистика, 1998 г., № 5—6, с. 50—51.
- 5.76. Хорсман Дж. Снижение расходов при проведении рыночных реформ. // Вопросы экономики, 1992 г., № 3, с. 69—72.
- 5.77. Четвернина Т., Лакунина Л. Напряженность на российском рынке труда и механизмы ее преодоления. // Вопросы экономики, 1998, № 2, с. 115—130.
- 5.78. Четвернина Т. «Кризис Фонда Занятости и путь его преодоления» // Вопросы экономики, 1999, № 11, с. 82—98.
- 5.79. Четыркин Е., Кабалкин С. «Мировой опыт реформирования пенсионных систем: уроки для России». // Вопросы экономики, 2000, № 8, с. 121—130.
- 5.80. Чибrikov Г. Трактовки модели экономического развития и ее элементов. // Российский экономический журнал, 1995 г., № 2, с. 75—82.
- 5.81. Шишкун С. Дileммы реформы здравоохранения. // Вопросы экономики, 1998, № 3, с. 90—104.
- 5.82. Эргашев А. Устойчивое развитие: что это такое и как его достичь. // Экономика и статистика, 1998 г., № 2, с. 72—75.
- 5.83. Эркаев Б. Особенности национальной модели перехода к рыночным отношениям в Узбекистане. // Общество и экономика, 1998 г., № 3. С
- 5.84. Эшкувватов Б. Система социальной рыночной экономики Германии. // Экономика и статистика, 1998 г., № 5—6, с. 46—47.

VI. Статистик тўпламлар

- 6.1. Бюджеты рабочих, служащих, колхозников в. 1975—1988 гг. — М., 1989 г., с. 6, 15—46.
- 6.2. Гендер и развитие в Узбекистане 1998 — Стат. сбор: ПРООН / Комитет женщин Узбекистана, 1999, с. 77.
- 6.3. «Государство в меняющемся мире. Отчет о мировом развитии». — Вашингтон, 1997, с. 305.
- 6.4. Доклад о развитии человека за 1999 год // Экономическое обозрение. 1999. № 5—6, с. 74—75.
- 6.5. «Доклад о человеческом развитии.» Узбекистан. 1999 — Т.: UNDP, 2000, 92 б.
- 6.6. «Доклад о человеческом развитии.» Узбекистан. 1996 г. — Т., 1996 г. 131 с.
- 6.7. «Доклад о человеческом развитии.» Узбекистан. 1997 г.— Т., 1997 г. 125 с.
- 6.8. «Доклад о человеческом развитии.» Узбекистан. 1998 г. — Т., 1998 г. 120 с.
- 6.9. Инсон тараққиёти тўгрисида маъруза. / Тошкент: Ўзбекистон, 2000, 100 б.
- 6.10. Итоги социально-экономического развития и оценка хода экономических реформ за 1999 г. Социальная сфера. Ташкент — 2000 г. с. 39.
- 6.11. На пороге XXI века. Доклад о мировом развитии 1999/2000 года / М.: Изд-во «Весь мир», Всемирный Банк, 2000, с. 277.
- 6.12. «О результатах обследования бюджетов семей в Андижанском, Бухарском, Джизакском и Сурхандарьинском вилоятах». Бюджетное исследование, 1999 г.
- 6.13. «О пенсионном обеспечении в странах содружества». Межгосударственный статистический комитет СНГ. Стат. ежегодник. — М., 2000 г., 8 с.
- 6.14. От плана к рынку. Отчет о мировом развитии, 1996. — Вашингтон, 1996, с. 311.
- 6.15. *Помфрет Р.* Сравнительный анализ национальных стратегий по сокращению бедности: Узбекистан, Казахстан

стан, Кыргызстан // Экономическое обозрение. 1998, № 1, с. 26—33.

6.16. Содружество Независимых Государств в 1997 г. Статистический ежегодник. — М., 1998 г., с., 118, 165, 213, 298, 338, 389, 438, 490, 534, 614.

6.17. Содружество Независимых Государств в 1998 г. Краткий справочник / Статкомитет СНГ. — М.: 1999, с. 330.

6.18. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари. — Тошкент, 1999. 66 б.

6.19. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари. Тошкент, 1998. 75 б.

6.20. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари. Қисқача статистик тўплам. Т.: 1997, 52 б.

6.21. «Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 1998 год». — Т., 1999 г.

6.22. «Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 1999 г.». — Т., 2000 г., 167 с.

ВАҲОБОВ
Абдураҳим Восиқовиҷ
иқтисод фанлари доктори

**БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ
ТИЗИМИДАГИ ИЖТИМОИЙ
ФОНДЛАР**

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2003

Муҳаррир *A. Баҳромов*
Бадиий муҳаррир *A. Мусаҳӯжаев*
Техник муҳаррир *P. Бобохонова*
Мусаҳҳиҳлар *Ю. Бизаатова, Ш. Хуррамова*
Саҳифаловчи *Л. Цой*

Теришга берилди 18.03.2003. Босишига руҳсат этилди 5.05.2003.
Бичими 84x108¹/₃₂. Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма
табоги 16,8. Нашриёт-ҳисоб табоги 16,1. Адади 1000 экз.
Буюртма № 4782. Баҳоси келишилган асосида.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси
700083 Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41**